**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА-МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

А. Маманов

# Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

**Самарқанд – 2015 йил**
**«Zarafshon» нашриёти ДК**

**УЎК: 821.512.133-1**
**66.3(5Ў)0**
**М 23**
Маманов, Абдураҳим
Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар [Монография]/ А. Маманов,. – Самарқанд : «Zarafshon», 2015. – 156 б.

**КБК 66.3(5Ў)0**

**Масъул муҳаррир:** т.ф.д, проф. Ф.Х. Набиев. СамДУ.

**Тақризчилар:** фал.ф.д., проф. С. Каримов. СамДУ,
т.ф.н. доц., Р.Мардонов. СамДУ,
фал.ф.н. доц., Л.Жўраев. СамДУ.

Миллий менталитет ёки бошкача айтганда ижтимоий феъл-атвор деганда нимани тушунамиз?

Нима учун андиша деган қадриятга кўпроқ Шарқ халқлари амал қилишади?

Ғарб халқларига кўпроқ хос бўлган ҳурфикрлик индивидуалзмнинг илдизлари нимада?

Мазкур монографиянинг биринчи қисмида асосий эътибор Шарқ ва Ғарб халқлари менталитети ўртасидаги мазкур тафовут уларга хос бўлган ишлаб чиқариш усулидан пайдо бўлган деган фикрни асослашга қаратилган.

Иккинчи бўлимда асосий эътибор тарих фалсафаси соҳасига қаратилган бўлиб, Ғарб мамлакатларида тараққиёт тўғри чизиқли назариясига мос равишда, Шарқ мамлакатларида эса доиравий йўл билан кечиши кўрсатилади ҳамда тарихий тараққиёт ҳақида муаллиф нуқтаи назарияси баён этилади.

Монография олий ўқув юртлари талабалари, магистрлар, илмий ходимлар ва ижтимоий-гуманитар соҳа ўқитувчилари, ходимларига мўлжалланган.

**ISBN 978-9943-4571-1-2**

©А. Маманов
©»Zarafshon» нашриёти ДК



## МУНДАРИЖА

Кириш ............ 4
I БОБ
1. Жамият тараққиёти масалаларини тадқиқ қилишнинг илк тарихи ............ 13
2. Шарқ ва Ғарб тараққиётини қиёсий ўрганишга бағишланган адабиётлар ва уларнинг илмий таҳлили ............ 20
3. Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» асарида ............ 25
эллинистик маданиятининг Шарқдаги тақдири ҳақида ............ 25
4.Э. Фроммнинг ижодида Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослиги масаласига муносабат ............ 33
5.«Бобурнома»да оқар сувли ерларга муносабат ва ............ 46
суғорма деҳқончиликнинг экологик маданият ҳамда шаҳарсозликка таъсири масалалари ............ 46
6.Бадиий адабиётларда миллий менталитетнинг акс этиши56
«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларида ижтимоий характернинг намоён бўлиши таҳлили ............ 65
II БОБ
Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослигини ишлаб чиқариш усулига боғлиқлиги ............ 73
1. Суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг давлат характерига, тараққиётга таъсир механизми ............ 73
2. Шарқ мафкурасининг суғорма деҳқончилик хусусиятларига боғлиқлиги ............ 85
3. Шарқда давлат бошлиғини илоҳийлаштирилиш даражасининг суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрнига мутаносиблиги ............ 93
4.Ер эгалиги шаклларининг суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрнига боғлиқлиги ............ 106
5.Шарқда ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашинувидаги поизчиллик ............ 117
6.Шарқ ва Ғарбда ҳуқуққа бўлган муносабатнинг ўзига хослигини шакллантирувчи омил ............ 122
7. Шарқ мамлакатларида такрорланиб келувчи «давр-цикл»нинг юз бериш механизми ............ 135
Хулоса ............ 150

# КИРИШ

Ўзбекистон танлаган демократик тараққиёт йўли «ўзбек модели»нинг ўзига хослиги миллий менталитетимиз хусусиятларини ва уни шакллантирган омилларни таҳлил қилишни талаб қилади. Ўзига хос йўлдан ривожланиб бораётган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни амалга оширишда миллий менталитетимиз ўрнини ҳисобга олишга қаратилган илмий тадқиқотлар бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти умуминсоний демократик қадриятлар миллий қадриялар билан уйғунлаштирилишига боғлиқ. Бугунги кунда дунё, жумладан Ўзбекистон ҳам демократияни Ғарбдан ўрганмоқда, чунки Ғарб демократик ривожланишда Шарқ мамлакатларидан анчагина илгарилаб кетди. Лекин Ғарб тажрибасини андаза сифатида қабул қилиш ва бунда миллий менталитетимизни инобатга олмаслик тараққиёт жараёнида салбий ҳолатларни келтириб чиқариши мумкин. Нега деганда, Ғарб ва Шарқнинг ўзига хослиги, демократик ислоҳотларни амалга оширишда ўзига хос усуллардан фойдаланишни тақозо этиши инкор қилиб бўлмайдиган оддий ҳақиқатдир. Ушбу хусусда гапириб, Нобел мукофотининг лауреати Р. Киплинг «Ғарб бу Ғарб, Шарқ бу Шарқ ва охиратгача улар қўшила олишмайди»[1] деб бежизга таъкидламаган. Шунинг учун ҳар қандай шароитда Ғарб ва Шарқнинг ўзига хослигини инобатга олиш ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширилишида муҳим шарт ҳисобланади.

Бугун мамлакатимиз демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуруш борасида улкан ютуқларга эришди. Лекин шу билан биргаликда демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида айрим камчиликлар ҳам учраб турибди. Йўл қўйилган камчилик ва хатоларни тан олмасдан, иқрор бўлмасдан туриб, уларни бартараф қилиш мумкин эмас. Энг асосий камчиликлардан бири муҳим демократик тамойил бўлган қонунийлик тамойилини таъминлаш, яъни қонунни, ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Ўрганишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча қабул қилинаётган қонунлар, уларга киритилаётган ўзгартириш ва

[1] Гафуров Б. Г. Таджики. Книга первая. Душанбе. 1958 г. , с. 225



қўшимчалар ишламаяпти. Бунинг сабаби, биринчидан, ушбу камчиликлар улардаги нормаларни амалга ошириш бўйича аниқ механизмлар ишлаб чиқилмагани билан боғлиқ бўлса, иккинчидан, мазкур қонунларнинг самарали ишлашига ёрдам берадиган тегишли қонуности ҳужжатлари чиқарилмаётганлигида, уларсиз эса бу қонунларда белгиланган қоидалар умуман ишламаётганини англаб олишимиз даркор»[1]. Демак, қонунга риоя қилиш ва қоунунийлик тамойилини таъминлаш муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг ечими назорат тизими билан боғлиқ, чунки қонунга риоя қилиниши назорат фаолияти орқали таъминланади. Бугунги кунда назорат тизими қонунга риоя қилишни тўлиқ таъминлашга қодир бўлиши учун муаммонинг тарихига назар солиш керак бўлади.

Тарихдан маълумки, инсоният жамиятидаги энг мураккаб муаммо бу – ижтимоий тартибни ўрнатиш масаласидир. Ижтимоий тартиб деганда ижтимоий регулятор бўлган ҳуқуқ ва аҳлоқ нормаларига риоя қилиш таъминланганлик ҳолати тушунилади. Лекин ҳаёт шундай шаклланганки, Ғарбда ижтимоий тартиб кўпроқ ҳуқуқ воситасида таъминланган бўлса, Шарқда эса ижтимоий тартибни ўрнатиш кўпроқ аҳлоққа асосланган. Бугунги кунда Шарқ мамлакатлари ижтимоий тартибни ўрнатишда Ғарб мамлакатларининг тарихий тажрибасига асосланишмоқда ва асосий эътиборни аҳлоққа эмас, балки ҳуқуққа қаратишмоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда қонунга риоя қилишни таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммонинг сабаби айнан шу билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳуқуқ воситасида тартибга солиш имкониятининг пастлигини компенсация қилиш учун аҳлоқ воситасида тартибга солишни кучайтириш лозим. Бунинг учун миллий менталитетимизнинг ўзига хослиги сабабларини илмий таҳлил қилиш керак бўлади.

Мустақил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлларини ўрганиш ва белгилашда ҳамда бу йўлдан оғишмай ҳаракат қилишда тараққиётга таъсир кўрсатувчи барча объектив ва субъектив омиллар ҳисобга олиниши зарур. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, миллий ўзига хослигимизнинг асоси бўлган миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва бу ўзига хосликнинг

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 24 январь 2015 йил.

сабабларини ўрганиш белгилаб олинган тараққиёт йўлимиздан оғишмай ҳаракат қилишда муҳим аҳамиятга эгадир. Миллий менталитет ёки бошқача айтганда, ижтимоий характер ўзи нима эканлигини англаб олиш ва уни қандай омиллар вужудга келтиришини аниқлаб олишга ҳаракат қилиш лозим.

XX асрнинг атоқли файласуфларидан бири ҳисобланган Эрих Фромм ижтимоий характерни мазкур жамият аъзоларининг кўпчилигига хос бўлган характер ядроси, дея таъриф беради. Файласуф ижтимоий характерни шакллантирувчи омиллар ва унинг жамият ҳаётидаги ўрни, вазифаси ҳақида шундай дейди: «Ҳар бир жамият маълум бир структурага эгадир ва бир қатор объектив шарт-шароитлар натижаси бўлган заруратга мувофиқ тарзда ҳаракат қилади. Ушбу шарт-шароитлар аввало хом ашё, ишлаб чиқариш қуроллари, аҳолининг жойлашуви билан белгиланадиган моддий ишлаб чиқариш, иқлим, шунингдек, сиёсий, жуғрофий омиллар, маданий анъаналар ва ташқи таъсир омилларини ўз ичига олади. Жамият аъзолари турли синфлар, ижтимоий қатламлар ўзларини ижтимоий тузум талабларига мувофиқ тарзда тутишга мажбурдирлар. Жамият аъзоларининг энергияси, хатти-ҳаракати шундай йўналтирилмоғи лозимки, улар ҳар бир ишни ўйлаб мулоҳаза юритиш орқали эмас, балки мазкур жамиятда қарор топган анъаналарга мувофиқ тарзда бажаришлари ва шу билан бирга анъанага мувофиқ тарзда ҳаракат қилганидан қониқиш ҳосил қилишлари лозимки, ижтимоий характернинг энг асосий вазифаси ана шундан иборат»[1].

Демак Э.Фромнинг фикрича, ижтимоий характерни шакллантирувчи муҳим омиллардан бири бу – моддий ишлаб чиқариш усули бўлиб, ана шу моддий ишлаб чиқариш усулини шакллантирувчи энг муҳим фактор иқлимдир. Агарда ана шу нуқтаи назарни мантиқан ривожлантириб қарайдиган бўлсак, қанақа иқлим қандай ишлаб чиқариш усулини вужудга келтиради-ю ва бу ишлаб чиқариш усули қандай ижтимоий характерни шакллантиради деган савол қаршисига келиб қолишимиз табиий.

Иқлим, географик шарт-шароитларнинг тараққиётга, халқлар тақдирига таъсири масаласи социологиядаги географик мактаб намояндалари томонидан актуаллаштирилган бўлиб, улар дунёни иқлимий тафовутига кўра икки катта қутб – Шарқ ва Ғарбга

[1] Фромм Э.Душа человека. М-1992. стр. 331



бўладилар. Уларнинг фикрига кўра, Шарқ ва Ғарб тараққиётидаги ўзига хосликнинг асоси улардан ҳар бирига хос бўлган иқлим, географик шарт-шароитдир. Масалан, Монтескье иссиқ ўлкалар халқлари қариялардек журъатсиз, совуқ ўлкалар халқлари эса ёшлар каби дадил бўладилар, дейди. Унинг фикрича, иссиқ ҳаво киши руҳиятига салбий таъсир қилиб, уни куч-қувватдан маҳрум қилар эмиш, совуқ ҳаво эса аксинча, руҳиятга ижобий таъсир қилиб, кишини дадил ва кучли қилар эмиш. Турган гапки, бундай даъволар ҳеч бир соғлом фикрловчи кишини ишонтира олмайди.

Мазкур тадқиқотдан кўзланган асосий мақсад – иқлим, географик шарт-шароит қандай қилиб миллий менталитетга, тараққиётга таъсир қилишини ва бу таъсир бизнинг тақдиримизда қандай из қолдирганлигини кўрсатишдир.

Бизнинг фикримизча, иқлим, географик шарт-шароит ўзига хос моддий ишлаб чиқариш усулини вужудга келтиради. Масалан, Шарққа хос бўлган қуруқ ва иссиқ иқлим деҳқончиликни сунъий суғориш асосида олиб боришни жалб этгани ҳолда, Ғарбга хос бўлган сернам ва мўътадил иқлим лалмикор деҳқончилик учун шароит яратади. Бизнинг фикримизча, Шарқ ва Ғарб тараққиёт йўлларининг барча ўзига хосликлари ана шу ишлаб чиқариш усулларининг ўзига хос талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқади.

Кўриб турганимиздек, бизнинг тараққиёт йўлимиз ва унинг таркибий қисми бўлган менталитетимиз ижтимоий характеримизнинг ўзига хослиги ҳам суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос талаб ва эҳтиёжлари туфайли келиб чиқади. Суғорма деҳқончилик эса ёлғиз бизнинг мамлакатимиз эмас, балки Шарқнинг жуда катта қисми иқтисодининг асосини неча-неча минг йиллардан буён ташкил қилиб келади. Демак, масалага фақат бизнинг мамлакатимиз тарихи нуқтаи назаридан эмас, балки анча кенгроқ – бутун Шарқ тарихи нуқтаи назаридан қараш лозимлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Аммо мавзуни ўрганиш фақат Шарқ билангина чегараланиши ҳам мумкин эмас. Биз Шарқ тараққиёт йўли, шарқона феъл-атвор ҳақида хулоса чиқариш учун уни ўзига ўхшамайдиган тараққиёт йўли, феъл-атвор билан қиёслашимиз лозим.

Табиат ва жамиятдаги бирор бир ҳодиса, буюм, предметни ўрганиш, уни бошқа бирор бир ҳодиса, буюм, предмет билан солиштириш, қиёслаш орқали амалга оширилади. Масалан, биз жун ва пахтани енгил ва юмшоқ дер эканмиз, уни фикран оғир ва қаттиқ

жисмлар, масалан тош, ғишт, темир билан солиштирамиз. Агарда бизда оғир ва қаттиқ буюмлар ҳақида тасаввур, тушунча бўлмаганда енгил ва юмшоқ деган тушунчалар ҳам бўлмас эди. Шарқ (ўзбек) ижтимоий характерининг энг кўзга кўринарли жиҳатлари жамоавийлик, андиша, муросасозлик, ўзидан ёш ва мансаб жиҳатидан катталар олдида ҳурмат ва итоаткорлик, ўзаро муносабатларда ҳуқуқдан кўра аҳлоқ, анъаналарнинг кенгроқ ва муҳимроқ ўрин тутиши – мазмунан ва моҳиятан Ғарб ижтимоий характерига тескаридир. Ғарбда жамоавийлик ўрнига индивидуализм, андиша, муросасозлик ўрнига ўз қадр-қиммати ва манфаатини биринчи ўринга қўйиш, ўзаро муносабатларда ҳуқуқнинг биринчи даражали аҳамият касб этиши ва ҳоказо хусусиятлар Шарқ ижтимоий характерига моҳиятан олганда тескаридир. Шарқ тараққиёт йўли ва Шарқ ижтимоий характерининг суғорма деҳқончиликнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққанлигини исботловчи биринчи далил – Ғарб тараққиёт йўли ва Ғарб ижтимоий характеридир. Суғорма деҳқончилик устувор бўлган Шарқда ўзига хос тараққиёт йўли ва ижтимоий характер вужудга келган ҳолда лалмикорликка таянувчи Ғарбда тараққиёт йўли ва ижтимоий характерининг бутунлай бошқача кўриниши вужудга келади. Ушбу фикримизнинг иккинчи далили Шарқ мамлакатлар суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамиятига кўра, классификациялашга асосланганлигидир. Таҳлиллар шуни аниқ кўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти қанчалик юқори бўлса, тараққиётнинг ва ижтимоий характернинг ўзига хослиги шунчалик яққолроқ намоён бўлади. Бунда географик шарт-шароит иқлим, дарёлар, рельеф, тупроқ ва ҳоказолар ҳам маълум аҳамиятга эгадир.

Ижтимоий характернинг ҳаёт тарзи ишлаб чиқариш усули талаб ва эҳтиёжлари асосида шаклланишини маълум бир халқнинг турли даврлардаги ҳаёти орқали ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, халқимиз оғзаки ижодининг дурдоналари бўлган «Гўрўғли», «Алпомиш» достонлари қаҳрамонларини Абдулла Қодирий асарлари қаҳрамонлари билан солиштирсак, улар характерида катта тафовут борлигини кўрамиз. «Алпомиш» достони қаҳрамонлари – Алпомиш, Ойбарчинлар характерида итоаткорликни эмас, балки ўз қадр-қиммати, манфаати учун курашган образларини кўрамиз. Абдулла Қодирий асарлари қаҳрамонлари ҳам Алпомиш ва Ойбарчинларга хос бўлган кўпгина хусусиятларни – довюракликни,



дўстга садоқат, аҳдга вафо ва бошқаларни сақлаб қолган албатта. Аммо уларда ота-она истак-хоҳиши ва жамиятда қарор топган рукнларига итоаткорлик пайдо бўлганини кўрамиз. Алпомиш ва Барчинойларга хос бўлган қайсарлик, ўз қадр-қиммати ва манфаатини биринчи ўринга қўйиш Отабек ва Кумушбибиларда йўқ. Ахир Кумушни бир эмас, икки марта унинг розилигисиз эрга берадилар. Отабекни эса ўз хоҳишига зид равишда уйлантирадилар. Алпомишни зўрлик билан уйлантириш мумкинмиди? Довюракликда, жасорат ва вафодорликда Алпомишнинг укаси бўлган Отабекни ота-она истак-хоҳиши олдида бош эгишга, ўзи истамаган бир ишга рози бўлишга мажбур этган омил нима эди? Маълумки, «Алпомиш» бундан минг йиллар муқаддам, ҳали халқимизнинг бир қисми аста-секинлик билан ўтроқ турмуш тарзига ўта бошлаган замонларда яратилган. Бу достон қаҳрамонларини – Қўнғирот ва Бойсун элининг асосий машғулоти кўчманчи чорвадорлик эди. Отабек ва Кумушбибилар деҳқончилик устувор бўлган жамият фарзандлари эди. Ана шу икки хил ишлаб чиқариш усули бутунлай икки хил ижтимоий характер яратганлигига гувоҳ бўламиз. Ҳар бир халқнинг тараққиёт йўли ўша халқ яшаб турган табиий муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ, деган фикр Ўзбекистон Президенти И. Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» номли асарида ўз ифодасини топган: «Маълумки, ҳар қайси халқ ёки миллатнинг тафаккури – турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўз-ўзидан, бўш жойда шаклланиб қолмайди. Уларнинг вужудга келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимоий омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз. Шарқ халқлари ва юртимиз аҳлига мансуб шундай белги – аломатлар ҳақида гапирганда уларнинг тарихий-ижтимоий заминига эътибор қаратиш лозим деб ўйлайман. Тарихдан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида аҳоли азалдан водийларда, катта сув манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшаб келади. Атрофи чўл ва саҳролар билан ўралган, табиати ва иқлими ғоят мураккаб бўлган минтақа шароитининг ўзи ана шу элат ва миллатларнинг минг йиллар давомида бир-бирига мослашиб, яқин елкадош бўлиб, бир-бирининг оғирини енгил қилиб яшашини тақозо этиб келади»[1].

Албатта муҳтарам Президентимиз суғорма деҳқончилик ҳақида тўғридан-тўғри гапирмаганлар. Аммо ана шу водийларда, катта сув

[1] Каримов И. А. «Юксак маънавият - енгилмас куч", Тошкент 2008 йил. 7-9 бетлар.

манбалари – дарё ва анҳорлар бўйида яшайдиган халқнинг асосий машғулоти суғорма деҳқончилик бўлганлиги ҳаммага маълум. Суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш учун эса давлат бир дарё ҳавзасидан кам бўлмаган ҳудудда марказлашган бўлиши, аҳоли ижтимоий характерида эса давлат бошлиғи ва амалдорларига нисбатан ҳурмат ва итоаткорлик, ўзаро муносабатларда муросасозлик, андиша ва ҳоказолар устувор бўлиши лозим. Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослиги улардан ҳар бирига хос ишлаб чиқариш усули асосида шаклланган деган ғоя бугун пайдо бўлмаган албатта.

Масалан, К.Маркс ўз вақтида Осиёча ишлаб чиқариш усули назариясини олдинга суриб, бу ишлаб чиқариш усулининг ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб берган эди. Аммо унинг назарияси аввало унинг ўзи ва издошлари томонидан, кейинчалик инкор этилди ёки бузиб талқин этила бошлади. Савол туғилади: хўш нега? К. Маркс Осиёча ишлаб чиқариш усулини таҳлил қилиб, бу ерда ишлаб чиқариш – ер, сувнинг давлат қўлида эканлигини аниқлаган эди: «Бу ерда давлат–ернинг олий мулкдоридир. Бу ерда суверенлик – миллат кўламида тўпланган ер мулкчилигидир. Лекин, гарчи ерлар шахсларга ҳам жамоаларга қарашли бўлса-да ердан шахслар ва жамоалар фойдаланса ҳам ерга ҳеч қандай шахсий мулкчилик йўқдир»[1].

Маълумки, коммунистлар барча ишлаб чиқариш воситаларини миллийлаштириш (давлат тасарруфига ўтказиш) орқали коммунистик жамият қуриш ғоясини ўртага ташлаган эдилар. К.Маркснинг Осиёча ишлаб чиқариш усули назарияси эса Шарқ мисолида ишлаб чиқариш воситаларини давлат мулкига айлантириш ишлаб чиқаришни ҳам, тараққиётни ҳам секинлаштриб қўйишини яққол исботлаб бераётган эди. Кейинчалик К.А.Виттфогель ўзининг «Шарқ деспотизми» номли асарида (1957) худди ана шу нарса К.Маркс ва издошларининг Осиёча ишлаб чиқариш усули назариясидан воз кечишларига сабаб бўлди, деб кўрсатган эди. Осиёча ишлаб чиқариш усулининг мазмун-моҳияти ҳақидаги баҳслар XX асрнинг 30-йилларида «Катта баҳслар» номи билан бўлиб ўтади. Бир гуруҳ олимлар Осиёча ишлаб чиқариш усули Европа ишлаб чиқариш усулларининг бирортасига мос

[1] Маркс К. Капитал. III-т. 804-бет. В. И. Авдиевнинг Қадимги Шарқ тарихи асаридан олинди. . 744-745 бет.



келмайди, бинобарин уни фақат Осиёга хос бўлган ишлаб чиқариш усули сифатида баҳолаш керак, дея исбот қилишга уринадилар. Аммо бу ғоя ўша даврдаги шўро давлатининг расмий мафкурасига мос келмас эди. Коммунистик мафкура бўйича бутун дунё халқлари беш формациядан иборат бўлган тараққиёт босқичини (ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм, коммунизм) босиб ўтишлари лозим, деб ҳисобланар эди.

Натижада, Осиёча ишлаб чиқариш усулини алоҳида, ўзига хос ишлаб чиқариш усули деган ғоя тарафдорлари қатағонга учрадилар. XX асрнинг 60-йилларида мазкур мавзу атрофида яна баҳс очилди. Аммо худди ўша расмий мафкура яна ўзини кўрсатди-баҳс-мунозараларнинг лозим даражада ва чуқур тус олишига йўл қўйилмади. Демак, Шарқ тараққиёт йўлининг ўзига хослиги суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиққан, деган ғоя ҳозир янгилик эмас. Собиқ тоталитар тузум раҳбарияти мазкур фикрни зўр бериб халқдан яшириб келганлиги бизнинг минтақамизда илм аҳлининг бу ғоядан бехабар бўлиб келганига сабаб бўлди. Мазкур сатрлар муллифи ҳам мазкур ғояни ўртага ташлаган пайтларида (2001-2002) мазкур ғояга бағишланган асарларидан бутунлай бехабар эди.

Фақат 2005 йилга келиб К.А. Виттфогель номли америкалик немис олими 1957 йилда «Шарқ деспотизми» номли асарида Шарқ деспотизми асоси Шарққа хос бўлган суғорма деҳқончиликдан келиб чиқишини исботлашга урингани маълум бўлди. Дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган мазкур асарнинг шу чоққача рус ёки ўзбек тилига ўгирилмаганлиги туфайли юртимизда Шарқ тараққиётининг ўзига хослик сабабларини субъектив омиллар орқали изоҳлаш тарафдорлари ҳамон кўпчиликни ташкил қилади. Шарқнинг иқтисодий, ҳарбий техникавий, илм-фан соҳаларида Ғарб мамлакатларидан орқада қолишини диний, мафкуравий, ахлоқий ва ҳ. к. сабаблар билан изоҳлашга бағишланган катта-катта мақолалар етакчи илмий журналларимизда ҳамон босилиб турибди. Аммо бугун давр ўзгармоқда, илмни ўз мақсад-мудаоларига мослаштирган коммунистик мафкура замони ўтди. Коммунистик мафкура андазалари эркин фикрлашга тўсиқ бўлиб қолган эди.

Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослик сабабларини, миллий менталитетимизнинг ўзига хослик сабабларини объектив жиҳатдан, яъни ҳақиқий илмий жиҳатдан ўрганиш ва асослаш даври келди. Масалан, ҳурматли юртбошимиз И. Каримовнинг

«Юксак маънавият – енгилмас куч» асарида Шарқ ва Ғарб тараққиёти менталитетининг ўзига хослиги «... муайян объектив ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган воқелик»[1], дея таърифланади. Биз ишонамизки, Шарқ тараққиётининг, хусусан миллий менталитетимизнинг ўзига хослиги сабабларини асосан диний, мафкуравий, аҳлоқий қадриятларга боғлаб талқин қилиш каби беҳуда уринишлар яқин орада барҳам топади ва тараққиёт йўлимиз миллий менталитетимиз... «у муайян объектив ижтимоий-тарихий омиллар туфайли шаклланган воқелик» деган қараш тантана қилади. Чунки, мустақиллик халқимизга қўрқувсиз эркин фикрлашга имкониятини берди. Фақат эркин фикрлашга асосланган илмий тадқиқодлар тарихга объектив ва холисона ёндашиб, адолатли ўрганишни таъминлайди.

[1] Каримов И. А. «Юксак маънавият-енгилмас куч". Тошкент 2008, 10 бет.



# I БОБ

## 1. Жамият тараққиёти масалаларини тадқиқ қилишнинг илк тарихи

Дунё халқлари тараққиётидаги нотекислик сабаблари жуда қадим замонлардан бери мутафаккир файласуфларни қизиқтириб келган. Ана шу масала юзасидан ўз вақтида жуда кўп донишмандлар турли-туман фикр билдириб ўтган бўлсалар-да, аммо бу масалани жиддий бирор бир сабабга боғлаб ўрганганлардан биринчиси араб тарихчиси ва сайёҳи Ибн Ҳалдун эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилади. Ибн Ҳалдун турли халқлар ҳаётидаги юксалиш ёки орқага кетиш сабаби ўша халқлар ҳаёт кечираётган муҳит, иқлим, сув, тупроқ ва ҳоказолар, яъни географик шарт-шароитларда деб тушунтиради. Ибн Ҳалдундан аввал ўтган баъзи бир олимлар, чунончи Платон, Аристотел, Форобийларда ҳам шу мазмунда фикрлар бўлган. Аммо уларнинг фикри Ибн Ҳалдун фикрлари каби изчил тусга эга бўлмаган.

Оврупада жамиятшуносликнинг географик йўналиш асосчиси сифатида Монтескъе эътироф этилади. Аммо Ибн Ҳалдун Монтескъедан кўп асрлар илгарироқ ҳақиқий илмий қарашларни анчагина изчил баён қилиб берган. Француз маърифатпарвар ёзувчиси, файласуфи Монтескъе (1689-1755) жамиятшуносликда географик йўналишни кенг миқёсга олиб чиққан, тадқиқотчи сифатида танилган. Биз кейинги боблардан бирида унинг «Форс номалари» асари билан танишиб чиқамиз. Ҳозир эса унинг 1748 йилда нашр қилинган «Қонунлар руҳи ҳақида» асарида келтириб ўтилган фикрлар билан танишиб чиқамиз.

Монтескъе бу асарида тараққиётни бутунлай географик омилларга боғлиқ деб тушунтириб, «Совуқ ҳаво бадан пайларининг сиқилишига олиб келади. Бунинг натижасида пайларнинг таранглиги ошади ва аъзолардан юракка қон оқиб келиши кучаяди. Натижада, уларнинг таранглиги янада ошади уларни тириштиради ва оқибатда кучини камайтиради»[1], деб ёзади. Уфикрини давом эттириб:

"Агарда инсонни иссиқ ва ёпиқ хонага қамаб қўйилса, юқорида кўрсатиб ўтилган сабабларга биноан у юракнинг қаттиқ бўшашганлигини сезади. Агарда мана шу ҳолда унга бирор бир

[1] Баскин М. П. Ш. Л. Монтескъе М:. 1975 стр. 110.

довюраклик талаб қиладиган иш таклиф қилинса, у бунга журъат эта олмайди. Бўшанглик уни руҳий тетикликдан маҳрум қилиб қўяди, у ҳамма нарсадан қўрқиб қолади, чунки у ўзини ҳеч нарсага қодир эмас деб ҳисоблайди. Иссиқ мамлакатлар халқлари қариялар каби журъатсиз, совуқ мамлакатлар халқлари эса ёшлар каби дадил бўладилар»[1], деб таъкидлайди.

Демак, у Шарқ халқларига хос бўлган ижтимоий характер-ҳокимият эгалари олдидаги итоаткорликни бутунлай бошқача тушунади. Аслида Шарқни бундай талқин қилиш бутунлай нотўғридир. Биз ҳали Шарқ халқлари ижтимоий характерининг моҳияти ва келиб чиқиши сабаблари хусусида тўхталиб ўтамиз. Монтескъенинг хизмати шундаки, у ҳар бир халққа хос феъл-атвор (гарчи у бу феъл-атворни бутунлай нотўғри талқин қилган бўлса ҳам) объектив, табиий шароитларига боғлиқ эканлигини тушунган. Аммо у ана шу табиий шароит, об-ҳаво, иқлим, тупроқ ва ҳоказолар қандай қилиб, қай йўл билан тараққиётга таъсир кўрсатиши масаласини аниқлашда ожиз қолди. Бу масалада унинг ўртага ташлаган назарияси бутунлай хатодир. Монтескъе тараққиётнинг иккинчи омили сифатида мамлакатнинг географик ўрнини таъкидлайди.

«Оролларнинг майдони одатда кичик бўлади; у ерда аҳолининг бир қисмидан иккинчи қисмини эзиш учун фойдаланиш қийинроқ; йирик империялардан улар денгиз орқали ажратилган, (шунинг учун) тирания улардан (империялардан) ёрдам ололмайди; денгиз истилочилар йўлини тўсиб туради; оролликларга асорат хавф солмайди ва уларга ўз қонунларини сақлаш осонроқ»[2]. Кўриниб турибдики, Монтескъе иқлим ва жойнинг географик ўрни тараққиётга таъсир кўрсатишини яхши тушунган. Аммо ана шу иқлим ва жойнинг географик ўрни тараққиётга қандай қилиб ва қай йўл билан таъсир кўрсатишини етарлича тушуна олмаган. Аммо Монтескъе тараққиёт билан ишлаб чиқариш усули ўртасида боғлиқлик борлигини ғира-шира пайқаган эди: «Қонунлар ҳар бир халқ ҳаёти учун керакли воситаларни топиш усули билан мустаҳкам боғлиқдирлар»[3].

Тўғри, бу ерда Монтескъе ишлаб чиқариш усули билан қонунлар ўртасидаги боғлиқлик ҳақида гапиради. Аммо ушбу фикрларни яна бироз ривожлантириб кўрилса, унда ана шу ишлаб

[1] Баскин М. П. Ш. Л. Монтескъе М:. 1975 стр. 350.
[2] Там же. стр. 395.
[3]. Баскин М. П. Ш. Л. Монтескъе М:. 1975 стр. 350.



чиқариш билан тараққиёт йўли ўртасидаги боғлиқликни пайқаш мумкин эди. Кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш усули билан тараққиёт ўртасидаги боғлиқлик ғояси Монтескъе таълимотида куртак ҳолатида мавжуд эди. Демак, Монтескъе таълимотида бир томондан тараққиётнинг географик шарт-шароитларга боғлиқ эканлиги кўрсатилади. Аммо, у бу боғлиқликнинг моҳиятига ета олмаган. Иккинчи томондан тараққиёт ишлаб чиқариш усулига боғлиқ деган фикр унинг таълимотида куртак, нишона ҳолида мавжуд эди. Аммо у ишлаб чиқариш усули билан географик муҳит ўртасидаги ва ишлаб чиқариш усули билан тараққиёт ўртасидаги боғланиш масаласини тўла ҳал эта олмади.

Монтескъе нафақат тарихчи ва жамиятшунос, балки ўз даврининг таниқли маърифатпарвари ҳам эди. Шунинг учун ҳам у тарбия масаласига ҳам катта эътибор беради. Монтескъенинг ҳаёти ва ижоди ҳақида тадқиқот яратган М. П. Баскин Монтескъенинг Шарқ истибдоди, хусусан истибдод шароитида тарбия хусусида билдирган фикрлари ҳақида шундай ёзади: «Мустабид давлатларда тарбиядан кўзланган мақсад – инсонни хўрлаш ва уни сўзсиз итоат этишга ўргатишдир; кўр-кўрона итоат – дейди Монтескъе, – нафақат итоаткорнинг, балки ҳокимнинг ҳам саводсиз ва дағал бўлишининг сабабчисидир; ахир ҳокимларга ўйлашга, маслаҳатлашишга эҳтиёж йўқ, у буйруқ берса бас»[1].

Юқорида келтирилган фикрлар Монтескъенинг Шарқ муҳитини шарқона турмуш тарзи ва шарқона феъл-атворни, шарқона тарбия системасини тушунишдан анчагина узоқда бўлганлигини яққол кўрсатиб турибди. Унинг фикрича, шарқона феъл-атвор қуллик феъл-атворидан иборат, қуллар қанчалик фазилатсиз бўлсалар уларнинг эгалари-ҳокимлар ҳам шунчалик фазилатсиз бўладилар, чунки фақат буйруқ билан иш битирадиган одамга ҳеч қандай фазилатнинг кераги йўқ. Шарқона тарбиянинг мақсади эса инсонни камситиш ва хўрлаш, сўзсиз итоатга ўргатиш эмиш ва бу тарбия ҳеч қандай ўзаро ҳамкорликка, бир-бирини тушунишга ўргатмас эмиш.

Монтескъенинг Шарқ халқлари тўғрисидаги бундай нотўғри тасаввурга эга бўлиши шубҳасиз, унинг ана шу шарқона феъл-атворни тарбиялаб етиштирган муҳит нимадан иборатлигини англаб етмаганлиги туфайлидир. Ваҳоланки, Монтескъега қуллик бўлиб кўринган шарқона феъл-атворнинг асосий белгиси – ҳокимият

[1] Ўша асар. 110-бет.

эгалари олдида аҳолининг итоаткорлиги қуллик психологиясидан тамомила фарқ қилади ва бу психология сабабсиз пайдо бўлмаган, балки маълум ишлаб чиқариш усули талабларидан келиб чиққан. Шунга биноан шарқона тарбия инсонни камситиш ва хўрлашга эмас, балки ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган жамият тартиб-қоидаларига ўргатишга хизмат қилган. Монтескъенинг фикрича, шарқона тарбия ҳеч қандай ижтимоий мақсадни ўз олдига қўймаган эмиш, у кишиларни бир-бирини тушуниш ва ҳамкорлик қилишга чақирмас эмиш. Ҳақиқатда шарқона тарбия жуда катта ижтимоий мақсадга йўналтирилган. Болани оилада ота-онага, мактабда устозларига, ёши улуғларга бўйсунишга ўргатишдан мақсад – ҳокимият эгалари олдида итоаткор фуқаро тарбиялашдир. Бу жамиятда кишилар битта умумий манфаат билан жипс боғлаганлар. Бу манфаат ўзаро ҳамкорлик ва бир-бирини тушунишни талаб этади. Шарқона тарбиянинг асосий унсурлари – болаларни андиша ва юзхотирчиликка ўргатиш турмушнинг ана шу талабларидан келиб чиқиши тушунарли эмасми?

Тараққиётни ўзига хослигини ўрганишда Мечников Лев Ильич, «Тараққиёт ва буюк тарихий дарёлар» номли асари аҳамиятга эга. XIX асрда яшаган рус тарихчиси Л. И. Мечников ўз қарашларида Монтескъега нисбатан анча илгарилаб кета олди. Агарда Монтескъе ўз таълимотида асосан иқлимнинг таъсирини биринчи ўринга қўйган бўлса, Мечников нафақат иқлим, балки дарёлар, яъни йирик, буюк дарёларнинг ҳам тараққиётга таъсири борлигини англаган. У ушбу хусусда гапириб: «Ҳамма мамлакатларда иқлим, тупроқ, рельеф, геологик тузилиш каби мураккаб шарт-шароитларнинг ҳаммасини ҳаётга айлантирувчи, менимча дарёдир»[1] дейди.

Демак, Мечников назарида ҳаётнинг (тараққиётнинг) пойдевори, асоси дарёдир. Аммо ана шу дарё қандай қилиб ҳаёт, тараққиётнинг асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин, деган савол Мечников учун муаммо бўлиб қолди. Буни қуйидаги сўзлардан билиб олиш мумкин: «Ўша илк цивилизациялар уйғонган минтақаларда қандай сеҳрли сабаб намоён бўлган эдики, турли ирққа мансуб бўлган ёввойи қабилаларни улкан миллатга бирлаштирувчи қудратли деспотик давлатлар ярата олди»[2].

[1] Мечников Л. И. «Цивилизация и великие исторические реки» стр. 79. Google ozon. ru.
[2] Ўша асар. 84-бет.



«Албатта тупроқ унумдорлиги қадимги дарё маданиятлари пайдо бўлишида катта роль ўйнайди, бу энг керакли шартлардан биридир, аммо бу Шарқ маданиятларининг яратилишидаги ягона омил эмас»[1].

Демак, Мечников Монтескъега нисбатан қуйидаги масалаларда илгари кетган: биринчидан, тараққиётга таъсир кўрсатувчи омиллардан энг асосийси дарё эканлигини англаган. Иккинчидан, бу дарёлар (яъни тошқин дарёлар) халқни тўйдириши ҳам мумкин, ўлдириши ҳам мумкин, яъни бу дарёларнинг асосий ўрни шундан иборатки, у халқ учун ҳам тирикчилик манбаи, ҳам фалокат манбаидир. Учинчидан, ана шу дарёларнинг ўзига хос хусусиятлари одамлар фойдасига хизмат қилиши учун, жуда катта халқ оммасининг, кўпинча турли миллат ва элатлардан иборат аҳолининг жуда қаттиқ, ниҳоятда интизомли меҳнати талаб этилади. Ана шу фикрлардан бемалол хулоса чиқариш мумкинки, Мечников тараққиёт билан географик муҳит ўртасидаги алоқани яхши тушуниши борасида Монтескъега нисбатан анча илгарилаб кетган. Аммо Мечников ҳам тараққиёт билан географик муҳит ўртасидаги алоқани тўла тасвирлаб бера олмади, яъни географик муҳит тараққиётга қандай қилиб, қай йўл билан таъсир кўрсатади деган савол барибир жавобсиз қолди.

Мечников эришган ютуқлардан яна бири шу бўлдики, у деспотик ҳокимият интенсивлиги билан иқлим, яъни иссиқлик ўртасида боғланиш борлигини аниқлади, яъни мамлакат қанчалик иссиқ бўлса деспотизм ўзини шунчалик кучлироқ намоён этади ва мамлакат бошқа мамлакатлар билан шунча камроқ алоқада бўлади деган фикрни илгари сурди. Масалан, у Миср билан Ҳиндистонда ўртача йиллик ҳарорат +26 градус даражада, Хитой билан Месопотамияда эса +20 градус даражалигидан келиб чиқиб, бу мамлакатлардаги ҳарорат билан деспотизм ўртасида қандайдир алоқа бўлиши керак, деган тахминни илгари сурди. Аммо у ана шу «қандайдир» алоқанинг нимадан иборат эканлигини тўлиқ аниқлашга муваффақ бўла олмади.

Аслида унинг ана шу фикри ортида катта янгилик яширинган эди. У очишга муваффақ бўла олмаган янгилик шундан иборатки, иқлим қанчалик иссиқ бўлса – мамлакат учун суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти шу қадар ортади, бинобарин шунга

[1] Ўша асар. 93-бет.

мувофиқ равишда ҳокимиятнинг деспотик характери ҳам кучаяди. Мечников тараққиётнинг дарёлар билан боғлиқлигини яхши пайқаган бўлса ҳам ана шу боғлиқликнинг нимадан иборат эканлигини тўла тушуниб ета олмаган. Натижада, унинг назарида тараққиёт ғайритабиий бир ҳодисага айланади: тараққиёт дастлаб йирик, тошқин дарёлар бўйларида пайдо бўлиб, дарёлар орқали денгизларга ва ундан Европа халқларига тарқалган эмиш. Кўринадики, тараққиёт ҳақидаги географик нуқтаи назар – «Жамиятшуносликдаги географик йўналиш» тарафдорлари бир қанча муҳим илмий фаразларни илгари сурган бўлсалар-да аммо бу фаразларни етарли даражада илмий асослаб бера олмадилар. Натижада, кейинги асрга келиб жамиятшуносликдаги географик йўналиш амалда ўз мавқеини йўқотди.

Жамият тараққиёти тўғрисида анчагина яхлитроқ ва тўлароқ тасаввур берадиган назария – тарихий материализмдир. Марксгача бўлган файласуфлар жамият нима, у қандай қилиб, қай йўл билан ривожланади деган саволга тўлалқонли илмий жавоб бера олишмаган эди. Марксгача фанда жамият тараққиётини одамлар уларнинг хоҳиш-иродаси амалга оширади, деган қараш ҳукмрон эди. Тарихий материализм кишилик жамияти тараққиёти тўғрисидаги биринчи, ҳақиқий илмий дунёқараш сифатида майдонга келди. Биринчи қарашда жамиятни одамларнинг субъектив истак-хоҳишлари бошқараётгандек бўлиб кўринса ҳам, аммо ана шу одамлар энг аввало ҳаёт кечиришлари, ҳаёт кечириш учун эса ўзларига керакли нарсаларни ишлаб чиқаришлари керак. Ана шу моддий неъматларни ишлаб чиқариш жараёнида одамлар бир-бирлари билан маълум бир ижтимоий муносабатларга киришадилар. Шундай қилиб моддий неъматларни ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг моддий асосини ташкил қилади ва жамиятда ана шу асос, пойдеворга мос келадиган устқурма – сиёсий, маданий, оилавий, маиший муносабатлар ташкил топади.

Жамият тараққиёти ҳамиша пастдан юқорига, оддийдан мураккабга томон илгарилаб боради. Ишлаб чиқариш кучларининг ўсиб бориши ижтимоий-иқтисодий формацияларининг алмашиниб боришига сабаб бўлади ва инсоният ўз тараққиёти давомида бир неча ижтимоий-иқтисодий формацияларини ўз бошидан кечиради. Демак, тарихий материализм назариясига кўра жамият тараққиётининг бош омили – бу моддий ишлаб чиқаришдир. Умуман олганда тарихий



материализм жамият тараққиётини бошқа ҳар қандай назарияларга (географик, доиравий) қараганда анчагина тўғри, илмий, ишонарли тасвирлаб бера олади, аммо бу таълимот тарафдорлари ҳам масалага бир ёқлама ёндашувдан қочиб қутила олмадилар.

Ўз назариясининг «соф»лигини ҳимоя қилиш учун бошқа ҳар қандай таълимотни, фикрни, дунёқарашни кескин рад этиш, ўз фикрига қўшилмаган ғоявий рақибларни душман деб билиш бу таълимот тарафдорларининг асосий хусусиятлари эди. Худди шунинг учун ҳам тараққиётнинг географик омили ҳақидаги фикрлар тарихий материализм намояндалари томонидан доимо кескин рад этиб келинади. Тарихий материализм намояндалари географик омил тарафдорларининг (Монтескъе, Мечников, Гердер, Реклю, Риттер ва ҳоказо) фандаги хизматларининг эътироф этсада, аммо улар таълимотидаги ижобий кўртакни кўра олмадилар. Лекин, аслида тараққиётнинг асоси моддий ишлаб чиқариш билан боғлиқ деган назария (тарихий материализм) билан тараққиётнинг географик омил билан боғловчи назария ўртасида ҳеч қандай зиддият йўқ. Бу икки назария ўртасидаги «қарама-қаршилик» аслида ҳар икки мактаб номояндаларининг чекланганлигидан келиб чиққан эди. Географик омил тарафдорлари тараққиётнинг бош омили географик муҳит (иқлим, тупроқ, сув) деб қатъий ишонсаларда, аммо ана шу омиллар билан тараққиёт ўртасидаги боғлиқликни, алоқани тўғри, мантиқий, илмий асосда тушунтириб бера олмадилар. Улар томонидан илгари сурилган баъзи фикрлар эса афсуски, болаларча содда эди.

Аммо тарихий материалистик назария ҳам баъзи бир қусурлардан холи эмас эди. Маълумки, ушбу назария бўйича тараққиёт доимо илгарилаб боради, яъни қуйидан юқорига ва оддийдан мураккабга томон ўзгариб боради. Аммо, хусусан Шарқ тарихида қайта-қайта юз берган орқага қайтиш, таназзул, инқироз сабабларини тушунтиришга келганда ушбу назария ожизлик қилиб қолди. Аммо «ҳамма нарсадан хабардор» бўлган «олим»лар биз буни билмаймиз деб айтишдан ор қилишганлари учун бўлса керак, ўз назарияларига «Тараққиётнинг нотекис бориши» деган тирковуч тиркаб олдилар.

Умуман олганда тарихий материализм назария сифатида ўзининг бугунги кўринишида фақатгина Ғарб тараққиётини бир қадар тушунтириб бера олади. Аммо Шарқ тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари тарихчи олдига қўядиган саволларга тўлиқ жавоб бера

олмайдилар. Тарихий материализм бу саволларга жавоб бериши учун бир поғона паст тушиши, яъни бошқа назариялар, хусусан географик омил назариясининг ижобий томонларини ўзлаштириши керакка ўхшайди. Аслида географик омил назарияси билан тарихий материализм ўргасида хеч қандай келиштириб бўлмайдиган зиддият йўқ. Географик омил мактаби намояндаларининг баъзилари бу омиллар (иқлим, тупроқ, сув) тараққиётга ишлаб чиқариш усули орқали таъсир кўрсатади, деган фикрни бироз ноаникроқ шаклда бўлса-да, айтган эдилар. Тарихий материализмнинг асосий формуласи – ижтимоий борлиқ ижтимоий онгни яратади деган фикрни К.Марксдан анча олдин сал бошқачароқ, яъни «Ташкилотлар одамни шакллантиради» деган шаклда айтган ҳам худди шу Монтескъе эди. (Э. Фромм)

Агарда ҳар икки назариянинг бир-бирини рад этмайдиган жиҳатларини синтез қилинса, тараққиёт ҳақида ҳозир мавжуд бўлганларидан кўра анча мукаммалроқ назария яратиш мумкинми ёки йўқми? Балки буни янги назария деб аташнинг кераги ҳам йўқдир, гап унинг қандай аталишида эмас, балки мазмунидадир. Агарда бизнинг текширишларимиз тараққиёт ҳақидаги фанга бирор бир янгилик қўша олса, у ўз номини ҳам, ўз қадр-қимматини ҳам топиб олаверади. Ҳамма гап бизнинг бу вазифани қанчалик уддалашимиздадир. Бизнинг бу вазифани қанчалик уддалаганимизни эса ҳурматли ўқувчилар кейинги бобларда англаб оладилар деган умиддамиз.

## 2. Шарқ ва Ғарб тараққиётини қиёсий ўрганишга бағишланган адабиётлар ва уларнинг илмий таҳлили

Инсоният жамияти шундай шаклланганки, унда одамлар нафақат миллий ва диний жиҳатдан, балки географик жойлашуви жиҳатидан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар. Бугунги кунда инсоният жамиятини кейинги мавжуд бўлишини гумон қилиб қўйган глобал муаммоларни бартараф қилиш инсонятни бирлашувини талаб этмоқда. Чунки глобал муаммолар глобал тадбирларни тақозо этади. Глобал тадбирларни амалга оширишда эса энг аввало инсониятни бирлашуви талаб этилади. Инсоният жамияти географик жойлашуви жиҳатидан Ғарб ва Шарққа бўлинади. Ғарб ва Шарқ аҳолисини бирлаштириш учун уларни умумий жиҳатларини аниқлаш керак бўлади. Бунинг учун эса Ғарб



ва Шарққа бўлиниши сабаблари ва оқибатларини илмий нуқтаи назардан ўрганилиши лозим. Ғарб ва Шарқ мамлакатларини умумий жиҳатларини илмий нуқтаи назардан ўрганиш нафақат глобал муаммоларни бартараф қилиш учун инсониятни бирлаштириш, балки ижтимоий тартибни барқарорлигини таъминлаш имкониятини ҳам кенгайтиради. Чунки бугунги кунда ижтимоий тартибни ўрнатиш борасида Ғарб мамлакатлари Шарқ мамлакатларига нисбатан анча илгарилаб кетди. Шунинг учун Ғарб ва Шарқ мамлакатларини тараққиётининг умумийлиги ва ўзига хослигини ўрганиш ижтимоий гуманитар фанларнинг бугунги кундаги энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Шарқ ва Ғарб тарихини, фалсафасини, ҳаётини қиёсий ўрганишга бағишланган асарлар жуда кўп, аммо уларнинг барчасида ҳам масалага тўғридан-тўғри, бевосита ёндашув йўқлиги туфайли уларнинг кўпчилигидан фойдаланишнинг деярли иложи йўқ. Шарқ ва Ғарб ижтимоий характерини, феъл-атворини, маданияти, миллий қадриятларини қиёсий ўрганишга бағишланган асарлар ичида Монтескъенинг 1721 йилда нашр қилинган «Форс номалари» асари алоҳида диққатга сазовор асардир. Ёзувчи Эрон ва Туркия мисолида Шарқ халқларини, Франция ва Испания мисолида эса Европа халқларини бир-бири билан таққослайди, қимматли хулосалар чиқаришга имкон берадиган манзараларни кўрсатади.

Ёзувчи энг кўп диққат-эътиборини Ғарб ҳаётининг эркинлиги ва айни дамда Шарқда ҳукм сурган мустабид ҳокимият ва мутаассибчиликнинг илдизларини очишга қаратади. У давлат бошқаруви шаклларини таҳлил қилиб, у ёки бу давлат тузумига хос илк сабабларини топишга ҳаракат қилган. Масалан, у Ғарбда ҳаётнинг бирмунча эркинлиги, тараққиётнинг юксалиш сабабларини Ғарб ҳукмдорларининг адолатпарварлиги билан изоҳласа, Шарқда ҳукмдорларнинг шафқатсизлиги, золимлиги ҳаётнинг ўзгаришсиз ва қотиб қолишга сабабдир деб қуйидагича кўрсатади:

«...Осиёлик ҳукмдорларнинг амалга ошираётган ишларидан ғофил бўлишлари улар қабул қилинган қарорларининг энг ёмонидир.

Ҳукмдорлар янада иззатталаблик даъвосини илгари сурадилар, пировардида улар подшоҳнинг эмас, подшоҳликнинг иззат қилинишига эришадилар, раъиятининг фикр-зикри маълум ҳукмдор шахси билан эмас, балки умуман тахт билан банд бўлади.

Шарқ ҳукмдорларининг ҳукуматларида ўзгаришларнинг бўлмаслиги кишини ҳайратга солади. Аслида бунинг сабабчиси ўша ҳукмдорнинг золимлиги ва шафқатсизлигидир.

Ўзгаришларни ё ҳукмдор, ё бўлмаганда халқнинг ўзигина амалга ошира олади. Ҳукмдорлар учун бунга асло эҳтиёж йўқ, негаки энг олий даражада ҳокимият тизгинини қўлда тутган ҳолда улар истаган нарсаларига эриша оладилар. Амалга оширилган ҳар қандай ўзгариш уларнинг манфаатларига зид бўлган бўларди»[1]

Европа халқларининг ҳокимият олдида ўзларини бирмунча эркин тутишлари сабаблари ҳақида эса ёзувчи қуйидагича фикр билдирган:

«Оврупадаги барча халқлар ўз ҳукмдорларига бир хилда бўйсунмайдилар.

Масалан: сабр-тоқатсиз англияликлар қиролларига ҳукм юритишга фурсат бермайдилар, итоаткорлик ва мутелик англияликларда энг кам учрайдиган хислатдир»[2].

«Республикаларнинг келиб чиқиши ва тарихи Оврупага келганимдан сўнг энг қизиқишимни орттирган мавзулар бўлди. Осиёликларнинг аксарияти давлат тузумининг ушбу кўриниши ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслар. Уларнинг хаёлларида ер юзида золим ҳукуматдан бошқачаси мавжуд бўлиши ҳам мумкин эмас. Биз билган илк ҳукуматлар монархиялар шаклида бўлишган, республикалар тасодиф ҳамда асрларнинг ўтиши оқибатида пайдо бўлган.

Греция сув тошқини оқибатида вайрон бўлгач, унинг сарҳадига янги одамлар кўчиб келдилар.

Улар асосан Миср ҳамда Осиё қитъасининг Грецияга қўшни юртларидан келдилар; мазкур мамлакатлар асосан подшоҳлар томонидан бошқарилган бўлганидан у ерлардан келган халқлар ҳам шу йўсинда бошқарила бошланди.

Бироқ подшоҳзодаларнинг зулми ҳаддан ошгач, бўйинтуриқ улоқтириб юборилди ва подшоҳликлар ўрнида республикалар пайдо бўлдиларки, улар ярим ёввойилар ўртасидаги орол мисол Грециянинг гуллаб, яшнашини таъминладилар»[3].

Мазкур кўчирмадан кўринадики, ёзувчи Осиёда ва Мисрда ҳукм сурган барча мустабид ҳокимиятларининг моҳиятини жуда яхши

[1] Монтескье Ш. Л. Персидские письма стр. 75. Royallib. ru
[2] Ўша асар. 74-бет.
[3] Ўша асар. 96-бет.



англаган. Дарҳақиқат, Шарқ ҳукмдорларининг саройларида ўзгаришлар деярли бўлмаган, ўзгаришларнинг бўлмаслигига сабаб эса шуки, ҳар қандай ўзгариш ҳокимларнинг манфаатига хилоф бўлган. Аммо ўзгаришларнинг йўқлигига ўша ҳукмдорларнинг золимлиги ва шафқатсизлиги сабабчидир, деган эътироз уйғотади, негаки мазкур даъвони қилган киши нима сабабдан Шарқ ҳукмдорлари шафқатсиз ва золим эканлигини, Ғарб қиролларининг эса аксинча, нима сабабдан ҳукм чиқаришда мувозанатга интилганликлари сабабини ҳам тушунтириб бериши лозим бўлади.

Кўчирма давомида келтирилган иккинчи фикр янада қизиқарлироқ: Грецияга Осиё ва Мисрдан кўчиб келиб жойлашган халқлар анъанага мувофиқ подшоҳликлар, яъни мустабид ҳокимият тузадилар, аммо «Подшоҳзодаларнинг зулми ҳаддан ошгач, бўйинтуриқ улоқтириб юборилади» ва подшоҳликлар ўрнида республикалар ташкил қиладилар. Энди бир ўйлаб кўринг: нима сабабдан Грецияга кўчиб келган осиёликлар ва Мисрликлар «Зулм ҳаддан ошгач» бўйинтуриқларни улоқтириб юбориб, подшоҳликлар ўрнига республикалар ташкил қила олдилару, аммо бўйинтуриқ ўз маскани, яъни Осиё ва Мисрда ўз ҳолича, халқнинг бўйнида қолаверди? Осиё ва Мисрдан Грецияга кўчиб келган кишиларга орадан маълум муддат ўтгач, «Бўйинтуриқ»ни улоқтириб юборишга имконият берган сабаб, омил нима?

Европани забт этган осиёликларнинг орадан бирмунча фурсат ўтгандан кейин ўз феъл-атворларини, яъни ҳокимиятга бўлган муносабатларини ўзгартириб юборган ҳоллари тарихда жуда кўп учрайди. Монтескье ўз ҳикоясини мана бундай давом эттиради:

«Осиёдан чиққан турк ёки татар каби халқлар подшоҳларининг иродасига бўйсуниб, янги юртларни забт этишга отланар эканлар, улар қуроллари воситасида подшоҳларига янги фуқароларни қўлга киритиш ҳамда шафқатсиз ҳукмига бўйсундириш ҳақидагина ўйлаганлар. Уларнинг орасидаги африкалик вандаллар ёки испаниялик готлар қабилари қиролларидан норози бўлишлари билан уларни тахтдан четлаштирганлар»[1]. Ҳозиргина келтирилган кўчирмалар Шарқ ва Ғарбнинг ўзига хос ҳокимиятчилик анъаналарининг илдизларини аниқ, равшан илғаб олиш имконини берадиган ноёб мисоллардир.

[1] Монтескье Ш. Л. Персидские письма стр. 98. royallib.ru

Хўш, ўша Европага Осиё ва Мисрдан кўчиб келган кишиларнинг феъл-атворида, ҳокимиятга бўлган муносабатларида нима ўзгариш рўй берган эди? Агарда биз Шарққа хос бўлган мустабид ҳокимиятининг Шарққа хос бўлган суғорма деҳқончилик талаби билан пайдо бўлади деган фикрдан келиб чиқадиган бўлсак, ўзгаришларнинг сабаби ойдинлашади. Шарқдан фарқли равишда Ғарбда суғорма деҳқончиликка эҳтиёжнинг йўқлиги суғорма деҳқончиликнинг йўлдоши бўлган мустабид ҳокимиятга бўлган эҳтиёжни ҳам йўққа чиқаради-ки, бунинг исботини Грецияга Осиё ва Мисрдан кўчиб келган халқлар тақдирида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Энди буюк файласуф ёзувчининг шарқона деспотизмнинг моҳияти ҳақидаги фикрлари билан танишиб чиққанимиздан сўнг, эътиборимизни унинг Ғарбда ҳукм сурган феодал тарқоқлик ва ўзаро урушларнинг сабаблари ҳақидаги фикрларига қаратамиз. Ёзувчи бу ҳақда қуйидагича фикр юритади:

«Епископлар ўз хоҳишларича дин ақидаларини яратмайдилар.

Аксарияти дарвешлардан иборат бўлган сон-саноқсиз донишмандлар борки, улар ўз муҳитларида динга оид минглаб муаммоларни кўтариб чиқадилар; уларга узоқ вақт баҳслашишга имконият берилади ва мунозара бирор бир қарор билан хотима топмагунча давом этаверади.

Шу сабабдан сизни ишонтириб айта оламанки, исо Масих тасарруфида бўлган мамлакатлардагидек бу қадар кўп ўзаро урушларни бошдан кечирган салтанат ҳеч қачон бўлган эмас»[1].

Демак кўринадики, Монтескье Ғарбда бутун ўрта асрлар давомида ҳукм сурган тарқоқлик ва ўзаро урушлар сабабини диний ақидаларни эркин мушоҳада қилиш туфайли юз бермоқда деб билади. Диний мазҳаблар ўртасида ақидавий мавзуларда баҳс-мунозараларнинг бўлиб туруши нафақат Ғарб, балки Шарққа ҳам хосдир. Аммо Ғарбдаги феодал тарқоқлик шундай бир муҳит яратдики, натижада мазҳаблараро тортишув, баҳс-мунозара ўзининг энг юқори кўринишига етди. Демак, ёзувчининг назарида диний ақидаларни эркин, бемалол талқин қилиш Ғарбда тинимсиз ўзаро урушларни келтириб чиқарган.

Хўш, нима сабабдан Ғарбда диний ақидалар хусусида бемалол эркин, узундан-узоқ баҳс-мунозаралар олиб борилгани ҳолда

[1] Ўша асар. 21-бет.



Шарқда бундай мазҳаблараро нотинчликлар камдан-кам ҳоллардагина содир бўлган? Шарққа хос бўлган суғорма деҳқончилик бир дарёдан сув ичадиган аҳолини битта умумий манфаат асосида бирлаштиради. Лалмикор деҳқончилик билан кун кечириб келган Ғарбда эса аксинча, марказий ҳокимиятнинг эмас, балки алоҳида-алоҳида жамоаларнинг манфаати устуворлик қилар эди. Бутун мамлакатни бирлаштириб турувчи манфаатнинг устувор эмаслиги ўзаро урушларни ҳамда мазҳаблараро ақидавий баҳс-мунозараларнинг, тортишувларнинг кескин ва доимий тус олишига асосий сабаб эди. Биз ҳали худди шу мавзуга Эрих Фромм фикрларининг таҳлили учун яна бир бор мурожаат қилишимиз лозимлиги учун бу мавзунинг таҳлилини шу ерда тўхтатамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Мотескье Шарқ билан Ғарбни ўзаро таққослар экан, бирида мустабид ҳокимиятни, мутеликни, қулликни, инқироз ва турғунликни, иккинчисида эса ўзаро урушларни, эркинликни ва нисбатан тараққиётни кўради. Монтескье Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослиги сабаблари устидаги пардалардан бирини оча олган мутафаккирдир. Аммо унинг нигоҳи бундан нарига ўта олмаган. У ана шу икки дунёни икки йўлга солиб юборган объектив, яъни табиий сабабини кўра олмаган.

### 3. Фозила Сулаймонованинг «Шарқ ва Ғарб» асарида эллинистик маданиятининг Шарқдаги тақдири ҳақида

Биз юқорида Монтескъенинг «Форс номалари»да Миср ва осиёлик фотиҳларнинг Греция ва бошқа Оврупо мамлакатларида ўрнашуви жараёнида ўзларининг ижтимоий характерларини – ҳокимиятга бўлган муносабатларини ўзгартирганликлари билан танишиб чиқдик. Фозила Сулаймонова қаламига мансуб бўлган «Шарқ ва Ғарб» асарида эса худди шу жараённинг аксини кўришимиз мумкин: энди осиёликлар ва мисрликлар эмас, балки европаликлар фотиҳлар вазифасини бажарадилар ва Шарқда ўзларининг европача феъл-атворларини унутиб, асл шарқликларга айланадилар. Ушбу асарнинг асосий мавзуларидан бири македониялик Искандарнинг Миср ва Осиёга юриши натижасида эллинистик давлатларнинг пайдо бўлиши ва ана шу эллинистик ва Шарқ маданиятининг ўзаро таъсири масаласидир.

Эллинистик давр ва эллинистик маданиятнинг Шарқ халқларига таъсири масаласи энг мураккаб ва қизғин тортишув, мунозаралар уйғотиб келаётган мавзудир. Кўпгина ғоявий мавзуларда бўлаётгани каби айрим европалик (баъзида ўзимизникилар ҳам) олимлар Шарқ халқлари эллинистик маданиятни қабул қилишга тайёр бўлмаган деган нуқтаи назарни баён қилганлар. Ҳақиқатдан ҳам эллинистик маданиятнинг Шарқда тақдири қандай бўлган эди?

Эллинистик маданият шарқликлар томонидан қабул этилганми ёки йўқми? Агар қабул қилинмаган бўлса бунга нима сабаб бўлган бўлиши мумкин? Бунга баъзи бир европалик олимлар «исбот» қилиб бераётгандек, «Шарқ халқларининг тараққиётига ноқобиллиги» сабабмиди ёки бирор бошқа сабаб бормиди?

Ана шу масала юзасидан муаллифнинг мулоҳазалари билан танишайлик:

«Эллинистик маданиятнинг шаклланишида Шарқ катта роль ўйнайди. Яқин ва Марказий Шарқда ривож этган илм-фан, айниқса астрономия, математиқа, табобат ва ***ўзига хос қишлоқ хўжалиги*** борлиги, греклар таниш бўлмаган экин экиш, ҳосил олиш усуллари, улар билмаган озуқа, мева, полиз етиштирилишини кўрдилар. Айниқса, бир-бири билан алоқаси кам бўлган мустақил шаҳар давлатлар-полислар тузуми шароитида яшашга ўрганган келгиндилар, Шарқда ягона давлат, йўлга қўйилган савдо алоқалари, шаҳарлараро яхши йўллар ва қишлоқлар билан бирдамлик, умумий дин, ибрат олишга арзигулик кўп нарсалар борлигини кўрадилар. Ҳақиқатдан Шарқ халқлари давлат тузуми, иқтисоди ва маданиятининг эллинизмга таъсири оз бўлмади»[1]. Келтирилган кўчирма аниқ кўрсатиб турибдики, муаллиф Ғарб жамияти билан Шарқ жамияти ўртасидаги тафовут ҳақида жуда яхши маълумотга эга.

Тарихчи олима Шарқ ва Ғарб орасидаги ушбу тафовут эллинистик маданият, адабиёт, дин, фалсафа, санъатга қандай таъсир кўрсатганлиги ҳақида қуйидагиларни билдиради:

«Грек адабиётининг ўзида ҳам катта ўзаришлар рўй беради...» «Ғоявий ва сиёсий кураш қуроли бўлган сиёсий нотиқлик полислар йўқолиши билан ўз моҳиятини йўқотади, ўрнини Шарқ адабиётида

---

[1] Сулаймонова Фозила «Шарқ ва Ғарб" Тошкент 1997 163-64 бет.



кенг тарқалган амалдор ва шоҳларга қаратилиб айтилувчи мадҳия эгаллайди»[1].

«Эллинистик даврда фақат грек адабиётигина эмас, санъат, мафкура соҳаси – фалсафа ва динда ҳам кескин ўзгаришлар рўй беради.

Ҳар бир озод (яъни қул бўлмаган), инсон аввалги сиёсий эркинлигидан маҳрум бўлади, унинг ҳаёти, бахт-саодати золим ҳоким, сиёсат, иқтисодий ўзгаришлар билан боғлиқ, лекин бу ташқи кучларнинг бирортасини ўзгартиришга шахсининг қурби етмайди»[2].

«Эллинизм даврида қадимий олимп худолари дини аввалги мавқеини анча йўқотади. Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар талабига полис дини жавоб беролмай қолади»[3].

Эллинистик маданият, адабиёт, фалсафа, дин ва санъатда рўй берган мана шу ўзгаришларнинг сабаби нимада? Энг аввало грек маданиятини шакллантирган муҳит нимадан иборат бўлганлиги ва бу муҳит билан Шарқ маданиятини шакллантирган Шарқ муҳити ўртасида қандай тафовут борлигини аниқлашга уриниб кўрайлик. Бу икки муҳит, яъни Шарқ билан Ғарб ўртасидаги асосий тафовут улар ўртасидаги иқлимий тафовутдан келиб чиқадиган ўзига хос ишлаб чиқариш усулидир. Шарққа хос бўлган қуруқ ва иссиқ иқлим суғорма деҳқончиликни талаб этгани ҳолда, Ғарбнинг серёғин ва мўътадил иқлими эса лалимкор деҳқончилик учун шароит яратади.

Мантиқан олиб қарайдиган бўлсак, суғорма деҳқончилик фақатгина кучли, марказлашган, ўта қаттиққўлликка асосланган, яъни мустабид давлатчилик шароитидагина амалга ошади холос. Шуни унутмаслик керакки, бундай қаттиққўлликка асосланган давлатчилик давлат бошлиғи бўлган подшоҳ ва унинг атрофидаги аъёнларнинг истак-хоҳиши билан эмас, балки бир сув ҳавзаси атрофида яшаган бутун аҳолининг истак-хоҳиши билан амалга ошади. Ўз-ўзидан тушунарлики, мана шундай шароитда яшаган халқлар ижтимоий характерида ҳокимият олдида итоаткорлик етакчи ўрин эгаллайди. Ҳар бир жамиятнинг моддий асоси, ишлаб чиқариш усули ўзига мос келадиган ижтимоий онг-маданият, адабиёт, фалсафа, санъатни вужудга келтиради.

---

[1] Ўша асар 164-бет.
[2] Ўша асар 165-бет.
[3] Ўша асар 165-бет.

Грек маданияти эса Ғарбга хос бўлган лалмикор деҳқончилик шароитида шаклланган эди. Ишлаб чиқаришнинг бу усули энг аввало ўзига мос келадиган сиёсий муҳит яратади: грек полислари – шаҳар-давлатларнинг ҳар бири мустақил давлатчалар эди. Бундай сиёсий муҳит яратадиган ижтимоий характернинг энг муҳим белгиси – жамиятнинг ҳар бир фуқароси учун ҳурфикрлилик, ўз шахсий манфаатини биринчи ўринга қўйиш (индивидуализм), шахсий ташаббус ва асосан ўз кучи, салоҳиятига ишониш каби қадриятлар биринчи ўринга чиқади. Ғарбга хос бўлган лалмикор деҳқончилик асосида пайдо бўлган сиёсий мустақиллик ўзига мос келадиган ижтимоий характерни яратади. Бу эса ўз навбатида грек маданияти, адабиёти, санъат, фалсафа ва динда ўз ифодасини топади.

Кўраяпмизки, бу икки маданият мутлақо бир-бирига ўхшамаган икки хил муҳит маҳсули эди. Худди шунинг учун ҳам бу икки маданият бир-биридан анчагина кескин фарқ қилар эди. Шарқ маданияти ва эллинистик маданиятнинг ўзаро таъсири ҳақида гапирганда, айримлар эллинистик маданият илғор маданият эди, шунинг учун ҳам у Шарқ томонидан ўзлаштирилиши керак эди, модомики, шарқликлар эллинистик маданиятни қабул қила олмаган эканлар, бу уларнинг тараққиёт даражаси чет таъсирини ўзлаштиришга имкон бермаганлиги натижасидир, деган фикрни баён қиладилар. Бундай фикрларнинг нотўғри эканлигини «Шарқ ва Ғарб» асарининг муаллифи етарли даражада исботлаб бера олган деб ўйлайман.

Менимча, икки маданиятнинг ўзаро таъсири ҳақида гапирганда бириси қолоқ, иккинчиси илғор эди, деган фикрлар масаланинг моҳиятини тушунмасликдан бошқа нарса эмас. Икки маданиятнинг ўзаро таъсири ҳақида тадқиқот олиб бораётган олим аввало масалани бус-бутун, тўлалигича қамраб ола билиши шарт. Ахир эллинистик маданият билан Шарқ маданияти мавҳум (нейтрал) фазо, бўшлиқда бир-бирларига дуч келмаган, балки бу ўзаро таъсир конкрет тарихий, иқтисодий, сиёсий бир муҳитда юз берган. Ўзига хос бўлган маданиятга эга бўлган греклар ҳар қандай маданиятни эксангиз бемалол кўкариб кетаверадиган бўш ерга эмас, балки ўз маданиятига эга бўлган муҳитга, Шарққа кириб келган эдилар.

Бундай шароитда эллинистик маданиятнинг тақдири қандай бўлишини тасаввур қилиш унча қийин эмас: эллинистик маданиятнинг Шарқ маданиятига ҳамоҳанг бўлган унсурлари



ўзлаштирилади, қолган унсурлари эса рад этилади. Масалан, энг аввало Шарққа хос бўлган ишлаб чиқариш усули уларнинг сиёсий тузумини ўзгартиради: мустақил шаҳар-давлатлар – полис тузуми ўрнини ягона, марказлашган, мустабид ҳокимият эгаллайди. Шарқ муҳити ҳатто Искандарнинг ҳаётлик чоғидаёқ ўзини кўрсатган эди: Искандарнинг феъл-атворида Шарқ ҳукмдорларига хос мустабидлик белгилари пайдо бўлган ва бу унинг яқинлари орасида норозилик пайдо бўлишига олиб келган эди. Сиёсий тузумда юз берган бундай ўзгариш эллинистик маданиятнинг барча жабҳаларида ўз таъсирини кўрсатади: эллинистик маданият Шарқ маданияти шаклига кира бошлайди. Масалан: «Ғоявий ва сиёсий кураш қуроли бўлган сиёсий нотиқлик... ўрнини... амалдор ва шоҳларга қаратилиб айтилувчи мадҳия эгаллайди».

Хўш, Грек адабиётининг ушбу жанри – сиёсий нотиқлик нима сабабдан ўз моҳиятини йўқотди экан? Айримлар таъкидлаётганидек, Шарқ халқлари уни ўзлаштиришга ноқобил бўлганлари учунми? Агар озроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, бунинг сабаби аён: сиёсий нотиқлик Ғарбда, бир-биридан мустақил бўлган шаҳар-давлатлар – полислар шароитида, сиёсий эркинлик ҳукмрон бўлган шароитда қўл келар эди. Аммо тепасида қаттиққўл, мустабид подшоҳ ўтирган давлат фуқароси учун сиёсий нотиқлик эмас, балки... «Амалдор ва шоҳларга қаратилиб айтилувчи мадҳия» санъати муҳимроқ эди. Ёки Аристотель фалсафасини олиб кўрайлик: Аристотель биринчи муаллим сифатида Шарқ олимлари орасида юксак эҳтиромга сазовор бўлган албатта. Аммо унинг фалсафаси Шарқда ҳаёт фалсафасига айлана олмади. Аристотель фалсафаси асосан Ғарбда кенг тарқалган. Шарқда Аристотель фалсафасига қарама-қарши бўлган парадоксал фалсафа ҳаёт фалсафаси бўлган.

Хўш, нима учун бутун Ғарбда деярли оғишмай амал қилинадиган, Шарқ олимлари томонидан иззат-ҳурмат кўрсатилган бу фалсафий оқим Шарқда ўз ўрнини топа олмаган? Маълумки, ҳар бир фалсафий оқим ўзига яраша мантиққа асосланади: аристотелча фалсафа (Ғарб фалсафаси) аристотелча мантиққа, Шарқ фалсафаси эса парадоксал мантиққа асосланган. Бу икки хил мантиқ орасидаги тафовут асосан қуйидагича: аристотелча мантиққа асосан: А баробар а (бир хиллик қонуни) А Б (Б эмас) бўла олмайди (қарама-

қаршилик қонуни) ва X ёки A (ёки A эмас) бўла олмайди. Учунчи йўл йўқ (учинчиси мумкин эмас қонун).

Парадоксал мантиққа асосан эса X бир вақтнинг ўзида A ва A эмас бўлиши мумкин. Агарда фалсафанинг мураккаб тилини оддий қилиб тушунтирадиган бўлсак, аристотелча мантиқ бўйича:

1. Яхши одам доимо яхши.
2. Яхши одам ёмон бўла олмайди.
3. Одам ёки яхши ёки ёмон бўлиши мумкин холос, (яъни бир одам бир вақтнинг ўзида бир одам учун ҳам яхши ҳам ёмон бўлиши мумкин эмас).

Парадоксал мантиқ нуқтаи назардан эса бир одам бир вақтнинг ўзида айни бир одам учун ҳам яхши, ҳам ёмон бўлиши мумкин. Ана энди нима учун Ғарбда айнан аристотелча фалсафа устунлик қилгани-ю Шарқда эса аксинча, нима учун парадоксал фалсафа кенг ёйилганлигини тушуниб олиш қийин эмас: сиёсий тарқоқлик (эркинлик) устувор бўлган Ғарб жамиятида «Ё униси ёки буниси тўғри» деган фалсафа ҳукумронлик қилиши табиий: бир-бири билан умумий манфаатлар асосида маҳкам боғланган Шарқ жамиятида эса муросасозлик, яъни «Сеники ҳам, сеники ҳам тўғри» деган фалсафа кенг ёйилиши мумкин эди холос.

Масалага ана шу нуқтаи назардан қаралганда, Аристотель фалсафасининг Шарқда қабул қилинмаганлиги сабабини тушуниб олиш қийин эмас. Айрим европалик олимлар учун эса Аристотелча мантиқнинг Шарқда қабул қилинмаганлиги шарқликларнинг чет таъсирини ўзлаштиришга тайёр эмасликлари туфайли эмиш. Модомики, Шарқ ўзига хос ҳаёт тарзига ва ҳаёт тарзидан келиб чиқадиган фалсафага эга экан, Аристотель фалсафаси билан Шарққа келган Искандарлар Аристотель фалсафасига истаганича ҳурмат кўрсатаверишлари мумкин эди-ю, аммо ҳаётда Шарқ фалсафасига амал қилишга мажбур эдилар.

Шарқ билан Ғарб орасидаги тафовут динга бўлган муносабатда ҳам ўз ифодасини топган. Эллинистик маданиятининг меросхўри ҳисобланмиш кўшанлар салтанатида ҳукмрон бўлган диний бағрикенглик ҳақида муаллиф қуйидагича ёзади:

«Мафкура соҳасида ҳам кўшанлар даврида қизиқ бир ҳолат ҳукм сўрган-буддизм ва турли-туман ҳинд эътиқодлари, мавжуд бўлган. «



«Динлар ва фалсафий системаларнинг бир қанчалари бир давлат, бир сиёсий тузумда бундай дўстона яшаши инсоният тарихида ҳеч қаерда учрамайди»[1].

Муаллиф кўшанлар салтанатида ҳукм сурган диний бағрикенглик ҳақида жуда тўғри ёзади. Аммо унинг «Динлар ва фалсафий системаларнинг бир қанчалари бир давлат, бир сиёсий тузумда бундай дўстона яшаши инсоният тарихида бошқа ҳеч қаерда учрамайди» деган фикри анчагина мунозарали. Чунки бизнинг фикримизча, Шарққа хос бўлган суғорма деҳқончилик диний бағрикенгликнинг асосидир. Яъни бир сув ҳавзаси ҳудудида яшаган аҳоли ирқи, дини, мазҳабидан қатъи назар умумий манфаатлар билан ўзаро мустаҳкам боғланган. Бу эса ўз навбатида динлараро, мазҳаблараро, миллатлараро муросасозликни талаб этади. Суғорма деҳқончилик эса Шарқнинг жуда катта ҳудудида жуда қадим замонлардан бери қўлланилиб келинади. Шунга биноан динлараро бағрикенглик фақатгина кўшанлар давлатига хос бўлиб қолмай, балки Шарқнинг жуда катта қисми қадим замонлардан бери амал қилиб келаётган қадриятдир деб айтишга ҳақлимиз.

Ана энди юқорида келтирилган кўчирмадан сал илгарироқ ана шу мавзуда билдирилган яна бир фикрни таҳлил қилиб кўрсак:

«Ҳақиқатдан кўшанлар маданияти гибрид характерида экани аниқ.

Лекин унда асоси грек-бактрия эллистик маданияти ташкил этсада, кўчманчи халқлар ва ҳинд-буддизм маданиятларининг таъсири ҳам кучли»[2].

Мен бу фикрга, яъни кўшанлар маданиятининг асосини грек-бактрия эллинистик маданияти ташкил этган деган фикрга қўшила олмайман. Бу фикрга қарши далилларни Ф. Сулаймонованинг ўзидан ҳам истаганча топиш мумкин:

Масалан, 164-165 бетларни ўқиганимизда шунга ишонч ҳосил қиламизки, грек маданияти, фалсафа, санъат ва дини Шарқда ўз моҳиятини йўқотади, у нафақат мазмунан, ҳатто шаклан ҳам Шарқ маданияти элементларининг ўзига сингдириб олади.

Эллинистик маданият озми-кўпми шакл жиҳатдан ўз кўринишини сақлаб қолган эди. Аммо мазмунан эллинистик маданият Шарқ маданиятининг худди ўзи эди, десак муболаға

[1] Сулаймонова Фозила «Шарқ ва Ғарб” Тошкент 1997 178-179 бет.
[2] Сулаймонова Фозила «Шарқ ва Ғарб Тошкент 1997 178 бет.

бўлмайди. Масалан, муаллиф томонидан келтирилган адабиётдаги ўзгаришларни олиб қарайлик. Ёки кўшанлар салтанатида ҳукм сурган диний муросасозлик кайфиятини олиб қарайлик, турган гапки, бундай диний муросасозлик Шарқ муҳити, демакки Шарқ маданиятига хосдир. Албатта кўшанлар маданияти, адабиёти, санъати, архитектура, динда эллинистик маданият элементлари сақланиб қолганлиги аниқ. Масалан, адабиётда грекча номлар, динда грек худоларининг номлари ва шунга ўхшаш. Аммо мазмунан адабиёт ҳам дин, ҳам Шарқ адабиёти ва динини ўзлаштирган эди. Бунинг қандай ва нима сабабдан юз берганлиги билан биз юқорида танишиб чиқдик.

Энди бир неча оғиз сўз асарнинг «Хотима қисмида» келтирилган бир фикр ҳақида: асар хотимасида муаллиф шундай саволни ўртага қўяди: «Ўрта асрларда минтақада юксак даражада ривожланган иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳаёт нима учун шундай инқирозга учради? Яқин ўтмишимиздаги расмий тарихшунослар «Ислом дини, «Диний жаҳолат», «Диний фанатизм», «Ислом ақидаларига ўта берилиш « деб жавоб берган»[1].

Бизнинг назаримизда бунинг бошқа сабаблари ҳам мавжуд. Олиманинг фикрича, 1453 йилда турклар томонидан Константинополнинг босиб олиниши бир томондан «Ипак йўли»нинг аҳамиятини йўққа чиқаради, иккинчидан эса буюк географик кашфиётларнинг амалга ошиши учун туртки вазифасини ўтайди. Натижада эса Марказий Осиё ўзининг халқаро савдо йўллари марказида тутган мавқеидан маҳрум бўлади ва бу аста секинлик билан иқтисодий, ижтимоий ва маданий қолоқликка сабаб бўлган.

Албатта, муаллифнинг ушбу назарияси Шарқ ва Ғарб орасидаги тафовутнинг сабабини тўла ёритиб бера олмайди. Аммо олиманинг фикрида маълум даражада ҳақиқат борлиги равшан. Бундан ташқари, масалага ана шу нуктаи назардан қарашнинг энг қимматли жиҳати шундаки, олима биринчилардан бўлиб Шарқ ва Ғарб орасидаги тафовут сабабини субъектив жиҳатдан тушунтирувчиларга қарши чиқади ва бу тафовутнинг объектив табиий сабаби бор, деган тезисни илгари суради. Асарнинг бошқа ютуқларини ҳеч бир камситмаган ҳолда, ана шу тезис муаллифнинг энг катта хизматидир деб айтишга ҳақлимиз.

---

[1] Сулаймонова Фозила «Шарқ ва Ғарб" Тошкент 1997 398 бет.



## 4. Э. Фромминг ижодида Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослиги масаласига муносабат

Шарқ ва Ғарб тараққиётидаги ўзига хослик сабабларини очишга уринганлардан яна бири XX асрнинг энг атоқли файласуфларидан бири ҳисобланган Э. Фроммдир. У Шарқ ва Ғарб тараққиётидаги ўзига хослик сабабларини ана шу икки қутб, яъни Шарқ ва Ғарбда шаклланган фалсафий оқимларда деб исботламоқчи бўлади. Унинг таъкидлашича, Ғарб фалсафаси қадимдан аристотелча мантиққа суяниб келган. Бу мантиққа суянувчилар дунёнинг моҳиятини ақл билан билиш мумкин деб ҳисоблайдилар.

Шарқ фалсафаси эса аксинча, парадоксал мантиққа асосланган бўлганлиги учун Шарқда дунёнинг моҳиятини ақл билан англаш мумкин эмас, деб ҳисобланади. Бу фалсафий оқимларнинг Шарқ ва Ғарб тараққиётига таъсири ҳақида файласуф қуйидагича ёзади:

«Парадоксаль мантиқ нуқтаи назаридан қараганда, фикрдан кўра ҳаракат, яъни ақидадан кўра яшаш тарзи муҳимроқдир. Худди ана шу нуқтаи назардан яна бир қатор оқибатлар келиб чиқади.

Энг биринчи ўринда бу дунёқараш муросасозликка олиб келадики, биз бу муросасозликни Ҳиндистон ва Хитой динларининг ривожланишида кўрамиз.

Агарда тўғри фикрлаш энг олий даражадаги ҳақиқат бўла олмас, нажотга олиб кела олмас экан, демак бошқача фикр ва эътиқод эгаларига қарши курашиш ҳам мантиқсизликдир. Иккинчидан, парадоксал мантиқ нуқтаи назаридан қараганда ақида ва илм-фан эмас, балки инсоннинг маънавий юксалиши асосий аҳамиятга эгадир. Ғарб тафаккурининг асосий йўналиши учун бунинг акси хосдир. Бу ерда, яъни Ғарбда энг олий ҳақиқатга илм, ақл ва тафаккур орқали етиш мумкин деб ҳисоблангани учун тўғри ҳаёт тарзининг аҳамияти тан олинган бўлса-да ақл, идрок ва тафаккурни ривожлантиришга асосий аҳамият берилди. Ана шундай нуқтаи назар дин ривожида ақидапарастликнинг ривожланишига, уларни талқин қилишда тинимсиз баҳс-мунозараларга ҳамда даҳрийларга ва еретикларга нисбатан муросасизликка олиб келади. Ақл-идрок ва тафаккурнинг биринчи даражали аҳамият касб этиши тарихий жиҳатдан муҳим яна бир оқибатга сабаб бўлди. Ҳақиқатга тафаккур орқали етиш мумкин деган ғоя нафақат ақидапарастликни, шу билан бирга илм-фаннинг пайдо бўлишига олиб келди. Илм-фанда тўғри рационал фикрлаш ҳам интеллектуал билим, ҳам илмий

тафаккурни амалда тадбиқ этиш, яъни техникани ривожлантиришнинг бирдан-бир омилидир.

Шундай қилиб парадоксал фикрлаш муросасозлик ва тўғри яшашга интилишга, аристотелча мантиқ эса ақидапарастликка, илм-фанга, католик черковига ҳамда атом энергиясининг кашф этилишига олиб келди»[1].

Демак Эрих Фромм нуқтаи назари бўйича икки хил мантиққа суяниш Ғарб ва Шарқ тараққиётини икки йўналишга солиб юборган: аристотелча мантиқ Ғарбни илм-фан, техникада ривожланиб кетишига, парадоксал мантиқ эса аксинча, Шарқнинг илм-фан, техника тараққиётининг тўхтаб қолишга олиб келган. Аслида эса бунинг тескариси тўғри бўлиши керак, яъни Шарқнинг ўзига хос тараққиёт йўли Шарқда парадоксал фалсафанинг ёйилишига, Ғарбнинг ўзига хос тараққиёт йўли эса Ғарбда аристотелча фалсафанинг устунлик қилишига олиб келган.

Ушбу даъвони исбот қилиш учун эса Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослик жиҳатларини текшириш ва ўзаро таққослаш талаб этилади. Эрих Фромм тўғри таъкидлаганидек Шарқда ҳамиша диний бағрикенглик, динлараро, мазҳаблараро муросасозлик ҳукм суриб келган. Ғарб эса бутун ўрта асрларни ўзаро урушлар, мазҳаблараро низо – жанжаллар, тортишувлар билан кечирган. Бу тафовутнинг сабаби нимада? Бизнингча, Шарқ билан Ғарб ўртасидаги биринчи тафовут шундаки, Ғарбдан фарқли равишда Шарқда ҳамиша ва асосан кучли, марказлашган в мустабид ҳокимиятчилик ҳукм суриб келган.

Шарқда маълум бир сув ҳавзаси доирасига кирадиган аҳоли битта кучли, марказлашган, қаттиққўл давлат атрофида жипслашишга мажбур эдилар. Ана шундай қаттиққўл, мустабид давлат фуқаролари учун шу давлатнинг яхлитлиги ва барқарорлиги энг устувор манфаат ҳисобланган. Худди ана шу устувор манфаат шу давлат ҳудудидаги аҳолининг дини, ирқи, миллати в маҳзабидан қаъти назар уюштирувчи, бирлаштирувчи восита эди. Худди ана шу уюштирувчи, бирлаштирувчи устувор манфаатнинг мавжудлиги Шарқда динлараро, маҳзаблараро муросасозликни талаб қилар эди. Шарқ тараққиётининг ўзига хос бу йўли ўзига муносиб, ўзига мос келадиган бир фалсафа ҳам яратиши лозим эканлиги ўз – ўзидан тушунарлидир. Парадоксал матиқнинг асоси

1 Фромм Э. «Душа человека". М:. 1992. Стр 151.



мазмуни, моҳияти эса «сеники ҳам, сеники ҳам тўғри» деган ақидадан иборатдир.

Шарқдан фарқли равишда Ғарбда суғорма деҳқончиликнинг йўқлиги бу ерда кучли, марказлашган, мустабид давлатчиликни кераксиз қилиб қўяди. Шунинг учун ҳам Ғарбда ўрта асрлар давомида феодал тарқоқлик тартиблари ҳукм суриб келади. Бундай шароитда марказий ҳокимиятнинг эмас, балки жойларнинг, яъни вилоятлар, шаҳарлар, феодал қўрғонларнинг манфаатлари устувор аҳамият касб этади. Ана шундай шароитда, яъни бутун мамлакат миқёсидаги манфаатлар заиф бўлган, жойларнинг манфаатлари эса аксинча, устувор бўлган бир шароитда ҳар бир жой, ҳар бир шаҳар, вилоят, феодал қўрғони фақат ўз манфаати учун кураш олиб борар эди. Ғарбга хос бўлган бундай тараққиёт йўли ҳам ўзига мос бўлган бир фалсафа яратдики, бу фалсафанинг мағзи «ё униси, ё буниси тўғри» деган ақидадан иборат бўлиб, реал ҳаётда эса «фақат меники тўғри» деган тушунчанинг кенг ёйилишига олиб келди.

Эрих Фромманинг юқорида зикр эилган назарияси файласуфнинг асосий дунёқараши материалистик дунёқарашга зид эканлиги равшан кўриниб турибди. Тарихга материалистик нуқтаи назар бўйича қараш маълум бир ишлаб чиқариш усули ўзига мос келадиган идеология – ижтимоий характерни ва ғояларни яратади. Бошқача айтганда, ҳар бир жамиятнинг ишлаб чиқариш усули шу ишлаб чиқариш усули талабларига мос келадиган фалсафий оқимни вужудга келтиради. Моддий ишлаб чиқариш усули асосида пайдо бўладиган ижтимоий онг, ғоя ўз навбатида жамият ҳаётининг барча соҳаларига, ҳатто моддий ишлаб чиқариш усулигача ўз таъсирини кўрсатади албатта. Аммо материалистик эътиқод эгаларининг қатъий ишончига кўра ижтимоий муҳит ижтимоий онгни шакллантиради.

Эрих Фромманинг назарияси бўйича парадоксал мантиққа асосланган фалсафа Шарқда илм-фан ва техниканинг қотиб қолишига келган эмиш. Шарқнинг асосий қисмига ёйилган ишлаб чиқариш усули – суғорма деҳқончиликнинг асосий талабларидан бири – ижтимоий тартибнинг барқарорлигидир. Давлат ўз табиатига кўра ижтимоий тартибнинг барқарорликка интилувчи ташкилотдир. Ҳаётдаги ҳар қандай ўзгариш давлатнинг худди ана шу табиатига, яъни ижтимоий тартибнинг барқарорлигини таъминлашга зид келади. Давлат ўз барқарорлигини сақлаш йўлида илм-фанга қарши курашиб келганлиги тарихдан маълум. Шарқдаги

кучли, марказлашган, қаттиққўлликка асосланган мустабид давлатчилик бу вазифани Ғарбнинг кучсиз марказий ҳокимиятига қараганда анча яхши уддалаган.

Ҳар ҳолда Эрих Фромм ҳам Шарқ ва Ғарб тараққиётидаги ўзига хослик масаласига бошқа кўпгина муаллифлар каби ўз моҳиятига кўра субъектив нуқтаи назардан ёндашган бўлсада, унинг бошқа муалифлардан биринчи фарқи шуки, унинг фикрларида озроқ бўлса-да ҳақиқат борлигини инкор этиш мумкин эмас. Иккинчидан эса у бошқа муаллифлар каби Шарқнинг ўзига хос тараққиёти сабабларини шарқликларнинг маданияти, мафкураси миллий қадриятлардан эмас, балки ана шу мафкура, маданият, ижтимоий қарашларни келтириб чиқарувчи негиздан излашга, яъни объектив йўл тутишга уринади. Шарқ ва Ғарб тараққиётидаги ўзига хослик сабабларини тадқиқ этган барча муаллифлар, тадқиқотчилар ичида Эрих Фромм худди ана шу жиҳати билан алоҳида ажралиб туради деб айтиш мумкин.

## 5. Шарқ тараққиёти ўзига хослиги муаммосини ўрганишда диний -бадиий адабиётларнинг ўрни

Шарқ тараққиёти ўзига хослиги муаммосини ўрганишда диний бадиий адабиётлар ўрни туғрисида гапирганда, пайғамбарлар ҳақида қиссалар муҳим аҳамиятга эга. Агарда биз ў таҳлиларимизни илмий асарлар билан чеклаб қўядиган бўлсак текширишларимиз анчагина бирёқлама бўлиб қолган бўлар эди. Бахтимизга тарихий ва диний-бадиий адабиётлар ичида мазкур мавзуга даҳлдор бўлганлари кўп. Биз яхудий ва ислом анъанавий адабиётида кенг тарқалган мавзу – пайғамбарлар ҳақидаги қиссаларни назарда тутмоқдамиз.

Мазкур адабиётларнинг яна бир энг муҳим жиҳати шундаки қаҳрамонлар, яъни пайғамбарлардан Юсуф алайҳиссалом ҳам Мусо алайҳиссалом ҳам Фаластинда, ҳам Мисрда яшаганлар. Бинобарин, улар бошидан кечирган ҳаёт воқеалари таҳлили биз тадқиқ қилаётган мавзуни ёритиш учун жуда муносиб материал бўлиб хизмат қила олади. Чунки географик жиҳатдан ёнма – ён жойлашган бу икки мамлакат ўзининг табиий-иқлимий шароитига кўра бир-биридан анча фарқ қилади. Яъни, Миср биз текшираётган мавзу нуқтаи назаридан биринчи гуруҳга, Фаластин эса иккинчи гуруҳга киради. Пайғамбарлар қиссалари шуниси билан диққат



сазоворки, бу қиссаларда ана шу мамлакатларнинг диний, мафкуравий тафовутлари яққол акс этган. Қуйида биз бунга ишонч ҳосил қилишимиз мумкин.

Пайғамбарлар қиссалари ичида «Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом» қиссаси ўрганилаётган мавзуни таҳлил қилишда муҳим аҳамиятга эга. Таврот ва Қуръони каримда келтириб ўтилган Юсуф алайҳиссалом қиссаси ислом уламолари, Шарқ шоирлари томонидан бадиийлаштириб талқин қилинган. Жумладан, Насриддин Бурхониддин Рабғўзийнинг «Қиссаи Рабғўзий» асарида Мисрда Фиръавн ва унинг амалдорларига халқ, фуқаро қандай муносабатда бўлганлигини ниҳоятда ёрқин тасвирлаган бир неча ўринлар бор. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, мазкур асар бадиий тўқималар, афсона, қисса, ҳикоят ва ривоятларга бой. Асарнинг биз таҳлил қилмоқчи бўлган «Қиссаи Юсуф Сиддиқ алайҳиссалом» қиссаси ҳам шундай ҳикоят, ривоятлардан ҳоли эмас.

Шунинг учун ҳам биз мазкур тўпламда келтирилган ҳикоят ва ривоятларни чинакам, реал воқелик эканлигига айримларни ишонтирмоқчи эмасмиз. Мазкур қисса шуниси билан диққат-эътиборга сазоворки, унда аҳолининг ҳокимият эгалари – Фиръавн ва унинг бош вазири– Юсуф алайҳиссаломга бўлган муносабати, уларни илоҳийлаштириш, уларга сажда қилиш бадиийлаштирилган ҳолда ўз ифодасини топган. Шарқ мумтоз адабиётида жуда кенг ёритилган «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасининг қисқача мазмуни қуйидагича: Юсуф Ёқуб алайҳиссаломнинг ўн биринчи ўғли эди. Юсуф ва укаси Бенямин Ёқубнинг севимли хотини Роҳиладан туғилганлиги учун Ёқуб Юсуфни бошқа ўғилларидан кўпроқ севар эди. Акалари отамиз Юсуфни биздан кўра кўпроқ яхши кўради, уни йўқ қилсак отамиз муҳаббати ўзимизга қолади деб, Юсуфни йўқотишга қарор қиладилар. Улар оталаридан Юсуфни алдаб оладилар ва далада қудуққа ташлаб, кўйлагини улоқ қонига бўяб, укамизни бўри еб кетибди деб, Ёқубга хабар берадилар, Миср томонга бораётган карвон Юсуфни қудуқдан тортиб олади.

Акалари эса бу бизнинг қулимиз деб, арзимаган пулга уни ўша карвонбошига сотиб юборадилар ва уни жуда узоққа олиб бориб сотишни шарт қилиб қўйядилар. Карвонбоши Юсуфни Мисрга элтиб, Миср азизи – бош вазирга сотади. Миср азизининг хотини Юсуфнинг ҳуснига ошиқ бўлиб, уни хиёнатга ундайди, аммо у кўнмагач, туҳмат билан уни зиндонга ташлатади. Орадан бир неча йил ўтгач, зиндонга Фиръавннинг икки амалдори тушиб қолади.

Улар Юсуфнинг тушларни таъбир қилиш хислатини эшитиб, ўзлари кўрган тушларни таъбир қилиб беришини сўрайдилар. Юсуф уларнинг бирлари яқинда озод бўлиб, аввалги мавкеига тикланиши ва бошкаси эса қатл этилишини башорат қилади ва унинг айтгани тўғри чиқади.

Орадан яна бир неча йил ўтгач, Миср Фиръавни туш кўради. Фиръавнинг туши Нил дарёси – суғорма деҳқончилик Миср учун нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини яққол кўрсатувчи бир далил бўлганлиги учун бу туш тафсилотини асардан кўчирамиз: «Анчада Районн Малик туш кўрди. Районн маъноси сув қонмиш тема бўлур эрта кўпти, кохинларни ундатди айди: «Тушум бўлур: Тенги қироғинда ўлтирурман, тенгиздан ети сиғир чиқар, туслари сариғ, юзлари оқ. Эмукларидан сут оқар, қамуғи кўрклук, семиз. Яна ети сиғир кўрдум, орук, орқаларинда туғ ултурмуш, ориқликдан сўнгаклари кўринур. Кўрмак ёмон, эмукларинда сут йўк, эринлари ёрилган, тишлари тўнғиз тишиктек бўрни яғон бўрнитек, бу ети орик сиғир ул ети семиз сиғирға ҳамла қилурлар. Улар қочар, орук сиғирлар етар, семўз сиғирларни еюрлар. Аларнинг курсоқинда ҳеч нима кўрунмас. Ани тонглаб турарда ети бош буғдой кўрдум, тенгиздан унар, бўйлари тенг. Ул орук сиғирлар ани егали борурлар, алар эмас, ети бош қуруқ буғдой чиқар, текма бир қуруқ буғдой ёш буғдойга чулғониб уларни қуритурлар. Ани тонглаб турурда бир ел кўбор. Ул ети бош қуруғ буғдойни, ул ети сиғирни йўқ қилур. Ани кўриб қўрктум. Уйғондим, тею муаббирларга тушум юруғин юрунг теди»[1].

Фиръавн тушида зоҳир бўлган ети семиз ва ети орик сигир ҳамда ети тўлиқ ва ети қурик бошоқ сувдан, нил дарёсидан чиқишга эътибор беринг: Ўшбу манзара Миср учун Нил дарёси қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатиб турибди. Алқисса муаббирлар Фиръавн тушуни таъбир қилишдан ожиз қоладилар ва шунда Юсуф яна ўз мақомига қайтишини башорат қилган Фиръавн баковулининг эсига Юсуф тушади. Баковул Фиръавнга Юсуф воқеасини айтиб бергач, унинг буйруғи билан Юсуф зиндондан озод қилинади ва у Фиръавн тушуни таъбир қилиб беради: «Юсуф айтди: Семиз сигирлар, ети ёш буғдойлар кенглик, учўзлиқ турар. Етти орик сиғир, ети бош қуруқ буғдой торлик, очлиқ турур. Телим ҳалойиқ ул етти қизлиқ йилда ҳалок

[1] Носируддин Бурҳониддин Рабғўзий. Т-1990. Биринчи китоб 136 бет.



бўлгуси турур». «Ул ишнинг яроғи не турур? «. Юсуф айтди: «Ул ети йил ошлиқ кўп бўлганда егу чоғлиқ, экар чоғлиқ олиб қолсунлар, қолганини анборласунлар»[1]. Тушнинг таъбири ва таъбирини эшитган Фиръавн Юсуфни Азизи Миср – бош вазир қилиб тайинлайди ва Юсуфга тўкчилик йилларида етиштирилган ҳосилнинг бешдан бир қисмини кутилаётган қаҳатчилик йиллари учун захира сифатида йиғишини топширади.

«Юсуф ети йилда биткан экинларни анбор қилди, ул учўзлиқ тамом бўлди эрса ети йил қизлиқ бўлди. Бу ети йил ичида ёғин ёғмади, Ердин кўк ёш унмади, ҳалойиқ мунглуғ бўлди. Бир ботмон арпа бир олтун бўлди. Халққа яроғи чоғлиқ ошлиқ берур эрди ва факирларга юз тева юки ошлиқ берур эди Бойларға сотар эрди, баҳосин Малик ҳазинасига солур эрди. Юсуфнинг қирқ ҳожиби бўлди, қирк минг соткун олмиш қул қорабоши бўлди. Миср халқи қамуғ Юсуфнинг эркинда бўлдилар. Аймишлар, аввалги йил қаҳатлиғда олтин – кумушларин бериб ошлиқ олдилар, . . . олтинчи йил ер сувларини бериб ошлиқ олдилар. . . Еттинчи йил кирди эрса халқда нарса қолмади, қамуғ Юсуфнинг бўлди. Ҳалойиқ очиқтилар, юсуфга келиб ўз бўйларин, ўғил-қизларин сотиб ошлиқ олиб едилар»[2]. Юқорида келтирилган манзарадан қандай хулосалар келиб чиқади? Аввало Миср иқтисоди, халқнинг фаровонлиги Нил дарёси суви билан тамомила боғлиқ бўлган; иккинчидан Мисрда бутун ер-сув давлат ва давлат бошлиғи Фиръавнга тегишли бўлган. Учинчидан, Миср халқининг ҳаммаси Фиръавннинг қули ҳисобланган. Рағбўзий қисса давомида Юсуфнинг ака-укалари ҳамда отаси билан топишувини тасвирлайди.

Қиссада яна ниҳоятда муҳим, диққатимизни тортадиган манзара бор: Юсуф барокоти билан очликдан қутилган Ёқуб яловоч ўзининг 11 ўғли ва хотини (Юсуфнинг холаси) билан биргаликда Юсуфга сажда қиладилар (отаси холаси бирла 11 қариндоши) қомуғ Юсуфга сажда қилдилар. «Ул ҳолда Юсуф айди: эй отам, ул кун Канъонда туш кўрганим 11 юлдўз, ой, кун менга сажда қилдилар теганимнинг таъбири бу кун рост келди». «Савол: Изи азза ва жалладин ўзгага сажда қилмоқ раво бўлмас, ёқуб яловоч ўғлонлари Юсуфга налук сажда қилдилар? Бу сўзга уч турлик жавоб бор. Бири ул турурким,

[1] Ўша асар 137 бет
[2] Носируддин Бурҳониддин Рабғўзий. Т-1990. Биринчи китоб 141-142 бет.

юсуф уларнинг қибласи таба ўлтурур эрди. Ёқуб яловоч ўғлонлари бирла мавло – таолоға шукр саждаси келтирдилар. Ул сажда изиғ[и] эрди. Иккинчи жавоб: ул турурким Юсуфга бошларин эгиб тавоз[у] қилдилар, юзларин ерга қўймадилар. Учунчи жавоб: ул турурким ул сажда Юсуфга эрди. Аввалғи шариат подшоҳларға таҳият тариқи бирла эрди. Бизнинг ялавочимиз шариатинда мансух бўлди. Жавобларда дурустаки бу турар. Қуръон оятиға мувофиқ»[1].

Демак, дурустроқ жавоб бўйича подшоҳларга сажда қилиш аввалги шариат бўйича қонуний бўлган. Демак, Миср дини Мисрг[а] хос бўлган ишлаб чиқариш усули, яъни суғорма деҳқончили[к] асосида пайдо бўлганлиги шубҳасиз. Биз аввалги бобларда Миср[да] давлат бошлиғи қай даражада илоҳийлаштирилганлиги била[н] танишиб чиққан эдик.

Суғорма деҳқончиликнинг иқтисоддаги ўрни давлат бошқарув характерини белгилаб беришини Эрон, Ўрта Осиё, Фаласти[н] мамлакатлари мисолида яққол кўриш мумкин. Шар[қ] мамлакатларида аҳолининг давлат бошлиғи – подшо ва оли[й] амалдорларга муносабати суғорма деҳқончиликнинг иқтисоддаги аҳамияти билан белгиланишини исботловчи далил – исботлар би[р] талай. Ана шундай далиллардан бири Эрон, Ўрта Осиё, Кичик Оси[ё] каби мамлакатларда давлат бошлиғининг тутган мавқеиди[р]. Маълумки, санаб ўтилган мамлакатларда гарчи суғорм[а] деҳқончилик иқтисодда асосан етакчи ўрин эгалласада, аммо у ў[з] аҳамияти жиҳатдан, Миср, икки дарё оралиғи, Ҳиндистон, Хит[ой] каби мамлакатлардан анчагина фарқ қилади.

Мазкур мамлакатларда суғорма деҳқончилик билан бир қатор[да] лалмикорлик, чорвачилик каби соҳалар ҳам маълум аҳамият[ни] эгадир. Бундан ташқари ва менимча энг асосийси мазку[р] мамлакатлардаги дарёлар нисбатан кам сув, кичик дарёл[ар] ҳисобланади. Демак, ана шу дарёлар сув билан таъминлайдиган воҳалар ҳам нисбатан кичикроқ, шунга биноан ҳокимият[ни] марказлаштириш доираси ҳам шунга мувофиқ равишда унча кат[та] эмас. Кичик дарёларни жиловлаш катта дарёларни жиловлаш[га] қараганда осонроқ ва жуда катта куч талаб қилмаган.

Демак ана шундай ҳудудларда ташкил этиладиган давлат бил[ан] улкан, серсув дарёлар бўйича ташкил этиладиган давлатларни[нг] мустабидлиги даражасида ҳам шунга мувофиқ келадиган тафов[ут]

[1] Носируддин Бурҳониддин Рабғўзий. Т-1990. Биринчи китоб 161-162 бет.



бўлиши керак эди. Улкан дарёлар (Нил, Фрот, Дажла, Ҳинд дарёси, Ганг, Янтзи, Хуан-хэ) бўйидаги давлатлар билан кичикроқ дарёлар (Сирдарё, Зарафшон, Амударё, Иордан ва ҳ. к) бўйида ташкил топган давлатларни бир – бири билан таққослаганимизда фикримизнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Биринчи турдаги мамлакатлар улкан, серсув дарё водийларида жойлашганлиги учун бу дарёларни жиловлаш, сув тошқинларига қарши курашиш жуда катта кучларни ялписига сафарбар этилишни талаб қилган. Иккинчидан улкан дарёлар ўз навбатида улкан водийларда ягона суғориш тизими барпо этилишини талаб қилган демак – мазкур давлатларда ҳокимиятнинг марказлаштирилиши ҳам жуғрофий кўлами жиҳатидан кенг, ҳам ҳокимиятнинг мустабидлик даражаси – подшони илохийлаштриш даражаси жиҳатидан ўзининг энг юқори кўринишига етади, яъни бу мамлакатларда подшолар тўғридан– тўғри худо даражасида эъзозланади.

Иккинчи гуруҳга кирувчи мамлакатларга хос табиий – иқлимий географик умумийлик шундан иборатки, бу ерларда йирик, серсув дарёлар кам. Нисбатан кичик деҳқончилик воҳаларини сув билан таъминловчи дарёларнинг кўпчилиги кам сувли, улар ўз сувларини денгизга қуймайди, балки ёпиқ сув ҳавзаларини ташкил қилади. Нисбатан кичикроқ дарё воҳаларининг кўпчилиги чор тарафдан тоғлар, тоғолди кир-адирлари билан ўралган. Ана шу тоғ ва тоғолди кир-адирларининг аҳолиси асосан лалмикор деҳқончилик ва яйлов чорвачилиги билан ҳаёт кечиради. Бундан ташқари тоғ ва тоғолди кир-адирларидаги кичик – кичик тоғ дарёчалари – сойлар ва булоқ сувларидан суғорма деҳқончилик учун фойдаланилса ҳам лекин бу турдаги суғорма деҳқончилик биз назарда тутаётган мустабид давлатчиликни талаб қилмаслиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Чунки бундай тоғ дарёлари – сой ва бўлоқ сувларидан фойдаланиш учун асосан битта, нари борса икки – уч қишлоқ аҳолиси ўзаро келишиб иш кўришни талаб этилади.

Ҳатто ана шундай кичик сув манбаларидан фойдаланиш ҳам аҳоли феъл-атворига маълум даражада таъсир кўрсатади. Сув тақсимотини амалга ошириш учун маълум бир тартиб– интизомга риоя қилиш, ана шу тартиб-интизомга риоя қилиниши устидан назорат ўрнатиш лозим эканлиги тушунарлидир. Ана шундай тартиб-интизомни ўрнатиш учун мутасадди бўлган қишлоқ оқсоқоллари, нуфузли кишиларнинг иззат-ҳурматини жойига

кўйиш, уларнинг талабларига сўзсиз бўйсунишга аҳоли мажбу[r] бўлган. Аммо ана шу тоғ ва тоғолди қирадирларида яшовчи аҳоли билан воҳаларда, нисбатан каттароқ дарёлар бўйида яшовчи аҳоли ижтимоий характери ўртасида анчагина, кўзга кўринарли тафову[т] борлиги ҳаммага аён.

Ана шу тоғ ва тоғ олди, қир адирлар аҳолиси билан воҳ[а] аҳолиси ижтимоий характерида – ҳокимият эгалари олдид[а] итоаткорлик даражаси жиҳатидан анчагина тафовут борлигига ме[н] ўзим кўп маротаба гувоҳ бўлганман. Масалан, 1981 йил май [–] ноябрь ойларида Иштихон туманидаги Янгиобод узумчилик [ва] пахтачилик хўжалигида ишчи бўлиб ишлаган эдим. Мазкур давл[ат] хўжалиги Зарафшон воҳаси билан Оқтов тизма тоғи ўртасид[а] жойлашган. Бинобарин ишчилар ҳам воҳаликлар, ҳам то[ғ] қишлоқлари аҳолисидан иборат эди. Ўша пайтда менинг диққа[т] эътиборимни тортган нарса шу эдики, воҳа аҳолиси одатд[а] раҳбарият билан кўп ҳам тортишиб – талашиб ўтирмасди. То[ғ] қишлоқларидан келиб ишлаётганлар эса аксинча, ҳафта сайин би[р] ишкални ўйлаб топар эдилар. Мен бу билан уларни айбламоқч[и] эмасман, уларнинг феъл-атворида раҳбариятга итоаткорлик камр[оқ] эди демоқчиман холос.

Ҳозирги кунда Зарфшон водийсининг пахтакор туманлари[да] ўтган асрнинг 50 йилларида тоғ қишлоқларидан мажбурий суръат[да] кўчирилган қишлоқлар бор. Орадан ўтган 50-60 йил муддат ичи[да] улар ўзларининг жангари табиатларини анчагина унутг[ан] бўлишлари турган гап. Аммо уларнинг туриш – турмуши, феъ[л-] атворига яқинроқдан назар ташлаган одам, худди ўша тоғликч[а] бироз тўпори, жангари феъл-атворининг изларини сезмай ило[жи] йўқ. Бундай кишилар ҳақида «Қир шамолини еган» деган ибо[ра] ишлатилади. Мазмуни: мағрур, ўжар, қайсар демакдир. Демак [,] Шарқ – ижтимоий характери – шарқона феъл-атвор асосан ўзини[нг] ҳокимият эгалари олдида итоаткорлиги ҳамда ўзаро муомила[да] хурмат – андишага риоя қилиш каби хусусиятлари билан ажрал[иб] турсада, аммо у ўзининг намоён бўлиш даражаси билан би[р-] биридан фарқ қилинувчи тоифаларга бўлинади деб айта оламиз.

Ана шу итоаткорлик даражаси, андишага риоя этиш меъёри [ҳам] шубҳасиз бир нарса билан-у ҳам бўлса суғорма деҳқончиликни[нг] иқтисодда тутган ўрни билан биринчи даражада боғлиқдир. Бу[ни] муқаддас китобларда келтирилган **Мусо ва Фиръавн** ўртасид[аги] мунозарадан ҳам кўриш мумкин. Тавротда келтирилган яна би[р]



қисса Мусо алайҳиссалом ва Фиръавн ўртасидаги тортишув-баҳс ҳақидадир. Фиръавн – Миср подшоси – у ўз фуқаролари наздида худо ҳисобланади ва ўзи ҳам шунга ишонади. Подшони худо даражасига кўтариш Мисрга хос бўлган моддий ишлаб чиқариш усули-суғорма деҳқончиликнинг Миср иқтисодида тутган ўрни билан боғлиқ равишда шаклланганлигини юқорида кўриб чиқдик.

Мусо алайҳиссалом эса гарчи Исроилнинг подшоси бўлса-да худолик даъвосини қилмайди, балки ўзини худонинг бандаси ва элчиси деб ҳисоблайди. Хўш, ана шу икки дин, икки хил дунёқараш ўртасидаги тафовутнинг негизи қаерда? Маълумки, яккахудоликка асосланган динлар – Яҳудийлик, христианлик ва ислом динлари биз шартли равишда иккинчи типга киритган мамлакатларда-Фаластин ва Арабистонда нозил бўлган. Бу мамлакатлар иқтисодида суғорма деҳқончилик ўзининг мавқейи жиҳатидан биринчи типга кирадиган мамлакатларга қараганда фарқланишини биз биламиз. Хусусан, яҳудийлик ва Христианлик нозил бўлган Фаластин ўзининг табиий-иқлимий шароити ва сув манбаларининг хусусиятлари жиҳатларидан биз таърифлаётган иккинчи типдаги мамлакатлар учун намуна бўла олади:

«Географик жиҳатдан Фаластинни тўрт қисмга: қирғоқ бўйига, иордан ғарбидаги ясси тоғликка, иордан водийсига ва иордан шарқидаги ясси тогликка бўлиш мумкин. Қирғоқ бўйининг жанубий қисми, кўпинча дарё (сойлар) билан суғориладиган унумдор ерлардан иборат. Галилеянинг ерлари тоғ чашмалари ва қор сувларидан суғорилади. Фаластиннинг бу қисми деҳқончилик хўжалигини ривожлантириш учун жуда қулай бўлганлигидан қадим замонлардан бу ерларда одамлар жуда зич яшаган; иорданянинг шарқидаги баъзилар ҳам жуда серунум ерлар бўлган.

...Бироқ Фаластиннинг ҳамма қисми деҳқончилик хўжалигини тараққий қилдириш учун қулай бўлмаган. Бу ерда унумдор текисликлар билан бир қаторда ясси тоғликлар, тоғликлар ва дашту биёбонлар ҳам учрайди. Масалан, ғарбий Фаластиннинг жанубий қисмидаги тоғликлар ана шундай экин битмайдиган ерлар бўлган... Бу ер бориб – бориб биёбонга айланиб кетади. Бу ерда яшаган аҳолии асосан чорвачилик билан шуғулланган.

Шарқий Фаластиннинг экин яхши битмайдиган, кам сув ясси тоғликлари ҳам деҳқончиликдан кўра кўпроқ чорвачиликни ривожлантириш учун қулай бўлган»[1].

Фаластиннинг табиий – иқлимий шароити ва ландшафти шундай эди-ки, бу ерда суғорма деҳқончиликнинг каттагина қисми кичик – кичик дарё (сой), булоқ, жилға сувлари ҳисобига амалга оширилган. Иордан дарёси унча серсув бўлмаган дарё ҳисобланади. Ана шундай табиий иқлимга ва ландшафтга эга бўлган Фаластинда суғорма деҳқончиликни ташкил этиш учун қандай ҳокимият кера эди? Шубҳасиз, ҳокимятининг бутун водий бўйла марказлаштирилиши, ҳокимиятнинг маълум даражада мустабид яъни қаттиққўл бўлиши керак эди. Анъанавий Шарқ деспоти давлатнинг деярли ҳамма белгилари бу ерда мавжуд бўлган.

Муқаддас диний китобларда – пайғамбарлар ҳақидаг қиссаларда Яҳудий ва Исроил подошолари, масалан Дову алайҳиссалом ва Сулаймон алайҳиссалом ғоят тақводор, ақлл адолатпеша, ҳунарпеша кишилар қилиб тасвирланганлар. Амм Мусо айлайҳиссалом ҳам давуд алайҳиссаломни ҳам сулаймо Пайғамбар ҳам Аллоҳнинг бандаси деб эътироф этилга Подшоҳларни Худо сифатида эъзозлайдиган Миср била подшоларни худонинг бандаси деб ҳисоблайдиган Фаласти ўртасидаги тафовут албатта бу мамлакатлар иқтисодида суғорм деҳқончиликнинг ўрни билан боғлиқдир. Суғорм деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрни ҳар бир мамлакатд подшоларнинг мавқеи қандай бўлшини аниқ белгилаб берга Агарда мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончилик асосий ўри эгаллаган бўлса, қоида тариқасида подшо илоҳийлаштирилга яъни худо даржасига кўтарилган (Миср, Хитой, Ҳиндистон, Бобил агарда мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончилик билан би қаторда лалимкорлик, чорвачилик ҳам ўзига яраша аҳамиятга э бўлса, бундай мамлакатларда подшо қоида тариқасида Аллоҳни бандаси ҳисобланган.

Қисаси Рабғўзийда ана шу икки хил подшоҳлик, икки дин, ик мафкуранинг тўқнашуви жуда чиройли бадиийлаштир тасвирланган: «Аймишлар, мусо Хорун бирла Фиръавн эшигин бордилар. Бир йилга теге йўл бермадилар. Қачон Фиръави кирдилар эрса Фиръавн Мусони таниди, сўрди: «Кимсан?»: «Икаг

[1] Авдиев В. И. «Қадимги Шарқ тарихи”. Т – 1964. 432-433 бет.



тенгрининг яловочларимиз, сенга келдук» айди: «На сўз келтурдингиз?» айдилар: «Ёрлиқ ул турур: бани Исроилни бизинг бирла изгил «, , , Фиръавн айди»: «На яловочлик келтурдинг? « айди изи аза ва жалла ёрлиқар: «Иймон келтургил, кофирликни қилгил» Фиръавн айди: «Билурсан, тангри ман мен, еру кўкни ман яратдим, халойиқ маним қулим турур» Мусо айди: «Сен бир чибин яратурга қувватинг йўқ, эмдики теги тенгри манмен тединг. Эмди ёнгил, тавба қилгил қамуғини сандан кечирур. Яна тўрт йил умр берур, мулкинг ортирур. Ёрин ўрнингни ужмоҳда қилур» Фиръавн бу сўзни эшитди, кўнглига хуш келди, айди: «Эй Мусо, ёнгил, эвинга боргил, қўлдошларим бирла кенгашайин. Қамуғимиз имон келтурурмиз» Мусо ёнди. Бани Исроил бузуни бу сўзга қамуғ севундилар. Фиръавн Ҳамон азин беклари бирла йиғилиб кенгаштилар. Имон келтургу кўнгул бўлди. Ҳамон айди: «Сен хато билурсан, телим йиллар бўлди, тенгриман тединг. Бу кун қуллуқгаму кирурсен? Кучинг бор, черкинг бор, надин қўркарсен?. , , «[1].

Қисаси Рабғўзийда келтирилган ушбу қисса Таврот ва Қуръони карим оятлари асосида келтирилган. Таврот эса қадимги Фаластинда нозил бўлганлигини эсга оладиган бўлсак, ушбу юқорида келтирилган қисса икки дин, икки мафкура, икки ижтимоий характер ўртасидаги тортишув, баҳс эканлигини тушуниб олишимиз мумкин. Моддий ишлаб чиқариш усулининг тараққиётга таъсирини ўрганиш шуни кўрсатадики, ҳар бир жамиятга хос бўлган ишлаб чиқариш усули худди ана шу ишлаб чиқариш усулининг талаб ва эҳтиёжларига тўла равишда мос келадиган мафкура, фалсафа, дин, ижтимоий характер яратади.

Албатта бу ерда моддий ишлаб чиқариш усулининг мафкурага кўрсатадиган соф таъсири назарда тутилаяпти. Реал ҳаётда эса моддий ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа омиллар ҳам – масалан, истилочилик урушлари, ташқи таъсир ва ҳоказалор ҳам мафкурага ўз таъсирини кўрсатади албатта. Аммо моддий ишлаб чиқариш усулининг таъсири ҳамиша асос, пойдевор вазифасини ўтаб келган, чунки ҳаёт учун зарур бўлган моддий воситаларни ишлаб чиқариш жамият ҳаётида ўз аҳамиятига кўра ҳамиша асосий ўринда туради. Моддий ишлаб чиқариш усули, унинг хусусиятлари, талаб ва эҳтиёжларини жамият мафкурасини,

[1] Носируддин Бурҳонуддин Рабғўзий. «Қиссаси Рабғўзий”. биринчи китов. Тошкент – 1990. 168-169 бет

тараққиёт йўлини аниқлаб берувчи барометр дейиш мумкин. Ушбу фикри юқорида келтирилган далиллар озми-кўпми исботлайди деб уйлаймиз.

## 6. «Бобурнома»да оқар сувли ерларга муносабат ва суғорма деҳқончиликнинг экологик маданият ҳамда шаҳарсозликка таъсири масалалари

Маълумки, қуруқ ва иссиқ иклимли мамлакатларда суғорм деҳқончилик иқтисодиётининг етакчи тармоғи бўлиб келга Тажрибанинг кўрсатишича, ана шу суғорма деҳқончиликнинг ўзи хос талаблари ва хусусиятлари аҳолида теварак-атрофга, табиат муносабатда маълум бир қадриятларни шакллантирар экан.

Суғорма деҳқончилик хўжалик машгулотининг асосий тур бўлган халқларда ерни, сувни, сув иншоотлари, дарёлар, чашма булоқларни эъзозлаш, кўпинча уларни илохийлаштириш каб қадриятлар етакчи ўринда туради. Ана шундай қадриятл халқнинг кундалик турмушидан чуқур жой эгаллай бориб, теварак атроф, табиатга муносабат, уй-жой, ҳовли орасталиги, шаҳарсозли каби соҳаларда маълум бир анъаналарни шакллантирган. Аммо ҳе кимга сир эмаски, бугунги кунда Шарқнинг кўпги мамлакатларида ана шундай бебаҳо қадриятлар заволга ю тутмоқда.

Бундан 40-50 йиллар муқаддам ариқлар, зовурлар, оқар сувлар муносабат бошқача эди. Ҳовли бекалари куёш чиққандан кейи эшик олдини супуруши айб саналарди. Бугун ариқ – зовурлар табиий сув ҳавзаларига аҳлат тўкиш, маиший чиқиндиларни ҳазонларни ёқиш одат тусига кириб қолди. Шаҳар қишлоқларимизнинг кўчаларида аҳлатлар уюм-уюм бўлиб ётиши деярли ҳамма кўникиб қолган.

Хўш, ўтмиш аждодларимизга хос бўлган, бугунги ўрта авлодга ҳам таниш бўлган қадриятларимиз нега бирдан, тарих қисқа бир фурсатда заволга юз тутмоқда. Бизнинг фикримизча, саволга жавоб бериш учун, энг аввало ана шу ноёб қадриятларни илдизларини очиш лозим бўлади. Маънавий қадриятларни илдизлари ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Каримов қуйидагича фикр билдиради: «Маълумки, ҳар қайси ха ёки миллатнинг тафаккури, турмуш тарзи, маънавий қарашлари ўзидан, бўш жойда шаклланиб, қолмайди. Уларнинг вужуд келиши ва ривожланишида аниқ тарихий, табиий ва ижтимо



омиллар асос бўлишини ҳаммамиз яхши биламиз».[1] Юртбошимизнинг мазкур фикрлари ғоят ибратли бўлиб, мазкур тадқиқотда илгари сурилаётган тезисни тўла-тўкис тасдиқлайди. Дарҳақиқат, масалан биз, ўзбекларга хос бўлган жуда кўпдан-кўп қадриятлар, айтайлик бағрикенглик, андишалилик, ўзидан ёши ва мансаби жиҳатидан улуғларга нисбатан хурмат ва итоаткорлик каби қадриятларнинг нафақат бизга, балки Шарқ халқларининг жуда кўплигига хослигини қандай изоҳлаш мумкин? Агарда юртбошимизнинг фикрларидан келиб чиқадиган бўлсак, ана шу умумий қадриятларни шакллантирувчи умумий бир аниқ тарихий – табиий ижтимоий муҳит ҳам мавжуд эканлигини эътироф этишимизга тўғри келади.

Хўш, қандай тарихий, табиий, ижтимоий омиллар ҳақида гап бормоқда? Аждодларимиздан қолган кўпдан-кўп битиклар, ёзма ва оғзаки осори-атиқалар, афсона-ю ривоятларда ана шу умумий тарихий – табиий ва ижтимоий илдизлар ҳақида кўпдан-кўп маълумотлар учрайди.

Буюк ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг тарихий-биографик асари «Бобурнома» ана шундай маълумотларга бойлиги билан ниҳоятда қимматлидир. Асарда Фарғона вилояти, Зарафшон ва Кеш водийси, Қобул, Эрон, Ҳиндистон каби мамлакатларнинг шаҳарлари, касаба ва кентларининг географик ўрни, табиати, оқар сувлари, аҳолининг турмуш тарзи, теварак-атрофга, табиатга муносабатини акс эттирувчи тасвирлар талайгина.

Асарни синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, муаллиф жой тасвирларида маълум бир қоидага деярли, оғишмай амал қилади – агарда жой-шаҳар, вилоят ёки кентнинг оқар суви фаровон бўлса, бу шаҳар ёки кент шубҳасиз обод, маъмур ҳисобланади. Агарда вилоят ёки шаҳарнинг оқар суви бўлмаса, бесафо, «бесиёк» деган баҳо беради. Қуйида биз «Бобурнома»дан ана шундай жой тасвирларидан бир нечтасини келтирамиз. Масалан, Бобур Фарғона водийсининг шаҳару қишлоқларини шундай тасвирлайди. «Етти пора касабаси бор: беши сайхун суйинин жануб тарафида, икки шимоли жонибида. Жанубий тарафидаги касабалар бир Андижондиркм, васатта воқе бўлибдур. Фарғона вилоятининг пойтахтидур. Ошлиги вофир, меваси. фаровон, қовун ва узуми

[1] Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент 2008. 7 бет.

яхши бўлур. Қовун маҳалида полиз бошида қовун сотмоқ расм эмас.

Тўққиз тарнов сув кирар. Бу ажабтурким, бир ердан ҳам чиқмас. «Яна бир уш касабасидур, ҳавоси хўб ва оқар суйи фаровондур». Андижон руди ушнинг маҳаллотининг ичи била ўтиб, Андижонга борур. Бу руднинг ҳар икки жониби боғот тушубтур, тамом боғлари рудка мушрифтур, бинафшаси бисёр латиф бўлур. Оқар сувлари бор, баҳори бисёр яхши бўлур, қалин лола ва гуллар очилур. Барокуҳ тоғи доманасида шаҳар била тоғнинг орасида бир масжид тушибдур, масжиди жавзо отлиқ. Тоғ тарафидан бир улуғ шаҳжуй оқар. Ушбу масжиднинг ташқари сахни нишеброк, себаргалик, пурсоя, сафолик майдон воқе бўлибдур». Захириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Фарғона вилоятини меҳр билан тасвирлайди, ҳар бир шаҳар ва касабани «пурнеъмат», «сафолик», «яхшилик», машҳур» ва ҳоказо сифатлар билан тасвирлайди. «Бобурнома»нинг Самарқанд тасвири ҳам жуда гўзал: «Маъмуранинг канорасида воқе бўлубдур. Кўҳак суйи шимолидин оқар... Бу сувдан бир улуғ руд айирибтурлар, балки дарёчадир. Дарғом суйи дерлар. Самарқанднинг жанубидан оқар ... Самарқанднинг боғот маҳаллоти ва неча туманоти бу сув била маъмурдир ...Бухора Қоракўлгачаким, ўттиз-қирқ йиғоч йўлга ёвуқлашур, Кўҳак суйи била маъмур ва мазруъдир. Мундоғ улуғ дарё асло зироаттин иморатин ортмас, балки ёзлар уч-тўрт ой Бухорога сув етмас. Узуми, қовуни, олмаси ва анори, балки жами меваси хўб бўлур. Вале икки мева Самарқанддин машҳурдур: себи Самарқанд сохибийи Самарқанд». «Бобурнома»нинг гувоҳлик беришича, суғорма деҳқончилик нафақат деҳқончилик маданиятининг юқори бўлишига, балки шаҳарсозлик, умумий экологик маданиятнинг ҳам юқори савияда бўлишини таъминлайди. «Бобурнома»да тил олинган Ўрта Осиёнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқлари деҳқончилик маданияти, шаҳарсозлик, экологик маданияти жиҳатдан ҳавас қиладиган даражада эди. «Самарқанд шаҳри ажаб ораста шахредур, бу шаҳарда бир хусусияти борким, ўзга к шаҳарда андоқ бўлгай. Ҳар хирфагарнинг бир бошқа бозори бор, бир-бирларига маҳлут эмасдур, тавр расмедур. Хуб нонвойликлари ва ошпазликлари бордур. Оламда яхши қоғоз Самарқанддин чиқ Жувози қоғозлар суйи тамом Конигилдин келадур. Конигил сиёҳ ёқасидадурким, бу кора сувни обирахмат ҳам дерлар».



Маълумки, Захириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»ни Ҳиндистонда, ўз юртидан узоқда, ватан соғинчи юрагини ўртаб турган йилларда ёзган. Ўқувчида Мовароуннаҳр кентлари, касабалари ва шаҳарларининг бунчалик эъзоз, ардоқ билан таъриф-тавсиф этилишида ана шу ватан соғинчи ҳам маълум даражада ўрин тутмаганмикин, деган шубҳа пайдо бўлиши ҳам мумкин, албатта. Аммо асарни синчиклаб ўқиганингиз сайин, мазкур шубҳанинг ноўрин эканига ишончингиз ортиб бораверади. «Бобурнома» муаллифи ҳар бир воқеа-ҳодисани холис ёритишга ҳаракат қилади ва бунга эришади ҳам. «Бобурнома»да Мовароуннаҳрнинг кўпгина вилоятлари, касаба ва кентларнинг таъриф-тавсифи қисқа ва лўнда қилиб тасвирланади.

«Улуғ вилоятиким, Самарқанд каринасидур, Бухородур. . . Тавр шаҳре воқе бўлибдур. Меваси кўп бўлур ва хўп бўлур, қовуни бисёр яхши бўлур ...Яна Қарши вилоятидуркм, Насаф ва Нахшаб ҳам дерлар. Кам оброк ердур, баҳори хўб бўлур, экини ва қовуни яхши бўлур ... Яна Хузор вилоятидур. Яна Кармина вилоятидур. Самарқанд била Бухоро орасидадур. Яна Қоракўл вилоятидур. Бухородин пойин оброқдур. Бухородин етти йиғоч Ғарб – шимолийдур. Яхши тумоноти бор. Ул жумладин Суғд тумани ва Ўтгача пайваст туманлардур. Боши Ёр яйлоқ, оёғи Бухоро, бир йиғоч йўл йўқтирким, кент ва маъмура бўлмагай. Андоқ машҳурдиркм, Темурбек дегандуркм, менинг бир боғим боркм, узун ўттиз йиғочтур. Бу тумонотни деганидур. Яна Шовдор тумандур. Шаҳр ва маҳаллотка пайвастдур. Хейли яхши тумандур. Бир тарафи Самарқанд била Шахрисабз орасидаги тоғ воқе бўлубтур, кентлари аксар бу тоғнинг доманасида тушубтур. Яна бир тарафи Кухак дарёсидур, хушҳаво ва пурсафо, суйи фаровон, неъмати арзон, хейли яхши туман тушубтур. Миср ва Шом кўрган кишилар мунча чоғлик ер нишон бермайдурлар». Муаллиф, яъни Бобур тақдир тақозоси билан Қобул сари боришга мажбур бўлади. Бобур Мирзо Қобулни эгаллаган даврлардан бошлаб мамлакат ободончилигига катта эътибор каратади. Қобулда, айниқса, Ҳиндистонда кўплаб саройлар, масжидлар, боғ-роғлар курдиради. Ана шу курилиш ишларида ариқлар қаздириш, сувсиз ерларни сув билан таъминлаш алоҳида ўрин тутади: «Исталифча кент маълум эмаским, хейли ерларда бўлгай. Улуғ руд кентнинг ичидин оқар. Руднинг ҳар икки тарафи боғоттур, сабзалик, сафоликкина боғчалари бордур, суйи совуктур, яхобка эҳтиёж бўлмас, аксар

софтур. Бу Кентта Боғи Калон отлиқ Улуғбек Мирзонинг би
магсуб боғи бор эди. Мен эгаларига баҳо бериб олдим. Боғди
ташқари улуғ чинорлар бор, чинорларнинг туби сабзалик, сафоли
манзиледур. Боғнинг ўртасидин бир тегирмон суйи ҳамиш
жорийдур. Бу ариқ ёқасида чинорлар ва дарахтлардур, бурун б
ариқ эгри букри ва бесиёқ эди. Мен буюрдимким бу ариқни ража н
сиёқ била килдилар. Бисёр яхши ер бўлди. Бу кентлардин қуйироқ
даштдин бир қурух, бир ярим қурух юқори доманада тоғнинг
тубида чашма воқе бўлубдур. Хожа сеёрон дерлар: ...Бу чашманинг
атрофини мен сангкорлик қилдурдум. Чашмани гач ва соружа бил
даҳи дардаҳ қилдирдим. Бу чашманинг чор ҳади сиёқлик, гўниялик
тахти бўлди. Тамом аргувонзорга мушриф, аргувон гули очилга
маҳалда мунча ер маълум эмаским, оламда бўлғай. Сариқ арғувон
ҳам бисёр бўлур. Сариқ арғувон била қизил арғувон доманад
дарҳам очилур. Бу чашманинг ғарби-жанубий тарафида би
дарадин ҳамиша ярим тегирмон суйи жорийдур. Бу сувни мен ар
каздируб дашти сеёроннинг ғарби-жануби тарафидаги пуштанинг
устига келтурттим. Пуштанинг устида улуғ гирд суфа солдурди
Суфанинг гирдида томом тол дарахтлари экилди. Хейли яхш
манзил бўлди. Бу суфадин юқорироқ пуштанинг ёнида узум бо
солдирдим. Бу ариқнинг тарихи «Жўйи хуш» топилди»[1]. «Яна б
Ғазни вилоятидур. Руди тўрт-беш тегирмон суйи бўлғай. Ғазнинин
шаҳри яна тўрт – беш кенти ушбу сув била маъмурдир. Яна уч тў
кентни кориз била маъмурдир. ...Султон Маҳмуд даврида уч тў
банд бор экандур, бир банд ушбу Ғазни суйида, Ғазнидин Шим
сари уч йиғоч сув юқори, султон бир улуғ банда солибдур,
банданинг баландлиги қирқ эллик қари бўлғай, узунлиги тахмин
уч юз қари бўлгай, сувни анда захира қилиб, бақадри эҳтиёж экин
сув очарлар экан. Алоуддин жаҳонсўз гурий бу вилоятка мусалл
бўлгонда бу бандни бузубдур ва султоннинг авлодини би
макобирини куйдурубдур. Ғазни шаҳрини бузубдур,
куйдурубдур, элни ўлдирибдур қатл ва бузуқликдин дақиқ
номаъри, қўймабдур. Андин бери бу банд бузуғдур. Ҳиндистон
фатх қилғон йил бу бандни ясамоқ учун Ҳожа Калондин ярм
юборилди. Тенгри иноятидин умид борким, бу банд ободон бўлғ
Яна бир банд Сиҳандур. Ғазнининг Шарқида бу ҳам Ғазнид
икки-уч йиғоч бўлғай, бу ҳам муддатлардур, харобдур. Обод

[1] . Ўша асар. 124-125 бетлар



...нур қобилияти ҳам йўқтур. Яна бир Саридех бандидур. Бу банд маъмурдур».[1]

Мирзо Бобур Ҳиндистонни эгаллагач, махобатли қурилишларни бошлаб юборади. Масжидлар, саройлар қурилиши билан бир қаторда сув иншоотлари қурилишига ҳам катта эътибор қаратади. «Бобурнома»да диққатни тортадиган жиҳатларидан бири - Ҳиндистонда оқар сув йўқ дейилишидир. Бобурнинг қайд этишича, Ҳиндистонда асосан лалимикор деҳқончилик билан шуғулланишган. Бунинг сабаби бизнинг фикримизча, Ҳиндистон гарчи иссиқ мамлакат бўлса-да, йилнинг маълум бир фаслида ёмғир кўп ёғади. Бу эса ҳинд халқига лалимикор деҳқончилик билан шуғулланиш имконини беради. Аммо ёмғир бир текис ёғмаганлиги сабабли, баъзида қурғоқчилик ёки ёғиннинг кутилганидан камроқ бўлиши экинларга зарар етказиши турган гап. Худди шунинг учун ҳам Ҳиндистоннинг айрим жойларида оқар суви бор эди, яъни суғорма деҳқончилик қилинадиган ерлар ҳам бор эди. «Бобурнома»нинг гувоҳлик беришича, оқар сувлари йўқ ерларга Огра мисол бўлса, оқар сувли жойларга Чандирий кенти мисол бўла олади: «Доим хотира етар эдиким, Ҳиндистоннинг бир улуғ айби будурким, оқар суви йўқдур. Ҳар ерда ўлтурушлик бўлса, чархлар солиб, оқар сувлар қилиб, тархлик ва сиёқ ерлар ясаса бўлур. Ограга келгандан бир неча кундан сўнг ушбу маслаҳатка жўн сувидан ўтуб, боғ ерларини мулоҳаза қилдук. Андоқ бесафо ва хароб ерлар эдиким, юз кароҳат ва нохушлик била андин убур эттук. Бу ернинг бадрўйлиги ва нохушлигидин чорбоғ хаёли хотирдин чиқти. Чун ўзга мундан ёвуқ ер Ограда, чун йўқ эди, неча кундин сўнг ночор бўлиб, бу ерга ук илик куюлди. Ул улуғ чохким, ҳаммом суви андиндур, бунёд бўлди. Яна бу парча ерким, амбўли дарахтлари ва мусамман ҳавз андадур, бўлардин сўнг улуғ ҳавз ва саҳне бўлди. Андин сўнг тош иморатлар олидаги ҳавз ва толар бўлди. Андин сўнг «Хилватхона» боғчаси ва уйлари бўлди. Андин сўнг ҳаммом бўлди. Мундоқ бесафо ва бесиёқ ҳиндта тавр тарроҳликлар ва сиёқлик боғлар пайдо бўлди. Яна Ҳалифа ва шайх Зайн ва Юнус Али ва ҳар кимгаким дарё ёқасида ер тегиб эди, сиёқлик ва яхши тарҳлик боғчалар, ва ҳавзлар ясадилар. Лохур ва Диболпур дастури била чарх рост қилиб, сувлар жорий қилдилар. Ҳинд эли бу тарх ва

[1] Ўша асар. 125, «126», 127 бетлар

бу андом била ерлар кўрмаган жиҳатидин жуннинг иморатлар[illegible] килғон тарафи ерларга Қобул от кўйубтурлар». [1]

«Чандирий тавре вилоят воқе бўлубтур. Атроф ва навохийсид[illegible] оқар сув хейли бор. Арки тоғнинг устида тушубдур, ичида тошди[illegible] улуғ ҳавз қозибтурлар. Яна бир улуғ ҳавз ушбу дутахида. [illegible] Қўрғоннинг оллида уч улуғ ҳавздур. Атроф ва жавонибида бурун[illegible] хуккомлар бандлар солиб ҳавзлар қилибтурлар... Битвий деб би[illegible] дарёчаси бор. Чандирийдин уч куруҳ бўлғай. Ҳиндистонда Битви[illegible] суйи хўблук ва хуш таъмлик била машҳурдур. Тавр дарёгина во[illegible] бўлубтур». [2]

Шоҳиди бўлганимиздек, Оградек катта, пойтахт шаҳар атроф[illegible] Бобурга бесафо ва бесиёқ бўлиб кўринади, кичкинагина бўлг[illegible] Чандирий эса муаллифда анчагина яхши таассурот қолдирад[illegible] Чунки Ограда оқар сувлар йўқ. Чандирийда эса «оқар сув хейл[illegible] бор». Юқорида айтиб ўтилгандек, «Бобурнома» муаллифи у ёки [illegible] жойга баҳо беришда энг аввало ўша жойда «оқар сув»инг бо[illegible] йўқлигига диққат-эътибор қаратади. Агар жойнинг оқар сувла[illegible] мўл бўлса, демак бу жойнинг деҳқончилиги мўл, турмуши фарово[illegible] шаҳарлари, кентлари, боғчалари сафолик ва сиёкликдир. [illegible] аксинча, оқар сувлари бўлмаган жойлар «макрух» ва «нохуш[illegible] ерлардир. Дарҳақиқат, оқар сувли, яъни суғорма деҳқончил[illegible] билан шуғулланувчи халқларда атроф-муҳитга муносабат, эколог[illegible] маданият жиҳатидан оқар сувсиз, яъни лалмикорлик билан ку[illegible] кўрадиган халқлардан тубдан фарқ қиладими? Бизнинг фикримиз[illegible] худди шундай, суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиг[illegible] халқларда экологик маданият лалмикор деҳқончилик билан к[illegible] кўрувчи халқларга нисбатан қадимги замонларда ва ўрта асрлар[illegible] анча юқори эди. «Бобурнома» материаллари бизнинг [illegible] фикримизни тасдиқлаётгани билан танишиб чиқдик. Аммо [illegible] фикримизни бошқа манбалар ҳам тасдиқлайди. Ўрта мактабнинг[illegible] синф ўқувчиларига мўлжаллаган тарих дарслигидан Евро[illegible] шаҳарларидаги экологик маданият қандай бўлганлигини бил[illegible] олиш мумкин. «Кўчалар тор бўлиб, ёғоч уйлар бир-бири[illegible] жипслаштириб қурилган. Тор ва қинғир-қийшиқ кўчаларга қу[illegible] нури тушиши амри маҳол эди. Кўчалар ёритилмаган. Канализац[illegible] ҳам бўлмаган ахлат ва чиқиндилар тўғридан-тўғри кўчага тўкил[illegible]

[1] Ўша асар 275-бет
[2] Ўша асар 308-бет



[illegible] кўчалар ва паррандалар ҳам кўпинча шу кўчалар [illegible] юришарди. Шаҳар кўчаларнинг бундай аҳволда [illegible] юқумли касалликлар тарқаб турушига сабаб бўларди. [illegible] касалликлар эпидемиялар пайтида шаҳар аҳолиси кўпроқ [illegible]. Ўрта асрларда кўплаб содир бўладиган ёнғинлар ҳам [illegible] кўчалар, баъзида мавзелар буткул ёниб кетишига олиб [illegible]».[1] Мазкур кўчирма «Бобурнома»нинг оқар сувлари йўқ [illegible], яъни Ҳиндистондаги Огра атрофига тааллуқли тасвирлари [illegible] мос келишига аҳамият берайлик. Маълумки, Европа [illegible]ларида ҳаво мўътадил ва ёғингарчилик сероб, демак, оқар [illegible], яъни суғорма деҳқончиликка эҳтиёж йўқ. Ҳиндистоннинг [illegible] айрим жойларида ҳаво иссиқ бўлишига қарамай [illegible] мўл бўлиши лалмикор деҳқончилик учун [illegible] яратади. Бу эса ўз навбатида экологик маданиятнинг [illegible] сабаб бўлади. Худди ана шу дарсликдаги Осиё [illegible] ҳақидаги тасвирлар фикримизни янаям ишончлироқ [illegible]. «Араб ҳалифалигида аббосийлар сулоласи [illegible] «фустот» ҳарбий манзилгоҳи ёнида Х асрда пайдо [illegible] Қоҳира шаҳри тез орада энг гўзал, аҳолиси кўп [illegible] бирига айланди. Ўрта асрларда Осиёнинг йирик [illegible] Чанъа, Лоян, Ҳанчжоу, Қоҳира, Дамашқ, Бағдод, [illegible], Бухоро, Камакура, Киото, Осака, Деҳли эди. [illegible] мактаблар, кутубхоналар очилиб, уларда олимлар, [illegible], мусиқачи ва рассомлар тўпланганди. Хитойнинг йирик [illegible] Европадан фарқли ўлароқ коммунал хўжалик йўлга [illegible] эди. Аҳолини тоза сув билан таъминлаш, шаҳарни ахлат [illegible] тозалаш, ўт ўчириш ишлари тартибга [illegible]».[2] Кўриб ўтилганидек, дарслик муаллифлари деярли [illegible] Шарқ шаҳарларида, шаҳарсозлик, экологик маданиятнинг [illegible] мамлакатларига нисбатан юқори эканлигини, [illegible]. Аммо Ҳиндистон бу ҳисобга киритилмаган, [illegible] фикрича гўё Ҳиндистонда юз берган босқинчилик [illegible] Ҳинд шаҳарларининг юксалишига йўл қўймаган эмиш. [illegible] фикрлар ҳеч бир танқидга бардош бермаслиги турган гап. [illegible] мамлакатларидан қайси бири чет эл босқинчиларининг [illegible] учрамаган? Вайронгарчилик, ҳаробликларни ўз бошидан

[1] [illegible] Т. Маҳкамов С. Жаҳон тарихи. 7-синф учун дарслик, Тошкент 2000-й 104-[illegible] бетлар.
[2] Ўша асар 108-109-111-бетлар.

кечирмаган?. Ўрта Осиё, Хитой, Эрон, Миср, Кичик Оси[ё] буларнинг ҳар бири бир неча бора босқинчиликларга учрамаганми[?] Мантиқ қани? Демак Ҳиндистон шаҳарларида шаҳарсозликни[нг] паст даражаси-ю, аҳолининг экологик маданияти нисбата[н] пастлигига сабаб Ҳиндистонда суғорма деҳқончиликнинг йўқли[ги] туфайлидир деган фикр мантикан тўғридир. Демак, бизни[нг] фикримизча, Шарқ халқларининг кўпчилигида экологи[к] маданиятнинг юқорилиги, шаҳарсозлик маданияти жиҳатидан Ға[рб] мамлакатларидан анча юқорилигига сабаб бу суғорма деҳқончили[к] туфайлидир. Аммо юқорида айтилганидек, бугунги кунда Ўр[та] Осиёда бир қанча экологик муаммолар пайдо бўлмоқда.

Халқимизнинг асрлар, балки минг йиллардан буён сайқаллан[иб] келаётган қадриятлари тарихан қисқа бир муддатда заволга ю[з] тутди. Бир пайтлар етти яшардан етмиш яшаргача оғишмай ам[ал] қилиб келган экологик қадриятларимиз бугун ўтмишга айлани[ш] хавфи остида турибди. Ўрта Осиёда бугун ҳам суғор[ма] деҳқончилик иқтисодиётнинг етакчи тармоғи ҳисобланади. Агар[да] суғорма деҳқончилик юксак экологик маданиятнинг омили бўл[са,] Ўрта Осиё халқларига хос бўлган юксак экологик маданиятни[нг] инқирозга юз тутишига нима сабаб бўлмоқда? Тажрибадан маъл[ум] бўлишича, суғорма деҳқончиликнинг аҳолида юксак эколог[ик] маданиятини шакллантириши учун маълум бир шарт-шароит зар[ур] экан. Бошқача айтганда, суғорма деҳқончиликнинг ҳамма талаб[...] ўзига хос хусусиятларини тўла ҳисобга олинган такдирдаги[на] аҳолида юксак экологик маданиятни шакллантириши учун шаро[ит] яратилади. Биз суғорма деҳқончиликнинг ана шу ўзига хос талаб[...] эҳтиёжлари билан танишиб чиққанимиздан кейингина, бугун ни[ма] сабабдан экологик маданиятнинг пасайиб бораётганлиги[ни] тушуниб олишимиз мумкин. Тарихнинг гувоҳлик бериши[ча,] аҳолида экологик маданиятни шакллантиришда мироблар асо[сий] урин тутган. Чунки ўша пайтларда давлат солиқни асосан ҳо[сил] миқдорига қараб белгилар эди. мироблар ҳам далада етиштирил[ган] ҳосилдан улуш «миробона» олар эдилар. Солиқ солишнинг бун[дай] усули, бутун давлат аппаратининг бир тан, бир жон бўл[иб] ишлашини талаб қилар эди. Чунки давлат амалдорларининг ҳар [...] бўғини етиштирилган ҳосилдан улушга эга бўлар эдилар. Бун[дай] шароитда давлат ўз тасарруфида бўлган ерни ва ана шу ерга [...] етказиб берувчи суғориш тармоқлари, ариқлар, каналларни до[им] тоза-озода, ишга яроқли ҳолда сақлашга ҳаракат қилар эди. Ва



[...] жойларда амалга оширишда, назорат қилишда энг муҳим [...] шубҳасиз мироблар эди. Деҳқоннинг тирикчилик манбаи ер бўлганидек, миробларнинг тирикчилик манбаи улар учун яратилган суғорма иншоотлари эди. Мироб ўз тиркчилиги воситаси бўлган ана шундай ариқ ва зовурларни доимо шунга яроқли ҳолда сақлаши лозим эди. Турган гапки, мироб ариқ ва зовурларнинг ишончли посбони вазифасини ҳам ўтаган. Давлат эса миробларга катта ваколатлар бериб қўйган ҳамда уларни ҳар тарафлама қўллаб– қувватлаган. Мазкур ишлар ариқ ва зовурларни ҳуқуқий томонлама ҳимоя қилишнинг асосини ташкил этган. Аммо суғорма иш тармоқларини ҳимоя қилишнинг ахлоқий томонларига ҳам катта эътибор берилган. Шарқ халқларида жуда қадим замонлардан бери теварак-атрофни, хусусан ер ва сувни илоҳийлаштириш, муқаддаслаштириш каби анъаналар, ахлоқий қадриятлар турли йўллар ва усуллар билан халқ онгига сингдириб келинган. «Бобурнома»да биз ана шундай мақсадга хизмат қилувчи ривоятлардан бирига дуч келамиз. «Китобларда битибдурларким, Ғазнида бир чашма бордуркимки, агар нажосот ва козуротни бу чашмага солсалар ушул замон тулгоқ ва тўфон ва ёғин ва чопғун бўлур. Яна бир тарихда кўрилибдуркимки ройи Ҳинд Собуктегинни Ғазнида мусоҳара қилганда Собуктегин буюрурким, бу чашмага нажосот била козурот солурлар. Тўлғоқ ва тўфон ва ёғин ва чопқун бўлур. Бу ҳийла била ул ғанимни даф қилур. Мен Ғазнида ҳар неча [...] қилдим, бу чашмадин ҳеч ким нишон бермади».[1]

Албатта, Бобур ўз даврининг фарзанди сифатида мазкур ривоятга ишонган бўлса керакки, мазкур чашмани сўраб-суриштирган. Мазкур ривоятнинг тўқилишидан мақсад ҳам айни шу эмасми? Ана шу ривоятни рост деб билган киши ҳеч бир замонда чашмага, бирор бир сув манбаига ахлат тўкиши мумкинми? Кўриб турганимиздек, ўша замонларда ер ва сув, суғориш иншоотлари ҳам ахлоқий томондан, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан қўриқланар экан. Бу эса Шарқ халқларида юксак экологик маданиятни минг йиллар мобайнида шакллантириб келган. Янги даврга келиб, Шарқ мамлакатларининг маълум қисмида ер миқдорига қараб, белгиланадиган солиқ тури жорий қилинди. Бу солиқ, тури барча афзалликларига қарамай, энг аввало давлатнинг ҳосилдан манфаатдорлик тамойилига путур етказади.

[1] «Бобурнома» Тошкент 1989-127- бет

Энди давлатнинг барча амалдорлари, ҳатто мироблар ҳа белгиланган маош эвазига ишлайдилар. Бундай шароитда одди мироблардан тортиб юқори лавозимли амалдорларгача боқибеғамлик кайфиятига дучор бўладилар. Натижада, су тақсимоти устидан давлат назорати хўжакўрсин қабилида бўли қолади. Сувдан фойдаланиш самарадорлиги кескин пасаяди. Су сарфи белгиланган меъёрлардан бир неча марта ошиб кетади Ҳосилдорлик эса кескин пасаяди. Масалан, бугунги кунда ҳар би гектар ер учун ўртача 13000 м3 сув сарфлаб юборилаётган фикримизни тасдиқловчи далилдур. Ариқ ва зовурларга аҳла оқизиш, шаҳар ва қишлоқларда дуч келган жойга аҳлат тўки ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ҳозирги кунда аҳлат ҳазонларни ёқиш одат тусига кириб қолди. Сувдан фойдалани самарадорлигининг пасайиши туфайли Орол денгизи қуриб бити ҳолатига келиб қолди. Қуриган денгиз тубидан кўтарилаётган ту эса ҳаво ёрдамида минглаб к/м радиусли доирага ёғилмоқд Хуллас, бугун Ўрта Осиё мамлакатлари дучор бўлиб тург экологик фалокатнинг кўлами шу қадар кенгки, уни санайверса адоғига етиш мушкул. Бу экологик хавф – хатарнинг бутун кўлам ҳамда оқибатларини тўла ўрганиш махсус тадқиқотларни тал қилиши турган гап. Бизнинг ушбу мўъжаз тадқиқотдан кўзлаг мақсадимиз -буюк ватандошимиз Захириддин Муҳаммад Бобу ҳазратларининг «Бобурнома» асарида жой тасвирининг маълум б хусусиятларини ўрганиш эди. Фикримизча, мазкур тадқиқ самарасиз бўлмади, яъни биз Шарқ халқларига хос бўлган юкс экологик қадриятларнинг асосий манбаи ҳақида маълум тасаввур эга бўлдик. Ўйлаймизки, буюк ватандошимизнинг мазкур асари ҳали илғаб олинмаган, аммо илғаниши, ўрганилиши зарур бўлг ана шундай жиҳатлар ҳали кўплаб топилади ва бу муаммолар тадқиқотчиларини кутиб турибди.

## 7. Бадиий адабиётларда миллий менталитетнинг акс этиш

Халқ руҳи ўзи нима? Менимча бу ҳар бир халқ, ижтимо қатлам, этник ва социал гуруҳ учун умумий бўлган феъл-атвор ё бошқача айтганда, ижтимоий характердир. Ижтимоий харак тушунчаси фанга XX асрнинг энг атоқли файласуфларидан би бўлган Эрих Фромм томонидан киритилган ҳисобланади файласуф уни шундай таърифлайди: «Ижтимоий характер дега



нимани тушунамиз? Ижтимоий характер деганда мен маълум бир жамият аъзоларини бир-биридан ажратиб турувчи индивидуал характерини эмас, балки мазкур жамият аъзоларининг кўпчилигига хос бўлган характер ядросини тушунаман. Ҳар бир жамият маълум бир структурага эгадир ва бир қатор объектив шароитлар натижаси бўлган заруратга мувофиқ тарзда ҳаракат қилади. Ушбу шарт-шароитлар аввало хом ашё, ишлаб чиқариш қуроллари, иқлим, аҳолининг жойлашуви билан белгиланадиган моддий ишлаб чиқариш, шунингдек сиёсий, жўғрофик омиллар, маданий анъаналар ва ташқи таъсир омилларини ўз ичига олади. Жамият аъзолари, турли синфлар, ижтимоий қатламлар ўзларини ижтимоий тузум талабларига мувофиқ тутишга мажбурдирлар. Жамият аъзоларининг энергияси, хатти– ҳаракати шундай йўналтирилмоғи лозимки, улар ҳар бир ишни ўйлаб, мулоҳаза юритиш йўли билан эмас, балки мазкур жамиятда қарор топган анъаналарга мувофиқ тарзда бажаришлари ва шу билан бирга анъанага мувофиқ ҳаракат қилганларидан қониқиш ҳосил қилишлари лозимки, ижтимоий характерининг асосий вазифаси ана шундан иборат».[1] Демак Э. Фромм фикрича, ижтимоий характерни шакллантирувчи энг асосий омил-бу моддий ишлаб чиқариш усулидир.

Дунё халқларига эътибор билан разм солганда ижтимоий феъл-атвор жиҳатидан бир-биридан тубдан фарқ қилувчи икки асосий гуруҳни фарқлаш мумкин: 1. Шарқона ижтимоий феъл-атвор – бу феъл-атворга хос бўлган энг асосий хусусият шуки, бунда шахснинг эмас, балки жамиятнинг манфаати олдинги ўринга қўйилади. Шахснинг ҳокимият ва жамият билан муносабати мана шу принцип асосида шаклланади, натижада, биринчидан: Шарқ кишиси ўзидан ёши ва мансаби жиҳатидан улуғларга итоаткор; иккинчидан эса ўзаро муомалада андишага риоя қилади. Учинчидан, жамият ҳаётида қонундан кўра ахлоқ-одоб, урф-одат анъаналари, муҳимроқ ўрин эгаллайди.

2. Ғарбга хос бўлган ижтимоий характернинг энг асосий белгиси бу жамиятнинг эмас, балки ҳар бир алоҳида шахс манфаатининг биринчи ўринга қўйилишидир. Натижада эса бу халқларга хос бўлган ижтимоий ҳарактер ўзининг асосий жиҳатлари билан Шарқ ижтимоий характерининг аксидир. Кўриб турганимиздек, бу икки қутб-Шарқ ва Ғарб халқлари ижтимоий характер жиҳатидан бир–

[1] Фромм Э.Душа человека. М-издательство республика 1992г. стр 331

бирларидан жуда катта фарқ қилади. Э. Фромм нуқтаи назар бўйича бу тафовутнинг асосий омили моддий ишлаб чиқари усулидир. Агарда биз Шарқ ва Ғарбга хос бўлган ишлаб чиқари усулларини ўрганадиган бўлсак, бу ишлаб чиқариш усуллар асосан иқлимий-жўғрофий шарт-шароит асосида пайдо бўлишин кўрамиз. Яъни, Шарққа хос бўлган қуруқ ва иссиқ иқлим суғорм деҳқончиликни талаб этгани ҳолда, Ғарбга хос бўлган сернам мўътадил иқлим, лалмикор деҳқончилик учун шароит яратади. А шу икки моддий ишлаб чиқариш усули ҳар икки қутбга хос бўлг ижтимоий характерни шакллантирувчи асосий омилдир дея ай оламизми? Ҳа, менимча бунга етарлича исбот – далиллар бо Шарқ ва Ғарб тарихи, фалсафаси, тараққиёт йўлини ўрганиш би шундай хулоса чиқариш учун етарли далиллар бера олади. Суғорм деҳқончилик Шарқ тараққиёт йўлининг, лалмикор деҳқончилик Ғарб тараққиёт йўлининг асоси эканлигини бугунги текширишл етарлича исботлаб бера олади, деб айта оламиз. Шарқ ва Ғ халқлари ижтимоий характери, тараққиёт йўли, фалсафаси қиёсий ўрганиш бизга ана шундай хулоса чиқариш имкони беради. Ҳатто айни бир халқнинг турли даврларга хос тари фалсафа, санъат ва адабиётини ўрганиши ҳам юқорид фикримизни тасдиқловчи қизиқарли далиллар бериши мумк Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдонаси «Алпоми ҳамда буюк романнавис Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунла «Меҳробдан чаён» романлари айни бир халқ – ўзбек халқин ҳаётини акс эттиради.

Бу асарлар қаҳрамонлари жуда кўп жиҳатдан умумий, муштар феъл-атворга эга бўлсалар-да, аммо «Алпомиш» дост қаҳрамонларининг феъл-атвори «Ўткан кунлар», «Меҳробдан ча романлари қаҳрамонлари феъл-атворидан тубдан фарқ қилу жиҳатларга ҳам эга эканлигини кўришимиз мумкин. Масал «Алпомиш» достони қаҳрамонларида Шарқ халқлари ижтим феъл-атворига хос бўлган хусусиятларни эмас, балки бошқ яъни қайсарлик, ўз манфаатини биринчи ўринга қўйиш ва ҳок хусусиятларни кўрамиз. Савол туғилади: хўш, нега айни бир х адабиёти қаҳрамонлари ижтимоий феъл-атвор жиҳатидан б бирларидан бунчалар кескин фарқ қиладилар? Бизн фикримизча, «Алпомиш» достони бундан қарийб минг йил муқаддам, ҳали ўзбек халқининг катта бир қисми кўчман чорвадор турмуши билан яшаб келаётган даврларда яратилг



«Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари эса нисбатан яқин ўтмишимизни, муаллиф ибораси билан айтганда, «кейинги хон замонлари»ни акс эттиради. Ва бу даврларга келиб, Алпомиш ва Барчинойлар авлодлари ижтимоий феъл-атворида маълум ўзгаришлар юз берган эди. Биз қуйида ана шу ўзгаришлар ва уларнинг сабабларини ҳақида тўхталамиз. Аҳолининг ижтимоий характери ва ҳокимиятга бўлган муносабатининг асосан ишлаб чиқариш усули билан боғлиқ ҳолда шаклланиши Алпомиш достонида айниқса, жуда ёрқин ўз аксини топган. Маълумки, «достонлар гултожи» ҳисобланмиш ушбу бадиий обида халқимизнинг анча қадим тарихий даврлари – X-XI асрларда яратилган ҳисобланади. Достон қаҳрамонлари Бойбўри, Бойсари, Алпомиш, Барчинойлар чорвадор кўчманчи халқ фарзандлари. Ана шу турмуш тарзи улардан ҳар бирининг феъл-атворида акс этиб туради. Аҳолининг ижтимоий характери ва ҳокимиятга бўлган муносабати достоннинг аввал бошданоқ ўртага ташланади. «Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағи икки фарзанд пайдо бўлади. Алпинбий каттасининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса шой эди, бул иккиси ҳам фарзандсиз бўлди. Ана энди ўн олти уруғ Қўнғирот элида бир чуфурон тўй бўлди. Ҳалойиқларни, элатияларни тўйга хабар қилди. Шу тўйга барча ҳалойиқлар йиғилди. Бийлар ҳам тўйга келди. Тўйдаги [illegible] илгаридагидай иззат қилиб, қадимгидай отини ушламади. Бийлар: мазмуни бу одамлар бизнинг келганимиздан бехабар «келдик» деб, отини ўзи бойлаб, маърака-майлисга келиб ўтираберди.

Бийларнинг кўнглини хушламади, отини ушламади, остига либос ташламади, ош тортди, сузган товоқни чошламади, ош ўтирганда ошнинг кетини-тагини тортди. Бу қилган хизматни бийлар кўриб, илгари иззат кўриб юрган одамларга бийлар айтди:

Бизлар ўн олти уруғ Қўнғиротнинг бойи ҳам шойи бўлсак, бизлар келсак отимизни ушлар эдинглар, кўнглимизни хушлар эдинглар, остимизга либос ташлар эдинглар, бу даъфа биздан нима бугунлик ўтди, бизни бундай беҳурмат қилдинглар? Бу сўзни эшитиб, ўн олти уруғ Қўнғирот элида пайга бетдан туриб, [illegible] бир бойбаччаси айтди:

– Эй, Бойбўри билан Бойсари! Бул тўй ўғиллининг ўғлиди қайтади, қизлининг қизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади? Ўзинг ўлсанг молингга ҳар меросхўр чиқади, оғзига одам кири кетади. Сенинг бундан бу ёқдаги ейдиганинг ошнинг кети-кўт бўлади. Биз сенинг давлатингдан бўлиб оламизми»?![1] Тў эгаларининг меҳмонлари Бойбўри билан Бойсарига бўлга муносабатларини бир томондан қараганда оддий меҳмонлар икки фарзандсиз, демак-ки, тўй қилиб бера олмайдиган кишилар бўлган муносабат, деб баҳолаш ҳам мумкин.

Аммо иккинчи тарафдан қараганда Бойбўрининг шой (шо эканлигини унутмаслигимиз керак. Тўғри, Бойбўрини ҳали ч маънода шоҳ – давлат бошлиғи деб бўлмайди. Бойбўри уру қабилачилик тузуми емирилаётган ва давлатчилик нишонала эндигина бўй кўрсата бошлаган даврда ўз уруғи – қабила бошли ҳисобланади. Демак, унинг қўлида ўз қабиладошлари устидан тў маънода ҳукмронлик йўқ. Демак, Бойбўри шоҳ саналса ҳа ҳақиқатда унинг ҳокимияти ниҳоятда заиф.

Албатта, уруғ-қабилачилик тузумининг емирилиш давлатчиликнинг биринчи белгилари пайдо бўлаётган давр ҳокимият заиф бўлиши тушунарлидир. Аммо, ҳокимиятни заифлигига фақатгина шу нарса сабаб эди, деб ҳисоблаш ҳ ҳақиқатга тўғри келмайди. Бизнингча Бойбўри ҳокимиятини заифлигига энг асосий сабаб, кўчманчи – чорвадор турму тарзидир. Ўз-ўзидан маълумки, кўчманчи – чорвадор ҳаёт тарзи моҳиятига кўра кундалик ҳаётда кучли – марказий ҳокимият эҳтиёж сезмайди. Бундай ҳаёт тарзи фақатгина вақти-вақти бил урушлар, бошқалар томонидан содир этилган тажовуздан кутил вақтида марказий ҳокимиятга эҳтиёж сезади. Бошқа пайтларда бутунлай эркинликни маъқул кўради. Бундай ҳаёт тарзи ҳ ҳокимиятга бўлган муносабати жиҳатидан Ғарбда у феод тарқоқлик даврларга жуда яқин туради. Шунинг учун ҳам кўчман – чорвадор халқларнинг ижтимоий феъл-атворлари билан Ғ халқларининг ижтимоий феъл-атворлари ўртасида маъл даражада муштараклик бор эканлигини ҳеч ким инкор эта олм керак. Кўчманчи – чорвадор халқларда уруғ – қабилачил муносабатларнинг емирилиши ва давлатчилик белгиларининг ю келиши албатта осон, силлиқ кечмаган. Масалан, достонда асо

[1] Алпомиш. Тошкент-1998. 14-15- бетлар



воқеалар занжирини бошлаб берувчи халқалардан бири бўлган закот воқеасини олиб қарайлик: Маълумки, уруғ – қабилачилик тузуми закот(солик) ни билмайди. Улар ўртасидаги муносабатлар эса асосан қон-қариндошлик асосига қурилади. Давлатчиликнинг биринчи белгиси эса солиқ(закот) дир. Шу билан бирга давлат одамлар ўртасида ҳокимлик– тобелик муносабатларини бошлаб беради. Яъни, закот(солиқ) олувчи ҳукмдор, солиқ(закот) тўловчи эса тобедир. Бойбўри томонидан закот учун Бойсарига юборилган 14 маҳрамнинг ҳол-аҳволи ҳақида: маҳрамлар саволга жавоб бериб айтди: «Биз акангдан келган закотчи бўламиз, бугун бизлар сенинг молингни закот қиламиз, закот қилинглар, берса закотни олиб келинглар деб юборган» –деди. Бу сўзни маҳрамлардан Бойсари эшитиб, кўнглига оғир олиб айтди. «Эй, бизнинг молимиз шу вақтгача закот бўлмаган, энди акамиз ўғилли киши бўлиб, даров бизнинг молимизни закот қиладиган бўлибди-да! Закот деган гапни эшитиб, бу гап ботиб кетиб, олдидаги одамларига буюрди: Ушла бойбачаларни деди. Бойбаччалар маҳрамларни битта-битта ушлаб олди. Еттовининг корнига қозиқ қоқиб ўлдиради.

У еттовининг қулоқ, бурнини кесиб, ўзларига егизиб, отига чаппа миндириб, отини устига тортиб бойлаб: «мана буни закот деб атайди» деб, Қўнғирот тарафга қараб ҳайдаб юборди».[1] Озод, эркин кишининг тобеликка бўйин эгиши осон кечмайди. Бойсарининг ўз акаси закотчиларига муносабати, уларни ўлдириши, бунга ҳам қаноатланмай, Бойсун – Қўнғиротдан Кашал юртига кўчиши – бу фожиали воқеалар замирида худди ўша ҳокимлик – тобелик муносабатларини қарор топиш жараёни ўз ифодасини топади. Достонда ижтимоий характерни яққол кўрсатадиган яна бир муҳим тафсилот бор. Бойсари ўз акасининг зулмидан дод деб, ўн минг уйли қариндошини йиғиб, яъни акаси зулмидан Кашал юртига бош олиб кетишни ният қилганда, ўн минг уйли қариндош унинг ниятини маъқуллайди ва бирга кўчиб кетмоқчи бўлади. Достондаги марказий образлардан бири Барчин сиймосида яна ўша, кўчманчи – чорвадор халқларга хос бўлган шижоат, ғайрат, эрксеварлик хислатларини кўрамиз. Барчиноййнинг тўқсон алп хотинликка сўраб қолгандаги сўзи:

[1] Ўша асар. 18-19 бетлар

Эшитгин қалмоқлар, айтган тилимнан,
Мени олар келмас сенинг қўлингнан.
Бадбахт қолмоқ, қолма келган йўлингнан,
Мени олмоққа ҳаддинг борми қалмоқлар.
Ўз йўлингга бора бергин ахмоқлар,
Лочиндай айланма бунда ахмоқлар.
Бора бергин ўз йўлингга бадбахтлар.
Ҳар замон тўпланиб, бунда келасан.
Ахмоқ қалмоқ мени нима қиласан.[1]

Вазиятнинг зўри билан Барчиной қалмоқлардан олти ой муҳл сўрашга мажбур бўлади. Мана шу воқеада ҳам кўчманчи чорвадор халқнинг феъл-атвори барқ уриб ўзини кўрсата Маълумки, суғорма деҳқончилик билан ҳаёт кечирувчи халқлар асосан уй ичи оила бошлиғига тобе. Айниқса, қиз боланинг рухсатисиз бирон бир жиддий ишга қўл урушга ҳаққи й Айниқса, бегоналар билан муомала қилиш, турмушга чиқиш чиқмаслик каби масалаларни ҳал қилишда Шарқ қизларини ҳуқуқлари ниҳоятда чеклангандир. Тўғри, ислом дини хотин қизларнинг турмуш қурушдаги ихтиёрини маълум даражада ўз берган. Аммо Шарқ жамиятидаги ҳокимлик-тобелик шундай муҳит яратадики, амалда хотин – қизлар ўзларининг ана қонуний ҳуқуқларидан фойдаланишлари деярли йўққа чиқ Барчин ўзини кўп ўринда мунглик – муштипар деб атасада, ам теварак-атрофдагиларга мунглик муштипарлар каби қа бўлишни истамайди. Отаси қалмоқларга нима деб жавоб бериш билмай турганда ундан бу ваколатни ўзи сўраб олади.

Сен йиғладинг ота кўнглим бузилди,
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.
Ҳафа қилма ота мендай қизингни,
Қуя бер алпларга менинг ўзимни.
Қалмоқларга жавоб бермоғим даркор,
Ҳафа бўлсанг менинг кўнглим бузилар.
У алпларга мен бўламан баробар,
Ҳафа бўлма ота ўзимга бошқар.

[1] Ўша асар 65-66- бетлар



Достоннинг бошидан охиригача Барчин образи кўчманчи – чорвадор турмуш тарзи билан қарор топган қадриятларни тараннум қилади. Отасидан ваколатни олгандан кейин қалмоқларга муносиб жавоб беради. Бойсун – Қўнғиротга ўзи чопар юборади. Алпомиш етиб келганда, унинг этагини ушлаб, кетабермайди, балки, ўз шаънини баланд тутади: «Барчин айтди: Алпомиш келса кептида, Алпомиш келди деб мен Алпомишнинг этагини ушлаб кетаберайми? Бу алплар ҳам умид билан олти ойга муҳлат берган. Ҳар ким майдонга от солади, отини ўздирган одам олади, ҳар кимнинг кўнгли ўзидан қолади. Менинг тўрт шартим бор. Шул тўрт шартимни қилган кишига тегаман. Хоҳи Алпомиш қилиб олсин, хоҳи алпларнинг бири қилиб олсин»[1]. Достон қаҳрамонларининг феъл-атвори, воқеа-ҳодисалар силсиласи ҳамма-ҳаммасидан эркинлик ҳиди уфуриб туради. Хоҳ ота бола муносабатларини, хоҳ эр-хотин, хоҳ ака-ука муносабатларини олиб қаранг, ҳокимлик – тобеликни эмас, эркинликни кўрасиз. Алпомиш ўқимишли, одобли, тарбия кўрган фарзанд. Аммо отаси уни Кашал боришдан қайтармоқчи бўлганида, ўз фикрида туради. Қоражон дини ислом йўлида, ҳақиқат ва чин дўстлик йўлида ўз оға-иниларига қарши чиқади. Дангал сўзлаш, ўз билигича иш қилиш, тўғрисўзлик каби сифатлар нафақат бош қаҳрамонларга, балки достондаги кичик образларга ҳам хосдир. Масалан, «Кўса синчи деган синчиси бор экан, синчисига айтди: Тушиб ўзбакнинг отини кўр қани. Тушиб чилвиборини кўрди, каричлаб кўрди сағрисининг устидан бўйнининг ўртасигачайин тўқсон олти қарич чиқди; айил тортуви отнинг уч қарич чиқди. Сағрисини силаб, бўрнидан найча қўйиб, дурбин билан қараб кўрдиким, қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти қатлам-буклам бўлиб, ётир. Қандай экан ўзбакнинг оти? – деди», ўзбакнинг оти андай экан, ўзбакнинг қизига бурилмай қўя қол, - деди. Чинингни айт деди. Отни таъриф қилиб, чини шул, деб бир сўз айтиб, турган экан:

Йилқичинда ўзи келган синлидир,
Тубшукон туёқли, марол беллидир,
Аросат кунида ажаб ҳоллидир.
Қимматбаҳо экан ўзбакнинг оти.

[1] Ўша асар 120- бет.

Бу сўзни эшитиб, Кўкалдош алпнинг аччиғи келиб.... инчи икки кўзини уйиб, олиб қўйди»[1].

Ўз қадр-қимматини баланд тутиш, ўз эрки учун кураш ғоя достон охирида Барчинойнинг Ултонтозга муносабатида ҳам ифодасини топади.

Аччиқ қамчи урма Ёдгор бошига,
Аччиқланиб қарамагин бетига.
Аччиқ қамчи урма Ёдгор этига,
Кашал юртдан бек отаси келган сўнг.
Қур ҳайтлаб тўшарсан қўйининг кетига,
Баҳорда очилган боғнинг гулисан.
Ҳозир бир-бировнинг жону дилисан,
Яхшиликни тенг кўрмайсан ўзингга.
Ростин десам шу сағирнинг қулисан,
Шамол турса шобирлайди шоторак,
Энанг чўри, асли ўзинг бадирак.[2]

Юқорида айтилгандек, бутун достондаги воқеа-ҳодисал қаҳрамонларнинг феъл-атвори, хатти-ҳаракати айнан шун бўлиши ҳам керак эди. Чунки бу қаҳрамонлар кўчманчи – чорвад халқ фарзандлари эдилар. Демак, достон юзасидан ўтказилган шу қисқача таҳлилнинг ўзиёқ аниқ исботлаб турибди-ки, Ш халқларининг жуда кўпчилигига хос бўлган ижтимоий феъл-ат белгилари итоаткорлик, серандишалик каби қадриятлар фақат Шарқнинг ўзига хос бўлган ишлаб чиқариш усули, суғо деҳқончилик туфайли пайдо бўлгандир. Биз ишонамизки, х оғзаки ижодининг бошқа намуналарини ҳам худди ана шу нуқ назардан таҳлилдан ўтказиш юқоридаги фикримизни яна бир тасдиқлаган бўлар эди.

---
[1] Ўша асар 122-123 бетлар
[2] Ўша асар 364-365 бетлар



# «ЎТКАН КУНЛАР» ВА «МЕҲРОБДАН ЧАЁН» РОМАНЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ҲАРАКТЕРНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ ТАҲЛИЛИ

Алпомиш яратилганидан бери неча асрлар ўтди. Алпомишнинг авлодлари кўчманчилик, ўтов, чўпон таёғини ташлаб, кетмон, ўроқни қўлга олдилар. Ана шу ўтган асрлар ичида Алпомиш авлодларининг ижтимоий феъл-атвори, ҳокимиятига бўлган муносабатида қандай ўзгаришлар содир бўлди? Биз бу саволга жавоб излаб, «Ўткан кунлар»ва «Меҳробдан чаён» асарларини варақлаймиз. «Ўткан кунлар»нинг бош қаҳрамонларидан бири: Кумушнинг эрга берилиши манзарасини олиб қарайлик: Кумушбиби уйқудан туриб, фавқулодда бир ҳолга учрайдир: Бир кечада ҳамманинг тушига тўй кириб чиққан. Тўй учун янги кўрпалар қопламоқчи бўладилар, пар тўшаклар олмоқчи бўладилар. Куёв учун қандай кийим ярашмоғи ҳам баҳс қилинадир. Офтоб ойим эрга олтин камар олмоққа буюрадир. Тавба демай чора йўқ. Офтоб ойимларнинг куёвлари ким? Қайси қизларини эрга берадирлар? Уларнинг Кумушдан ҳам бошқа қизлари борми? Уларнинг қизлари ёлғиз, демак Кумуш эрга бериладир... тушунарлик гап эмас.

– Эрга ким тегадир?

– Кумуш.

– Кумушбиби куёвни ёқтирадирми, йўқми. Бу тўғрида унинг фикрини билиш керакми, эмасми?

– Сўраш ҳам керак эмас, билдириш ҳам.

– Нега?

– Чунки одат шул. Кумуш ота-она ёқтирган кишига рози бўлишга мажбур. Дарҳақиқат, Шарқ қизлари Кумуш ва дугоналарида ота-она хоҳишига қарши бориш имкони йўқ эди. Энди ана шу Кумуш билан Барчинойни бир таққослаб кўринг: ўртада қанчалик катта тафовут бор! Ана шу тафовут сабабини эса озроқ тафаккурга эга бўлган одам англаб олиши қийин эмас. Ота-она хоҳиши тусини олган руҳ ва асосларга қарши бориш Кумушбибилар қўлидан келмагандек, Отабеклар қўлидан ҳам келмас эди. Отабекни Тошкандан уйлантириш фикрига тушган ота-она уни ўртага олганларида Отабек рози бўлишдан бошқа чора топа олмайди. Отабек ҳамон сукутда, Ўзбекойим бўлса, боши билан «шундоғ» ишорасини берар эди. Юсуфбек ҳожи юқорида ўтган гапларни

қуруқ ва асоссиз сўзламаган, балки шу турмушнинг рукн асосини бир даража айтиб ўткан, Отабек эса буни шу муҳити бир ўғли бўлиб, эшитган эди. Тўғриси ҳам ул дадаси томони сўзланган ҳалиги қонунга қарши чиқиш учун, лозим бўлган ку молик эмас, бас кучсизликнинг натижаси эса сукут эди».[1]

Шундай қилиб Отабек ўзининг хоҳиш-истагига зид рави иккинчи уйланишга рози бўлади. Энди бир тасаввур қилиб кўри Отабекнинг бобокалонининг бобокалони бўлган Алпомишни хоҳишига қарши ота-онаси уйлантира олардими? Эҳтим кимлардир давр, замон ўзгариши билан одамлар ҳам ўзгаради- дейиши мумкиндир? Бу фикрга қўшилмай илож йўқ. Ҳақиқат ҳам Алпомиш билан Отабек ўртасида неча замонлар ўтган. Д руҳи, кишиларнинг феъл-атвори ўзгарган. Аммо бизн муддаомиз ана шу давр, замон ичида рўй берган ўзгаришларни асл сабабини, ўзгаришлар силсиласининг бош бўғинини топишд Ҳеч иккиланмай айта оламизки, давр, замон, одамлар руҳиятида берган ўзгаришларнинг асл сабаби кўчманчи чорвадор турм тарзидан суғорма деҳқончиликка асосланган иқтисодиётга қа қўйишидир.

Суғорма деҳқончилик яратган мустабид ҳокимият олд итоаткорлик нафақат оддий фуқаро, балки ҳокимиятнинг о табақа ҳукмдорлари феъл-атворига ҳам ўз муҳрини босмай ил йўқ эди: «Бир ғариби бечора» Ҳомитнинг Мусулмонқулга Ота билан Ўтаббой Қушбеги устидан туҳмат хатидан сўнг Ўтаб Кушбеги билан Отабек Қўқонга чақириладилар. Туҳмат ха ишонган Мусулмонқул Ўтаббой Қушбегидан ҳам аввал бо шубҳаланади. Аммо Ўтаббойнинг ўзига содиқ эканлигини бил унинг икки киши устига тикилган ғазаби ўзининг борлиқ даҳш билан Отабек устига тикилди.

«Юсуфбек ҳожининг мактуби ёнингиздадир? –Тақсир, – д Қушбеги, мактубни олиб Мусулмонқулга ўзатди. Мусулмон унда-сўнда мактубга кўз югуртириб чиқди-да, заҳарханда ич Ўтаббойга қаради. Юсуфбек ҳожининг кўрган ҳийлалар тушунмагувчилар эҳтимол Марғилондан топилгандир! Ул тулк ўғлини Марғилонда тўпалон чиқариш учун деб юборишидаёқ бир эҳтимолга қарши бу мактубни ёзиб берган, бунга Марғи калваклари тушунмасалар ҳам биз тушуна оламиз деди ва ма

[1] Ўша асар 136 - бет.



[illegible] Худоёрга қараб қўйди. Қушбеги унинг бу истеҳзосини [illegible] мажбур эди. Чунки, озгина тилдан тойса ўзининг ҳам [illegible] қаторига киритилишини яхши англар эди. Сукут қилди.»[1] [illegible] ҳокимиятнинг қарори, буйруғи, гарчи бу қарор, буйруқ, [illegible] мутлақо зид бўлган тақдирда ҳам бутун фуқаро, шу [illegible] амалдорлар учун ҳам мажбурий, яъни уни [illegible] иложи йўқ. Масалан: Нормуҳаммад Қушбеги [illegible] уюштирилган қатлиомда шахсан иштирок этмасада аммо: [illegible] ўрнидан турган ҳолда Қушбегидан жавоб кутар эди. Қушбеги кўп фурсат қотиб ўлтиргандан кейин, Қаюмга қўли билан [illegible] ишорат қилиб:

– Билганингизни қилаберингиз, – деди. Қаюм ёнидаги йигитлари билан маҳкамадан чиқди. Унинг чиқиши билан Қушбегига дедим:

– Энди нима қиламиз?

– Нима қилар эдик?

– Ахир қараб қолаберамизми, вақт танг! Қаршига биз ҳам йигит [illegible]!

– Қўйберингиз, ҳожи!

– Бечора гуноҳсизлар кесилаберсинларми?

– Кесилаберсинлар! -деди Қушбеги. Мен изтироб ичида унга [illegible] қолган эдим. Ул йиғи ичида тилга келди:

– Мамлакатнинг тинчлиги қипчоқларни кесиш билан ҳосил бўлса, майли, кесинлар….».[2] Мазкур кўчирмадан англашилиб турган ҳақиқат шуки, марказлашган ҳокимиятнинг барқарорлигини сақлаш йўлида Нормуҳаммад Қушбеги ҳатто ўз жонини қурбон [illegible] ҳам тайёр. Ўтаббой ҳам Нормуҳаммад Қушбеги ҳам мард, [illegible], ҳамда замона бекларининг ҳушёрларидандир. Аммо [illegible] ҳар иккаласи ҳам кези келганда соғлом ақлга ҳеч бир [illegible] келмайдиган буйруқ олдида итоат сақлашга мажбур [illegible]. Нима учун улар кези келганда оқни-оқ қорани-қора, деб [illegible] журъат қила олмайдилар? Қўрқоқликлари туфайлими? [illegible], Ўша даврда олий ҳокимият буйруғига қарши чиқиш [illegible] ўлим тилаш билан баробар эди. Аммо, Шарқ халқларини [illegible] олдида итоаткор бўлишга мажбур этадиган нарса [illegible] ана шу ўлим қўрқуви эмасдир. Биз бундан олдинги [illegible] бир неча бор таъкидлаганимиздек, суғорма

[1] Ўша асар 1[illegible] бет
[2] Ўша асар 293-294- бетлар

деҳқончилик бир сув ҳавзаси ҳудудида яшовчи аҳолини бит
кучли марказлашган, қаттиққўл давлат атрофида жипслашуви
тақозо этади. Бу ҳокимиятни жипслаштириб турувчи энг асос
манфаат–аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжидир. Ана шу давлатни
яхлитлиги ва барқарорлигини сақлашнинг энг муҳи
воситаларидан бири итоаткорлик ва андишадир. Бу қадриятлар
риоя этиш нафақат оддий фуқаро, балки олий табақа амалдорл
учун ҳам мажбурий эди. Бундай шароитда ҳар бир киши ўзид
мансаби улуғларнинг ҳар бир сўзига, раъйига бўйин эгишни ўзи
одат қилганидек, ҳар бир киши мансаб жиҳатидан ўзидан паст
турган ҳар бир кишидан ўзига сўзсиз бўйсунишини талаб қила
Бошқача айтганда, итоаткорлик ва андиша ижтимоий характерни
муҳим белгисига айланади. Ижтимоий ҳарактернинг моҳияти
унинг жамият ҳаётида тутган ўрни билан биз танишиб ўтган эди
Ижтимоий характернинг вазифаси шундан иборатки, жами
аъзолари ҳар бир ишни ўйлаб, мулоҳаза юритиш йўли билан эм
балки ижтимоий андаза асосида ҳал қилишлари лозим ва шу бил
бирга анъанага мувофиқ ҳаракат қилганларидан қониқиш ҳо
қилишлари лозим. Суғорма деҳқончилик эса аҳолида шунд
ижтимоий характерни шакллантиради-ки, бу ижтимо
характернинг энг муҳим белгиси, аҳолининг ҳокимият олд
итоатли сақлашидир. Шуни унутмаслик керакки, ижтимо
характер жамият аъзоларининг деярли барчаси учун истисно
яъни умумий бўлади. Демак, жамиятдаги оддий фуқаролар
юқори табақа-амалдорлар ҳам ижтимоий характер жиҳатидан б
биридан кескин фарқ килмайдилар. Жамият аъзолари ана
ижтимоий характерга қандай амал қилиши билан бир-бирлари
озми-кўпми ажралиб турадилар албатта. Аммо маълум
жамиятда қарор топган ижтимоий характерга зид феъл-атворга
бўлган кишилар истисно ҳоллардагина учраши мумкин. Негаки,
бир жамиятда қарор топган ижтимоий характерга зид феъл-атво
эга бўлган киши жамият томонидан рад этилиши, яъни у яккала
қолиши аниқ. Психоаналитикларнинг фикрича, инсонда
ҳайвоний, ҳам инсоний хислатлар мужассамдир. «Инсон ҳай
сифатида очликдан, ўлимдан қўрқади. Инсон сифатида
яккаланиб қолишдан қўрқади». Инсоннинг ўзи каби инсон
билан ҳамнафас, ҳамкор бўлишга интилиши унинг ин
сифатидаги энг олий эҳтиёжидир. Худди шунинг учун ҳа
ҳамиша теварак-атрофдан худди ўзига ўхшаганларни қидиради,



[illegible] теварак-атрофдагиларга ўхшашга интилади. Одамлар даврасига [illegible], улар орасида ўзини бегона сезмасликнинг йўли эса шу [illegible] одамлари нимани оқ десалар шуни оқ, нимани қора деяётган [illegible] шуни қора дейишдир. Ҳатто ўзининг шахсий фикри [illegible] бўлган тақдирда ҳам. Модомики, шарқона ижтимоий характернинг энг муҳим белгиси итоаткорлик экан, ана шу итоаткорлик тамойилига Ўтаббой Қушбеги-ю, Нормуҳаммад қушбегилар ҳам сўзсиз амал қилишга мажбур эдилар. Демак, [illegible] мумкинки, «Ўткан кунлар» романи қаҳрамонлари Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумушбиби, Ўтаббой, Нормуҳаммад қушбегиларнинг ўз шахсий манфаатлари ва эътиқодларига зид [illegible] рози бўлишларининг биринчи сабаби – бу уларнинг шарқона ижтимоий характерга эга эканлигидир. Аммо «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романлари қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари [illegible] ҳам бизнинг юқоридаги фикрларимизга мос келавермайди.

*(Ижтимоий характернинг моҳияти ва жамиятдаги вазифаси [illegible] фикрлар Э.Фроммга тегишли.)

Масалан, Юсуфбек ҳожининг Азизбекка қарши Тошканд халқини [illegible] ёки унинг Мусулмонқул ҳаракати беҳудасига қарши [illegible] бошчилик қилувчилардан бири бўлиши. Анвар билан Раъно [illegible] истак-хоҳишига қарши бош кўтаришга журъат этадилар. [illegible] мирзо, Сафар бўзчилар уларга бу йўлда ёрдам берадилар. [illegible] ана шу ҳаракатларини, ҳокимиятга қарши бош кўтаришларини шарқона феъл-атвор нуқтаи назаридан қандай [illegible] мумкин? Бу саволга жавоб бериш учун энг аввало ҳар бир жамиятда қарор топган қадриятлар билан умуминсоний қадриятлар ҳақида, яъни улар ўртасидаги мутаносиблик ҳақида [illegible] ўтишимиз лозим. Маълум бир жамият аъзолари фақат [illegible] яшаётган жамиятгагина эмас, балки бутун инсоният, башарият [illegible] ҳам таалуқлидирлар. Демак, нафақат шарқона қадриятлар, [illegible] умуминсоний қадриятлар: масалан, озодлик, тенглик каби қадриятлар ҳам бизга бегона эмас.

Ҳар бир жамиятда қарор топувчи ижтимоий характер мазкур жамиятнинг моддий ишлаб чиқариш усули асосида шаклланади. Демак, ҳар бир жамиятда барқарор бўлган қадриятлар, ғоялар, миллий [illegible] анъаналар энг аввало мана шу жамиятда шаклланган [illegible] ишлаб чиқариш усули асосида пайдо бўлади. Аммо бундан [illegible], миллий қадриятлар батамом ишлаб чиқариш усулигагина [illegible], фақатгина ишлаб чиқариш усули асосида юзага келади деган

хулоса чиқмайди. Масалан, озодлик, тенглик, биродарлик каби ғоял
инсон қалбида чуқур илдиз отган. Модомики, биз шарқликлар ҳ
башариятнинг бир бўлаги эканмиз, умуминсоний ғоялар бизлар уч
ҳам бегона эмас. Буюк файласуф Э.Фромм таъкидлашича, ҳар б
инсон биринчи навбатда ўз даври, ўз жамиятининг фарзанди бўли
билан бирга, айни дамда башарият фарзанди ҳамдир. Агарда шахс ў
яшаётган жамиятда қарор топган қадриятлар, аҳлоқий нормал
билан ҳар бир инсонга табиатан хос бўлган қадриятлар ўртасид
зиддият чуқурлашаётганини куриб турган бўлса, у умуминсон
қадриятлар билан ўз даври қадриятлари ўртасидаги кураш гирдоб
тушиб қолади ва ана шу қадриятлардан бирини танлашга мажб
бўлади. Модомики, Юсуфбек хожи, Анвар, Раъно, Султонали Мир
Сафар бўзчи ўз даврининг рукн ва асосларига қарши бош кўтар
эканлар, бу билан ўзларининг нафақат Шарқ фарзанди, бал
умумбашар фарзанди ҳам эканликларини исботлайдилар. Юқори
зикр этилганлардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, Шар
аҳолининг ҳокимият эгалари олдида итоат саклашини ҳам мут
итоаткорлик деб бўлмас экан. Шарқда аҳолининг ҳокимият олд
итоаткорлик даражаси бу итоаткорликнинг жамият барқарорлиг
қанчалик хизмат қилишига боғлиқдир. Масалан, Азизбек етм
кунлик қамал балосини бошидан кечирган Тошканд халқи уст
ўттиз икки тангадан солиқ солиб, халқни иложсиз аҳволга со
қўйди.

Натижада Тошканд халқи итоатдан бош тортишга, Азизбе
қарши бош кўтаришга мажбур бўлди. Ёки Мусулмонқулнинг жа
зулми ҳаддан ошиши унга қарши кайфиятни юзага келтиради. Чу
унинг жабру зулми туфайли халқ ҳам юқори табақа – хон ва ун
атрофидагилар ҳам «чидаб бўлмас» ҳолга тушиб қолган эдилар.

Худоёрхон ва унинг атрофидагилар эса бир йигитга унашти
қўйилган қизнинг фотиҳасини бузиб, натижада, биринчидан, йиги
қизни батамом иложсиз бир аҳволга солиб қўядилар. Иккинчидан
ҳаракатлари билан улар олдида ўзларининг инсоний қиёфалар
батамом йўқотиб, Раъно ва Анварнинг ўзларига қарши б
кўтаришларига сабаб бўладилар. Айрим мунаққидлар Раъно
Анварнинг хонга қарши бош кўтаришларини реалликдан узоқ
баҳолайдилар. Агарда ёзувчи реализм услубидан чекинмаган
Раъно хон саройига келиши керак эмиш. Тўғри, хон сўраб ту
қизни олиб қочиш, ўз дўстини қутқариш учун ўз бошини тутиб бе
каби ишлар итоаткорликка ўрганган Шарқ кишиси учун, шарқ
ижтимоий феъл-атвор нуқтаи назаридан қаралганда бироз ҳаё



...туюлиши ҳам мумкин. Чунки, шарқона ижтимоий феъл-атворнинг асосий хусусияти биз юқорида кўп бора таъкидлаганимиздек, ўзидан ёши ва мансаби жиҳатидан улуғларга итоаткорликдир. Аммо масалага фақатгина ана шу нуқтаи назаридан қаралганда бўлсак, Юсуфбек ҳожи бошчилигида Тошканд халқининг Азизбекка қарши бош кўтариши ёки Мусулмонқул зулмига қарши «қипчоқ халқининг» бош кўтаришини ҳам шубҳа остига олишга тўғри келади-ку. Аммо бу ҳаракатларни шубҳа остига олишнинг маъноси йўқ. Чунки буларни ёзувчи ўйлаб топмаган, балки реал тарихий воқеалардир. Олдин айтганимиздек, айримлар учун Раъно ва Анварнинг хонга қарши бош кўтаришлари асоссиз бўлиб туюлади. Аммо, асос бор экан: «Социал-иқтисодий тузум ижтимоий феъл-атворни шакллантиради дейилганда жамият билан инсон ўртасидаги алоқадорликнинг фақат бир томони назарда тутилади. Бу ўзаро алоқанинг иккинчи томони – инсон табиати ҳам жамиятга ўз таъсирини ўтказади. ...Инсон ҳар қандай шароитга кўникиши мумкин бўлса-да, аммо у ҳар қандай жамиятни тўла акс эттирувчи тоза қоғоз эмас. Масалан озодликка, севишга, бахтли бўлишга интилиш ҳар бир инсонга хосдир. Мана шу инсон табиатга хос бўлган азалий ва абадий интилишлар ҳам тарихий тараққиётни ҳаракатлантирувчи омиллардандир. Агарда социал тузум ана шу асосий инсоний эҳтиёжларни ҳаддан ташқари бўғиб қўйса жамият аъзолари мавжуд ижтимоий тузумни ўз эҳтиёжларига мослаб ўзгартиришга ҳаракат қиладилар.[1]« Қаранг: А.Қодирий Э.Фроммдан анча аввал буюк бир ҳақиқатни кашф қилиб қўйган экан: ҳар бир инсон ўзи яшаб турган жамиятда ҳукмрон бўлган қадриятларга, анъаналарга, урф-одатларга қарамай, бу урф-одатлар, қадриятлар унинг шахсий манфаатларига, унинг иродасига зид бўлган тақдирда ҳам кўпчилик жамиятда ҳукмрон бўлган анъана ва турмуш тарзига кўникишга мажбур бўлади. Аммо, бундан жамият аъзоларининг барчаси истисносиз ана шу тарзда яшайдилар, ҳеч ким, ҳеч қачон ўзининг шахсий қарашларига зид бўлган қадрият ва анъаналарга қарши чиқа олмайди, деган хулоса келиб чиқмайди. Агарда мавжуд жамиятда юқорида санаб ўтилган умуминсоний қадриятларни ҳаддан ортиқ оёқости қилинаётган бўлса, жамият аъзолари ичида бундай қарашларга, урф-одатларга, ғайриинсоний муомалага қарши чиқувчилар албатта топилади. Юсуфбек ҳожи, Отабек, Анвар, Раъно, Султонали, Сафар бўзчилар жамиятнинг ана шундай аъзоларидандир. Юсуфбек ҳожи, Отабек,

[1] Фромм Э.Душа человека. М. 1992 стр 332

Нормуҳаммад Қушбегилар эл-юрт осойишталиги йўлида ҳар қан жонбозлик кўрсатмасинлар, охир-оқибатда ҳожи этак силкиш мажбур бўлди. Отабек ва Алимқул юрт озодлиги йўлида шаҳ бўлдилар. Анвар билан Раъно ҳам ёруғлик кўрмадилар – ёзув уларнинг бахт-саодатга эришган дамларини қаламга олмаган: Ноч ҳаёт Анварни яна хон ҳузурига бош эгиб боришга мажбур қилади.

Дарҳақиқат, ўша замонлар адиб ибораси билан айтган «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари» бўлган эди. «давр»[1]нинг инқироз босқичи эди. Мазкур босқичда марказ ҳокимият ниҳоятда кучсизланади, маҳаллий ҳукмдорлар марказ ҳокимиятни менсимай қўядилар. Парокандалик, ўзаро урушлар а олади. Иқтисоди суғорма деҳқончиликка асосланган жамиятлар маълум бир иқтисодий юксалишдан кейин ана шундай инқир парокандалик юз бериши мутлақо объектив ҳодисадир. Мазк жараённинг ўз ниҳоясига етиши янгидан марказлашган давлатни пайдо бўлишига олиб келади. Аммо бунинг учун маълум иқтисод шарт – шароитлар етилган бўлиши керак. Аммо инқироз авж ол турган замонда Мусулмонқул, Азизбек, Ниёз Қушбеги, Худоёрх каби жоҳил ва нодон кишилар иш бошида бўлишлари табиийдир. парокандалик эса қандай оқибатларга олиб келганини ҳаммамиз яхш биламиз. Шунинг учун ҳам Юсуфбек ҳожи, Ўтаббой, Нормуҳамм Қушбеги каби миллатнинг ҳақиқий фарзандларининг уринишлари кетди. Бунда litбировни айблаш мумкин бўлмаса керак. Объектив шар шароитлар етилмаган жойда бирон бир ўзгариш ясаш, тари тараққиёт йўлини ўзгартириб юбориш бир неча жонкуярнинг қўли келмаслиги аниқ.

Э. Фромм объектив шарт-шароитнинг таъсири ҳақида шун ёзади: «Жамиятда асл инсоний эҳтиёжларга жавоб беру ўзгаришларни амалга ошириш маълум бир шарт-шароитлар етил тақдирда осонроқ кечади»: XIX аср ўрталарида Туркистонда инсо эҳтиёжларга жавоб бера оладиган ўзгаришларни амалга ошир мумкин бўлмади, чунки бу ўзгаришларни амалга оширишга им берувчи объектив шарт-шароит ҳали етилмаган эди.

Бугун мустақиллик шарофати билан инсон манфаат устуворлигини таъминловчи ислоҳотларни амалга оширишга хиз қиладиган шарт-шароитлар яратилган.

[1] «Давр» ва унинг босқичлари ҳақида кейинги бобларда баён этилади.



# II БОБ

## Шарқ ва Ғарб тараққиётининг ўзига хослигини ишлаб чиқариш усулига боғлиқлиги

### 1. Суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг давлат характерига, тараққиётга таъсир механизми

Моддий ишлаб чиқаришнинг ўзига хос усули сифатида суғорма деҳқончилик қандай хусусиятларга эга ва бу хусусиятлар тараққиётга қандай таъсир кўрсатади деган савол жамиятшуносларни доимо ўйлантириб келган. Суғорма деҳқончиликнинг айрим хусусиятлари ҳақида биз қисқача тўхталиб ўтган эдик. Суғорма деҳқончилик, айниқса йирик ва серсув дарёлар бўйида яшаган халқлардан сув тошқинларига қарши доимий ва қаттиқ кураш олиб боришларини талаб этади. Бундан ташқари ана шу дарёларни жиловлаш, улардан катта-катта каналлар қазиб чиқариш ва бутун мамлакатда ягона суғориш тармоқларини яратиш ва ишга яроқли ҳолда сақлаш ишлари аҳолини ялпи сафарбар этишни талаб қилади. Ана шундай улкан ҳажмли ва оғир ишларни бутун мамлакат миқёсида ўз вақтида бажарилишини таъминлаш ва сув тақсимотини адолатли йўлга қўйиш учун давлат ўта марказлашган, қаттиққўл, мустабид бўлиши талаб этилади. Шарқда ҳукм суриб келган давлатларнинг ўта марказлашган, қаттиққўл ва мустабид қиёфага эга бўлиши Шарқ мамлакатларининг иқлимий-географик хусусиятлари, хусусан суғорма деҳқончилик билан боғлиқдир деган фикр қадим замонларда пайдо бўлган. Масалан, XIV асрда яшаб ўтган араб тарихчиси Ибн Ҳалдунни ана шу фикр издошларининг энг биринчиси деб ҳисоблаш мумкин.

Француз файласуфи Монтескъе «Қонунлар руҳи тўғрисида» номли асарида ана шу фикрни таъкидлаган. XIX асрнинг иккинчи ярмида поляк олими Ватцлав Налковский «Атениум» журналида эълон қилинган «Нил системаси ва унинг аҳамияти» номли илмий мақоласида «қадимги мисрликларнинг ҳаёт тарзи Мисрнинг географик шароити асосида шаклланган» деган ғояни илгари суради.

Машҳур поляк ёзувчиси Болеслав Прус ўзининг «Фиръавн» романига ёзган «Муқаддима»сида Миср жамияти ҳақида мулоҳазаларни ёзади: «Миср юзаси ҳамма жойда бир хил текис эмас, айрим жойлари паст-баландликдир. Шунинг учун Мисрнинг

айрим жойларига тошқин етиб бора олмайди ва у ерлар ҳаётба сувни ҳар икки-уч ойда бир марта ичади, айрим жойлар эса сув мутлақо ичмайди. Бундан ташқари шундай йиллар бўладики, д тошқини рўй бермайди ва шунда мамлакат унумдор кў ололмайди. Иссиқ ойларда ер тез нам йўқотади ва уни тез суғориб туриш лозим бўлади. Буларнинг ҳаммаси шуни талаб қил эдики, Миср аҳолиси ёки кучсиз ва ожиз халқ сифатида ў кетиши ёки заковатли халқ сифатида сувдан фойдаланиш ўрганиб олиши лозим эди. Қадимги мисрликлар заковат эгал сифатида маданият (цивилизация) яратдилар»[1]

«Йил бўйи сувни сақлаш учун мисрликлар узунлиги бир н минг миль келадиган каналлар қазиганлар, сув тошқинлари бартараф этиш учун эса қудратли тўғонлар ва сув омборл курганлар. Улардан бири Меридо сунъий кўли чуқурлиги ўн ик ярус, майдони эса уч юз квадрат километр эди»[2]

Ана шундай улкан ишлар илмий билимлардан ташқ мустаҳкам ташкилот қуришни ҳам талаб қилар эди. Буларн ҳаммаси, у хоҳ тўғонларни мустаҳкамлаш бўлсин ёки каналла тозалашми, жуда улкан миқёсда, жуда катта ҳудудда бир вақ ўтказилиши ва белгиланган муддатда тугалланиши лозим эди, эса ўз навбатида ўн мингларча кишидан иборат бўлган, белгилан режа бўйича ва ягона раҳбарият кўл остида ишлайдиган ар бўлишини талаб қилар эди. Бу армия катта-кичик бошлиқларга, хил ишларни бажарадиган кўплаб отрядларга эга бўлиши ке эдики, бу эса табиийки, катта озиқ-овқат захиралари ва ёрда ускуналар, воситаларини талаб қилар эди.

Миср ана шундай армияни ташкил эта олди ва у ўзининг ўл ишлари учун ана шу армиядан миннатдор бўлиши лозим. Бу ар афтидан коҳинлар томонидан ташкил этилган ва унинг режасини ҳам уларнинг ўзлари тузганлар ва подшо-Фиръ буйруғи билан бажарилган. Ана шу туфайли Миср халқи кудратининг чўққисига эришган пайтида ягона бир оилани таш этар эдики, бу оилада коҳинлар тафаккур бўлсалар, Фиръавн ир халқ тана, итоаткорлик эса цемент вазифасини бажарган. Шун қилиб жуда катта меҳнат талаб қиладиган Миср табиатининг ўз мамлакат ижтимоий ташкилоти асосларини белгилаб берди. Х

[1] Ўша ерда. 7 бет
[2] Ўша ерда. 8 бет



ишлар, Фиръавн бошқарар, коҳинлар режа тузар эдилар. Ва мана шу учала ҳаракат, куч баҳамжиҳат мақсад сари интилар экан, халқ гуллаб-яшнаган ва ўзининг ўлмас ишларини амалга оширган»[1].

Биз бу кўчирмадан фақат айрим жиҳатларгагина алоҳида урғу бериб ўтишни лозим топдик. Аслида Болеслав Прус ўзининг «Фиръавн» романига ёзган «Муқаддима»сидаги ҳар бир фикр, ҳар бир иборa алоҳида диққат-эътибор қаратиб ёзишга арзийди, десак муболаға бўлмаса керак. Шарқ табиати, иқлимий-географик шароити, суғорма деҳқончилик Шарқ тарихида қандай ўрин эгаллаганлиги билан қизиққан кишилар «Фиръавн» романини, айниқса унга ёзилган «Муқаддима»ни албатта ўқиб чиқишлари керак деб ўйлаймиз.

Давлатнинг маълум бир сув ҳавзасидан кам бўлмаган ҳудудда марказлаштирилишини, ўта қаттиққўллик ва ўз истак-хоҳиш билан иш кўриш қобилиятига эга бўлишини талаб этадиган сабаблардан бири асосийси сув тақсимотини йўлга қўйиш лозимлигидир. Шарқ тарихидан маълумки, Шарқда давлатлар асосан қоида тариқасида бир сув ҳавзаси ҳудудидан кам бўлмаган ҳудудда марказлаштирилган. Бунинг сабаби бизнингча, жуда оддий ва тушунарлидир. Бир сув манбаи ҳавзасида икки давлатнинг бўлиши шубҳасиз сувга эгалик қилиш устида уруш-низо чиқишга сабаб бўлади. Уруш-низонинг оқибати эса охир-провардида икки давлат ўрнида ягона давлат пайдо бўлишига олиб келади.

Шарқ давлатларининг пайдо бўлиши жараёнини ўрганиш юқоридаги фикрларнинг тўғри эканлигини батамом тасдиқлайди. Дарё воҳаларида дастлаб кичик-кичик давлатчалар пайдо бўлади, бу давлатчалар ўртасида бошланган кураш натижасида яхлит, бутун воҳани эгаллаган, яъни бир сув ҳавзасидан кам бўлмаган ҳудудни эгаллаган давлат юзага келади. Ушбу фикрнинг исботи учун Шарқ тарихидан кўплаб далиллар келтириш мумкин. Масалан, Миср тарихига мурожаат қилиб кўрайлик: Мисрда, аниқроғи Нил водийсида эрамиздан аввалги IV-минг йилликлардаёқ кичик-кичик давлатчалар пайдо бўлади. Ана шу давлатчалар ўртасидаги кураш натижасида Нил водийсида дастлаб икки давлат – Юқори ва Қуйи Миср давлатлари ташкил топади. Энди ана шу икки давлат ўртасида кураш бошланади ва ниҳоят эр. ав. III-минг йиллик бошларига келиб бутун Нил водийсини бирлаштирган давлат пайдо бўлади.

[1] Болеслав Прус. «Фараон» Ташкент 1986. стр. 15-16.

Бу давлат ўз тарихида бир неча бора инқирозларни-марка[...] ҳокимиятнинг заифлашуви ва мамлакатнинг номларга бўлин[...] кетишини ўз бошидан кечирганлиги маълум. Аммо ҳар сафар орад[...] маълум муддат ўтгандан кейин, Миср давлати яна худди ўша Н[...] водийсида, Нил ҳавзасида марказлашган давлат сифатида к[...] кўтаради. Кенглиги бир неча километр, узунаси шимолдан жан[...] томон минглаб километрга чўзилган ҳудудни ҳар бир инқироз[...] кейин, яна худди ўша маконда қайтадан тиклаган сабаб, омил ни[...] бўлиши мумкин? Суғорма деҳқончиликнинг таъсирини ҳисоб[...] олмасдан туриб буни тушунтириш, изоҳлаб бериш мумкинми?

Юқори Миср билан Қуйи Миср ўртасидаги иқтисодий ало[...] уларни яхлит давлат сифатида уюштира оладиган даражада бўли[...] мумкин эмасди. Уларнинг табиий шароити ўхшаш, демакки, Юқо[...] Мисрда етиштириладиган ҳамма деҳқончилик маҳсулотлари Қу[...] Мисрнинг ўзида ҳам ортиғи билан етиштирилган ёки аксинча. Қу[...] Миср иқтисодий алоқалари жиҳатдан Юқори Мисрдан кўра кўп[...] ўзининг шимолий-шарқ томондаги қўшнилари Финикия, Сур[...] Фаластин билан маҳкамроқ боғланганлиги шубҳасиз. Масал[...] Авдиевнинг «Қадимги Шарқ тарихи» китобида Қуйи Миср би[...] Юқори Миср ўртасидаги савдо алоқалари ҳақида деярли ҳеч н[...] дейилмаган. Аммо Мисрнинг ташқи савдоси деярли батаф[...] тасвирланади: «Археологик ёдгорликлар ва ёзувлар Миср би[...] қўшни мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларин[...] кенгайганлигини кўрсатади. Палермо тошида сақланиб қол[...] йилномада игна баргли дарахтларнинг муҳим навларини о[...] келтириш учун денгизнинг нариги қирғоғидаги мамлакатл[...] юборилган катта-катта савдо экспедициялари ҳақида, Жануб[...] пунт мамлакатидан мирра смоласи, тахта ва электрум келтирил[...] ҳақида гапирилади. Бобилда ўтказилган қазишлар натижасида М[...] савдосининг Сурияга кириб борганлигини кўрсатувчи жуда [...] ёдгорликлар топилди»[1].

«Суриянинг баъзи қисмларида Мисрнинг иқтисодий таъсири[...] қадар катта эдики, Миср Фиръавнлари ўзларини «Библ ҳокими[...] Ливан областининг худоси деб аташ мумкин деб ҳисоблаганлар»[2][...]

«Мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ички ва та[...] савдонинг ривожланишига сабаб бўлган. Янги подшолик дав[...]

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент 1964 йил 216 бет.
[2] Ўша асар 216-217 бет.



Мисрнинг қўшни мамлакатлар билан бўлган савдо алоқаси тобора кенгайган. Суриянинг айрим областлари билан Мисрнинг савдо алоқалари мустаҳкамланган. Мисрликлар у ердан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини – дон, шароб, асал ҳамда чорва молларини олиб келганлар. Мисрликлар Ливан областларидан кўплаб бинокорлик ёғочлари келтирганлар. Ниҳоят, Мисрликлар Суриянинг катта шаҳарларидан Сурия ҳунармандчилигининг қимматбаҳо буюмларини олиб келганлар»[1].

«Сурияда Миср савдосининг энг муҳим таянч пунктларидан бири Библ шаҳри бўлган. Миср савдоси учун Библ шу қадар катта аҳамиятга эга бўлганки, Библ князларидан бири бўлмиш Риб-Адди номли бир князь Фиръавнга ёзган бир хатида, «Мана Библ! Подшо учун Мемфис қандай бўлса, Библ ҳам шудайдир»[2] деб ёзган.

Авдиев Мисрда савдо-сотиқнинг ривожланиши ҳақида анча муфассал тафсилотлар келтириб ўтади. Аммо бу тафсилотлар асосан ташқи савдога тааллуқлидир. Миср ички савдоси ҳақида, хусусан Юқори ва Қуйи Миср ўртасидаги савдо алоқалари хусусида деярли ҳеч нима демайди. Мисрда ички савдо асосан қишлоқ билан шаҳар ўртасида, деҳқончилик маҳсулотларини ҳунармандчилик маҳсулотларига айирибошлаш тарзида бўлган. Аммо мамлакатнинг турли бурчакларини бир-бири билан яхлит иқтисодий макон сифатида боғловчи иқтисодий алоқалар бўлмаган. Мисрнинг табиий бойликлари-ўрмон, қазилма бойликлари металга камбағал бўлганлиги туфайли бинокорлик учун ишлатиладиган ёғоч ва тахта, мис ва олтин асосан четдан – мис Синай ярим оролидан, кейинчалик Кипрдан, ёғоч Ливандан, олтин Нубиядан келтирилган.

Миср ўз хўжалигини ана шу материаллар билан етарли даражада таъминлаш учун ўз қўшнилари – айниқса шимоли-шарқдаги қўшнилари билан ҳамиша қизғин савдо-сотиқ олиб борган. Бундан ташқари, Миср давлати ўз қўшнилари устига доимий равишда қўшин тортиб бориб, бу мамлакатларни истило қилган. Миср Фиръавнлари ҳукмронлиги Сурия, Финикия ва Фаластинда айниқса узоқ давом этган. Аммо на қизғин савдо алоқалари, на Миср қўшинларининг истилолари мазкур мамлакатларни Миср билан ягона давлат қилиб бирлаштира олмади, Миср Мисрлигича, мустамлакалар мустамлакалигича қолаверди. Мисрликлар билан

[1] Ўша асар 217 бет.
[2] Ўша асар 378-бет.

улар ўртасидаги қизғин савдо алоқалари ҳам улар ўртасид
ҳокимлик-тобелик муносабатлари ҳам уларни яхлит миллат, х
сифатида, бирлаштира олмади. Ваҳоланки, суғорма деҳқончилик Н
водийсидаги аҳолини эрамиздан аввалги III-минг йилликни
бошидаёқ яхлит халқ сифатида бирлаштирган эди.

Ўрта Осиё давлатларининг XIX аср биринчи ярмидаги сиёс
харитасини ўрганиш ҳам Шарқда давлатларнинг марказлаш
жараёнида суғорма деҳқончилик асосий роль ўйнаган де
фикримизни исбот қилувчи далилларга эга бўлиш имконини бера
Ўрта Осиёнинг бу даврдаги сиёсий харитасига юзакироқ на
ташлашнинг ўзиёқ Ўрта Осиё хонликларининг ҳудудий жиҳат
шаклланишида суғорма деҳқончилик асосий бирлаштирувчи вос
бўлганлигини англаш имконини беради. Маълумки, ана шу дав
Ўрта Осиёда Бухоро амирлиги, Қўқон хонлиги ва Хива хонликл
мавжуд бўлган. Бу давлатларнинг ҳар бири маълум бир сув ҳавз
асосида бунёдга келган эди. Масалан, Бухоро амирлиги асо
кичикроқ дарёлар: Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё ва Санг
водийларини эгаллаган бўлса, Қўқон хонлиги Сирдарё ҳавзаси
Хива хонлиги эса Амударё дельтасини эгаллаган эди. Агарда
давлатлар харитасига озроқ диққат-эътибор билан қара
давлатларнинг ҳар бири айнан суғориш тизими асосида, сув ҳавз
асосида пайдо бўлганлигига осонгина ишонч ҳосил қилиш мумк
Масалан, Қўқон хонлигининг асоси-Фарғона водийси би
хонликнинг Ғарбий вилоятлари-Сирдарёнинг қуйи оқимид
ерларни қандай алоқалар боғлаб турган бўлиши мумкин? Қў
хонлигининг ғарбий вилоятлари -Тошкентни ҳам қў
ҳисоблаганда иқтисодий алоқалар жиҳатидан Фарғона водийси
кўра Бухоро, Жиззах, Самарқанд билан қаттиқроқ боғла
эмасмиди?

Шарқ мамлакатларида марказлашган давлатчиликнинг па
бўлиши асосида суғорма деҳқончиликнинг асосий роль ўйнаган
юқорида келтирилган далиллар тўла исботлай олади деб айта ола
Юзаки қараганда, Ғарбда ҳам марказлашгаи давлатларнинг п
бўлиши худди шу зайлда кечган: кичик-кичик ячейкалар – фе
қўрғонлари, вилоятлар, шаҳарлар аста-секинлик билан кучли
қўшнилар томонидан бўйсундирилади ва марказлашган ми
давлатлар пайдо бўлади. Аммо бу ерда, яъни Ғарбда марказла
давлатларнинг пайдо бўлиши бошқача иқтисодий қонуни
асосланган. Бу ерда биз бир сув ҳавзаси асосида марказлаш



кўрмаймиз. Бу ерда бирлаштирувчи восита вазифасини иқтисодий алоқаларнинг кучайиши бажаради. Яъни бу ерда марказлашувнинг асоси сифатида иқтисодий макон, иқтисодий бирлик хизмат қилган. Демак, марказлашган давлатларнинг пайдо бўлиши Шарқ ва Ғарбда бутунлай бошқа-бошқа асосларга эга эди деб айта оламиз.

Суғорма деҳқончилик шароитида давлатнинг ўта марказлашган, қаттиққўл бўлишини талаб этувчи сабаблардан бири – бу сув тақсимоти устидан доимий ва қаттиқ назорат ўрнатиш лозимлигидир. Хўш, нима сабабдан сув тақсимоти устидан назорат ўрнатиш давлатдан ўта қаттиққўлликни, мустабидлик, яъни ўз хоҳиш-иродаси раҳбарига иш кўриш қобилиятига эга бўлишни талаб этади, ахир давлатнинг бундан бошқа соҳаларда ҳам тақсимот ва назорат қилиш вазифаси мавжуд-ку. Сув тақсимоти устидан ўрнатиладиган назоратнинг бошқа соҳалардаги
тақсимот ва назоратдан фарқи шундаки, сув тақсимотидан фарқли равишда бошқа соҳалар, масалан, солиқ, ҳуқуқ-тартибот соҳаларида давлат билан фуқаро ўртасида аниқ белгилаб қўйилган қонун-қоидалар амал қилади. Масалан, солиқ тўловчи ўз даромадидан қанча солиқ тўлашни лозимлигини деярли аниқ билади. Давлат эса солиқ йиғишда ҳам ҳуқуқ-тартиботни сақлашда ҳам қоида тариқасида қатъий белгиланган қонун-қоидалар асосида иш кўришни мақбул кўради. Сув тақсимотининг ўзига хос хусусияти эса шуки, давлат ва фуқаро ўртасида ана шундай қатъий қонун-қоидалар, тартиб белгилашнинг имкони йўқ.

Фикримизнинг исботини оддий мисолдан, яъни сувли ер билан қиёсан, яъни сув билан таъминланмаган ерни таққослашдан бошламоқчимиз. Улар ўртасидаги тафовутни тасаввур қилиш унча қийин эмас. Шарқ шароитида сув билан таъминланмаган ер деҳқончилик учун яроқсиз, демакки унинг қиймати ҳам йўқ даражада. Ана шу сув билан таъминланмаган, деҳқончилик учун мутлақо қимматга эга бўлмаган ер сув билан таъминланганда унинг қадр-қиммати бирдан ўзгаради. Демак, ерни қадрли қилган нарса бу – сув экан. Бизда, яъни Шарқда сувни эъзозлаш, қадрлаш ҳақида кўпдан-кўп ҳикоятлар, ривоятлар, мақоллар тўқилган, масалан ер-сув, оби-ҳаёт ва ҳоказо.

Аммо ана шу бебаҳо қадрли бойликни на челаклаб, на литрлаб сотиш ёки сотиб олиш мумкин эмас. Тасаввур қилиб кўринг: бир томондан сув ниҳоятда бебаҳо, қадрли бойлик, аммо иккинчи тарафдан олганда уни ўз қиймати, баҳоси бўйича сотиш ёки сотиб

олишнинг имкони йўқ. Худди шунинг учун ҳам боя келтирил мақолларга қарши мақоллар ҳам тўқилган бўлса керак. Маса сувдек сероб бўл, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ. Хўш, н учун ерни ҳақиқий ерга айлантирувчи, Шарқ шароитида қатраси олтинга тенг сув ҳақиқий қадр-қийматини йўқотади ?

Бир қарашда ариқдан оқиб келаётган сув ҳеч бир қийматга, нархга, баҳога эга эмас. Чунки уни сотмайдилар, сотиб олмайди Аммо ана шу «текин» сув аслида текин келмайди, сув деҳқон е етиб келгунича анча узоқ йўлни босиб ўтади. Аввал туғонга келади, кейин катта-катта каналлар, ундан кичикроқ ариқларга узоқ оқади. Албатта ана шу тўғонларни қуриш, ариқлар, канал қазиш, сув тақсимотини назорат қилиб турувчи миробларнинг ҳақи – бўлар сувнинг текинга келмаётганлигини кўрсатиб тури Аммо бу сарф – харажатлар сув учун қилинган сарф-ҳаражатлар жуда арзимас қисмидир. Сув учун қилинган сарф-ҳаражатлар асосий қисми бевосита эмас, балки билвосита ҳаражат кўрини бўлади. Бу ҳаражатларнинг айнан сув учун сарфланишини ва а сув билан қопланишини англаш ва тушуниш учун масалага б кенгроқ ва чуқурроқ назар ташлаш талаб қилинади. Хўш, қа ҳаражатлар ҳақида гап бораяпти?

Суғорма деҳқончилик фақатгина кучли, марказлашган, қатти давлатчилик шароитидагина амалга ошиши мумкин, деган фикр келиб чиқадиган бўлсак ана шу кучли, марказлашган, қатти давлат ўзига яраша катта-катта сарф – ҳаражатларсиз яшай олмасл аниқ. Давлатнинг кучли, қаттиққўл бўлиши ва ўзининг худу яхлитлигини ҳимоя қила олиши учун давлат катта армияга, сонли амалдорларга эга бўлиши ва ўзини мафкуравий жиҳат таъминлаши лозим. Халқнинг сўзсиз итоаткорлигига эришиш у подшо дабдабали, маҳобатли қасрлар, улкан обидалар яратиши ш эди. Подшо ва амалдорлар халқ наздида юксак мавқеини тути учун дабдабали ҳаёт тарзини маҳкам ушлашлари шарт эди. Мафк соҳаси – дин, адабиёт, фалсафани ҳам ўз манфаатига хиз қилдириш подшо ҳокимиятидан анча-мунча чиқим, сарф-ҳара талаб қилар эди. Ана шу сарф-ҳаражатлар айнан сув учун, суғо деҳқончилик учун қилинганлигини қандай исботлаш мумкин? А дабдабали саройлар, қасрлар қуриш, катта армия тузиш, дабдаб турмуш кечириш ҳар қандай подшонинг истак-хоҳиши эмас Масалан, Ғарб қиролларида ҳам шундай истак-хоҳиш бўлганл табиий эмасми?



Аммо Ғарбда қироллар Шарқ подшолари эришган шон-шавкат ва дабдабага эриша олмаганлар. Негаки, шахсий истак-хоҳишнинг амалга ошиши жамиятнинг объектив эҳтиёж ва имкониятлари билан боғлиқ. Ғарб қиролларининг кўнглида бўлган истак-хоҳиш жамият эҳтиёжи ва имкониятлари билан мос келмаган (Рим императорлари бундан мустасно. Уларнинг истак-хоҳишлари истилочилик урушлари томонидан қопланган). Шарқда эса суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш бутун жамиятнинг манфаати эди. Ана шу жамият ўз тепасида кучли, илоҳий сифат, қудратли подшони кўришни хоҳларди. Ана шу истак-хоҳиш, манфаатни амалга оширишни учун қилинган барча бевосита ва билвосита сарф – харажатлар ана шу сув ҳисобига қопланар эди. Аммо бевосита эмас, балки билвосита йўл билан. Хўш, қандай қилиб?

Биз юқорида сув тақсимотининг ўзига хос хусусиятлари туфайли сувни унга қилинган сарф ҳаражатларга мувофиқ тарзда сотиш ва сотиб олиш имкони йўқ деб айтдик. Хўш, бу хусусиятлар нималардан иборат?

– Биринчидан, сувнинг йиллараро ва фасллараро бир меъёрда бўлмаслиги;

– Иккинчидан, сувга бўлган талабнинг мавсум давомида бир меъёрда бўлмаслиги. Сув тақсимотининг ана шундай хусусиятларидан шундай вазиятлар пайдо бўладики, кечагина ҳеч кимга кераксиз ҳолда бекорга оқиб ўтган сув устида бугун ур-сур, талаш-тортишув бошланиши ҳам ҳеч гап эмас. Демак, кўринадики, сув ниҳоятда бебаҳо, катта сарф -ҳаражатлар эвазига келадиган бойликдир, аммо ана шу сув учун қилинган сарф ҳаражатларнинг худди ана шу сувнинг ҳажмида (литр, кубометрр) акс этиши жуда қийин. Шарқ жамиятини ниҳоятда қимматбаҳо бойликни бўлиб олишга чоғланган, аммо уни қай тариқа бўлишни билолмай турган жамият сифатида тасаввур қилинг, чунки бу бойликни хизматига яраша ҳам, пулига яраша ҳам тақсимлаб беришнинг имкони йўқ. (Бизнинг тушунчамиздаги бозор тартибига мувофиқ сотиш ва сотиб олишнинг имкони йўқ). Ана шунда муқаррар равишда юз бериши мумкин бўлган ур-сур, тўполоннинг олдини олиш учун жамият ўз ичида бир кишини (ёки бир гуруҳни) ҳакам қилиб сайлайди. Ана шу ҳакам сувни тақсимлаб бериши керак, аммо унинг қўлида сув тақсимотини амалга оширишнинг аниқ дастури йўқ.

Ана шундай вазиятда сув тақсимотида маълум даражада адолат ўрнатишнинг бирдан-бир гарови мазкур ҳакамнинг мустабидга

айланишидир. Яъни, у сув тақсимотида фақат ўз хоҳишича кўриш имкониятига эга бўлиши керак. Иқтисодиётида суғ деҳқончилик устуворлик қилувчи мамлакатларда да ҳокимиятининг мустабид характерига эга бўлиши айнан тақсимоти туфайли келиб чиққанлигига ана шу тарика ишонч ҳо қила оламиз.

Юқорида айтиб ўтилганидек, сув учун қилинган са ҳаражатларнинг асосий қисми билвосита ҳаражатлар кўриниш бўлади. Бу сарф ҳаражатлар бир кўринишда мутлақо бо нарсаларга сарфлангандек кўринсада, аммо бу сарф-ҳаражатлар туб моҳияти суғорма деҳқончилик талаби билан боғланади. Энди шу сув учун қилинган бевосита ва билвосита ҳаражатлар қа қилиб қопланиши ҳақида ўйлаб кўрайлик. Сув учун қили бевосита ҳаражатларнинг бир қисми-тўғонлар қуруш, арик зовурларни ишга яроқли ҳолатда сақлаш учун қилинадиган мод сарф – ҳаражатлар давлат томонидан қопланади. Бевос ҳаражатларнинг иккинчи қисми-тўғонлар қурилишида ишлаш, я ариқлар қазиш, мавжудларини таъмирлаш, мироблрга тўланади иш ҳаққи– миробона ва шунга ўхшашлар бевосита халқ зиммас тушади. Аммо сув учун сарфланган билвосита ҳаражатла бевосита ундиришнинг иложи йўқ, чунки биз юқор таъкидлаганимиздек, сув тақсимотининг ўзига хос хусусиятл сувга айни пайтнинг ўзида, яъни у истеъмолчига етка берилаётган пайтда баҳо қўйиш, нарх-наво белгилашга имкон бермайди. Аммо қимматбаҳо бойлик, сув, яъни сарфланган сув у эса давлат бевосита ва билвосита кўринишда катта ма сарфлаган. Давлат ўзининг ана шу маблағини кимдан ундириб ол Ана шу сарфланган ҳаражатларни ундириб олишда суғориш у ишлатилган сув миқдорини бирор бир тарзда ҳисобга олиш иложи борми? Сувдан ким қанча фойдаланганини қандай ки билиш мумкин?

Истеъмолчи, деҳқоннинг сувдан қанча фойдаланган бевосита истеъмол жараёнида аниқ билишнинг иложи эканлигини юқорида айтиб ўтдик. Чунки, деҳқончилик у ишлатиладиган сувни ўлчаш ва бошқа маҳсулот (товар) каби со имконсиз ишдир. Чунки, деҳқончилик учун ишлатиладиган сув бозор қоидаларига мувофиқ сотишни ният қилган киши аввал маҳсулоти (товар)ни сиғдирадиган идиш топа олмаган бўлур Чунки, сувнинг ўз-ўзидан, яъни текин келмаслигиии, балки



учун маълум меҳнат ва моддий ресурсларни сарф – ҳаражат қилинишини ҳисобга оладиган бўлсак, сув ҳам бошқа маҳсулотлар каби ўз баҳосига эга бўлган товар эканлигига иқрор бўлишимизга тўғри келади.

Модомики, сув маълум бир сарф-ҳаражатлар эвазига келган экан, унинг ўзига яраша қадр-қиммати, баҳоси ҳам бўлиши керак. Сиёсий иқтисод фанида ҳар қандай товарниг учта хусусияти бўлиши зарурлиги таъкидланади:

1. Бирор бир эҳтиёжни қондириши;
2. Маълум бир меҳнат сарфланганлиги;
3. Сотишга мўлжалланганлиги.

Сувда товарнинг биринчи ва иккинчи хусусиятлари аниқ мужассам – у биринчидан эҳтиёжни қондиради, иккинчидан маълум даражада меҳнат сарфланади. Аммо суғорма деҳқончилик учун ишлатилган сувнинг товар эканлигини исботлаш учун унинг сотишга мўлжалланганлигини исбот қилиш керак бўлади. Бир жараёнда суғориш учун мўлжалланаётган сувнинг сотилаётганлиги ва сотиб олинаётганлигини исбот қилиш қийин, чунки юқорида айтилганидек, сувни бошқа товар каби, бизнинг тасаввуримиздаги олди-сотиқ шаклида сотиш ва сотиб олиш имкони йўқ. Ана шу олди-сотиқ қай тарика амалга ошишини тасаввур қилиш учун аввало ана шу сувнинг эгаси кимлигини аниқлаш талаб қилинади. Ана шу сувнинг эгаси сув учун қилинган сарф – ҳаражат ким томонидан қилинган бўлса, худди ўша бўлади. Аммо масаланинг мураккаблиги шундаки, сув учун қилинган сарф – ҳаражатнинг асосий қисми бевосита ҳаражат кўринишида эмас, балки билвосита ҳаражат кўринишида бўлади. Биз бу ҳаражатларнинг қандай ҳаражатлар эканлиги билан юқорида танишиб чиқдик. Кўринадики, сув учун қилинган бевосита ва билвосита ҳаражатлар давлат томонидан амалга оширилган, демак давлат ана шу сувнинг эгаси эканлигини тан олишимизга тўғри келади. Ана энди ана шу давлат ўз маҳсулоти – сувни қандай қилиб «сотади» ва ана шу истеъмол қилинган сув-товарнинг баҳоси қандай қилиб белгиланади ва қай тартибда, кимдан ундириб олинади? Модомики, сувнинг худди бошқа сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар каби товар эканлигини назарда тутадиган бўлсак, энди ана шу товар – сувнинг олди-сотди жараёни қандай амалга оширилишини аниқлаш талаб қилинади. Модомики, сув худди бошқа сотиш учун мўлжалланган маҳсулотлар каби товар экан, демак олди-сотди, яъни сотиш ва сотиб олиш жараёнини

маълум бир шаклда амалга оширишнинг энг муҳим шар[illegible] «сотилаётган» маҳсулот-сувнинг миқдорини аниқлаш ва шун[illegible] яраша «ҳаридор»– деҳқондан пул ундириш лозим бўлади. Ам[illegible] юқорида айтилганидек суғориш учун ишлатиладиган сувнинг ўзи[illegible] хос хусусияти шундаки, уни истеъмолчига етказиб бериш жараёни[illegible] бирон бир шаклда ўлчашнинг имкони йўқ. Демак, «олди-сотди[illegible] жараёни қандай кечишини тўла тасаввур этишимиз учун сувдан ки[illegible] қанча сотиб олаётганлигини аниқлаш керак бўлмоқда. Ана [illegible] «сотилаётган» сувдан ким қанча сотиб олаётганлиги[illegible] аниқлашнинг бирор бир усули борми?

Сувдан ким қанча истеъмол қилганлигини кўрсатувчи меъзон [illegible] ҳар бир кишининг эгаллаб турган, аниқроғи, суғорма деҳқончили[illegible] қилинадиган ер майдонидир. Ана шу ер майдонини ким қанча с[illegible] олаётганлигини кўрсатувчи идиш сифатида тасаввур қилс[illegible] тўғрироқ бўлар эди. Кимнинг ер майдони-идиши каттароқ бўл[illegible] демак шунча кўпроқ сув истеъмол қилган бўлади. Солиқ миқдори[illegible] идишга-ер майдонига қараб белгилаш мумкин экан. Аммо бозор[illegible] катта қоп кўлтиқлаб тушиш ҳали у катта нарса, шу идиши, қопи[illegible] яраша маҳсулот ҳарид қилди деган гап эмас. Суғорм[illegible] деҳқончиликнинг хусусиятларидан бири шундаки, давлат ҳар қан[illegible] мустабид бўлмасин, амалдорлар ҳар қанча жонбозлик кўрсатмаси[illegible] сувга бўлган талаб-эҳтиёжни ҳамма ерда ва ҳамма вақт бир[illegible] қондириб бўлмайди. Масалан, сув манбаларига яқинроқ бўлган эк[illegible] далалари бошқаларига нисбатан сувни кўпроқ ичиши тай[illegible] Ўзбекларда «Отанг мироб бўлгунча еринг булоқ бошида бўлсин[illegible] деган мақол бекорга тўқилмаган.

Агарда давлат солиқ ундиришда фақат идишни, яъни ер миқдори[illegible] ҳисобга олиб иш тутганда маълум қийинчиликлар юзага келиши тай[illegible] эди. Чунки, биринчидан давлат сувни кам ёки кўп ичишидан қат[illegible] назар солиқни фақатгина ер майдонига қараб ундирадиган бўл[illegible] давлат амалдорлари ва давлатнинг деҳқонлар ерини сув билан тў[illegible] таъминлашдан манфаатдорлик тамойилига путур етади. Иккинчида[illegible] натижада сув тақсимоти устидан давлат назорати бўшашад[illegible] сансоларлик, амалдорларнинг ўз ҳуқуқини суиистеъмол қилишла[illegible] авж олади. Солиқ ундиришда истеъмол қилинган сув миқдори[illegible] маълум даражада ҳисобга олиш ва давлатнинг сув тақсимоти устид[illegible] назоратини оқилона ташкил этиш учун Шарқда қадимдан солиқ [illegible] миқдорига қараб эмас, балки етиштирилган ҳосилдан улу[illegible] кўринишида ундирилган. Маълумки, етиштирилган ҳосилни[illegible]



[illegible]дори фақатгина ер майдонига эмас, балки худди ана шу ернинг [illegible] билан тўла ва мунтазам таъминланишига ҳам боғлиқ. Демак,, [illegible]лат ўз фуқоролари ерини сув билан қанча мўл ва мунтазам [illegible]минласа, етиштириладиган ҳосил ҳам шунча мўл бўлади. Демак, [illegible]лат хазинасига тушадиган даромад ҳам шунча кўп бўлади.

Албатта, бу солиқ ташқи кўринишидан ер солиғи шаклига эга, бу солиқ аслида сув-мазкур ерда ҳосил етиштириш учун сарфланган [illegible] учун ундирилаётганлигини англаш учун эса масалага анчагина [illegible]роқ ва теранроқ ёндашиш лозим эди. Юқорида [illegible]тирилганлардан хулоса қилиш мумкинки, Шарқ мамлакатларида [illegible]латнинг кучли, ўта марказлашган ва мустабид қиёфага эга [illegible]нинг асосий сабаби – сув тақсимотидир. Давлатга айнан ана шу [illegible] тақсимоти функцияси шундай қиёфага эга бўлишига мажбур [illegible]лади, деб айтиш мумкин.

## [illegible] Шарқ мафкурасининг суғорма деҳқончилик хусусиятларига боғлиқлиги

Ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос йўлини танлаган Ўзбекистонда миллий менталитетнинг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқарган сабабларни ўрганиш ижтимоий – гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари бўлиб ҳисобланади. Миллий менталитетнинг ўзига хослигини ўрганиш Шарқ ва Ғарб тараққиётини қиёсий ўрганиш орқали амалга оширилиши мумкин, чунки ҳар қандай ўзига хослик қиёсий ўрганишни тақозо этади. Шарқ ва Ғарбнинг ўзига хослиги ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, жумладан, мафкуравий соҳаларни ҳам қамраб олади. Бугунги кунда демократия шароитида шаклланаётган мафкуралар демократик ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлиши учун шарқона мафкурани ўзига хослигини инобатга олиб, бугун ижодий қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Шарқ ва Ғарб мафкурасини ўзига хослигини келтириб чиқарган омиллар ичида ишлаб чиқариш усулининг ўзига хослиги ҳам бор. Шарқ мамлакатлари иқтисодида суғорма деҳқончиликнинг муҳим ўринга эга эканлиги мафкурани ўзига хослигини келтириб чиқаришини таҳлил қилишга ҳаракат қилиб кўрамиз.

Кейинги йилларда Шарқ мафкураси, шарқона ижтимоий характерининг хусусиятлари ва илдизларига қизиқиш кучайиб бормоқда. Сўнгги пайтларда вақтли матбуот, радио ва

телевидениеда ана шу масала юзасидан бир қатор чиқишла кўрсатувлар бўлаётганлигига гувоҳ бўлиб турибмиз. Масалан, 200 йил, июль ойида «Оддий ҳақиқатлар» кўрсатувида (муаллифГулмир Мусажонова) шарқона феъл-атворнинг кўринишларидан бир бўлган андиша ҳақида жуда қизиқарли баҳс уюштирилди. Кўрсату муаллифи томонидан иштирокчиларга «Андиша қаердан пайд бўлади?» деган савол берилиши кўрсатувнинг кульминацио нуқтаси бўлди дейиш мумкин. Афсуски, кўрсатув меҳмонларида ҳеч бири бу саволга жавоб беришга уриниб ҳам кўрмади. Яна би мисол, 2006 йил 9 декабрь куни «Шахсий фикр» кўрсатувида Шар менталитети масаласи яна кўтарилди. Кўрсатув професс Бегматовнинг вақтли матбуотда бешик ҳақида билдириб ўтг фикрлари муҳокамасига бағишланди. Унинг фикрича, бола бешикда узоқ вақт қўл-оёғи боғлиқ ҳолда ётиши боланинг феъ атворида бўшанглик, лоқайдлик, журъатсизлик каби салби хислатлар пайдо бўлишига олиб келар экан.

Биз профессор Бегматов билан бу борада, яъни бешик болани феъл-атворига салбий таъсир қиладими ёки йўқми деган масала баҳслашмоқчи эмасмиз. Биз хурматли профессоримизнинг ўзбеко менталитетни лоқайдлик, журъатсизлик, ўз-ўзига ишончсизлик д таърифлашга уринишларини маъқулламаймиз. Чунки, шарқо (ўзбекона) менталитетни чуқурроқ таҳлил қилиш, шуни ан кўрсатадики, бу менталитетни лоқайдлик, журъатсизлик деб ата бутунлай нотўғридир. Гарчи ушбу кўрсатувларда шарқо (ўзбекона) менталитет ҳақида билдирилган фикрларнинг аксария ҳақиқатдан анчагина узоқда бўлса ҳам бу кўрсатувларда ана ш муаммоларнинг кўтарилишининг аҳамияти шундаки, кўрсатувлар биринчидан, жамиятимизда мазкур муаммолар қизиқишнинг кучайиб бораётганлигини кўрсатса, иккинчидан, а шундай баҳс, мунозаралар охир-оқибатда ушбу масалаларда б кунмас, бир кун тўғри ечимнинг топилишига ёрдам берса ажаб эмас.

Шундай қилиб кўрамизки, кейинги пайтларда шарқо менталитетнинг хусусиятлари ва илдизларига қизиқиш тобо кучайиб бормоқда. Айримлар умуман шарқона мафкура, шарқо менталитетнинг борлигига ишонмайдилар. Уларнинг фикри фақатгина ҳар бир халқ, элат ижтимоий қатламга хос бўлг ижтимоий характер-менталитет мавжуд эмиш. «Агарда ҳар б кишининг феъл-атворидаги фақатгина ўзигагина хос бўлган майд чуйда тафсилотларни ҳам эътиборга оладиган бўлсак, бир-бири



мутлақо ўхшаш ҳатто икки кишини ҳам топиш мумкин эмас»[1]. Аммо ижтимоий қатламлар аҳоли гуруҳларига хос бўлган ижтимоий характер ана шу ижтимоий қатлам, аҳоли гуруҳига хос бўлган энг умумий характер белгиларидан ташкил топиши маълум. Ижтимоий характерни шакллантирувчи энг муҳим омил сифатида моддий ишлаб чиқариш усулини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Шарқ моддий ишлаб чиқаришининг энг муҳим хусусияти эса бу иқтисодининг суғорма деҳқончиликка асосланганлигидир. Ана шу фикрдан келиб чиқиб, бутун Шарқ аҳолиси (айниқса, суғорма деҳқончилик билан шуғулланадиган халқлар) ижтимоий характер жиҳатдан маълум умумийликка эга деб айта оламиз. Энг эътиборли файласуфларнинг фикрича, ҳар бир жамиятга хос бўлган моддий асос-ишлаб чиқариш усулига мувофиқ равишда жамиятда ғоявий устқурма-мафкура шаклланади. Маълумки, мафкура анчагина кенг ва умумий тушунча бўлиб, у асосан дин, фалсафа ва ижтимоий характерни ижтимоий феъл-атворни ўз ичига олади.

Биз ушбу бобда Шарқ ижтимоий характерининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг илдизлари ҳақида фикр юритамиз. шарқона феъл-атвор – шарқона менталитет борасида аввалги бобларимизда ҳам тўхталиб ўтган эдик. Биз шарқона ижтимоий характернинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги тушунчаларимизни қаердан оламиз? Шарқ кишиларининг турмушини, феъл-атворини бевосита кузатиш ва ўрганиш унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида хулоса чиқаришга имконият берадими? Асло йўқ, чунки бирор бир ҳодиса, буюм, нарса, предметнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлиш учун худди ўша буюм, предмет ёки нарсани бошқа иккинчи бир буюм, предмет ёки нарсага солиштириб кўриш талаб қилинади. Масалан, биз пахтани енгил ва юмшоқ деганимизда оғир ва қаттиқ буюмлар масалан, тош, темир, ғишт каби буюмлар ҳақидаги тасаввурларимизга суянамиз. Турган гапки, агарда бизда оғир ва қаттиқ буюмлар ҳақидаги тасаввур бўлмаганда биз енгил ва юмшоқ буюмлар ҳақида ҳам тасаввурга эга бўлолмаган бўлардик. Худди шунга ўхшаш Шарқ менталитети шарқона феъл-атворнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тўла ва аниқроқ тушунчага эга бўлмоқ учун уни бошқа, масалан Ғарб менталитети феъл-атвори билан солиштириш, бир-бирига нисбатан ўрганиш керак бўлади.

---

[1] Фромм. Э Душа человека М-1992 стр 330

Агарда биз Шарқ кишилари билан Ғарб кишиларининг феъл-атворини солиштириб кўрадиган бўлсак, Шарқда Ғарб кишиларига нисбатан олганда ҳокимият эгалари олдида итоаткорлик ҳамда ўзаро муомалада андишага риоя қилиш кучлироқ эканлигини кўришимиз мумкин. Албатта, ана шу икки қутб – Шарқ ва Ғарб ижтимоий феъл-атворнинг ўзига хослигини чуқур таҳлил қилиш вазифамизга кирмайди. Бизнинг мақсадимиз уларнинг энг асосий кўзга кўринарли жиҳатлари ҳақида фикр юритиш ва улар ўртасидаги маълум тафовутларнинг илдизини аниқлашдан иборат.

Шарқ мамлакатларининг жуда кўпчилигига хос бўлган суғорма деҳқончилик аҳолида қандай ижтимоий характерни яратади? Суғорма деҳқончилик – сувга бўлган эҳтиёж бир сув ҳавзаси ҳудудида яшаган аҳолини битта умумий манфаат асосида бирлаштиради. Суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари эса аҳолини ҳокимият эгалари олдида итоат сақлашга мажбур қилади. Иқтисодида суғорма деҳқончилик асосий ўринни эгаллаган битта умумий манфаат асосида ўзаро маҳкам боғланган жамиятда мафкуранинг асосий вазифаси жамиятдаги ижтимоий тартиб барқарорлигини сақлашдан иборат эди.

Шарқда кенг тарқалган динлар – ислом, иудаизм, брахманчилик, конфуцийлик, даосизм, буддизм – ўз моҳият эътибори билан умумий жиҳатларга эга. Уларнинг ҳар бирида фуқаронинг давлат ва амалдорлар олдида итоат сақлаши вожиб, яъни шарт амаллардан бири сифатида кўрсатилади. Подшонинг амр-фармони худонинг хоҳиш– иродаси деб талқин этилади. Энг диққатга сазовор жиҳати шундаки, мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончилик қанчалик катта аҳамиятга эга бўлса, диний таълимотда подшо шунчалик кўпроқ улуғланади. Суғорма деҳқончилик иқтисодда биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган мамлакатларда, масалан, Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитойда подшони улуғлаш, илоҳийлаштириш шу даражага етадики, уни тўғридан-тўғри худо деб атайдилар. Аҳолининг ҳокимият эгалари олдидаги итоаткорлик даражаси ҳам суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрни билан мутаносиб равишда шаклланади. Суғорма деҳқончиликнинг иқтисоддаги мавқеи қанчалик баланд бўлса, аҳолининг ҳокимият эгалари олдидаги итоаткорлик даражаси ҳам шунчалик баланд бўлади. Суғорма деҳқончилик нисбатан камроқ аҳамиятга эга бўлган мамлакатларда эса подшо қанчалик дабдабали унвонлар, мартабалар, мақтовлар



эга бўлмасин, барибир худонинг бандаси деб эътироф этилади ва аҳолининг итоаткорлик даражаси ҳам шунга мувофиқ бўлади.

Ҳали ўтроқ деҳқончиликка ўтмаган кўчманчи чорвадор халқлар ва Ғарб халқлари ижтимоий характерида ҳокимият эгалари олдида итоаткорлик йўқ даражада эди, деб айта оламиз. Масалан, Алпомиш достони қаҳрамонлари, Бойсари, Алпомиш, Барчинойлар характерида итоаткорлик эмас, балки бошқача – ўз қадр-қиммати, ўз манфаати учун кураш хислати биринчи ўринда турарди. Ана шу суғорма деҳқончилик билан кун кечирувчи, ягона манфаат асосида бирлашган Шарқ жамияти учун мазкур жамиятнинг янгиликка, тараққиётга муносабати қандай эканлигини тасаввур қилиб кўринг.

Турган гапки, ҳар қандай янгилик у қандай кўринишда бўлмасин, ижтимоий тартиб барқарорлиги учун катта хавф туғдиради. Айримлар Шарқ жамиятининг турғунлиги, биқиқлиги сабабларини мафкурада, диний ақидаларда, қолаверса, мамлакат бошлиқлари ва амалдорларининг лаёқатсизлиги, журъатсизлиги, нодонлиги билан изоҳлашга уринадилар. Аслида ундай эмас, чиндан ҳам суғорма деҳқончилик шундай бир муҳит яратадики, бунда бутун жамият яхлит бир узвий тизим сифатида шаклланади, бу ташкилотнинг нуқсонсиз ишлаши эса кўпроқ бир нарсага кўп жиҳатдан боғлиқ эди. У ҳам бўлса кўп асрлар мобайнида шаклланган анъаналарнинг барқарорлиги ва бардавомлигидир.

Янгилик эса ана шу анъаналарнинг барқарорлигига раҳна солиши билан жамият учун катта хавф туғдириши аниқ эди. Жамият ана шу анъаналарни асраш, ҳаётнинг бир маромда текис оқишини таъминлаш учун маълум мафкура, дин, фалсафа, ижтимоий феъл-атвор билан қуролланган эди. Давлат, дин, фалсафа, ижтимоий қарашлар ана шу ҳаёт тарзининг қўриқчиси эди. Суғорма деҳқончиликнинг Шарқ ҳаётида тутган ўрни, Шарқ жамиятининг ўзига хос жиҳатларини тўла ва том маънода англаш унчалик осон эмас. Шарқ жамиятининг ўзига хос хусусиятлари ва унинг шаклланишида суғорма деҳқончиликнинг тутган ўрнини тўла ва том маънода англаш учун Шарқ тарихининг эътиборга молик даврларини, воқеа-ҳодисаларни ана шу нуқтаи назардан туриб таҳлилдан ўтказиш талаб қилинади.

Ҳеч муболағасиз айта оламизки, Шарқ давлатлари тарихида юз берган воқеа-ҳодисалар, тараққиёт йўлидаги ўзига хос жиҳатларни Шарққа хос бўлган суғорма деҳқончиликнинг ўрнини ҳисобга олмасдан тушунтиришнинг иложи йўқ. Бутун Шарқнинг тараққиёт

йўлини, энг аҳамиятга молик воқеа-ҳодисаларни кўз олдингизга келтириб кўринг. Бу тараққиёт йўли, ана шу тараққиёт давомида юз берган энг муҳим воқеа-ҳодисалар фақат суғорма деҳқончилик яратадиган муҳит призмасидан ўтгандагина ўзининг аниқ ва ҳақиқий ўрнини, баҳосини олади. Акс ҳолда, уларни тушунтириш ва изоҳлашнинг иложи йўқ. Бошқача нуқтаи назардан қилинган барча тушунтириш ва изоҳлар ғайриилмий, ғайримантиқий бўлиб чиқаверади. Бутун Шарқ тарихидан ана шундай мисолларни юзлаб, балки минглаб келтириш мумкин бўлсада, биз бир неча мисол келтириш билан кифояланмоқчимиз.

Бугунги кунда Қизил денгиз билан Ўрта Ер денгизини боғлаб турган Сувайш канали Миср хазинасига катта даромад келтираётгани ҳаммага маълум. Ана шу канал қурилиши лойиҳаси жуда қадим замонларда-бундан қарийб 3500 йил илгари яратилган эди. Аммо бу канал қурилишига Миср коҳинлари қаршилик кўрсатганлар. Улар Қизил денгиз билан Ўрта Ер денгизи бирлаштирилса, Мисрни сув босиб кетади деган баҳонани рўкач қилиб, бунга йўл беришмаган. Аммо улар ҳақиқатда бошқа нарсадан қўрққанлар, яъни канал қурилиши охир-оқибатда Миср халқининг бошқа халқлар билан аралашувига, натижада Миср халқининг яхлит, барқарор ўзига хос мафкурасига ҳалал етишидан қўрққанлар. Суғорма деҳқончилик иқтисодида асосий ўрин тутган жамият ўз мафкурасини четки таъсирлардан ҳимоя қилишга мажбур эди. Сувайш канали давлатга катта даромад келтиришини коҳинлар яхши билар эдилар, аммо унинг қурилишига жон-жаҳдлари билан қаршилик кўрсатганлар.

Суғорма деҳқончиликнинг жамият олдига қўядиган талабларини ҳисобга оладиган бўлсаккина коҳинларнинг йўл – йўриғини тушуниш мумкин. Аммо бундан бошқа ҳар қандай нуқтаи назар коҳинларнинг хатти-ҳаракатини тушунтириб бера олмайди. Шарқ жамиятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шуки, илм-фанда эришилган натижалар, билимлар қоида тариқасида ҳаётга татбиқ этилмайди. Шарқ тарихидан бир қадар хабардор кишиларга яхши маълумки, Қадимги Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой каби мамлакатларда олимлар, асосан ибодатхоналарнинг руҳонийлари, коҳинлар, уламолар табиатни, осмон жисмларининг ҳаракатини мунтазам суратда кузатиб борганлар ва ўз даврлари учун илгари фавқулодда натижаларни қўлга киритганлар. Ўрта асрларда араб халифалигида маданият, адабиёт билан бир қаторда фан, илм



билимлар ҳам ривожланди. Аввал Хоразмда Маъмун академияси, кейин Бағдодда Байтул-Ҳикма ташкил этилди. Ана шу даврда Ватанимиз сарҳадида буюк олимлар етишиб чиққанлигини бутун жаҳон жуда яхши билади. Бу олимлар астраномия, математика, фалсафа, тиббиёт фанларида жуда катта ютуқларга эришдилар. Ўрта осиёлик олимлар томонидан эришилган фан ютуқлари кейинчалик Испания орқали Европага кириб борганлиги ва Европада илмий билимларнинг ривожланишига маълум даражада таъсир кўрсатганлиги маълум. Аммо Шарқ олимлари томонидан яратилган ана шу билим ҳазинаси дафтарларда, чизмаларда қолиб кетаверган, уларни ҳаётга, ишлаб чиқаришга татбиқ этиш кўпинча муваффақиятсизликка учраган. Шарқ жамияти ўзини мафкура қўрғони билан мустаҳкам ўраб олган қалъадек янгиликни ўз ичига киритмас эди. Ҳар қандай янгилик жамият томонидан қабул қилиниши учун ана шу қалъа деворлари остида узоқ-узоқ йиллар, балки асрлар давомида кутишга мажбур эди. Жамият-қалъа ичидагилар эса янгиликни узоқ йиллар мустар қилиб, обдон синаб, душман эмаслигига (айниқса, мафкурага раҳна солмаслигига) ишонч ҳосил қилганларидан кейингина уни қалъа ичига киритар эдилар. Аммо ана шу кутиш йиллари ичида янгиликни жамиятга тақдим этган олимлар, фозиллар устида тиканлар ўсиб улгурар эди.

Қадимги Миср, Бобил коҳинлари, ҳинд брахманлари, Хитой файласуф донишмандлари илм-фан соҳасида қўлга киритган ютуқларини ҳаётга татбиқ қилиш у ёқда турсин, балки уларни авом халқдан қаттиқ сир тутишга ҳаракат қилганлар. Масалан, Қадимги Хитой файласуфи Лао-цзи билим халққа керак эмас деб ҳисоблайди: «Қадимда даога хизмат қила билган киши халққа маърифат бермаган, балки уни овсар қилган. Халқнинг билими кўпайса, уни бошқариш қийин бўлади. Шунинг учун билимга таяниб мамлакатни идора қилиш мамлакат душманидир, билимни ишлатмаслик – мамлакат бахтидир»[1]. Шундай қилиб биз Шарққа хос бўлган ишлаб чиқариш-суғорма деҳқончилик яратган турмуш-тарзи барқарорликка таянганлиги, турғунликка интилиш, янгиликка йўл қўймаслик ана шу турмуш тарзининг талабларидан келиб чиққанлиги билан имкон қадар танишиб чиқдик. Аммо ақлли ва яратувчи, ижодкор мавжудот сифатида инсоният мутлақ турғунлик билан ҳеч қачон чиқиша олмаслиги турган гап. Одам фарзандларининг ана шу

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи, Тошкент 1964 772 бет.

табиат ато этган яратувчилик, ижодкорлик фазилати туфайли Шарқ
тараққиёт ниҳоятда секинлик билан бўлса-да ўзига йўл очиб борг
Бу тараққиётнинг ўзига хос хусусиятларидан бири ниҳоятда ка
қийинчиликлар билан қадамба-қадам йўл очиб боришдир.

Кескин, йирик ислоҳотлар ўтказишга уринишлар Шарқда қо
тариқасида муваффақиятсизликка учраган. Масалан, янги подшо
даврида Миср фираъвни Эхнатон (эр. авв. 1424-1388) томони
амалга оширилган дин ислоҳотини олиб қарайлик. Фираъвн асо
ўзининг мамлакатдаги жуда катта обрў-эътиборига ва ҳарб
қудратига таянган ҳолда яккахудолик ғоясини ўрнатган. Ам
Эхнотандан кейинги фираъвнлар яна аввалги диний расм-русмла
тиклашга мажбур бўлганлар. Агарда Эхнатон анчагина узоқ –
йилда ҳукумронлик қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ора
ўтган шунча йилдан кейин эски диний қарашларни яна қайта
тиклаган куч нима экан, деган савол туғилиши табиий, чу
ислоҳотчи фираъвн ўз душманларига қарши ниҳоятда шафқатсиз
изчил кураш олиб борган. Уларнинг кўпчилигини сургун қилиб, м
мулкларини мусодара қилган, яъни уларнинг иқтисодий қудрати
емириб ташлаш йўлини тутган. Аммо янги мафкуранинг энг асо
душмани зодагонлар ва коҳинлар эмас, балки Миср заминида м
йиллардан бери ҳукм суриб келаётган турмуш тарзи бўлиб чиқди.

Ушбу ислоҳотнинг муваффақиятсизликка учраши шуни оч
ойдин исботлайдики, маълум бир ишлаб чиқариш усули асос
пайдо бўлган мафкурани ўзгартириш, турмуш тарзини янгил
учун энг аввало ана шу моддий ишлаб чиқариш усули би
рақобатлаша оладиган ишлаб чиқариш вужудга келтириш та
этилади. Шарқ, айниқса Миср шароитида ўша замонда суғор
деҳқончилик билан ўз аҳамияти жиҳатидан беллаша олади
ишлаб чиқаришни – саноатни вужудга келтириш имконсиз иш эди.

Эрамизнинг бошларида Хитойда амалга оширилган Ван М
ислоҳотлари ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқловчи далиллар
биридир. Бу ислоҳотнинг асосий мазмуни йирик ер эгалигини чекл
меҳнаткашларнинг аҳволини бирмунча енгиллаштириш, қулчили
тугатишдан иборат эди. Аммо, эрамизнинг 9 йилида бошлан
ислоҳот орадан уч йил ўтгач, бекор қилинган. Демак, Хитой
қулчилик билан йирик ер эгалигигининг сақланиб қолишини та
қилаётган муҳит ҳали ўз умрини яшаб бўлмаган экан. Бу муҳит
туғдираётган омил эса – Хитойга хос бўлган суғорма деҳқончи
эканлиги тушунарлидир.



Шарқ жамиятини тараққиётнинг улкан уммонида оҳиста сузиб бораётган жуда улкан кемага ўхшатиш тўғрироқ бўлар эди. Бундай улкан кемани бошқариш ва манзил сари етаклаш учун ниҳоятда доно бошлиқ, содиқ ёрдамчилар керак эди. Ана шу кучларнинг ўзаро муросасозлиги, бир ёқадан бош чиқариши туфайлигина кемани оҳиста йўлга солиш мумкин эди. Аммо ана шу кемада исёнлар бўлиб турган албатта, аммо бошқарувни қўлга олганлар бир неча муддат кема билан олишиб кўрганларидан кейин худди ўша эски бошлиқлар удумини тутишга мажбур бўлар эдилар. Чунки улкан, маҳобатли кеманинг сўзишини бир-иккита одамнинг кучи билан ҳаракатга келтириш ва тезлатиш сира мумкин эмасди. Шарқда маънавиятга эҳтиёжнинг кучли бўлганлиги ҳам шу билан боғлиқ, чунки жамиятни муросага солиб жипслаштириш юксак маънавият орқалигина амлага оширилиши мумкин. Шунинг учун Шарқда маъанвиятга эътибор доимо кучли бўлган, буни Конфуций таълимотидан ёки Абу Наср Форобийнинг таълимотидан яққол кўрса бўлади.

## 3. Шарқда давлат бошлиғини илоҳийлаштирилиш даражасининг суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрнига мутаносиблиги

Шарқ мамлакатларида марказлашган мустабид давлатчилик суғорма деҳқончилик талабларидан келиб чиққанлигини исботловчи далиллардан бири шуки, подшо ҳокимиятини, давлат бошлигини илоҳийлаштириш даражаси кўпинча қоида тариқасида мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончиликнинг қай даражада аҳамиятга эга эканлиги билан мутаносиб бўлган. Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой тарихини ана шу нуқтаи назардан текшириш юқоридаги фикрни тўла– тўкис тасдиқловчи кўпдан-кўп далилларни беради. Шарқ мамлакатларининг асосий қисмида суғорма деҳқончилик кенг ёйилган бўлса ҳам, аммо суғорма деҳқончиликнинг иқтисоддаги аҳамияти ҳамма мамлакатларда айнан бир хил бўлмаган.

Суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрнига қараб Шарқ мамлакатларини шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин, яъни, биринчи гуруҳга, иқтисодда суғорма деҳқончилик жуда муҳим ўрин тутган мамлакатлар, иккинчи гуруҳга иқтисодда суғорма деҳқончилик камроқ (шартли равишда) аҳамиятга эга бўлган мамлакатлар. Биринчи гуруҳга Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой

мамлакатларини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳга, Ўрта Ос… Эрон, Кичик Осиё ва бошқаларни киритиш мумкин. Таҳлил… шуни аниқ кўрсатадики, гарчи давлат ва давлат бошлиғи… илоҳийлаштириш, улуғлаш суғорма деҳқончилик тарқалган ба… мамлакатларга хос бўлса ҳам, аммо давлат бошлиғи, яъни подшо… илоҳийлаштириш даражаси бу икки гурухга кирувчи мамлакатла… бир-биридан анчагина фарқ қилади. Масалан, Мисрни олиб кўрайл… суғорма деҳқончиликнинг Миср иқтисодида тутган ўрни қанд… бўлганлигини кўпчилик жуда яхши билади. Миср иқтисоди… чорвачилик эмас, балки деҳқончилик, айнан суғорма деҳқончил… биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган.

Шарқшунос В. И. Авдиев («Қадимги Шарқ тарихи» китоби… Мисрда деҳқончиликнинг аҳамияти ҳақида бир неча ўринла… тўхталиб ўтади: «Суғорма деҳқончилик мамлакатнинг хўжал… ҳаётида ҳаммадан кўра катта аҳамиятга эга бўлган, деҳқончил… кенг ривожланган сунъий суғоришга асосланган ва хўжаликни… асосий тармоғи бўлган»[1]. Энди бир ўйлаб кўрайлик, хўжаликни… ана шу етакчи, асосий тармоғи, яъни суғорма деҳқончиликни йўл… қўйиш учун қандай ҳокимият талаб қилинган. Авдиев бу ҳақи… қуйидагича ёзади: «Суғорма деҳқончилик хўжалигини… ривожланиши ягона ва мураккаб суғориш системасини ташки… этишни талаб қилган. Бундай мураккаб ягона суғориш система… эса энг қадимги майда давлатларни ўзига ҳазм қилиб оли… бирлашган давлатгина ташкил эта олар эди. Шундай қилиб ирригаци… ишларини назорат қилиб туруш ва уни кенгайтириб бориш э… қадимги қулдорлик давлатининг вазифаларидан бири бўли… қолган»[2]. Кучли марказлашган давлатчиликнинг маълум даврлар… инқирозга учраши, заифлашуви ва парчаланиши суғорм… деҳқончиликни қийинлаштириб юборади. Жумладан, қадим… подшоликнинг бўлиниб кетиши туфайли қандай оқибатлар кели… чиққанлиги ҳақида шундай фикр баён қилинади: «Ягона давл… тушкунликка юз тутган шароитда суғориш системаси ҳам аст… секин бузилиб издан чиқа бошлаган, бу ҳол эса қишло… хўжалигининг ривожланишига ғов бўлиб қолган»[3].

Авдиев мамлакатни бирлаштиришни талаб этувчи омилл… қаторида истилочилик юришлари ва ташқи савдонинг тўхт… …олганлигини ҳам кўрсатиб ўтган. Аммо ана шу уч омилдан қай бири биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида гапириб ўтмаган. Бизнинг фикримизча, бу уч омилни аҳамиятига кўра ёнма-ён қўйиб бўлмайди. Бу уч омил ичида суғорма деҳқончилик асосий ўрин тутади, дейишга ҳамма асос бор. Чунки истилочилик сиёсатини давом эттириш ва ташқи савдони йўлга қўйишдан олдин мамлакат ички хўжалигини тиклаш биринчи галда деҳқончиликни тиклашни талаб қилиниши тушунарлидир. Фақатгина мамлакат ички иқтисодининг маълум даражада йўлга қўйилиши, Миср шароитида деҳқончиликнинг изга солиниши истилочилик урушлари олиб бориш ва ташқи савдони йўлга қўйиш учун шароит яратиб бера олади. Шундай қилиб шимолда Гераклиополь ҳамда жанубда Фива ўртасида Мисрни бирлаштириш учун кураш бошланади. Демак, ана шу вилоятлар Мисрнинг бошқа вилоятларига қараганда иқтисодий-харбий жиҳатдан юқори ўринда турган. Хусусан, Гераклиопольнинг устунлик сабаблари ҳақида муаллиф қуйидагича ёзади: «Гераклиополь делта билан водий ўртасида жойлашган бўлиб, территорияси бутун Фаюм воҳасини ўз ичига олган. Гераклиополь анчагина катта пасттекислик бўлиб, тупроғи унумли ва Нилдан ичадиган суви сероб бўлган. Фаюм воҳасида каттакон кўл бўлиб, катта тошқинлар вақтида унга жуда кўп сув тўпланиб қоладиган бўлган. Мана шу шароитлар туфайли бу ердаги аҳоли бемалол деҳқончилик қилиши мумкин бўлган»[1].

Ушбу манзарадан яққол кўриниб турибдики, марказлашган давлатчилик тушкунликка юз тутган бир маҳалда Гераклиопольнинг маълум даражада ўз фаровонлигини сақлаб қола олганига асосий сабаб – унинг сув ресурслари мўллиги бўлган. Қолган вилоятларнинг кўпчилигида деҳқончиликни йўлга қўйиш катта сафарбарлик ишларни талаб қилган. Марказий ҳокимият инқирозга юз тутган бир шароитда бундай улкан сафарбарликни амалга ошириш қийинлашган, яъни, жойлардаги кучсиз вилоят ҳокимлари бу ишни зарур даражада йўлга қўя олмаганлар ва шу туфайли уларнинг қудрати Гераклиопольга нисбатан заиф бўлган. Ана шу мисолнинг ўзиёқ биз олға сураётган асосий фикр: суғорма деҳқончиликни фақатгина кучли, марказлашган, яъни энг камида бир сув ҳавзаси доирасида марказлашган давлатчилик шароитидагина амалга ошади деган тезисни исботлаш учун етарли бўлади.

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 212-213 бет.
[2] Ўша асар 207 бет.
[3] Ўша асар 341 бет.

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 241-242 бет.

Ўрта подшолик даврида Мисрда суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти ва уни йўлга қўйишдаги марказлашган давлатчиликнинг ўрни ҳақида Авдиев қуйидагиларни билдиради: «Аграр мамлакат бўлган Мисрда қишлоқ хўжалиги каттагина ўрин тутиб, у даставвал ишланиладиган ерларнинг кенгайтирилишини ва суғориш системасини доим яхшилаб турилишини талаб қилган. Шунинг учун ҳам давлат ҳокимияти бу соҳада бир қатор тадбирларни амалга ошириш лозим бўлган»[1].

Қадимги подшолик давридаёқ ирригация соҳасида катта ишлар қилинган ва тошқинлар вақтида Нилдан сувнинг кўтарилишини доимо кузатиб турилган. Гераклиополь подшолари давлат бирлигини тиклаш учун дастлаб уринган вақтларда сунъий суғориш системасини яхшилаш ва кенгайтириш зарурлиги кўндаланг бўлган. Сиут номида янги канал қазилган, бу канал аҳолини, асосан тошқинлар вақтида ҳам сув чиқмайдиган баландликда яшовчи аҳолини сув билан мўл таъмин этиши лозим бўлган. Бироқ, бу тадбирлар ҳали торроқ кўламда ва фақат айрим областлар доирасидагина амалга оширилиши мумкин бўлган. Фақат XII династиянинг қудратли фираъвнлари замонида, Миср яна катта ва кучли давлат бўлиб бирлашгандан кейингина, фақат ўрта подшолик гуллаб-яшнаган замонларда, хусусан Аменемхет III давридагина сунъий суғориш тармоқлари анча кенгайтирилган ва мукаммаллаштирилган. Бу династия фиравнлари даврида Нил дарёсининг пасайиши ва кўтарилишини кўрсатадиган белгилар Семна яқинида 2 остона ёнидаги қояларга чизиб борилган.

Афтидан махсус тайинланган амалдорлар Нилдаги сувнинг паст-баландлигини кузатиб борган бўлсалар керак, чунки мамлакатнинг хўжалик ҳаёти учун сунъий суғориш системаси ғоят катта аҳамиятга эга бўлиб, бу системанинг фойда келтириши тамомила Нилдаги сувнинг кўп-озлигига боғлиқ бўлганини давлат ҳокимияти жуда яхши билган. Ўрта Подшолик даврида Фаюм воҳасида ирригация соҳасида айниқса катта ишлар қилинган, греклар Меридо кўли деб атаган ва алоҳида канал воситаси билан туташтирилган катта сув омбори шу воҳада бўлган. Гераклиополь подшолари Фаюм воҳасида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиб, бу ерда жуда катта ирригация қурилиши бошлаб юборган. Гераклиополь подшосининг

[1] Ўша ерда. 243 бет



…ҳатномасида уларнинг Гераклиопольга дамба қурганликлари айтилган XII-династия подшолари замонида сувнинг Нил дарёсидан Меридо кўлига оқиб кириши ва кўлдан чиқиб кетишини тартибга солиб турадиган катта иншоот қурушга киришганлар. «Ирригация соҳасида олиб борилган ана шу катта ишлар натижасида Фаюм воҳасидаги жуда кўп ботқоқликларни қуритиб, сунъий равишда бунёд қилинган катта деҳқончилик майдонида суғориш ишларини тўғри ташкил этишга имкон берган»[1] деб ёзади Авдиев.

Биз юқорида анчагина катта кўчирма келтиришимиздан мақсад шуки, мазкур кўчирмаларда иккита фикр аниқ кўриниб турибди, яъни, биринчидан, сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг Миср иқтисодида асосий ўрин эгаллаганлиги. Иккинчидан, эса ана шу сунъий суғоришни йўлга қўйиш фақатгина кучли, марказлашган мустабид ҳокимият кўл остидагина амалга оширилиши мумкинлиги. Миср ҳаётида сувнинг, Нил дарёсининг аҳамияти қанчалик катта бўлганлигини Мисрда пайдо бўлган дастлабки диний тушунчалар – табиатга топиниш ҳам кўрсатиб турибди.

Нилнинг Аллювиал водийси шароитида фақат мураккаб сунъий суғориш асосидагина деҳқончилик қилиш мумкин бўлган. Шунинг учун Мисрликлар сувни одамга ҳаёт ва озиқ берувчи дастлабки улуғ стихия деб билганлар. Мисрликлар дастлабки сув ҳаосини худо Нун деб атаганлар, сув уларга бутун табиатнинг асоси бўлиб кўринган. Шунинг учун улар улуғ Нил дарёсини илоҳийлаштирганлар, уни Ҳапи деб атаганлар ҳамда табиат кучларига ҳаёт бахш этувчи худо Озирис билан тенглаштирганлар, уни худолар каттаси, ҳамма нарсани яратган, одамларга ҳаёт бахш этиш учун тошиб турадиган Нил деб атаганлар. У замондаги Мисрликлар осмон кўзидан – қуёш худоси Гор кўзларидан ёки ёмғир маъбудаси Изиданинг йиғлаётган кўзлари ва танасидан чиқиб турган ёмғир, сувни, шунингдек Гелиополь ёнидаги муқаддас чашмани сув худосининг намоён бўлиши деб билган. Улар назарида сув рухлар, сув парилари билан тўлиб-тошган. Улар сувда макон қилганлар ва сув гирдобининг худоси Собук уларга подшолик қилган эмиш. Улар Собукни тимсоҳ шаклида ёки одам боши тимсоҳ шаклида тасаввур қилганлар.

Мисрликлар ҳаёт сувдан бошланади деб билиб, сувсиз ҳеч қандай ҳаёт бўлмаслигини кўриб, қадимги подшолик даврининг

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 244-245 бет.

пирамидаларидаги дафнхона деворларига чизилган энг қадимги афсунлардаёқ қуйидаги сўзлар билан мурожаат қилганлар: «Ё сув, бу ёққа кел, осмондаги мавжудот ҳаёт бўлсин, ё сув, бу ёққа кел, ердаги мавжудот ҳаёт бўлсин». Шунинг учун Мисрликлар марҳум рухига дуо, афсунлар ўқиб, унинг абадий яшашини таъминламоқчи бўлганларида Худога нола қилиб, қуйидаги дуони ўқиганлар: «Сен улуғ, худога, (Озирисга), марҳамат айлаганингда унга Нил келадиган бўлди. Худди шу сингари унга марҳамат айлагилки у сенинг сувингдан баҳраманд бўлсин, у сенинг оқар сувларингдан ича олсин». Сувини муқаддас билиб ва илохийлаштириб унга талпиниш одати Мисрнинг бош рухонийсидан тортиб, Фиръавннинг ўзигача ҳамма коҳинлар томонидан адо этиладиган мураккаб маросимда худога атаб ичкиликлар ҳадя қилиш ва гуноҳларидан тозаланиш маросимида ифода қилинган»[1].

Шундай қилиб кўрамизки, Миср ҳаётида сувнинг, суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти энг биринчи, энг марказий ўрин эгаллаган. Ана шу суғорма деҳқончиликни йўлга қўйишнинг биринчи ва асосий шарти эса кучли, марказлашган, қаттиққўл ҳокимият ташкил қилиш бўлган. Кучли, марказлашган ҳокимият бутун жамиятнинг манфаатига хизмат қилар эди. Ана шундай давлатни ташкил қилиш эса бутун жамиятнинг сайъи-ҳаракати билангина амалга ошиши мумкин эди. Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг асоси, бу унинг моддий ишлаб чиқариш усули бўлиб, у билан боғлиқ ҳолда жамиятда ижтимоий, сиёсий устқуртма-давлат тизими, мафкура ва бошқалар шаклланади.

Миср иқтисодининг асосий соҳаси суғорма деҳқончилик бўлганлигига биз юқорида ишонч ҳосил қилдик. Ана шу суғорма деҳқончиликнинг хусусиятлари қандай эди ва у жамиятда қандай ҳокимият турини ва қандай мафкурани яратди? Маълумки, суғорма деҳқончиликни Мисрда йўлга қўйиш учун тошқинларга қарши кураш – тўғон ва иҳота дамбалари қуриш, йирик каналлар қазиш, бутун мамлакат бўйлаб суғориш тизимини яратиш ва яна энг муҳим ишлардан бири – бу сув тақсимоти устидан давлатнинг доимий ва қатъий назоратини ўрнатиш лозим бўлади. Ана шундай оғир ва ҳажми жиҳатдан улкан ишларни амалга ошириш учун эса биринчидан давлатнинг кучли, марказлашган, ўта қаттиққўллиги, иккинчидан эса аҳолининг ҳокимиятга, энг аввало олий ҳокимиятга

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 329-330 бет.



ва унинг ифодачиси бўлган давлат бошлиғига тўлиқ итоат қилишга боғлиқ. Кўрамизки, суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш асосан ҳокимият ва фуқаро ўртасидаги муносабатга боғлиқдир, яъни фуқаролар давлат ҳокимияти ва амалдорлар олдида тўла-тўкис итоаткор бўлишлари суғорма деҳқончиликни амалга оширишнинг асосий шартидир.

Жамият ўз олдида турган ана шу вазифани амалга ошириш учун ҳолида маълум бир идеология – мафкура шаклланиши керак эди. Бу мафкура асосан Мисрликлар диний эътиқодида ўз ифодасини топган бўлиб, бу динда табиатни, энг биринчи галда сув, олов, дов-дарахтлар, ҳайвонларни илоҳийлаштириш билан бир қаторда олий ҳокимият ва унинг ифодачиси бўлган давлат бошлиғи – подшони илоҳийлаштириш энг марказий ўринлардан бирини эгаллаган. Мисрда подшолар энг қадимги даврдан бошлабоқ худо деб эълон қилинган. Ана шу энг қадимги подшолар ҳақида Авдиев қуйидагиларни ёзади: «Бу энг қадимги давлатлар тепасида подшолар турган ва коҳинлар уларни худо деб эълон қилишган. Илоҳийлаштирилган подшолар жуда мураккаб маросимларни ўташлари лозим бўлган. Подшолар ўлгандан кейин катта мақбараларга қўйилган. Бу мақбаралар қурилиши жиҳатдан подшоларнинг нариги дунё учун ишланган ҳашаматли ибодатхонаси ёки қасрига ўхшайди. Подшоларни кўпинча муқаддас қушлар, ҳайвонлар номлари билан атаганлар ва номига яраша бўкизга, илонга ва лочинга ўхшатиб тасвирлаганлар»[1]. «Шарқ деспотияси тарзида мустаҳкам давлат аппарати қатъий равишда ташкил қилинган. Бу деспотиянинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, идора ишлари марказлаштирилган, аристократ-амалдорлар кўпайтирилган, подшони ва унинг ҳокимиятини илоҳийлаштириш ҳақидаги пухта ишланган идеология билан фиръавннинг обрўси мустаҳкамланган»[2].

Бу даврда (қадимги подшолик даври М. А) подшонинг чексиз ҳокимиятига асосланган Миср деспотияси ташкил топган. Бу деспотия подшонинг илоҳийлиги ҳақидаги таълимот негизига қурилган бутун бир диний эътиқодлар системаси ёрдами билан мустаҳкамланган ва шу билан асослаб берилган. Подшонинг ҳаёт вақтида худога сиғингандек унга сиғинганлар, подшо ўлгандан

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 206 бет.
[2] Ўша асар 233 бет.

кейин эса уни ер худоси сифатида, осмон худоларининг меросхўри сифатида тошдан ясалган жуда катта мақбарага кўмганлар. V ва VI династия подшолари пирамидалари дафнхона деворларида ёзилган ёзувлар подшони илоҳийлаштириш билан боғлиқ бўлган диний эътиқодларни айниқса ёрқин тасвирлаб беради. «Пирамидалар тексти» деб аталган бу ёзувлар ўша замондаги диний эътиқодлар бутун системасини батафсил кўрсатиб беради. Подшо бу ёзувларда тангри сифатида тасвирланган. Бир ёзувда бундай дейилган: «Эй Пепи, сен Озирис образидаги худо каби унинг тахтида ўтирибсан». Ўлган подшонинг осмонда худолар орасида пайдо бўлиши текстларда янги худонинг пайдо бўлиши деб тасвирланган. Бу даврдаги афсоналарда подшоларнинг қуёш худоси билан оддий дунёвий хотин ўртасида бўлган ғайритабиий никоҳ натижасида мўъжизавий туғилишлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Бенуқсон хомиладорлик ҳақидаги мифнинг энг қадимги прототипи ана шундай вужудга келган, шу билан бирга подшо худонинг тўғридан-тўғри меросхўри ва ўғли сифатида тасвирланган. «Подшога -улуғ худо» ва «Хўшбахт худо» деган дабдабали унвонлар берилган, подшо доимо ҳамма одамлардан кўра улуғ ва баланд қилиб тасвирланган, худолар кўриқлаб турган қудратли, ажойиб подшонинг бир қолипда идеаллаштирилган образи вужудга келтирилган. Баъзан подшо ғайритабиий мавжудот сифатида одам бошли жуда катта арслон «Сфинкс» сифатида тасвирланган»[1]. «...шу тариқа коҳинлар тарғиботи диний ақидаларда ҳам тасвирий санъатда ҳам осмон худолари билан ер худоси, яъни худо даражасига кўтарилган подшони бир-бирига боғлайдиган ажралмас алоқани кескин уқтириб кўрсатишига уриниб келган»[2]. Кўринадики, подшони илоҳийлаштириш Миср тарихининг ҳамма даврларига хос бўлган энг асосий хусусиятларидан бири бўлган. Подшони илоҳийлаштириш ғоясига энг қадимги даврлардан тортиб, то Янги Подшолик даврида ҳам оғишмай амал қилиб келинган. Авдиев Мисрда подшони илоҳийлаштириш сабаблари ҳақида сўз очганда: «Подшо ҳокимиятини илоҳийлаштиришдан иборат бўлган бу қадимги идеологиядан муддао – давлат ҳокимиятининг деспотик режимини ва бир тўда қулдор аристократларнинг кенг меҳнаткаш

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 235-236 бет
[2] Ўша асар 338 бет.



оммасини эксплуатация қилиши негизига қурилган бутун бир синфий тузумни мустаҳкамлаш бўлган»[1] дейди.

Албатта, Миср давлати ҳоким табақа-қулдорлар ва бойларнинг қуллар ва оддий меҳнаткашлар устидан ҳукмронлик қилиш воситаси бўлганлигини рад этмоқчи эмасмиз, аммо Авдиевнинг фикрича, Мисрда подшоларни илоҳийлаштиришдан муддао – қуллар ва меҳнаткашларни эзиш воситаси бўлган синфий тузумни мустаҳкамлаш бўлса, унда шундай савол туғилади: Қадимги Грециядаги қулдорлик давлати қандай вазифани бажарган? Бу давлатда ҳам қулларни ва оддий халқни эксплуатация қилиш борлиги аён-ку. Грецияда давлат бошлиғини илоҳийлаштириш бўлмаган бу тафовутнинг сабаби нимада? Агарда масалага ана шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак бир қонуниятни эътироф қилишимиз мумкин. Тарихда давлат бошлиғининг илоҳийлаштирилиш даражаси қоида тариқасида иқтисодда суғорма деҳқончиликнинг ўрнига кўп даражада боғлиқ бўлган. Агарда жамият ҳаётида суғорма деҳқончилик биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса, шубҳасиз, давлат бошлиғи илоҳийлаштирилади, яъни худо даражасига кўтарилади. Бунинг исботини Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой тарихида кўрамиз. Агарда суғорма деҳқончиликнинг мамлакат иқтисодида тутган ўрни ўртача бўлса, подшони илоҳийлаштириш мунтазам тус олмайди.

Подшони асосан ўта адолатли ўта зукко ва ҳоказо сифатлар билан улуғланса-да аммо у барибир худо эмас, балки худонинг бандаси ҳисобланади. Бундай мамлакатларга Ўрта Осиё, Эрон, Оссурия, Кичик Осиё, Сурия, Фаластин қабиларни киритиш мумкин. Ва ниҳоят, агар мамлакат иқтисоди суғорма деҳқончиликка эмас, балки лалмикорликка асосланган бўлса бундай жамиятларда давлат бошлиғи кўпинча «тенгларнинг биринчиси» сифатида тан олинади холос (Рим императорларидан баъзилари бундан мустасно). Бу гуруҳга Ғарб давлатларининг деярли барчасини киритиш мумкин. Испания бундан мустасно, чунки унинг иқтисодида суғорма деҳқончилик маълум аҳамиятга эга бўлиб келган. Агарда Мисрдан ташқари яна Бобил, Ҳиндистон, Хитой давлатларининг тарихига назар соладиган бўлсак, кўз олдимизда давлат бошлиғини илоҳийлаштиришнинг худди Мисрга хос белгиларини кўришимиз мумкин, яъни, биринчидан подшони

[1] Ўша асар 318 бет.

илоҳийлаштиришда уни худо даражасигача кўтариш-подшонинг насл-насабини энг улуғ худолар билан боғлаш, подшо ҳокимиятини худолар истак-хоҳиши, худолар марҳамати, буйруғи ифодаси сифатида кўрсатиш ва ҳоказо. Масалан, Бобил подшолигида суғорма деҳқончилик қандай аҳамиятга эга бўлганлиги ҳақида Авдиев қуйидагича ёзади: «Суғориб экишга асосланган деҳқончилик мамлакатнинг хўжалик ҳаётида шу қадар катта роль ўйнаганки, қонун чиқарувчи қонунга махсус моддалар киритиб, бу билан ернинг яхшилаб ишланишини ва суғориш тармоқларини тўла тартибда сақлаш учун ер эгаларини ҳамма зарур чораларни кўришини таъминлашга қаратилган. Масалан, ўша замондан сақланиб қолган қонун парчаларида айтилишича, дангаса ижарачининг ўз ерини ёмон ишлаши оқибатида ёки ўз тўғонини дуруст қарамайдиган деҳқоннинг айби билан қўшни даладаги экинини сув босиб кетса, айбдорлар сув босган ердаги зарарни қоплаш учун шу ердан унадиган ўртача ҳосил қанча бўлса шунча тўлашлари лозим бўлган»[1].

Демак, Бобил иқтисодида суғорма деҳқончилик жуда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва подшони илоҳийлаштириш даражаси ҳам худди шунга мувофиқ бўлган. Набопаласар ўз ёзувларида: «Мени худо Набу билан худо Мардук Бобилнинг улуғ подшоси қилиб сайлаган дейди»[2]. Қадимги Ҳиндистонда суғорма деҳқончилик аста секин хўжаликнинг етакчи тармоғига айланган. Орийларнинг деҳқончилигида суғориш катта аҳамиятга эга бўлган. Ригведада ёмғир тилаб ёзилган дуолар, шунингдек тошқин вақтида ерларни намлаб унумдор қилиш ҳамда одамларга яхши ҳосил инъом қилиш ҳақида муқаддас дарёларга ёлвориб қилинган мурожаатлар сақланиб қолган. Истилочи қабилалар сунъий суғоришдан фойдаланишга мажбур бўлган бўлсалар керак. Ахтарваведада «Ердан қазиб чиқарилган сув тилга олинади, анча кейинги даврларда сунъий суғоришнинг махсус системаси ривожалантирилади. Масалан, ману қонунларида сувни бўғиш, яъни бировнинг сувидан-эҳтимол жамоа сувидан қонунга хилоф равишда фойдалаииш ман қилинган»[3].

Подшони илоҳийлаштириш даражаси ҳам худди Миср ва Бобилда бўлгани сингари суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 558 бет.
[2] Ўша асар 563 бет.
[3] Ўша асар 675 бет.



мавқеидан келиб чиқади, яъни подшоларни худо даражасига кўтарадилар: «Қадимги Ҳиндистонда деспотия формасини ўзида ифодалаган давлат вужудга келади, бу давлат формаларини биз Қадимги Миср, Сурия, ва Қадимги Эрон мисолида кўриб ўтган эдик. Бу давлатни бошқарган подшони обрўсини мустаҳкамлаш учун диндан кенг фойдаланилади. Коҳинлар подшо худодир деб унинг буйруқларини сўзсиз бажариш кераклиги ҳақида таълим берадилар. Подшо худонинг ердаги сояси деб ҳисобланарди. Ману қонунларида подшо «Одам қиёфасидаги улуғ илоҳдир» дейилади. Шунинг учун подшо муқаддас ва дахлсиз деб ҳисобланган, брахман қонунларида эҳтиётсизлик билан подшога яқинлашган киши ўтда куйдирилади деб кишиларни қўрқитган. Подшонинг ғазаб ўти дейилади, ману қонунларида унинг (ўша гуноҳкор)нинг оиласини бутун чорваси ва йиққан мол-мулки билан бирга йўқ қилиб ташлайди»[1].

«Қадимги табиат худолари аста-секин давлат-подшо ва подшо ҳокимиятини ҳимоя қилувчи худоларга айланади. Бу нарса азаллари момақалдироқ ва яшин худоси дсб ҳисобланган Индра эътиқодида жуда равшан кўринади. Қадимги диний поэзияда Индра ўзининг момақалдироқ болтаси билан аждарни ўлдириб, осмон сувларини ундан озод қилувчи даҳшатли Худо қилиб тасвирлаган. Шунингдек, Индра ҳосилдорлик худоси деб ҳам аталган. Аммо кейинчалик у ердаги кучлар худосига, подшони ҳимоя қилувчи худога айланган. Индра аристократия, давлат ва подшо ҳокимиятининг ҳимоячиси деб ҳисобланадиган бўлган. Шу сабабли Индрани иккинчи Варна таркибига кирган кшатриялар, аристократ жангчилар айниқса ҳурмат қилганлар, одатда подшо ва князлар династиясига асос солувчилар ана шу иккинчи Варна номояндалари орасидан чиққанлар (Индра) сўзининг ўзи «князь», «подшо», «ҳоким», «жаноб» маъноларини (семит тилларидаги «Малик ёки Адон» каби) англата бошлаган»[2].

Хитойнинг табиий шароити ҳам худди Миср, Бобил, Ҳиндистон каби бу ерда суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда етакчилик қилишини таъминлаган. Хитойда энг қадимги даврлардан бошлабоқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик пайдо бўлганлиги тўғрисида Авдиев қуйидагиларни ёзади: «Хитой халқи жойлашган

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарқ тарихи. Т. 1964. 675 бет.
[2] Ўша асар 703 бет.

энг қадимги район Хуан-Хе дарёси (Сариқдарё)нинг ўрта ва қуйи оқимидаги районлар, шунингдек Печилей қўлтиғига туташган текислик ҳисобланади. Сариқ дарё ва унинг ирмоқларининг суви билан суғориладиган водийларда ҳамда пасттекисликларда иқлимнинг ўртача ва ерларнинг унумдор соғ тупроқ бўлиши деҳқончилик хўжалигининг анча эрта тараққий эта бошлашига имкон берган.

Бу соғ тупроқ ерларнинг унумдорлиги ёғингарчиликнинг бир текисда бўлишига боғлиқдир. Бу жойларда ёғингарчилик ўртача ҳисобда йилига 50-60 см.гача бўлади ва мамлакатда тариқдан яхши ҳосил олишни таъминлайди, тариқ Шимолий Хитойда қадим замонлардан буён энг кўп тарқалган дон экини эди. Бироқ ёғингарчилик бир текис бўлмаган пайтларда ҳосил ҳам битмасди. Шунинг учун Қадимги Хитой аҳолиси канал қазиб сув чиқаришга мажбур бўлган. Деҳқончилик хўжалиги ташкил этила бошлаган даврда Қадимги Хитой аҳолисига каналлар қазиб, дарё сувини бутун мамлакатда бир текис тақсимлашга, шу билан бирга Хуан Хе дарёсининг ҳалокатли тошқинига қарши тинмай ва уюшқоқлик билан кураш олиб боришга тўғри келган, дарё кўпинча ўз қирғоқларидан тошиб дарё бўйидаги ерларни сув босиб кетар эди. Хуан-хе дарёси саёз бўлиб борган катта тошқинлар пайтида унинг суви кўтарилиб турган, дарё суви ўпириб келтирган тупроқлар дарё тагига чўкиб сувни кўтарар ва дарё эски ўзанидан тошиб чиқиб, теварак-атрофдаги жойларни сув босган. Бу сув тошқинлари қишлокларни ва деҳқонларнинг уйларини вайрон қилган ва ҳосилни йўқ қилиб, бутун мамлакатга жуда кўп офатлар келтирган. Шу сабабдан аҳоли ўз уйи ва экин майдонларини дарё тошқинларидан сақлаб қолиш учун турли чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлган»[1].

Демак, суғорма деҳқончилик мамлакат иқтисодида етакчи ўринни эгаллаган. Ана шу суғорма деҳқончиликни йўлга қўйиш учун кучли марказлашган, қаттиққўл давлатчилик кераклиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Бу давлат бошлиғининг обрў-эътиборини ошириш ва мустаҳкамлаш учун подшонинг келиб чиқишини илоҳийлаштириш талаб қилинар эди:

«Дин подшонинг обрўсини мустаҳкамлашга хизмат қилдирилади. Подшо ғайритабиий зот қилиб кўрсатилади, худо

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарк тарихи. Т. 1964. 716 бет



билан тенглаштирилади, баъзан эса уни тўппа-тўғри Худо деб атайдилар. Афсоналарда подшо, айниқса династияларга асос солган подшо илоҳдан келиб чиққан дейилади. Масалан, қадимги афсоналардан бирида бундай деб ҳикоя қилинади: «Це деган уруғ гуруҳи насабининг Цзя Ди номли онаси ўз синглиси билан курбонлик қилгани бораётганда учиб кетаётган қалдирғоч тушириб юборган тухумни ютиб юборган эмишлар. Натижада Цзя Ди ҳомиладор бўлиб, ўғил кўрган ва унга Цио (тухум) деб ном қўйган эмишлар. Шу уруғ авлодидан бўлган Чен Тан Ся династиясининг сўнгги подшосини йиқитиб, инъ династиясига асос солган»[1].

«Император авлод-аждодларининг олий коҳини юқори амалдор сифатида алоҳида ажратилиши, подшо худонинг ердаги ноибигина эмас, балки унинг ердаги тимсоли деган таълимот расмий тус ола бошлаганлиги билан боғлиқдир. Шу сабабли ердаги худо деб ҳисобланган подшо «Осмон ўғли» деб, унинг амр-фармонлари эса «Муқаддас истаклар» деб аталган». «Осмон ўринбосари» сифатидаги подшо одамлар билан табиат кучлари ўртасида воситачи ҳисобланган. Подшо ҳар беш йилда мамлакатни саёҳат қилиб, чиқиши ва муқаддас тоғларда худоларга ўз қўли билан қурбонликлар қилиши лозим бўлган, бу ҳол Қадимги Хитой давлатининг теократик характерда бўлганлигини кўрсатади.

Подшо ҳокимиятининг «Илоҳий характерда бўлганлиги шунда кўринадики, одамлар ҳаммаси подшонинг қули деб ҳисобланган, ҳатто олий амалдорлар ҳам подшо олдида ер ўпиб, уч марта таъзим қилишлари керак бўлган. Подшоларнинг худодан келиб чиққанлиги қадимги афсоналарда тафсифланган. Масалан, афсоналардан бирида подшо Чжа хотинининг Чу аждоди руҳи билаи алоқа қилиши натижасида сирли равишда подшо Му дунёга келган дейилади. Бу афсонада подшо Му ғайритабиий қобилиятларга эга бўлган ботир деб тавсифланади. У мўъжизавий отлар қўшилган жанг аравасида «дунёниг тўрт томони»га харбий уруш қилган эмиш. Кунларнинг бирида у қизиқиб кетиб, Сариқ подшонинг саройини зиёрат қилиб, сўнгра кун ботишдаги тоғларга чиқиб борибди. Ғам ва ажал келтирадиган касалликларнинг маъбудасини зиёрат қилибди. Шу тариқа подшо ҳамма одамлардан бутунлай ўзгача бир муҳитда яшовчи қандайдир афсонавий худо қилиб кўрсатилади»[2].

[1] Авдиев. В. И. Қадимги Шарк тарихи. Т. 1964. 733-734 бет
[2] Авдиев. В. И. Қадимги Шарк тарихи. Т. 1964. 751-752 бет

Шундай қилиб, биз хўжаликда суғорма деҳқончилик энг асосий ўрин эгаллаган давлатларда давлат ва давлат бошлиғи, яъни «подшони илоҳийлаштириш даражаси энг юқори поғонага-подшони худо деб эълон қилиш даражасига етганлигини кўриб чиқдик. Демак, ҳар бир жамиятда давлат ва давлат бошлиғи – подшони илоҳийлаштириш даражаси суғорма деҳқончиликнинг мазкур жамиятнинг иқтисодида тутган ўрнига боғлиқ экан. Ушбу фикрни исботлаш учун тарихдан яна ўнлаб, юзлаб, балки минглаб далиллар келтириш мумкин.

## 4. Ер эгалиги шаклларининг суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган ўрнига боғлиқлиги

Шарқ тараққиёт йўли Шарқда кенг тарқалган суғорма деҳқончилик асосида, Ғарб тараққиёт йўли эса Ғарбга хос бўлган лалмикор деҳқончилик асосида шаклланган, деган даъво (тезис)ни рад этиб бўлмас даражада аниқ ва равшан исботловчи далиллардан бири бу– Шарқ ва Ғарбнинг ўзига хос бўлган ер эгалигидир. Энг эътиборли тарихчиларнинг фикрича, Шарқда ер доимо қоида тариқасида давлат ва унинг ифодачиси бўлган подшонинг мулки ҳисобланиб келган. Ғарбда эса аксинча, ер доимо ва қоида тариқасида хусусий мулк ҳисобланиб келган. Масалан, К.Маркс Шарқда ер эгалиги ҳақида қуйидагиларни билдиради: «Бу ерда давлат ернинг олий мулкдоридир. Бу ерда суверенлик давлат кўламида тўпланган ер мулкчилигидир. Лекин шуниси борки, бунда гарчи ер шахсларга ҳам, жамоаларга ҳам қарашли бўлсада, ердан шахслар ва жамоалар фойдаланса ҳам ерга ҳеч қандай шахсий мулкчилик йўқдир»[1].

Карл Маркс Шарқ мамлакатларидаги ер эгалиги ҳақида фикр юритганда гарчи буни алоҳида таъкидламаса ҳам, аслида унинг бу фикри Ғарб ер эгалиги билан таққослаб айтилганлиги ўз-ўзидан тушунарлидир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Карл Маркс мана шу ҳолатни келтириб чиқарувчи сабабларни таҳлил қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўймаган. Уни факт сифатда кўрсатиб ўтади, холос. Шарқда ерлар давлатга ва унинг ифодачиси бўлган подшога тегишли бўлишига олиб келган сабаб – суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятидир. Суғорма

[1] Маркс. К. Капитал. III-том. 804-бет.



деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш учун ана шу ерни сувсиз ер билан таққослаб кўришимиз керак бўлади. Бу икки ер ўртасида қиймат жиҳатидан жуда катта тафовут бўлиши табиий.

Демак, суғорма деҳқончилик шароитида ерни ҳақиқий маънодаги ерга айланиши асосан унинг сув билан таъминланишига боғлиқдир. Ана энди бир парча ерда тирикчилик ўтказаётган деҳқонни кўз олдингизга келтириб кўринг, унинг ердан ҳосил олиш ёки олмаслиги бутунлай сувга боғлиқдир. Ана шу суғорма деҳқончилик ва унинг асосий бўғини бўлган сув тақсимоти устидан давлат назорати қандай амалга оширилади? Сув тақсимоти устидан давлат назоратини амалга оширишнинг хусусиятлари сув миқдорининг йиллараро, фасллараро бир миқдорда бўлмаслиги ва сувга бўлган эҳтиёжнинг доимий равишда бир хил бўлмаслиги билан боғлиқ. Суғорма деҳқончиликнинг ана шу хусусиятлари сув тақсмотини маълум бир меъёрда солишга имкон бермайди. Бошқача айтганда, давлат сув таъминотчиси сифатида истеъмолчига яъни деҳқонга «Сенга фалон ой, фалон кунда фалон миқдорда сув бераман», дея олмайди. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, таъминотчи – давлат билан истеъмолчи – деҳқон ўртасида сув тақсимотини амалга оширишнинг қатъий белгиланган дастури бўлиши мумкин эмас.

Аммо иккинчи томондан, сув тақсимотини қатъий интизом асосида амалга ошириш – суғорма деҳқончилик самарадорлигини таъминлашнинг асосий омилидир. Кўриб турганимиздек, бир томондан давлат деҳқонга ҳеч қандай кафолат бера олмайди, иккинчи томондан эса сув тақсимотида қатъий тартиб – интизомга амал қилишни талаб қилади. Ана шу икки қарама – қарши вазиятни келиштиришнинг асосий гарови – давлат ҳокимиятининг обрў – эътибори, унинг қаттиққўллиги, куч – қудратидир. Яъни, у деҳқонга сув масаласида ҳеч қандай аниқ бир кафолат бермайди, аммо сув тақсимоти масаласида фақат ва фақатгина вазиятга қараб иш тутиш эркинлигига эга бўла олиши шарт.

Сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик фақатгина кучли марказлашган, қаттиққўл – мустабид (яъни ўз хоҳишича иш юрувчи) давлатчилик шароитидагина амалга ошади. Негаки улкан, серсув дарёларни жиловлаш, тошқинларга қарши кураш ва энг муҳими, бутун мамлакат бўйлаб ягона сув иншоотлари тизимини яратиш ва сув тақсимоти устидан назорат ўрнатиш фақатгина ана

шундай кучли, қаттиққўл, мустабид давлатнинг қўлидан келади. Кучли, марказлашган, қаттиққўл давлатчилик айримлар, тасаввур қилганидек, подшо ва унинг аъёнлари – амалдорларнинг хоҳиши билан юзага келиши мумкин эмас. Шубҳасиз, ана шундай барқарор яхлит давлатчиликни барпо этишдан бутун жамият манфаатдор бўлиши лозим.

Кучли, марказлашган, қаттиққўлликка асосланган давлатчиликдан фақатгина деҳқонлар манфаатдор эди, деб ўйлаш хато бўлур эди. Яхлит, барқарор қаттиққўл давлат шаҳар аҳолиси учун ҳам қир – адрларда, чўл-саҳроларда кўчманчи ҳаёт кечираётган чорвадорлар учун ҳам бирдек зарур эди. Негаки, шаҳар аҳолисини ҳам, кўчманчи чорвадорларни ҳам деҳқончилик маҳсулотлари билан таъминлаш ана шу деҳқон хўжалигининг самарадорлиги, серунумлигига боғлиқ эди. Бу деҳқон хўжаликларининг серунумлиги, самарадорлиги, ана шу ерларнинг сув билан қай даражада таъминланишига боғлиқлигини тушуниш қийин эмас. Бу деҳқон хўжаликларини сув билан таъминлашнинг энг зарур шарти – кучли, марказлашган, қаттиққўл, яъни мустабидликка таянадиган давлатчиликдир.

Кўриб турибмизки, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик бутун жамиятни иқтисодий жиҳатдан бир – бири билан чамбарчас боғлайди. Негаки, суғорма деҳқончилик лалмикорликка нисбатан анчагина унумдор бўлганлиги туфайли деҳқон қўлида бирмунча ортиқча махсулот пайдо бўлади, бу биринчидан. Иккинчидан, кучли, марказлашган давлат ўз ҳудудида савдо-сотиқни йўлга қўйишдан манфаатдор бўлганидек, бунга шароит яратиб бериш имкониятига ҳам эга эди. Юқорида тасвирланган манзаралардан келиб чиқиб айта оламизки, Шарқда, айниқса, сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик иқтисодда етакчи ўрин эгаллаган мамлакатларда давлатнинг мустаҳкамлиги, яхлитлиги ва барқарорлигидан бутун жамият манфаатдор эди. Суғорма деҳқончилик шароитида бутун мамлакат (аниқроғи, бир сув ҳавзаси) ҳудудидаги ерлар битта омил – сув туфайли яхлит хўжаликка айланади. Бу хўжалик кўринишида алоҳида шахсларга, жамоаларга ҳамда давлатга қарашли ҳисобланса ҳам аслида, бу ерни, яъни бутун мамлакат ҳудудидаги ерни подшо бошчилигидаги ягона хўжалик сифатида тасаввур қилиш тўғрироқ бўлар эди.

Шарқ мамлакатларидаги ер эгалиги шакллари суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамиятига мувофиқ равишда



турлича даражада тарқалган. Шарқ мамлакатларининг кўпчилигида ер эгалигининг асосий шакллари давлат – подшо ерлари, вақф ерлар, жамоаларга қарашли ерлар ва хусусий ерлардан иборат бўлган. Аммо ер мулкчилигининг шаклларидан қатъи назар – Шарқда ернинг асосий эгаси давлат – подшо деб қараш тўғрироқ бўлар эди. Аммо Шарқ мамлакатларида ерга подшо мулкчилиги унинг ҳақиқий маъносида турли мамлактларда бир хил аҳамиятга эга бўлмаган. Подшонинг ўз ҳудудидаги ерларга эгалик қилиш даражаси худди шу мамлакатда суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамиятига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган.

Яъни, суғорма деҳқончилик иқтисодда нақадар катта аҳамиятга эга бўлса, подшо ҳокимиятининг ер мулкчилигига эгалик ҳуқуқи шунчалик даражада қатъий бўлган, аксинча, суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамияти пастроқ бўлган мамлакатларда давлат – подшо ҳокимиятининг ер мулкчилигига эгалик даъвоси шунга мувофиқ равишда унчалик изчил бўлмаган. Шарқ мамлакатларидаги ер мулкчилигини ана шу нуқтаи назардан классификация қиладиган бўлсак, тахминан ўтган бобда кўриб ўтилган манзарага дуч келамиз. Яъни, Шарқ мамлакатларини ер мулкчилигида подшо – давлат эгалиги нуқтаи назаридан таҳлилдан ўтказилганда мамлактларни икки гуруҳга – ер мулкчилиги қатъиян подшо қўлида тўпланган давлатларга ва ерга хусусий мулкчилик эгалиги ҳам мавжуд бўлган давлатларга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳга Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитой (шартли равишда), Иккинчи гуруҳга эса Шарқ мамлактларининг қолган қисмини киритиш мумкин.

Албатта Шарқ мамлактларини бундай гуруҳлаштириш шартли эканлигини унутмаслигимиз керак. Ана шу биринчи гуруҳга киритилган мамлакатларда ҳам, иккинчи гуруҳга киритилган мамлакатларда ҳам подшонинг ерга эгалик ҳуқуқининг қатъийлиги жиҳатдан турли тафовут даражалари мавжудлиги ўз-ўзидан равшандир. Биринчи гуруҳ мамлакатлари ичида давлат – подшо ер эгалигининг қатъийлиги жиҳатдан Миср шак – шубҳасиз биринчи ўринда туради. Иккинчи ўринда Месопотамия, учинчи ва тўртинчи ўринда эса Хитой ва Ҳиндистон эгаллайди. Умуман олганда суғорма деҳқончиликнинг тараққиётга таъсири нуқтаи назардан Миср классик – намуна мамлакатидир.

Бу мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти қанчалик катта бўлганлиги билан биз ўтган бобларда танишиб

чиқдик. Бу мамлакат тараққиётида кўзга ташланадиган бир қанча сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий ҳодисаларнинг, яъни подшо ҳокимиятининг идеаллаштирилиши, ер мулкчилигида давлат – подшо эгалигининг қатъий тусда эканлиги, мафкура – дин намояндалари – коҳинларнинг етакчи ўринни эгаллаши, ниҳоят иқтисодий, сиёсий мафкуравий ҳаётнинг турғунлиги (барқарорлиги) давлатнинг кучлилиги туфайли таъминланган. Ма шуларнинг ҳаммаси ва суғорма деҳқончилик яратиши мумкин бўлган барча ҳодиса ва кўринишларнинг намунавий – классик шаклда намоён бўлишининг бирдан-бир сабаби – мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончилик ўйнайдиган алоҳида ўрни туфайли эканлиги тушунарлидир. Агарда биз ана шу суғорма деҳқончиликнинг классик намунаси бўлган Мисрдан бошлаб текширишларимизни суғорма деҳқончиликнинг мамлакат иқтисодида тутадиган ўрнига мувофиқ давом эттирадиган бўлсак, шунга мувофиқ равишда подшо ҳокимиятининг илоҳийлаштрилиши даражаси, ер мулкчилигида подшо эгалигининг қатъийлик даражаси ва ҳоказолар бўйича мутлақо ўша қатордаги ўринларига мувофиқ даражасига эга бўлишига ишонч ҳосил қиламиз.

Ушбу даъвомизни исботловчи далилларни кўҳна Шарқ тарихидан истаганча топиш мумкин. Аммо биз бир неча мисоллар келтириш билан кифояланамиз. Масалан, суғорма деҳқончиликнинг тараққиётга таъсири нуқтаи назаридан намунавий – классик мамлакат – Мисрда ерга хусусий мулк ҳатто формал номигагина бўлса ҳам йўқлиги энг эътиборли тарихчилар томонидан исботланган[1]. Афсоналарда ернинг қандай қилиб давлат – подшо мулкига айланганлиги билан биз ўтган бобларда танишиб чиққан эдик (Юсуф пайғамбар Мисрда Миср Азизи даражасига кўтарилиши ва Миср халқини етти йиллик очарчиликдан саломат қутқазиб қолиши ҳақидаги Юсуф ва Зулайҳо қиссаси). Бу қисса ўтган бобда анча батафсил ёритилганлиги учун бу ерда уни тафсилотларга эҳтиёж йўқ деб ўйлаймиз. Ўтган бобда ушбу қисса подшо ҳокимиятининг идеаллаштрилиши муносабати билан келтирилган эди. Қиссанинг қисқача мазмуни шундан иборатки, етти йиллик тўқчилик йилларида ҳосилнинг 20 % ни захира

1 Ростовцев М. И. «Исследования истории колоната Рима". Крушколь Ю. С. «Истории Древнего Мира". Стр 210.



...лаб қўйган Юсуф кейинги етти йиллик очарчилик йилларида ...лққа ғалла тарқатиб, уларни муқаррар ўлимдан қутқариб қолади. Мисрликлар очарчиликнинг дастлабки йилларида пуллари, уй-рўзғор анжомлари, мол-ҳолини бериб буғдой оладилар. Охири ерлари эвазига, ундан кейинги йил эса ўзларини қул қилиб Юсуфга (аслида Миср подшоси – фиръавинга) сотиб, буғдой оладилар. Қисса Мисрдаги вазиятни нақадар тўғри акс эттириши билан диққатга сазовордир.

Тавротда келтирилган «Юсуф ва Зулайҳо» қиссаси олимлар илгари сураётган фикрни – Мисрда ерга хусусий эгалик йўқлигини тўла-тўкис тасдиқлайди. Месопотамия, Ҳиндистон ва Хитойда ер эгалигининг Мисрдан фарқ қиладиган хусусияти шундан иборатки, гарчи ушбу мамлакатларда подшо бутун мамлакатдаги барча ерларнинг эгаси ҳисобланса ҳам, амалда бу мамлакатларда ерга жамоа мулкчилиги ҳамда хусусий мулкчилик маълум даражада мавжуд бўлган.

Хитойда маълум даврларда бутун ер фонди давлат мулки деб эълон қилинган, ерга хусусий мулкчилик тугатилган. Мамлакатдаги ҳар бир оила иш кучига мутаносиб ҳолда ер билан таъминланган. Давлат ерни маълум шартлар асосида ижарага бериш тартиби Шарқ мамлакатларининг деярли барчасида мавжуд бўлган. Аммо Хитойда бу тартиб ўзининг энг юқори кўринишига етган, яъни давлат мамлакат ерларининг ҳаммасини давлат мулки деб эълон қилган ҳамда мамлакат аҳолисининг барчасини давлат ижарачиларига (ёки қулларига) айлантирган. Аммо ерга хусусий мулкчилик аста-секинлик билан пайдо бўлган ва кучая борган. Н. И. Конрад ўзининг «Хитойда ижара тизими» номли асарида Хитойда ерга хусусий мулкчиликгинг пайдо бўлиши сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатади: «…маълум босқичга келиб ердан фойдаланишнинг ижара шакли ўсиб бораётган аҳолининг, биринчи навбатда ҳукмрон табақаларнинг эҳтиёжларини қондира олмай қолди. Тобора кўпроқ ва сифатлироқ махсулот талаб қилинмоқда эди. Ерга ишлов бериш яъни қишлоқ хужалиги техникасини яхшилаш йўли билан даромадни маълум даражада ошириш мумкин албатда. Аммо феодализм шароитида хўжалик тараққиёти ҳаддан ташқари суст ва чегараланган бўлади. Шунинг учун ҳам ижара тизимида маълум тараққиёт сезилса ҳам аммо у етарли самара бермас эди. Демак, ишлов бериладиган ер ҳажмини оширишдан бошқа илож йўқ. Ишлов бериладиган ер миқдорни

оширишнинг эса икки йўли мавжуд: ё ижара ер ҳажмини ошириш ёки қўриқ ерларни очишга рухсат бериш керак эди. Давлат ижара ери ҳажмини оширишдан бошлади, аммо бу кутилган натижани бермади. Аҳоли зич жойлашган ерларда ижара ери ҳажмини оширишнинг иложи йўқ эди. Аммо заҳира ерлар мавжуд бўлган жойларда ҳам ижара ери ҳажмини ошириш учун деярли бутун ер фондини қайта тақсимлаб чиқиш, оилалар, қишлоқларни янги жойларга кўчириш керак бўлар эдики, бу бутун маъмурий тартибларни ва бир маромда кечаётган ҳаёт тарзини бўзилишига олиб келар эди. Биргина йўл – яни қўриқ ерларни ўзлаштиришга рухсат бериш йўли қолган эди. Фақатгина рухсат бериш эмас, ҳатто бу ишни рағбатлантириш ҳам керак эди. Рағбатлантириш учун эса янги ўзлаштирилган ерларга имтиёз бериш керак эди. Энг яхши имтиёз эса бу ерларни солиқдан озод қилиниши ҳамда унинг меросий мулк сифатида тан олиниши эди. Шундай қилиб ижара тизими ичида янги, хусусий мулкчиликка асосланган ер майдонлари пайдо бўлди»[1].

Деярли бутун Шарқ мамлакатларида ерга эгалик қилишнинг хусусий шакли бўлган ерга давлат мулкчилиги ўртасида тухтовсиз кураш борган. Ерга хусусий мулкчилик давлат мулкчилигига қараганда анча самарали эди. Аммо маълум шароитларда ерга хусусий мулкчиликнинг ҳаддан ташқари кучайиши хусусан йирик заминдорларнинг пайдо бўлиши давлат учун хавфли эди. Шунинг учун ҳам давлат ерга хусусий мулкчилик ҳажмини чегаралаб, йирик ер эгалигига қарши кураш олиб борган. Бошқача айтганда Шарқ мамлакатларида давлат хусусий мулк билан давлат мулкчилиги ўртасида маълум мувозанатни сақлашга ҳаракат қилган. Буни Бобил, Ҳиндистон каби давлатларда ерга бўлган муносабатдан ҳам кўриш мумкин. Масалан, Авдиев Бобилда мавжуд бўлган ер эгалиги ҳақида шундай дейди: «Подшо мамлакатдаги ернинг ҳаммасини ўзига қарашли мулк деб билган ва жамоаларнинг еридан қирқиб, истаган амалдорга тортиқ қилиб беришга ўзини ҳақли деб ҳисоблаган»[2]. Аммо «Давлат ҳукмрон қулдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилиб, ерга бўлган хусусий мулкчиликни турли йўллар билан ҳимоя қилган. Подшо амалдори бирон ер эгасининг ерини қонунга хилоф равишда тортиб олса, ер

[1] Конрад Н.И. Избранные труды. М:. 1974. Стр. 157.
[2] Авдиев. В. И қадимги Шарқ тарихи. Тошент 1964. 103 бет.



эгаси амалдорнинг бундай ҳаддидан ошганлиги ҳақида подшога шикоят қила олган»[1]. «Ҳаммурапи кодексининг айрим моддаларида махсус жангчи – колонистлар бўлганлиги тилга олинади. Улар подшодан чек ер олганлар ва бунинг эвазига ҳарбий хизмат ўташлари лозим бўлган. Бундай жангчилар подшонинг биринчи чақириғи биланоқ, урушга отланишга мажбур бўлган. Агар жангчилар ўзларининг ана шу бурчларини бажармасалар ўлим жазосига ҳукм қилиниб, қўлларидаги чек ерлар тортиб олинган»[2].

Ҳозирги келтирилган кўчирманинг тегишли ерига алоҳида урғу бериб кўрсатилишидан мақсад бор. Кўриниб турибдики, Шарқ мустабид подшолари ўз ерларининг тўла ҳуқуқли хўжайинлари бўлганлар, яъни кимгадир маълум шарт эвазига ер инъом қилганда, ер олган томон шартни бажармаган тақдирда уни, яъни ерни қайтиб олишдан ташқари, итоатсизнинг ўзи ҳам қаттиқ жазога тортилган. Низомулмулк ҳам ўзининг «Сиёсатнома» асарида худди шу ҳолни айтади: Иқтадордан иқтаси тортиб олинади, ўзининг эса [illegible] бериб қўйилади.

Ана энди Ғарбда қироллардан хизмати эвазига олинган ерларнинг тақдири қандай бўлганлиги кўриб ўтайлик. В. Ф. Семёновнинг «Ўрта асрлар тарихи» бу масалада кўпдан-кўп фактлар беради. «Карл магнатлар ва бошқа «Нуфузли одамлар» томонидан деҳқон ерларининг тортиб олинишини чеклашга анча уринди, бироқ ердор зодагонлар унинг фармойишларига қаршилик кўрсатганлари учун бу фармойишлар амалда бажарилмай қолаверар эди»[3]. «Карл Буюк иммунитетлар деган нарсани ҳам кенг жорий қилишга мажбур бўлди, иммунитетлар берилган маҳаллий ер эгалари ўз территорияларига король амалдорлари, судьялар ва шунга ўхшаш кишиларнинг текшириш учун киришдан холи эди»[4].

«Буюк Карл замонидаёқ идора қилиш аппаратининг аниқ феодаллашганлигига шу нарсани мисол қилиб кўрсатиш мумкинки, графлар ўз мансабини ва бу мансаб учун олган ерларни авлоддан авлодга мерос бўлиб қоладиган мулкка айлантиришга ҳаракат қилдилар. Буюк Карл ўзининг графлар тайинлаш ҳуқуқини жуда катта машаққат билан аранг сақлаб қолди». [5] Аммо «. . . 887

[1] Ўша асар 105 бет.
[2] Ўша асар 105 бет.
[3] Семёнов. В. Ф. «Ўрта асрлар тарихи”. Тошкент 1973. 56-57 бет.
[4] Ўша асар. 57 бет.
[5] Ўша асар. 58 бет.

йилдаги Къерсин капитулярийси ер бенфитсияларнинг наслидан наслга мерос бўлиб қолишини, шунингдек, графлик лавозимининг ҳам мерос бўлиб қолишини қонунлаштирди»[1]. «Германияда катта ер эгалигининг авж олишида король ҳазинасига қарашли ерларнинг талон-тарож қилиниши катта роль ўйнайди»[2].

Қадимги даврларда ҳам, ўрта асрларда ҳам ер асосий бойлик бўлганлиги маълум. Худди шунинг учун ҳам Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам подшо ва қироллар ўз қўл остиларидаги кишиларга хизмати учун турли шаклда ер беришган. Аммо ўртадаги тафовут шундаки, Шарқ подшолари ўз хизматчиларига берган ерларни истаган пайтларда тортиб олишган, Ғарбда эса аксинча аҳволни кўрамиз. Бу ерда ўз хизматкорларига ер берган қирол амалда ердан маҳрум бўлиб қолган, уни қўлдан чиқарган, қирол илтифоти билан ерли бўлиб олган граф, рицар орадан маълум муддат ўтгач, қиролга бўйсунишини истамай қолган ва бунинг уддасидан чиққан ҳам.

Шарқ билан Ғарб ўртасидаги ана шу тафовутнинг сабабини улар ўртасидаги ишлаб чиқариш усулидан қидирмоқ керак албатта. Шарққа хос бўлган суғорма деҳқончиликнинг табиати, яъни тараққиётга таъсир механизми билан биз танишиб чиққан эдик. Ишлаб чиқаришнинг бу усули битта дарёдан сув ичадиган ерларнинг ҳаммасини аслида, мазмун жиҳатдан яхлит хўжалик шаклига солади. Унинг бир қисмини тўла маънода иккинчи қисмидан ажратиб олиш мумкин эмас. Ана шу яхлит хўжаликнинг эгаси подшо эканлигини тушуниб олиш қийин эмас. Чунки, ер Шарқ шароитида фақат сув билангина ўзининг ҳақиқий маъносига эга бўлади. Сув хўжалиги эса тўла –тўкс подшо ҳокимияти қўлида бўлади. Бунда подшо ҳокимияти ҳудуд аҳолиси манфаатларининг ифодачиси эканлиги масаланинг моҳиятини ўзгартирмайди.

Ғарбда кенг тарқалган лалмикор деҳқончилик эса шундай вазият вужудга келтирадики, айниқса ишлаб чиқариш унумдорлиги паст бўлган ва жойлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар заиф бўлган шароитда жойларнинг маълум даражада эркинлигини тараққиётнинг зарур шарти қилиб қўяди. Бундай шароитда ҳарбий куч ёрдамида катта, марказлашган давлат барпо этиш вақтинчалик бўлади ва бундай марказий ҳокимият кўпроқ тараққиётга тўсиқ бўла олади холос. Ана шундай шароитда ўз қиролидан инъом

[1] Ўша асар. 63 бет.
[2] Ўша асар. 65 бет.



тариқасида турли шаклда ер олган амалдорлар ва ҳарбий хизматчиларнинг орадан маълум вақт ўтгач, ерни ўзларининг хусусий мулкига айлантириб олишлари турган гап эди.

Биз биринчи гуруҳга киритган мамлакатлардан кейингилари – Ҳиндистон ва Хитой ер эгалиги текширилганда ҳам тахминан Мессопотамиядаги аҳволга дуч келамиз. Бу мамлакатларда ҳам подшо расман бутун мамлакатдаги ерларнинг олий эгасидир. Аммо шу билан бирга амалда катта-кичик хусусий ер хўжаликлари ҳам мавжуд бўлган. Ҳиндистон ва Хитойдаги ер эгалиги муносабатларини ўрганиш ҳам бизнинг юқоридаги фикримизни, яъни мамлакатда подшо ер эгалигини ҳажми ва қатъийлиги, умуман олганда иқтисодда суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти билан белгиланади деган фикримизни тасдиқлайди. Шуни унутмаслик керакки, мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти билан бирга сув манбаларининг характери (серсувлиги, ундан сув ичадиган майдон ҳажми ва бошқалар) ҳам муҳимдир.

Иккинчи гуруҳга кирадиган Шарқ мамлакатларида подшонинг ер эгалиги ҳажм жиҳатдан ҳам ўзининг қатъийлиги жиҳатидан ҳам биринчи гуруҳ мамлакатлари билан, айниқса Миср билан тенглашолмайди. (Бундай ҳажм дейилганда подшо эгалик қилаётган ернинг умумий ер ҳажмига нисбати кўзда тутилади). Кичик Осиё, Фаластин, Сурия, Ўрта Осиё, Эрон давлатларида суғорма деҳқончилик ўз аҳамиятига кўра Миср, Ҳиндистон, Хитой ёки Мессопотамия билан тенглаша олмайди. Бундан ташқари, бу мамлакатлардаги сув манбалари ўзининг серсувлиги, сув етказиб берадиган майдони жиҳатидан мазкур мамлакатлардаги дарёлар билан тенглаша олмайди. Шунга мувофиқ равишда бу мамлакатларда подшо ер эгалиги билан бир қаторда, хусусий ер эгалиги ҳам маълум даражада каттароқ аҳамиятга эга бўлган деб айта оламиз. Масалан, Фаластинда ерларнинг катта қисми хусусий бўлганлиги ва олди-сотди қилинганлигини биз яҳудийларнинг муқаддас китоби – Тавротдан биламиз. Иброҳим алайҳиссалом Махпела ғорини унга ёндош бўлган ери ва дарахтлари билан Хетий Суҳар ўғли афрандан тўрт юз кумуш ёмби (шекл)га сотиб олган[1].

Мазкур иккинчи гуруҳга мансуб мамлакатларда ерга подшо мулкчилиги билан бир қаторда хусусий мулчилик ҳам бўлганлигини тасдиқловчи кўпдан-кўп фактларни

[1] Иврит. Стокгольм. 1992, 41-42 бет.

қаторлаштиришга эҳтиёж йўқ. Бу нарса шундай ҳам равшандир. Бунда ҳам шуни қайд қилиш мумкинки, ана шу иккинчи гуруҳга кирувчи мамлакатларда ерга подшо эгалиги билан хусусий эгалик ўртасида нисбат суғорма деҳқончиликнинг иқтисоддаги ўрнига ҳамда сув манбаларининг характерига деярли тўла мос тўшади.

Шундай қилиб биз бутун Шарқ ва Ғарбда ер эгалигининг турли шакллари, яъни бизнинг назаримизда подшо (король) ер эгалиги билан хусусий ер эгалиги ўртасидаги нисбатнинг қандай шаклланганлиги бирмунча тўлиқ тасаввур қилиш имконига эгамиз. Агарда биз Мисрда ерга хусусий эгалик бўлмаганлиги фактидан келиб чиқадиган бўлсак, у ҳолда бу мамлакатларда подшо ер эгалигининг бутун ер ҳажмига нисбатини бирга 1 тенг деб олишимиз мумкин. (Мисрдаги ибодатхоналар мулки бўлган ерлар ўзининг мазмун-моҳиятига кўра подшоеридир). Биз Мисрдан бошлаб иқтисодида суғорма деҳқончилик камроқ аҳамиятга эга бўлган мамлакатларга ўтиб борганимиз сари бу рақамнинг бирдан паст– каср шаклига киришини кўрамиз ва ниҳоят Ғарбий Европада – лалимикор деҳқончилик классик шаклда намоён бўлган мамлакатларда бу рақам амалда нолга айланади (чунки Ғарбий Европа қиролларининг ер мулклари ҳам амалда хусусий мулкдан ҳеч фарқ қилмайди).

Шуниси муҳимки, Ғарбий Европа қиролларининг ерлари ҳажми мазкур қиролларнинг ҳарбий қудратига мувофиқ бўлгани ҳолда, Шарқда подшо ер эгалигининг ҳажми бевосита суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамияти ҳамда сув манбаларининг характерига боғлиқ бўлади. Чунки яна бир бор такрорлаймизки, суғорма деҳқончилик усули ўз табиатига кўра маълум бир манбадан суғориладиган ерни амалда мазмун-моҳиятига кўра яхлит хўжаликка айлантиради. Чунки суғорма деҳқончиликка асосланган шароитда ер сув билан ҳақиқий қийматига эга бўлди. Сув хўжалиги эса биз юқорида кўриб ўтканимиздек, тўла – тўкис давлат – подшо ихтиёридадир.



## 5. Шарқда ижтимоий-иқтисодий формациялар алмашинувидаги ноизчиллик

Ушбу бобда олдимизга қўйилган вазифа шундан иборатки, биз Шарқ билан Ғарбда юз берган ижтимоий – иқтисодий ҳодисалар, қулчилик, жамоа-ер эгалиги вақти-вақти билан такрорланиб турадиган инқироз ва деҳқонларни эксплуатация қилиш усуллари ўртасидаги тафовут сабабини очиб беришимиз лозим. Ана шу ижтимоий – иқтисодий ҳодисалардан қулчилик ва жамоа ер эгалиги ўртасидаги боғлиқлик жуда ҳам мустаҳкам бўлганлиги учун биз жамоа ер эгалиги билан қулчиликни бирга олиб қарашимиз зарур бўлади. Тоталитар тузум жамиятшунослик фани нуқтаи назари бўйича инсоният тарихи бир-бирини алмаштириб келувчи беш формациядан иборат (ибтидоий жамоа тузуми, қулдорлик, феодализм, капитализм, коммунизм). Ғарб тараққиёт йўли ушбу назарияга маълум даражада мос келар эди-ю, аммо Шарқ тараққиёти йўли мазкур «қолип»га ҳеч ҳам тўғри келмас эди. Шарқ тараққиётининг баъзи бир хусусиятлари, масалан, жамоанинг узоқ яшаши, қулчиликнинг Ғарб қулчилигига қараганда тамоман бошқача кўринишда юз бериши, вақти-вақти билан тараққиётнинг орқага кетиши (даврийлик) кабилар айрим олимларнинг тўғри чизиқли тараққиёт назариясининг беистисно ҳамма жойда амал қилишига шубҳа билдиришларига сабаб бўлди.

Маълумки, бир пайтлар (1857 йил) Карл Маркс осиёча ишлаб чиқариш усули (АСП) назариясини илгари суриб, бу ишлаб чиқариш усулининг айрим хусусиятларини, жумладан жамоаларнинг яшовчанлигини, ишлаб чиқариш воситалари (ер ва сув)нинг давлат тасарруфида эканлигини кўрсатиб берган эди. Мазкур назария изчил ривожлантирилган тақдирда Шарқ тараққиёт йўлининг ўзига хослик сабаблари тўла-тўкис очилиши шубҳасиз эди. Аммо, ушбу назария коммунистик мафкурага зарба бериши маълум бўлиб қолгач, уни бузиб талқин қилиш бошланди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, АСП назариясини бузганларнинг энг биринчиси К.Маркснинг ўзи экан. Бунга ишониш қийин, аммо факт фактлигича қолаверади, факт ўжар нарса дейдилар. Маълум бўлишича, у буни сабабсиз қилмаган. Шарқ тараққиётининг турғунлик сабабларидан бири ишлаб чиқариш воситаларининг (ер ва сув) давлат мулки бўлиб келганлиги, ерга хусусий мулкчиликнинг йўқчилиги (ёки чекланганлиги) ишлаб чиқариш

самарадорлигини пасайтириб юбориш маълум бўла бошлагач, коммунистик мафкура намояндалари унга қарши чиқа бошладилар. Негаки, коммунистик мафкура бўйича тараққиётнинг охирги формацияси коммунизмда ишлаб чиқариш воситалари – ер-сув ва завод-фабрикалар миллийлаштирилади, яъни давлат қўлига ўтади ва инсоният ўзининг асрий орзуларига эришиши лозим эди. Кўриб турганингиздек, АСП назарияси бу назарияни обрўсиз қилмоқда эди. Фикримизча, худди шу сабабли ҳам АСП назарияси тоталитар мафкура намояндалари томонидан доимо қувғин ва таъқибга дучор қилиб келинган. Масалан, XX асрнинг 30-йилларида собиқ шўролар мамлакатида бўлиб ўтган «Катта баҳслар» (большие дискуссии)да бир гуруҳ олимлар осиёча ишлаб чиқариш усули (АСП) мавжуд ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг бирортасига ҳам мос келмайди, бинобарин уни алоҳида Шарқнинг ўзига хос бўлган ишлаб чиқариш усули деб ҳисоблаш лозим деган ғояни илгари сурадилар. Аммо охир-оқибат тоталитар тузум раҳнамолари уларни ҳар турли оғмачиликларда айблаб, қувғин-таъқиб остига олдилар. Шундан кейин Шарқ тараққиётининг ўзига хослиги ҳақида гапириш хавфли бўлиб қолди. Собиқ шўролар мамлакатида жамиятшунослик фанида яна аввалгидек, ягона назария ҳукмрон бўлиб қолди-ки, бу назарияга мувофиқ бутун инсоният, ҳамма мамлакатлар маълум бир ўзига хосликлар билан бўлсада, бешта ижтимоий-иқтисодий формацияни босиб ўтишлари шарт.

Тоталитар тузум даврида ана шу фикр изчил суратда ёйиб келинди. Бу даврнинг энг кўзга кўринган олимлари тарихни бузиб, сохталаштириб, ана шу ғояни зўр бериб, халқ онгига қуйишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай муаллифлардан бири В. И. Авдиев (Қадимги Шарқ тарихи) Шарқ тарихининг, тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳеч нима демасликка ҳаракат қилади. Ю.С.Крушколь эса (Қадимги дунё тарихи) аниқ кўриниб турган тафовутлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришга журъат этади: «Умуман жамоа ер эгалиги Шарқдаги асосий мамлакатларда Ғарбдагига қараганда узоқроқ сақлаб қолган ҳамда ерга нисбатан хусусий мулкчилик секинроқ қарор топган. Шарқда қулдорлик тузумининг секинлик билан шаклланганлиги унинг бўлмаганлигини билдирмайди»[1]. Ҳурматли дарслик муаллифлари ўқувчини чалғитишга, баҳс-мунозараларни атайлаб иккинчи

[1] Крушкол Ю. С. Қадимги Дунё тарихи. Тошкент – 1974 95-бет



даражали масалаларга буриб юборишга уринаётганликларини сезиш қийин эмас. Бизнинг фикримизча, бу ерда баҳс-мунозара асосан Шарқ мамлакатларида жамоанинг узоқ яшаши, ерга хусусий мулкчиликнинг йўқлиги, Шарқ қулчилигининг антик қулчилигидан сезиларли даражада тафовут қилиш каби муаммоларнинг сабабига қаратилиши лозим. Бизнинг фикримизча, масалани Шарқда қулдорлик тузуми бўлганми ёки йўқми шаклида қўйиш мантиқсизликдир. Шарқда қуллар бўлганлиги шубҳасиз. Аммо ана шу қуллар меҳнати жамиятда асосий ўрин эгаллаган пайтлар бўлганми? Крушколь Ю.С. ушбу саволга қуйидагича жавоб беради: «Қадимги Шарқ подшоларининг, шунингдек ибодатхоналар ва акобир-аъёнларининг ер-мулкларида қуллардан фойдаланиш ҳамма вақт эксплуатациянинг устунлик қилувчи тури бўлган. Аммо бутун бошли мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалик ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг энг кўп қисми эркин майда ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган»[1]. Дарсликнинг ана шу жойи аниқ далолат бериб турибдики, Шарқда қуллар меҳнати ҳеч қачон етакчи ўринга кўтарилмаган.

Аммо тоталитар тузум замонида яратилган кўпчилик асарлар турли-туман йўллар билан тарихни сохталаштиришга, ўқувчиларни чалғитишга уриниб келди. Масалан, Конрад Н.И. ўқувчиларни Шарқ ва Ғарб умумий тараққиёт йўлига эга деб ишонтиришга уринади: «Қул мехнати қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида кенг қўлланила бошлади-ки, бу ўз навбатида майда эркин ишлаб чиқарувчилар аҳволини ёмонлаштирди. Бу жараён ерга хусусий мулкчиликка асосланган йирик ер эгалигининг кучайиши билан бирга борди. Ерга хусусий мулкчиликнинг кучайиши қандай аҳамиятга эга бўлганлигини эрамиздан аввал III асрда бутун Хитойни ўз қўл остида бирлаштирган Цинь подшолик тарихи кўрсатиб турибди. Эрамиздан аввалги IV асрда Цинь подшолигида ер олди-сотди объектига айланди, ерга эгалик қилишга белгиланган чекловлар бекор қилинди. Ана шу билан ерга жамоа эгалигига ҳал қилувчи зарба берилди-ки, шу билан жамоанинг хўжалик аҳамияти деярли йўққа чиқди. Қул меҳнатига асосланган йирик латифундияларнинг кенгайиши Ғарбда ҳам, Шарқда ҳам қуллар сонининг ошишига олиб келди, бу ўз навбатида қуллар

[1] Ўша жойда. 96 бет

меҳнатидан саноатда фойдаланиш кўламининг ошишига олиб келди»[1].

Кўриб турганимиздек, Конраднинг фикри Крушкольникидан анча кескин фарқ қилади. Крушколь Шарқ мамлакатларида қулдорлик тузуми бўлганлигини рад этмаган ҳолда қуллар меҳнати ҳеч қачон етакчи ўринга кўтарилмаган дейди. Конрад Н.И. эса қулчилик, қуллар меҳнатининг қўлланилиши масалаларида Шарқ ва Ғарбни аниқ бир қаторга қўймоқда. Бу муаллифлардан қай бирига ишониш мумкин? Ҳақиқатан ҳам Шарқ мамлакатларида қуллар меҳнатидан фойдаланиш етакчи ўринга кўтарилганми? Қулчиликнинг ривожланиши масаласида Шарқ билан Ғарбни бир қаторга қўйиш мумкинми?

Тарихчилар ўртасида узоқ вақтлардан буён Шарқ ва Ғарб қулчилиги ўртасидаги тафовут масаласида қизғин баҳс-мунозара давом этиб келмоқда. Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, гўё Шарқда арзигулик даражада қулчилик бўлмаган. Иккинчи гурух олимлар фикрларича, Шарқда ҳам худди Ғарбда бўлгани сингари ривожланган қулдорлик формацияси юз берган эмиш. Бу икки бутунлай қарама – қарши қутбли позицияни бирлаштирувчи тарафдорларининг фикрича эса Шарқда қулчилик бўлган, аммо Ғарб қулчилигига қараганда қуллар сони анча кам ва қўлланиш доираси анча торроқ бўлган. Бизнинг фикримиз ҳам ана шу нуқтаи назар билан деярли мос тушади, аммо биринчи ва иккинчи фикрларда ҳам маълум даражада ҳақиқат бор. Бир қарашда ҳозир айтилган фикр мантиқсиздек туюлиши мумкин – қандай қилиб бир-бирини инкор этувчи уч нуқтаи назарни бароварига тўғри дейиш мумкин?

Ҳамма гап шундаки, Шарқ тараққиёт йўли Ғарбникидан тамомила фарқ қиладиган шакл-шамойилига эгадир. Ғарб тараққиёти йўли тўғри чизиқли кўринишига эга бўлиб, жамият бири ортидан иккинчиси келувчи бир неча ижтимоий-иқтисодий формацияларни бошидан кечиради. Шарқ тараққиёти эса даврий кўринишга эга бўлиб, «давр»лар бир неча босқичга эгадир. Даврнинг дастлабки босқичи кўпчилик тадқиқотчилар томонидан «туғилиш» деб номланади. Бу босқич маълум бир дарё ҳавзасини ўз ичига олган, иқтисодида суғорма деҳқончилик устувор бўлган давлатнинг пайдо бўлиши жараёнини ўз ичига олади. Иккинчи

1 Конра Н. И. Избраннке труды. М. 1974 стр 205



босқич – «ўсиш» босқичида янги ерларни ўзлаштириш, янги суғориш тармоқлари бунёд этиш, қисқаси, жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ўсиш босқичидир. Шарқ қулчилиги ҳақидаги биринчи нуктаи-назар ана шу босқичларни акс эттиради. Чунки, бу даврда жамоа ер эгалиги ер эгалигининг асосий шакли бўлиб, майда ер эгалари ишлаб чиқарувчиларнинг асосий қисмини ташкил этади.

Турган гапки, бундай шароитда қулчиликни кенг кўламда қўллаш ҳақида ҳеч қандай гап-сўз бўлиши мумкин эмас. Аммо, учинчи – турғунлик босқичига келиб, ерлар айрим кишилар қўлида тўплана бошлайди. Бу жараён жамоа ерларининг қисқариши, эркин майда деҳқон хўжаликларининг ерсизланиши ва хонавайрон бўлиши билан бирга боради. Шарқ қулчилиги ҳақидаги иккинчи нуктаи-назар ана шу даврга мос келади. Чунки бир томондан ишлаб чиқариш воситалари – ер-сувдан маҳрум бўлган тоифа, иккинчи томондан эса йирик ер эгалигининг пайдо бўлиши қулчилик кўламини кенгайишига олиб келади. Аммо, қулчилик кўламининг кенгайиши узоқ давом этмаган. Негаки, йирик ер эгаларининг пайдо бўлиши марказий ҳокимиятни заифалаштириб қўйган. Натижада, мамлакат сув хўжалиги издан чиққан. Бунинг оқибатида эса аввало майда хўжаликлар, ундан кейинроқ эса йирик хўжаликлар ҳам касодга учрайдилар. Бу эса ўз навбатида қулчиликнинг яна торайишига сабаб бўлган.

Ҳар холда ушбу назариялар ичида учинчиси кўпроқ ҳақиқатга яқин бўлиб қолаверади – Шарқда қулчилик ҳатто энг ривожланган даврларда ҳам ҳеч қачон ишлаб чиқаришнинг етакчи усулига айланмаган. Кўриб турганимиздек, Шарқда жамоа билан қулчилик ўртасида маълум боғлиқлик бор – жамоа ер эгалигининг ўсиши қулчиликнинг қисқаришига, жамоа ер эгалигининг қисқариши эса қулчилик кўламининг кенгайишига олиб келар экан. Дарвоқе, жамоа ер эгалиги Шарқда жуда узоқ яшаган ва айрим мамлакатларда ҳозирги вақтларгача сақланиб қолган. Шарқда жамоаларнинг бунчалик узоқ яшашига сабаб нима? Бу саволга кейинги саҳифаларда жавоб беришга уриниб кўрамиз.

## 6. Шарқ ва Ғарбда ҳуқуққа бўлган муносабатнинг ўзига хослигини шакллантирувчи омил

ХХ асрнинг иккинчи ярми инсоният тарихига мустамлакачилик системасининг барбод бўлиши ва Осиё, Африка, Лотин Америкасида мустақил, миллий давлатларнинг пайдо бўлиш даври бўлиб киради. Мана шу мустақил миллий давлатлар ўз тараққиёт йўлларини белгилар эканлар, улар олдидаги энг муҳим вазифалардан бири мустақил давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини яратиш эканлиги шубҳасиздир. Мана шу миллий мустақил давлатнинг ҳуқуқий негизини яратишда нималарни ҳисобга олиш ва нималарга энг асосий эътиборни қаратиш лозим? Давлатнинг ҳуқуқий негизини яратишда ҳамма учун беистисно, умумий тартиб-қоидалар борми ёки ҳар бир давлат фақат ўз шарт-шароитидан келиб чиқиб, ўз ҳуқуқий пойдеворини қуриши лозимми? Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, ҳуқуқий жамият барпо этишнинг ҳамма учун мақбул келадиган умумий тартиб, қонун – қоидалари мавжуд ва ҳар бир ҳуқуқий жамиятда улар беистисно амал қилиши лозим. Шу билан бирга, ҳар бир миллат, элат ўз тарихи, ўзига хос урф – одатлар ва анъаналарга ҳам эга. Мана шу урф–одат, анъана, қадриятлар ҳуқуқий давлат қурилиши жараёнига, ҳуқуқий меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш ва амал қилиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатиши ҳам рад қилиб бўлмайдиган ҳақиқатдир.

Мустақил Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини белгилар экан ҳуқуқий, демократик, эркин бозор иқтисодиётига асосланган жамият қуришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўйди. Мустамлакачилик давридан мерос бўлиб қолган ҳуқуқий меъёрлар ўрнига янги мустақил давлат манфаатларини акс эттирадиган ҳуқуқий меъёрлар яратишда умуминсоний тамойиллар ва қадриятлар асосий мезон бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Шу билан бирга, бизнинг ўзимизга хос қадриятларимиз, анъана, урф-одат ва аҳлоқий қарашларимиз ҳам ҳуқуқий жамият қурилиши жараёнида ўз аксини, ўз ўрнини топиши лозим. Мустақил давлатнинг ҳуқуқий пойдеворини яратишда мана шу ҳар икки жиҳат тўла-тўкис эътиборга олинмоқда. Мустақил давлатимизнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳуқуқий негизининг ўрни ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А.Каримов шундай фикр билдиради: «Аввал бошданоқ биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик-зарур ҳуқуқий омилни шакллантирмасдан



турib, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислоҳотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини, ислоҳотлар ортга чекинмаслигининг кафолатини амалда яратиб бўлмайди»[1].

Шу билан бирга биз ўз тарихий тараққиёт йўлимиз, маънавий, аҳлоқий қадриятларимизни ҳисобга олган ҳолда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни яратишимиз лозим: «...Ниҳоят учинчидан, биз янгиланиш ва тараққиётда ўз йўлимизни, иқтисодиётни ислоҳ қилишда ўз моделимизни танлаб олдик. Шу сабабли бошқа мамлакатларнинг қонун меъёрлари ва ҳужжатларидан фойдаланиш ҳатто улар айнан бозор муносабатларига жавоб берса ҳам биз учун номақбул эди»[2].

Ҳар бир мустақил давлат ўз тараққиёт йўлини белгилар экан, ўз халқининг тарихи, миллий ўзлигини, маданий ва маънавий қадриятларини ҳисобга олишга мажбур. Ҳатто айтиш лозимки, ёш мустақил давлатнинг тараққиёт йўлида муваффаққиятга эришиши ана шу миллий ўзига хосликнинг нақадар теран англаб олинишига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Бошқача айтганда, танлаб олинган тараққиёт йўлининг, ислоҳотларнинг муваффаққияти ана шу миллий, маънавий ва аҳлоқий қадриятларнинг илдизларини чуқур англаб олишимизга боғлиқ. Шу нуктаи назардан қараганда, Шарқ мамлакатларида ҳуқуққа муносабат масаласини ўрганиш ўта муҳим аҳамият касб этади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик фанида эътироф этилишича, Шарқ ва Ғарбда ҳуқуққа муносабат тубдан фарқ қилади. Шарқ ва Ғарбда ҳуқуққа муносабат масаласи ушбу фан намояндалари томонидан (А. Ҳ. Саидов, Р. Давид) анча изчил ёритиб берилган. Биз қуйида Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ана шу тафовутнинг негизи, яъни илдизини кўрсатиб беришга ҳаракат қиламиз. Гарчи бизнинг текширишларимиз анчагина қадимги давлатчилик – илмий жамоатчилик орасида Шарқ деспотизми номи билан машҳур давлатчиликка тааллуқли бўлса-да, ҳар ҳолда ўша қадимий даврлардан қолган ҳуқуқий онг, ахлоқий қадриятларни ўрганиш бугунги кун учун ҳам фойдадан холи бўлмаса керак, чунки ўша давр давлатининг муносабатлари узоқ тарихий жараёнда ўз изини сақлаб қолган.

[1] Каримов. И Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. 29-бет.
[2] Ўша асар, 31-бет.

Анънавий Шарқ давлатчилиги – деспотиянинг келиб чиқиш сабаблари, моҳияти ва асосий хусусиятлари ҳақида социологлар, сиёсатшунослар, тарихчилар анча узоқ даврлардан бери баҳс юритиб келадилар. Деспотиянинг баъзи бир хусусиятлари ҳақида ўз вақтида Аристотель ўринли фикрларни билдириб ўтган. Француз ёзувчиси Монтескъе деспотияни самарасиз тузум сифатида таърифлайди. Немис олими К.А.Виттфогель ўзининг машҳур «Шарқ деспотизми» номли асарида деспотия суғорма деҳқончилик талабларидан келиб чиқишини етарли даражада исботлаб берган. Бугунги кунда деспотия айнан суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиши етарли даражада ўз исботини топган дейишимиз мумкин. Шунинг учун биз бу борада ортиқча тафсилотларга эҳтиёж йўқ деб ҳисоблаймиз. Ҳозир бизни қизиқтираётган энг асосий масала биринчидан: деспотиянинг моҳияти нима, яъни у бошқа типдаги давлатлардан асосан нимаси билан фарқ қилади; иккинчидан: ушбу тафовутни туғдирувчи омил нимадан иборат деган саволларга жавоб топишдир.

Бизнинг фикримизча, деспотик жамиятнинг бошқа ижтимоий – иқтисодий тузумлардан асосий фарқи – давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётида ҳуқуқ эмас, балки урф-одат анъналар ва ахлоқнинг кенгроқ ва муҳимроқ ўрин тутишидир. Шарқ тараққиёт йўлининг ҳар бир хусусияти суғорма деҳқончиликнинг бирор бир хусусияти – талабидан келиб чиқишини исботлаш мумкин. Масалан, Шарқда давлатларнинг бир дарё ҳавзасидан кам бўлмаган ҳудудда марказлашганлигини олайлик: бир дарё сувига икки давлат эгалик қилиши сувдан фойдаланишни мураккаблаштириб юбориб, ўртада ихтилоф пайдо бўлишига олиб келади. Ихтилоф натижасида эса эртами-кечми икки давлат ўрнида битта давлат пайдо бўлади.

Ёки Ғарбда ер эгалигининг асосий шакли хусусий мулкчилик бўлгани ҳолда, Шарқда ер асосан давлат мулки ҳисобланган. Маълумки, Шарқда айниқса суғорма деҳқончилик иқтисодда муҳим ўрин тутган мамлакатларда ер сув билангина ҳақиқий қийматга эгадир, яъни ер билан сув ажралмасдир. Сув хўжалиги эса ўз-ўзидан маълумки, давлат қўлидадир. Бошқача айтганда суғорма деҳқончилик бир дарёдан суғориладиган ерларни яхлит хўжаликка айлантиради ва ўз-ўзидан тушунарлики, бу хўжаликнинг эгаси давлатдир.

Худди шунингдек, Шарқда ҳуқуқдан кўра урф-одат, анъаналар ва ахлоқнинг кенгроқ ва муҳимроқ ўрин эгаллаши ҳам суғорма



деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқади. Қиёсий ҳуқуқшуослик намояндалари (А.Х.Саидов, Р.Давид) Шарқ мамлакатларини ҳуқуққа муносабат масаласида қуйидаги гуруҳларга бўладилар:

1. Мусулмон ҳуқуқи
2. Ҳиндуизим ҳуқуқи
3. Узоқ Шарқ ҳуқуқи

Муаллифларнинг фикрича, мусулмон ҳуқуқи тўрт манбага суянади: Қуръон; Суннат; Ижмо; Қиёс; Ҳиндуизм ҳуқуқининг асоси ҳиндуизм динидир. Узоқ Шарқ ҳуқуқи эса асосан Конфуций таълимотига асосланади.

Муаллифларнинг фикрича бутун Шарқ мамлакатларида ҳуқуққа бўлган муносабат моҳиятан олганда ўхшаш, маълум тафовутлар эса асосан диний, мафкуравий, маданий, ахлоқий қадриятлар ўртасидаги тафовутдан келиб чиқади. Худди шунингдек, Ғарб мамлакатларидаги ҳуқуққа бўлган муносабатнинг умумийлигини ҳам муаллифлар фалсафий, аҳлоқий, маданий принципларнинг умумийлигига асосланади деб тушунтирадилар. Бу фикрни маълум даражадагина тўғри дейиш мумкин, чунки чуқурроқ фикр юритилса, бу фикр танқидга бардош бера олмайди. Ғарб давлатлари ана шу фалсафий, ахлоқий, маданий қадриятларнинг умумийлигини қаердан олишган?

Бизнинг фикримизча, Ғарб давлатларидаги ҳуқуққа бўлган муносабат ана шу мамлакатларга хос бўлган ишлаб чиқариш усулидан, яъни лалмикор деҳқончиликдан келиб чиқади. Лалмикор деҳқончилик ҳар бир хўжаликнинг субъектининг мустақиллигини таъминловчи омилдир. Ҳар бир хўжалик субъектининг иқтисодий эркинлиги Ғарб халқларига хос бўлган индивидуалистик кайфиятни рағбатлантирувчи фактордир. Ҳуқуқнинг Ғарб мамлакатларида ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситасига айланиши ана шу индивидуализмга асосланган ижтимоий характер билан боғлиқдир дейишимиз мумкин. Қиёсий ҳуқуқшунослик фани намояндалари назарда тутаётган фалсафий, маданий, ахлоқий қадриятлар умумийлигининг асоси ҳам худди ана шу ишлаб чиқариш усули, яъни лалмикор деҳқончиликдир.

Шарқ мамлакатларида ҳуқуққа бўлган муносабатнинг суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқишини исботловчи биринчи далил Ғарб мамлакатларидир. Иқтисоди суғорма деҳқончиликка асосланган Шарқда ҳуқуқ асосий роль

ўйнамайди, иқтисоди лалмикорликка асосланган Ғарбда эса ҳуқуқ ўзаро муносабатларнинг тартибга солишининг асосий воситасидир. Иккинчи яна бир далил – Шарқ мамлакатларини ҳуқуққа муносабат жиҳатидан классификациялашга асосланганлиги. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, мамлакат иқтисодида суғорма деҳқончиликнинг аҳамияти қанчалик юқори бўлса, ҳуқуқ мамлакат ҳаётида шунчалик камроқ ўрин эгаллайди. Бунда географик муҳит, яъни дарёларнинг серсувлиги, рельеф ва бошқалар ҳам маълум аҳамиятга эгадир. Масалан, суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамияти жиҳатидан Хитой Мисрдан кейинги ўринда туради. Миср қишлоқ хўжалигида лалмикор деҳқончилик учун ҳам, чорвачилик учун ҳам шароит йўқ. Аммо Хитойнинг иқтисодида лалмикорлик ва чорвачилик маълум аҳамиятга эгадир. Аммо шунга қарамай, ҳуқуққа муносабат масаласида энг мумтоз (классик) мамлакат сифатида Миср эмас, балки Хитой тан олинади. Бунинг сабаби эса Хитойнинг ўзига хос рельефидир: дунёдаги энг катта текисликлардан бири бўлган буюк Хитой текислиги туфайли Хитойда сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик ўзининг кўлами жиҳатидан Мисрдан бир неча баробар ошиб кетади.

Худди шу туфайли ҳам Хитойда ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтиш ўзининг энг юқори кўринишига етади: «Конфуций таълимотича идеал инсон шундай одамки, у дунёда ҳукм сурувчи тартибни яхши англайди, бу муносабатларнинг аҳамияти ва мақсадини тан олади ва шу йўл билан табиий мувозанатни сақлаш учун ўз манфатларидан воз кечади»[1].

Бизнинг нуқтаи назаримиз бўйича суғорма деҳқончилик аҳолида ўзидан ёш ва мансаб жиҳатидан улуғларга ҳурмат сақлашни ва итоаткор бўлишини талаб этади. Хитойда ҳуқуққа бўлган муносабат бизнинг бу фикримизни яққол тасдиқлайди: «Агарда ака укани урса ҳеч қандай жазо қўлланилмайди; агарда ука акани урса ўттиз ой сургун қилинади ҳамда бамбук таёғи билан тўқсон марта урилади»[2]. Хитойда ҳуқуққа муносабат масаласи Р.Давид асарида ҳам анча изчил ёритилган: «Хитой мутафаккирларини ҳуқуқ фани қизиқтирмаган»[3], «Хитой ҳуқуқи шубҳасиз бор, аммо давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида ҳуқуққа таянилмаган»[4].

---

[1] Саидов. А. Х сравнительное правоведение Т:. 1999. Стр. 162.
[2] Саидов. А. Х Сравнительное правоведение Т:. 1999. стр. 378.
[3] Давид. Р. Основнке правовые системы современности. М:. 1967. стр 386
[4] Там же. стр. 387.



Муаллифларнинг фикрича, мусулмон мамлакатларида ҳам ҳуқуқ давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётида асосий ўрин эгалламайди. Бу жиҳатдан олганда Осиё мамлакатларининг дярли ҳаммаси ўхшашдир. Аммо мусулмон мамлакатларида ҳуқуққа бўлган муносабат барибир Узоқ Шарққа нисбатан анчагина тафовутга эга. Бунинг сабаби эса шуки, бу мамлакатларда ҳуқуққа бўлган муносабат Ислом дини асосида шаклланган, чунки...»Ислом ўз моҳиятига кўра ҳуқуқ динидир»[1]. Мусулмон мамлакатларида ҳам асосан ҳуқуқдан кўра урф-одат, анъналар ва ахлоқ давлат бошқаруви ва жамият ҳаётида кенгроқ ва муҳимроқ ўрин тутсада, аммо шариат аҳкомлари бу мамлакатлар ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутган. Урф-одат ва анъаналар шариатга тўғридан, тўғри зид бўлмаган ҳоллардагина амал қилган. Таниқли тарихчи олим Б.Аҳмедовнинг «Улуғбек» номли тарихий асарида бу фикрни тасдиқловчи яхши бир мисол топиши мумкин: «Бир куни Улуғбек ҳузурига бир ҳарбий киши келиб:

– Акам вафот этди. Ундан бева хотин билан икки етим бола қолди. Одат бўйича мен унга уйланишим ва болаларга оталик қилишим керак. Аммо у аёл қаршилик қилаяпти, деди.

Улуғбек ясовулбошини чақирди:

– Бу одам билан бирга бориб, ўша аёлга буюр, унга турмушга чиқсин.

Худди ўша пайтда подшоҳ ҳузурида Абулфатҳ Дайлар ўтирган эди. У подшоҳга мурожаат қилди:

– Бироз шошмасинлар ҳазратим. Ҳа, шундай одат бор. Аммо у фақат кўчманчиларда сақланиб қолган. Бунинг устига шариат бўйича никоҳланиш учун ҳар иккала томоннинг розилиги талаб қилинади.

Улуғбек ўша ондаёқ қоровулбегини чақирди ва аввалги буйруғини бекор қилди»[2].

Ушбу мисолда биз ҳуқуқнинг одат устидан ғалаба қилишига гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо ҳамиша ҳам шундай бўлавермаган. Шариат бўйича никоҳ учун ҳар иккала томоннинг розилиги талаб қилинса ҳам аммо ҳаётда кўпинча бошқача манзарага дуч келинар эди:

---

[1] Ўша ерда. 456-457 бет.
[2] Аҳмедов Б. «Улуғбек", Ташкент. 1994, стр-113

Кумушни бир эмас, икки марта унинг розилигисиз эрга берадилар;

Отабек ўзи истамаган ҳолда иккинчи марта уйланишга мажбур бўлади;

Раъно Анварга аталган эди, яъни фотиҳа бор эди. Аммо хон тарафидан юборилган совчилар бу фотиҳани назар, писанд қилмайдилар-у, Раънони хонга унаштириб, «Фотиҳа муҳри худодир» дейдилар.

Юқорида зикр қилганларга суяниб айтиш мумкинки, мусулмон мамлакатларида ҳуқуққа бўлган муносабат фақатгина ислом ақидалари асосида шаклланмаган. Балки бу мамлакатларга хос бўлган ишлаб чиқариш усули – суғорма деҳқончилик ҳуқуққа бўлган муносабатни шакллантирувчи асосий омил бўлган. Чунки яна бир бора таъкидлаймизки, суғорма деҳқончилик аҳолида ўзидан ёш ва мансаб жиҳатидан улуғларга ҳурмат ва итоаткорликни талаб этади. Бошқача айтганда, ўзидан ёш ва мансаб жиҳатидан улуғларга ҳурмат ва итоаткорлик аҳолининг ижтимоий характери даражасига кўтарилади. Таниқли файласуф Э. Фромм таъкидлашича, ижтимоий характер – бу одат демакдир. Суғорма деҳқончиликнинг шартлари ва талаблари эса бу одатни шунчалик юқори даражага кўтарадики, ҳатто шариат рукнлари ҳам бу одат қаршисида ожизлик қилади ва натижада «Шариат зўрми ёки шароит» мақоли пайдо бўлишига олиб келади.

Қиёсий ҳуқуқшунослик илми намояндаларининг Шарқ мамлакатларини ҳуқуққа муносабат жиҳатидан классификациялашда асосан субъектив жиҳатдан, яъни асосан бу мамлакатларга хос бўлган диний-фалсафий системалардан келиб чиқиб ёндашувлари ўзини тўла оқлаган дейиш қийин. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳуқуққа бўлган муносабат асосан ишлаб чиқариш усули (Шарқ мисолида суғорма деҳқончилик) талаблари асосида шаклланади. Мазкур фикрни муаллифларнинг ўзлари ҳам бир неча ўринларда эътироф этадилар: «Ҳуқуқий системани у амал қиладиган ижтимоий, иқтисодий шароит ҳамда конкрет-тарихий генезисини тўла ҳисобга олган ҳолда қараш ҳозирги замон қиёсий ҳуқуқшунослигининг муҳим шартидир»[1].

Қиёсий ҳуқуқшунослик намояндаларидан бири Р. Давид ҳам ўз асарида ҳуқуққа бўлган муносабат кодекслар яратиш билан ўзгариб

1 Саидов. А. Х. Сравнительное правоведение Т:. 1999. стр. 382.



қолмаслигини, балки ҳуқуқнинг давлат бошқаруви ҳамда жамият ҳаётида худди Ғарбдагидек ўрин эгаллаши учун жамиятда чуқур ижтимоий – иқтисодий ўзгаришлар лозим эканлигини Япония мисолида таъкидлайди.

Демак, бизнинг фикримизча, Шарқ мамлакатларида ҳуқуқдан кўра урф-одат, анъаналар ва аҳлоқий қадриятларнинг кенгроқ ва муҳимроқ ўрин тутиши Шарққа хос бўлган ишлаб чиқариш усули – суғорма деҳқончиликдан келиб чиқади. Атоқли шарқшунос олим К.А.Виттфогель ўзининг машҳур «Шарқ деспотизми» асарида анъанавий Шарқ давлатчилиги-деспотиянинг асоси суғорма деҳқончиликдир, деган фикрни илгари суради. Мантиқан олиб қараганда, ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтиш деспотиянинг энг асосий хусусиятларидан биридир. Демак, биз мантиқий фикрлашга асосланган ҳолда қиёсий ҳуқуқшунослик фани намояндалари назарда тутаётган Шарқ мамлакатларининг хусусиятлари – яъни ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтиш анъанавий Шарқ давлатчилигининг асосий хусусиятидир ва бу хусусият суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос талаб ва шартларидан келиб чиқади, деб хулоса қила оламиз.

Анъанавий Шарқ давлатчилиги – деспотиянинг моҳияти нима ва у қандай хусусиятларга эга? Америкалик сиёсатшунос олим А. Янов К. А. Виттфогелнинг фундаментал «Шарқ деспотизми» номли асари ҳамда бошқа муаллифларга таянган ҳолда Деспотизм давлатнинг ишлаб чиқариш устидан маъмурий бошқаруви ёки унинг натижаларини ўзлаштириб олишига асосланган, деган фикрни билдиради. Аммо К.А.Виттфогелнинг ўзи худди ўша «Шарқ деспотизми» асарида бошқача фикрни илгари суради: «Гидравлик жамият» бошқа ижтимоий–иқтисодий тузумлардан асосан йирик ирригация иншоотлари қурилишининг давлат томонидан амалга оширилиши билан фарқ қилади дейди. Бизнинг фикримизча, мазкур муаллифларнинг фикрларига қўшилиш қийин: Улар ўзлари кўрсатаётган омил нима сабабдан ва қандай қилиб деспотияни вужудга келтирилишини кўрсатиб ўтмаганлар. Қолаверса, масалан: К.А.Виттфогелнинг фикридан келиб чиқадиган бўлсак, Нидерландияда ҳам кучли деспотик давлат ташкил топиши керак эди. Негаки, бу ерда ҳам халқ тўғонлар қурилиб ўз ерларини денгиз тошқинларидан ҳимоя қилиб келинади. Аммо биз бу ерда деспотия нишонасини кўрмаймиз.

Агарда ишлаб чиқариш устидан давлат назоратининг ўрнатилиши деспотиянинг туғдирувчи сабаб бўлса, собиқ тоталитар тузумни ҳам деспотик давлатлар қаторига қўшиш керак эди. Холбуки, агарда биз ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтиш деспотиянинг асосий хусусиятидир деган фикрга асосланадиган бўлсак, собиқ тоталитар тузумни деспотик давлатлар қаторига қўшиш қийин. Чунки собиқ шўролар мамлагатида формал тарзда бўлса-да ҳуқуқ ва қонунчиликка риоя этилар эди. Бизнинг фикримизча, собиқ шўролар мамлакатини деспотик давлат сифатида эмас, балки диктатурага асосланган давлат сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлар эди. Чунки бу тузум анънавий Шарқ давлатчилигидан фарқли ўлароқ, бутун жамиятнинг эмас, балки маълум бир табақанинг манфаатларини акс эттирар ва бу манфаатни зўравонлик ёрдамида таъминлар эди. Диктатурадан фарқли равишда анънавий Шарқ давлатчилиги бутун жамият манфаатларини акс эттиради. Чунки, айниқса иқтисодида суғорма деҳқончилик етакчи аҳамиятга эга бўлган мамлакатларда аҳолининг сувга бўлган эҳтиёжи жамиятнинг энг умумий эҳтиёжига айланади ва бу эҳтиёжни таъминлаш учун давлат деспотик хусусиятга эга бўлиши лозим. Агарда биз анъанавий Шарқ давлатчилигининг энг муҳим хусусияти-ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтишдир ҳамда бу хусусият суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос талаб ва шартларидан келиб чиқади деган тезисга асосланадиган бўлсак, шундай савол пайдо бўлади: суғорма деҳқончилик нима учун деспотияни талаб қилади? Суғорма деҳқончиликнинг қай бир талаб ва шарти ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтишни талаб этади? Биз юқорида Шарқ тараққиёт йўлининг хусусиятлари суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос талаб ва шартларидан келиб чиқишига мисоллар келтириб ўтдик. Модомики, ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтиш анънавий Шарқ давлатчилигининг энг асосий хусусияти экан, демак мазкур хусусият суғорма деҳқончиликнинг энг муҳим талаб ва хусусиятларидан келиб чиқади, деган фикр ҳам мантиқийдир.

Бизнинг фикримизча, суғорма деҳқончиликнинг энг асосий хусусиятларидан бири шуки, сувга бўлган эҳтиёж бир дарёдан сув ичадиган аҳолини бир манфаат асосида жипслаштиради. Натижада, аҳоли ижтимоий характерида жамоавийлик руҳи устун бўлади. Бу жамоавийлик руҳи Ғарбдаги индивидуалистик кайфиятнинг тескарисидир. Умумий, муштарак манфаатлар билан жипс



боғланган жамиятда ўзаро муносабатларни тартибга солишнинг асосий воситаси ҳуқуқ бўлиши мумкин эмас. Балки урф-одат анъаналар ва ахлоқ ўзаро муносабатларни тартибга солишда кенгроқ ва муҳимроқ ўрин эгаллайди. Чунки суғорма деҳқончиликнинг самарадорлиги жамиятнинг барқарорлигига боғлиқдир. Барқарорликни сақлашнинг биринчи шарти эса ҳар бир киши жамоа манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиши лозимдир. Бу хусусият ўзбекларда андиша деб аталади. Конфуций фалсафасининг асосий мағзини ҳам мана шу тушунча ташкил этади дейиш мумкин: «Конфуций таълимотига мувофиқ, агарда кимдир бошқа биров унга нисбатан «ли» қоидаларини бузди деб ҳисоблайдиган бўлса муаммони бўрттиришга уринмасдан, ўзининг ҳақлигига урғу бериб, судга мурожаат қилмасдан, холисона муҳокама йўли билан келишмовчиликни ҳал қилишига ҳаракат қилиши лозим»[1]. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўзбекларда андиша номи билан аталувчи ана шу хусусият мусулмон, ҳинд, Узоқ Шарқ халқларининг деярли барчасига хосдир. Шуниси диққатга сазоворки, суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамияти қанчалик юқори бўлса, аҳоли ижтимоий характерида андишанинг ўрни шунчалик юқори бўлади. Бу жиҳатдан Хитойни мумтоз (классик) мамлакат деб қараш мумкин. Бунинг сабаблари ҳақида эса юқорида гапириб ўтдик.

Суғорма деҳқончиликни самарали йўлга қўйишнинг яна бир муҳим шарти-сув тақсимоти устидан давлатнинг қатъий назорат ўрнатиши лозимлигидир. Хўш, нима учун айнан сув тақсимоти давлатнинг деспотик хусусияти, яъни ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтиб, фақат ўз хоҳиш-иродасини намоён этиш хусусиятини талаб этади? Ахир давлатнинг бошқа соҳаларида ҳам тақсимот ва назорат қилиш вазифалари борку? Бизнинг фикримизча, сув тақсимоти функциясидан фарқли равишда давлатнинг бошқа функциялари, масалан, солиқ ундириш ёки бошқарув функцияси маълум бир белгилаб қўйилган тартиб, қонун-қоидалар асосида амалга оширилади.

Сув тақсимоти функцияси нима сабабдан давлатнинг деспотик, яъни фақат ўз хоҳиш-иродасини намоён қилишни талаб этишини тўғри тушунмоқ учун суғорма деҳқончиликнинг асосий бўғини – сув хўжалиги ва сув тақсимотининг хусусиятлари билан чуқурроқ

[1] Саидов. А. Х. Сравнительное правоведение Т:. 1999. стр-378.

танишмоқ талаб қилинади. Бизнинг фикримизча, сув хўжалиги ҳамда сув тақсимотининг қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

1. Сув миқдорининг йиллараро ва фасллараро бир меъёрда бўлмаслиги.

2. Сувга бўлган талабнинг фасллараро ўзгариб туруши.

Бирор бир товар-маҳсулотни маълум даражада ўз қийматига мувофиқ сотиш-сотиб олишнинг биринчи шарти талаб ва таклиф ўртасидаги маълум бир мувозанатдир. Агарда мувозанат бузилса, яъни талаб таклифдан ошиб кетса ёки аксинча, таклиф талабдан ошиб кетса, бозор «бузилади».

Оддий товарлар бозорида бирор бир товарга бўлган талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатнинг узоқ вақт давомида бузилиши амалда деярли рўй бермайди. Аммо сув хўжалигининг юқорида таъкидланган хусусиятлари туфайли унга бўлган талаб ва таклиф ўртасида мувозанат деярли бўлмайди: сув гоҳида кераксиз ҳолда оқиб ётади, гоҳида етишмайди, баъзан эҳтиёжга нисбатан ниҳоятда кам бўлади. Мана шундай ўзига хос бир «бозор»да маълум бир тартиб ўрнатиш-талаб ва таклиф ўртасида маълум бир даражада мувозанатга эришиш учун нима қилиш лозим?

Бизнинг фикримизча, сув ҳам худди сотишга мўлжалланган бошқа маҳсулотлар каби товардир. Фақат оддий эмас, балки ўзига хос товардир. Бунда шуни назарда тутиш керакки, биз сувни товар деганимизда маълум меҳнат эвазига деҳқон еригача етказиб берилаётган сув назарда тутилади. Табиий ҳавзалардаги сув, яъни меҳнат сарфланмай ўзи оқиб келадиган сув товар эмас.

Сиёсий иқтисод фанида уқтирилишича, бирон бир маҳсулотнинг товарга айланиши учун унда учта хусусият мужассам бўлмоғи лозим:

1. Маълум бир эҳтиёжни қондириши.
2. Маълум бир меҳнат сарфланиши.
3. Сотишга мўлжалланганлиги.

Сувда товарнинг биринчи икки хусусияти очиқ-ойдин кўриниб турибди: эҳтиёжни қондиради ҳамда маълум бир меҳнат эвазига келтирилади. Аммо сувнинг сотишга мўлжалланганлиги бир қарашда кўзга ташланмайди, чунки у алоҳида ўзига хос бўлган товардир-унинг олди-сотди жараёни бошқа оддий товарларга нисбатан анча мураккаброқ. Бунга бир неча сабаблар мавжуд: булар сув хўжалиги ва сув тақсимотининг ўзига хос хусусиятларидир. Юқорида айтилгандек, сув хўжалигида талаб ва таклиф ўртасида



деярли мувозанат бўлмайди. Сув гоҳида кераксиз, бекорга оқиб ётади, гоҳида етишмай қолади. Кечагина кераксиз оқаётган сувни бугун пулга сотиш имконсиздир. Бу биринчидан. Иккинчидан, сувни бевосита истеъмолчи– деҳқонга етказиб берилаётган «товар» сотувчи қўлидан харидорга ўтаётган пайтда маҳсулот ҳажмини ўлчаш ва унга нарх-наво белгилаш имкони йўқ. Яъни, мазкур «олди-сотди» сизубиз ўрганган оддий олди-соттидан бутунлай фарқ қилади.

Бозорда олди-сотди жараёнида қатнашувчи ҳар бир томон маълум бир ҳуқуқий муносабатларга киришадилар. Мазкур жараёнда ҳар икки томон ҳам тенг ҳисобланади, лекин бу олди-сотди жараёнида харидорнинг ҳуқуқлари юқорироқ туради, яъни у сотиб оладиган товари учун маълум кафолат талаб қилишига ҳақли, бундан ташқари маълум чегирма ва имтиёзлар ҳам харидорнинг ҳуқуқи ҳисобланади. Аммо шунга қарамай, бу олди-сотди жараёнида томонларнинг тенглиги ва эркинлиги асосий ўринда туради, чунки харидор хоҳласа олади, хоҳламаса йўқ, сотувчи ҳам ўз товарини ҳар бир харидорга сотишга мажбур эмас. Аммо биз кўриб чиқаётган соҳа – сув тақсимотида бутунлай бошқача ҳолат ҳукмронлик қилади. Бу ерда ҳам моҳиятан олганда «олди-сотди» юз беради: давлат – сув таъминотчиси-сотувчи, сув махсулот, деҳқон эса харидордир. Аммо оддий бозордан фарқли равишда бу ерда томонлар тенг ҳуқуқий муносабатларга кириша олмайдилар. Бу ерда давлат ҳам, фуқаро ҳам эркин эмас, давлат фақатгина вазиятга қараб иш тутишга мажбур, яъни у ҳар бир талабгорнинг талабига яраша эмас, балки ўзининг имкониятига яраша сув бера олади. Харидор-деҳқон ҳам эркин эмас, у ўзи хоҳлаган пайтда, ўзи хоҳлаган миқдорда сув ололмайди, балки давлат томонидан тақсимлаб берилган миқдорда ва белгиланган вақтда сув олиши мумкин. Демак, мазкур «олди-сотди» жараёни қатнашчилари тенг ҳуқуқий муносабатларга кириша олмайдилар. Бизнинг фикримизча, сув тақсимотининг мана шу хусусияти анъанавий Шарқ давлатчилигининг асосий хусусияти – ҳуқуқ соҳасини четлаб ўтишга олиб келадиган энг муҳим сабабдир. Чунки жамиятшуносларнинг фикрича, ишлаб чиқариш муносабатларининг хусусиятлари жамият сиёсий устқурмасининг хусусиятларига белгиловчи таъсир кўрсатади.

Шундай қилиб, биз Шарқ ва Ғарб мамлакатларида ҳуқуққа бўлган муносабатни шакллантирган омил нимадан иборатлигини

кўриб ўтдик ва мазкур масала юзасидан ўзимиз олға сураётган тезисни имкон даражасида асослашга эришдик, деб ўйлаймиз. Яна такрор айтамизки, бизнинг тадқиқот объектимиз анча қадимги даврларга хос бўлган давлатчиликдир. Бугун Шарқ давлатларининг деярли барчаси тараққиётда, жумладан ҳуқуқий онг, ҳуқуқий муносабат масаласида ҳам анча илгарилаб кетишди.

Айниқса, мустақил Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлини ҳуқуқий демократик тамойиллар асосида белгиламоқда. Аммо ўтмиш асоратларидан, унинг таъсиридан бирданига қутилиб ҳам бўлмайди. Бизнинг фикримизча, Шарқ тараққиётнинг мана шу хусусиятлари мустақил давлатимизнинг тараққиёт йўлини белгилашда албатта ҳисобга олиниши лозим. Масалан, ҳуқуқий меъёрларни, қонунларни яратиш нисбатан осон, аммо қонунлар ҳамма жойда бирдай амал қилиши бошқа масала. Одамларнинг ҳуқуқий онги, қонунга бўлган муносабати бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Демак, қонунларни қабул қилишда ҳам, уларни ҳаётга тадбиқ этишда ҳам бизнинг ўзимизга хос жиҳатларни, уларнинг юзага келтирувчи омилларини ҳисобга олиш лозим. Бизнинг фикримизча, Шарқда, хусусан Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик жамият қуриш, ислоҳотларни амалга ошириш йўлидаги энг катта қийинчилик мана шундадир. Модомики, Шарқ мамлакатларида ҳуқуққа муносабатнинг ўзгачалиги суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқар экан, демак янгича ҳуқуқий онг, янгича дунёқарашни шакллантиришнинг объектив шарти мамлакатнинг индустриал мамлакатга айланишидир, деган фикр ҳам мантиқийдир.

Асрлар давомида қишлоқ хўжалиги мамлакати бўлиб келган мамлакатни индустриал мамлакатга айлантириш маълум вақт талаб қилиши шубҳасиздир. Бунда жамият олдида турган объектив ва субъектив қийинчиликларни унутмаслик лозим. Иккинчидан, ҳар қандай ижтимоий ҳодиса маълум инерция кучига эга. Айниқса, анъаналар, урф-одат ҳукмронлигини нисбатан қисқа фурсатда енгиб ўтиш имконсиздир. Бизнинг фикримизча, мустақил Ўзбекистоннинг ҳуқуқий тараққиёти жараёнида мана шу жиҳатлар инобатга олинаётганлиги қувонарли ҳолдир. Масалан, жиноий жавобгарлик ҳуқуқининг либераллаштирилиши, яраштириш институтининг жорий қилиниши ўзимизга хос жиҳатлар ҳуқуқий демократик жамият қурилишида эътиборга олинаётганлигини кўрсатувчи далилдир. Ҳуқуқий давлат қурилиши машаққатли



меҳнатни талаб этадиган ва анча узоқ давом этадиган жараён эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ҳуқуқнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини шундай баҳолайди: «Қабул қилинган норматив – ҳуқуқий ҳужжатларни муваффақият билан ҳаётга тадбиқ этиш кўп жиҳатдан янгича ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш билан боғлиқ». «Қонун устуворлиги тантана қилишига, унга оғишмай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак»[1].

Турган гапки, Шарқ тараққиётининг ўзига хослиги ва унинг янги, мустақил давлатлар тараққиёт йўлига таъсири масаласи жуда улкан, долзарб масаладир. Бундай улкан масалани фақат биргина тарихий таҳлил билан нукта қўйиш сира-сира мумкин эмас. Ўйлаймизки, илм аҳли – тарихчилар, файласуф, сиёсатшунослар ва социологлар мазкур мавзуга етарли диққат-эътибор қаратадилар. Зеро, бу мавзу эътиборга арзигулик мавзудир дейишга ҳамма асослар бор. Жамиятшунос олимларнинг биргаликдаги ушбу муаммо доирасидаги илмий тадқиқоти бугунги кунда жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган ижтимоий тартибни барқарорлигини таъминлашга хизмат қиладиган илмий хулосалар ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

## 7. Шарқ мамлакатларида такрорланиб келувчи «давр-цикл»нинг юз бериш механизми

Барча вақтларда жамиятшунос олимларни жамият нима? У ривожланадими? Агар у ривожланса, қандай қилиб ривожланади? Турли халқлар тараққиёти ўртасидаги тафовутнинг сабаби нимада?, деган саволлар қизиқтириб келади. Тарихга материалистик нуқтаи назардан ёндашувчилар (тўғри чизиқли тараққиёт назарияси) жамият тараққиётининг асоси – ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишидир деб тушунтирадилар. Мазкур назария бўйича тараққиёт доимо оддийдан мураккабга ва қуйидан юқорига қараб ривожланиб боради. Бизнинг фикримизча, ушбу назария Ғарб тараққиёти йўлини асосан тўғри тушунтириб бера олади-ю, аммо Шарқ тараққиётининг ўзига хос жиҳатларини, масалан, Шарқда

[1] Каримов и. А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. Т:. 1995. 42 бет.

вақти-вақти билан такрорланиб турувчи «давр»– циклнинг моҳияти ва сабабини тушунтириб бера олмайди.

Социологиядаги географик йўналиш вакиллари жамият тараққиётига географик муҳит (иқлим, дарёлар, тупроқ, рельеф) ҳал қилувчи таъсир кўрсатади, деб даъво қилсаларда, аммо ана шу географик муҳит тараққиётга қай йўл билан, қандай қилиб таъсир кўрсатишини аниқлай олмадилар. Шарқ тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан «давр»-циклнинг юз бериш сабаблари ҳар иккала мактаб томонидан ҳам очилмай қолганлиги тараққиёт ҳақидаги учинчи йўналиш-даврийлик-циклизм назариясининг пайдо бўлишига олиб келди. Ушбу назария (намояндалари О. Шпенглер, А.Тойнби) тарихий тараққиётни яхлит, умумий жараён эмас, балки алоҳида-алоҳида цивилизациялардан иборат деб даъво қилади. Мазкур маданият (цивилизация)лар қандайдир иррационал тарзда бирор бир минтақада пайдо бўлиб, бир неча босқични босиб ўтади ва яна йўқ бўлиб, кетади. Масалан, А.Тойнби ҳар бир цивилизация тўрт босқични, яъни туғилиш, ўсиш, турғунлик ва инқироз даврини босиб ўтади деб даъво қилади. Бизнинг фикримизча, ҳар учала йўналиш (мактаб) томонидан ҳам давр-циклнинг моҳияти, унинг тарихий тараққиёт жараёнидаги ўрни ва юз бериш қонунияти тўла очиб берилган эмас. Тарихий тараққиёт назарияси соҳасида ҳамон «оқ доғ»лигича қолаётган ушбу муаммони ҳал қилмасдан туриб эса инсоният тарихий тараққиётининг тўлиқ манзарасини яратиб бўлмайди.

Илм аҳли орасида узоқ йиллардан буён кўпдан-кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётган ана шу давр-циклнинг ўзи нима? Уни қандай омиллар юзага келтиради? Унинг инсоният тарихий тараққиёти жараёнидаги ўрни қандай? Бизнинг фикримизча, «давр» айримлар даъво қилаётганидек, умумжаҳоний характерга эга бўлмай, балки асосан Шарқ тараққиётига хос ҳодисадир. «Давр»нинг моҳиятини тўла англамоқ учун суғорма деҳқончиликнинг хусусиятлари билан бир қадар танишиб чиқиш керак бўлади.

Суғорма деҳқончилик Шарқ иқтисодининг асосини ташкил этиб келган десак янглишмаймиз. Шарққа хос бўлган қуруқ ва иссиқ иқлим деҳқончиликни сунъий суғориш асосида олиб боришни талаб қилади. Бу деҳқончиликнинг самарадорлиги, биринчидан, давлатнинг бир дарё ҳавзасидан кам бўлмаган ҳудудда марказлашган бўлишини, иккинчидан эса ана шу давлатнинг



ниҳоятда қаттиққўл бўлишини талаб этади. Марказлашган ва қаттиққўлликка асосланган давлат бутун водий бўйлаб суғориш иншоотлари тизимини (тўғон ва катта-кичик каналлар, ариқлар) яратади ва сув тақсимоти, сувдан фойдаланиш устидан қатъий назорат ўрнатади. Суғорма деҳқончиликнинг самарадорлиги оддий фуқароларнинг жойлардаги ҳокимиятга, жойлардаги ҳокимиятнинг эса олий ҳокимиятга сўзсиз бўйсунишини талаб қилади. Агарда ана шу шартлар заррача бўлса-да бузиладиган бўлса, яъни бир дарё бўйида икки давлат пайдо бўлса, марказий ҳокимият заифлашса ёҳуд фуқароларнинг амалдорларга, олий ҳокимият-подшога ишонч ва садоқатига путур етса, марказий ҳокимият сув таъминотини уддалай олмай қолади, сув хўжалигига путур етади, натижада эса мазкур жамият парокандалик ва инқирозга юз тутади.

Кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳар бир давр асосан қуйидаги босқичларни босиб ўтади:

1. Туғилиш – бу босқичда марказлашган давлат эндигина ташкил топган бўлиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш давлат ва жамият олдидаги асосий вазифа ҳисобланади.

2. Ўсиш – марказий ҳокимиятнинг кучайиши, янги ерларни ўзлаштириш, ирригация тармоқларини кенгайтириш даври ҳисобланади.

3. Турғунлик – бу даврга келиб, мазкур жамият ишлаб чиқариш кучлари билан ўзлаштириш мумкин бўлган ерлар амалда ўзлаштириб тугалланади. Ерлар оддий камбағаллар қўлидан бойлар қўлига ўта бошлайди. Жойларда йирик заминдор бойлар пайдо бўлади. Улар билан марказий ҳокимият ўртасида зиддият кучайиб боради. Мазкур босқич охирига келиб, марказий ҳокимият ҳолдан тояди, жойлардаги йирик бойлар ва маҳаллий ҳокимларнинг ўзбошимчалиги авж олади.

4. Инқироз – мамлакат амалда ҳар бири мустақил иш юритадиган майда давлатларга парчаланиб кетади. Улар ўртасида ўзаро урушлар авж олади. Тирикчилик воситаларидан маҳрум бўлган халқ орасида ғалаёнлар бошланиб кетади. Кўпчилик турли томонларга бош олиб кетади.

«Циклизм» назарияси намояндаларининг фикрича, мамлакатда ўзаро урушлар ва халқ ғалаёнларининг бошланиши инқирозни келтириб чиқаради. Бу фикрни бутунлай нотўғри деб бўлмайди, албатта. Негаки, ўзаро урушлар, халқ ғалаёнлари халқ хўжалигига жуда катта зарар етказиши ҳаммага маълум. Аммо Ғарб

мамлакатлари деярли бутун ўрта асрларни шиддатли халқ ғалаёнлари ва ўзаро урушлар билан кечирмаганми? Нима учун бу ўзаро урушлар ва халқ ғалаёнлари Ғарбда ҳақиқий маънода инқироз келтириб чиқармаган? Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ушбу тафовутнинг сабаби нимада?

Бизнинг фикримизча, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ушбу тавофутнинг сабаби уларга хос бўлган ишлаб чиқариш усулидадир. Ғарбга хос бўлган сернам ва мўътадил иқлим деҳқончиликни лалмикор усулда олиб боришга имкон яратади. Ишлаб чиқаришнинг бу усули ҳар бир феодал хўжалигининг мустақиллигини таъминловчи омилдир. Ғарбда Шарққа нисбатан тез-тез урушлар бўлиб турарди албатта. Аммо Ғарбда урушдан кейин вайрон бўлган хўжаликни тиклашга узоғи билан бир неча йил керак бўлар эди. Шаркда эса инқироз, парокандалик қоида тариқасида бир неча асрларгача давом этар эди. Шарқ ва Ғарб ўртасидаги ушбу тафовутнинг сабаби шундаки, Шаркда инқироз асосан сув хўжалигининг издан чиқиши туфайли юз беради. Марказий ҳокимият парчаланиб кетган бир шароитда бутун водий бўйлаб сув таъминотини амалга ошириш имконияти йўққа чиқади. Аввал майда хўжаликлар ундан кейин аста-секинлик билан йирик хўжаликлар ҳам сувсизлик натижасида ҳароб бўла бошлайди. Фақат айрим вилоятларгина сув билан табиий равишда мўл-кўл таъминланган бўлганлиги учун инқироз пайтида ҳам катта зарар кўрмайдилар ва мамлакатни янгидан бирлаштирувчи марказ вазифаси қоида тариқасида ана шу вилоят зиммасига тушади.

Инқирознинг тугаши, янгидан марказлашган давлат ташкил топишининг энг зарур шарти-йирик заминдор ва маҳаллий ҳокимларнинг иқтисодий-ҳарбий жиҳатдан заифлашувидир. Бутун мамлакат бўйлаб маҳаллий ҳокимларнинг заифлашуви, уларнинг ҳарбий қудратининг барҳам топиши, ўзларидан кучлироқ қўшнилар томонидан бўйсундирилиши учун анчагина узоқ вақт талаб этилади. Бизнинг фикримизча, худди шунинг учун ҳам Шарқ мамлакатларида юз берган инқироз қоида тариқасида бир неча асргача давом этиши мумкин.

Биз ҳозирча даврнинг юз бериш механизми билан энг умумий суръатда танишиб чиқдик. Аммо давр Шарқнинг барча мамлакатларида ҳам бир хил кўринишда юз беравермайди. «Давр»нинг юз бериш кўлами, шиддати ва кескинлиги, давомийлиги асосан мазкур мамлакатнинг географик шарт-



шароитларига (иқлим, дарёлар, рельеф ва ҳ. к.) боғлиқ бўлади. Даврнинг юз бериш механизмини янада чуқурроқ ўрганиш учун Шарқ мамлакатларини географик шарт-шароитига кўра икки гуруҳга бўлиш мақсадга мувофикдир:

1. Буюк, тарихий дарёлар бўйларида вужудга келган цивилизациялар (Нил, Дажла, Фрот, Ҳинд, Ганга, Янцзи, Хуанхэ).

2. Ўртача ва нисбатан камсувли, кичикроқ дарё водийларда вужудга келган цивилизациялар.

Буюк, тарихий дарёлар бўйида давр анчагина соф ва кескин ҳолда намоён бўлади, «давр»нинг босқичлари ва чегараларини аниқроқ белгилаш мумкин.

Ўртача ва нисбатан камсувли дарёлар бўйида (Ўрта Осиё, Эрон, Кичик Осиё ва ҳ. к) вужудга келган цивилизацияларда эса даврнинг босқичлари ва чегараларини аниқ белгилаш қийинроқ, чунки бу жамиятларда, биринчидан, суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган аҳамияти юқори бўлсада, аммо бу деҳқончилик ўзининг кўлами жиҳатидан буюк, тарихий дарёлар бўйида, катта водийларда олиб бориладиган деҳқончиликка нисбатан бир неча баробар камроқ бўлади, нисбатан катта водийларда аҳоли сони ҳам шунга яраша кўп бўлиши табиий. Бундай кўп сонли аҳолиси бўлган жамиятларда инқирознинг юз бериши унинг шиддатини кучайтириб юбориши аниқ (бу жиҳатдан Хитойни классик–мумтоз мамлакат дейиш мумкин). Иккинчидан, нисбатан камсувли дарёлар ҳамда нисбатан кичикроқ водийлар атрофи тоғ ва тоғолди қир-адирлари билан ўралган бўлганлиги учун водий ҳаёти ва иқтисодиётига ана шу жойларнинг таъсири катта бўлади. Бундай тоғ ва тоғолди қир-адирларида эса биринчидан сой, булоқ, жилға сувларидан фойдаланиб қилинадиган деҳқончилик ҳеч қачон инқирозга учрамайди, иккинчидан эса ана шу тоғ ва тоғолди қир–адирлари лалмикор деҳқончилик учун ҳамда чорвачилик учун яроқли ҳисобланади. Учинчидан, буюк тарихий дарёлар бўйида даврнинг сўнгги босқичида кўпинча табиий офат–сув тошқинлари бошланиб кетади, чунки даврнинг сўнгги босқичи–парокандалик, марказий ҳокимият заифлашган даврдир, марказий ҳокимиятнинг заифлашуви дарёларни жиловлаш, сув тошқинларига қарши кураш учун аҳолини ёппасига сафарбар қилишни йўққа чиқаради, натижада сув тошқинлари инқирозни яна ҳам кучайтириб юборади. Мана шу тафовутлар туфайли нисбатан камсувли дарёлар бўйида ташкил топган жамиятларда давр нисбатан «юмшоқ»роқ ўтади.

Совет даври тарих фани дарсликларида (В.И.Авдиев. Қадимги Шарқ тарихи. Ю.С.Крушколь Қадимги дунё тарихи) давр деярли тилга олинмайди. Шарқ мамлакатларида бир неча маротабалаб содир бўлган юксалиш – инқироз – яна юксалиш бу дарсликларда бирор бир қонуният билан изоҳланмайди, балки уларни жўзъий, тасодифий сабаблар билан изоҳлашга уринадилар. Аммо уларнинг изоҳларини синчиклаб ва маълум бир нуктаи назардан туриб ўрганиш бу ҳодиса муқаррар суръатда маълум бир қонуният асосида юз берганлигини англаб олишга имкон беради. Биз қуйида ана шу дарсликлардан Миср ва Ҳиндистонда юз берган инқироз ҳақидаги муаллифларнинг қарашларини кўриб чиқамиз: «Қадимги подшолик давридан кейин Мисрнинг тушкунлик даври бошланган. Айрим областларда мустаҳкамланиб бораётган маҳаллий қулдорлар аристократияси аста-секин кучайиб борган. Номархлар областни идора қилиш ишларининг ҳаммасини ўз қўлларига олиб, бутун маҳаллий молия, суд ишларини ўзлари идора қилганлар, коҳинларга бош бўлганлар, ном қўшинларига қўмондонлик қилганлар. Номархлар подшо ҳокимиятининг васийлигидан аста-секин чиқа бошлаганлар. Буларнинг ҳаммаси фираъвн ҳокимиятининг заифлашишига ва мамлакатни идора қилишдаги марказлашган системанинг йўқола боришига сабаб бўлган»[1].

Бу кўчирма Қадимги Подшоликнинг инқирозга юз тутишига бағишланган саҳифадан олинди (236-бет). Орадан маълум вақт ўтгач, Миср яна марказлашган давлатга айланди (Ўрта Подшолик) Бу давр ҳам маълум бир юксалиш жараёнини бошидан кечирганидан сўнг яна тушкунлик даври бошланади. Авдиевнинг китобида ўрта подшоликнинг охири гиксосларнинг бостириб кириши билан хотималанса-да, аммо бундан олдинроқ маҳаллий ном бошлиқларининг ер-мулклари кўпайганлиги, номархлар ва коҳинлар подшодан олган унвонларини ирсий меросга айлантириб олганликларини айтиб ўтади. Демак, ўрта подшоликнинг заифлашиши ҳам худди аввал бўлгани каби маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши туфайли юз берган деб айта оламиз. Марказий ҳокимиятнинг ана шундай заифлашуви гиксослар томонидан Мисрнинг истило қилинишига йўл очиб берганлиги шубҳасиз.

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи Т:. 1964. 236 бет.



Орадан маълум вақт ўтгандан сўнг Миср яна қайтадан бирлаштирилди ва Янги Подшолик юзага келади. Маълум юксалиш босқичидан кейин яна инқироз бошланади. Бу сафар Авдиев инқироз сабаби сифатида коҳинларнинг кучайишини кўрсатади. Аммо озроқ мулоҳаза қилиб кўрилса, марказий ҳокимият учун маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши қандай хавф тугдирса, коҳинларнинг кучайиши ҳам худди шундай хавф тугдириши аниқдир. Юқорида келтирилганлардан хулоса қилишимиз мумкин: Мисрда ҳар учала подшоликнинг емирилишига олиб келган умумий қонуният мавжуд: у ҳам бўлса маълум иқтисодий юксалиш охир-оқибатда маҳаллий ҳокимиятнинг кучайишига олиб келар экан. Маҳалий ҳокимиятнинг кучайиши эса ҳамиша марказий ҳокимиятнинг кучсизланишига олиб келади. Шундай қилиб биз Мисрда марказий ҳокимиятнинг парчаланиш жараёни билан танишиб чиқдик, шуни ишонч билан айта оламизки, марказий ҳокимиятнинг парчаланиши ҳар сафар ҳам аввало иқтисодиётнинг бир қадар юксалишидан кейин рўй берган.

Ана энди Мисрда юз берган ҳар бир тушкунликлардан сўнг, марказий ҳокимият яна қандай қилиб вужудга келганлиги билан танишиб чиқайлик. Қадимги Подшолик билан ўрта подшолик оралиғида юз берган тушкунликни Ю.С.Крушколь қуйидагича тасвирлайди: «Мисрнинг тамомила сиёсий тарқоқлик даври салкам икки асрга чўзилган. Муттасил назорат талаб қиладиган суғориш тармоқлари издан чиққан, каналарни ўт, лой босиб кетган, унумдор ерлар яна ботқоққа айланган»[1]. «Яна бирлашиш зарурлиги ҳар қадамда сезилиб турган. Қадимги Подшоликнинг маркази бўлган Мемфис инқирозга учраган ва унда ҳукмронлик қилаётган VIII-сулоланинг янгидан бирлашиш учун курашга бошчилик қилишга қурби етмаган. Аммо бошқа марказлар, юқори Мисрнинг шимолий қисмидаги Гераклиополь билан мамлакат жанубидаги Фива кучайиб кетган»[2].

Дарслик муаллифининг тасвиридан аниқ хулоса чиқариш мумкин, марказий ҳокимиятнинг парчаланиши сув хўжалигини издан чиқарган. (Биз Миср иқтисодида суғорма деҳқончилик асосий ўрин эгаллаганлигини унутмаслигимиз лозим). Демак, инқироз – парокандалик, сув хўжалигини издан чиқарган ва

[1] Крушколь Ю. С. Қадимги дунё тарихи Т:. 1974. 154 бет.
[2] Ўша асар 154 бет.

марказий ҳокимиятнинг асосий душмани бўлган маҳаллий хукмдорларнинг иқтисодий қудратига зарба берган ва мамлакатни янгидан бирлаштириш учун шароит яратган.

Аммо ана шу тушкунлик, инқироз шароитида ҳам айрим вилоятлар ўз иқтисодий қудратини сақлаб қолган. Ана шундай шаҳарлардан бири жанубда Фива, шимолда эса Гераклиополь бўлган. Хўш, қандай қилиб бу шаҳарлар парокандалик вақтида ўз қудратини сақлаб қолган ва Мисрни қайтадан бирлаштиришга бошчилик қилган? Хусусан Гераклиополнинг иқтисодий аҳамиятини сақлаб қолиш сабабларини Авдиев шундай изоҳлайди: «Гераклиополь дельта билан водий ўртасига жойлашган бўлиб, территорияси бутун Фаюм воҳасини ўз ичига олган. Гераклиополь анчагина катта пасттекисликдан иборат бўлиб, тупроғи унумли ва Нилдан ичадиган суви сероб бўлган. Фаюм воҳасида каттакон кўл бўлиб, катта тошқинлар вақтида унда жуда кўп сув тўпланиб қоладиган бўлган. Мана шу шароитлар туфайли бу ердаги аҳолининг бемалол деҳқончилик қилиши мумкин бўлган»[1].

Демак кўринадики, марказий ҳокимиятнинг парчаланиб кетган даврида давлатнинг асосий қисми, кўпчилик вилоятлари иқтисоди таназзулга учрайди. Айрим вилоятларгина (Гераклиополь) сув манбаларининг мўллиги туфайли парокандаликдан катта зарар кўрмайди ва келгусида мамлакатни янгидан бирлаштирувчи марказлардан бири бўлиб қолади. Ю.С.Крушколь асарида келтирилган бир жумлага эътиборингизни тортмоқчимиз: «Яна бирлашиш зарурлиги ҳар қадамда сезилиб турган» деган фикрни айтади у. Бирлашиш заруруратини ҳис қилиш одамларнинг субъектив хоҳиш-истагини англатади. Аммо тарихий жараён учун одамларнинг субъектив хоҳиш-истаги эмас, балки объектив шарт-шароит муҳимроқ ўрин тутади. Мисрни яна қайтадан бирлаштириш учун имконият берган объектив шарт-шароит шуки, парокандалик вақтида сув хўжалигининг издан чиқиши маҳаллий ҳокимларни иқтисодий жиҳатдан заифлаштиради. Қадимги Подшоликдан ўрта подшоликка ўтиш даври Миср тарихида бер неча маротаба юз берган юксалиш-инқироз ва яна юксалиш жараёнлари ичида энг мумтоз, намуна бўлиб хизмат қилиши билан диққатга сазовордир. Бу жараён иқтисодида суғорма деҳқончилик етакчи бўлган мамлакатларда юксалиш–инқироз ва яна юксалиш цикли қандай юз

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи Т:. 1964. 241-242 бет.



беришини соф ҳолда, четки таъсирларсиз кўрсатиб беради. Ўрта Подшоликдан Янги Подшоликка ўтиш даврида Миср гиксослар хукмронлигини бошдан кечирганлиги учун Мисрни қайтадан бирлаштириш миллий озодлик кураши байроғи остида олиб борилган. Шунинг учун ҳам бу қайта бирлаштиришда соф иқтисодий омиллар қандай ўрин тутганлиги тарихчилар эътиборидан четда қолиб кетган.

Қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларида юз берган юксалиш-инқироз ва яна юксалиш жараёнлари ҳам худди ана шу иқтисодий омиллар асосида юз берганлигига шубҳа йўқ. Фақат шуниси борки, бу мамлакатларда юз берган бундай жараёнлар Мисрнинг Қадимги Подшолик давридан ўрта подшолик даврига ўтиш жараёни каби соф ҳолда юз бермаган. Бунда турли омиллар (масалан, табиий офатлар, ўта кучли сув тошқинлари, кўчманчиларнинг ҳужумлари, сулолалар ўртасидаги кураш ва ҳ.к.) ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Бу омиллар эса тарихий ҳодисанинг юз бериш жараёнини хиралаштиради ва ана шу жараённинг юз беришида соф иқтисодий омилларнинг тутган ўрнини аниқлашни қийинлаштиради. Масалан, илк ҳинд маданиятининг тушкунликка учраши қандай қилиб юз берганлиги тўғрисида олимлар ўртасида якдиллик йўқ[1].

Авдиев фикрича, илк ҳинд маданиятининг тушкунликка учраши орийлар истилоси билан боғлиқдир. Аммо Авдиевнинг қўлида ушбу фикрни тасдиқлайдиган аниқ маълумот бўлмаса керакки, у буни тусмол, тахмин билан айтади. Ю.С.Крушколь бутунлай бошқача фикрда: «Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарида Илк Ҳинд давлати ва маданияти тушкунликка учраган. Бунда Ҳинд-Европа системасидаги тилларда гапирадиган этник гуруҳларнинг бостириб кириши ҳал қилувчи роль ўйнаган деган тахмин бор. Тил ва маданиятнинг ўзгарганлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса-да, янги халқларнинг (эҳтимол шимоли–шарқ томонидан) кўчиб келганлиги тўғрисида ҳозирча қўлимизда ҳеч қандай маълумот йўқ. Халқларнинг бу кўчиб келиши доимий ва секинлик билан юз берган бўлиши керак»[2].

Бу кўчиб келиш тўғрисида манбаларда аниқ нарса йўқ. Шунинг учун ҳам баъзи тарихчилар (XIX асрда И. А. Минаев, ҳозирги

[1] Крушколь Ю. С. Қадимги дунё тарихи Т:. 1974. 256 бет.
[2] Крушколь Ю. С. Қадимги дунё тарихи Т:. 1974. 256 бет.

вақтда А.А.Бенидэктов ва бошқалар) орийларнинг кўчиб келиши тўғрисидаги тахминларни афсона дейдилар. Илк Ҳинд маданияти табиий шароит ўзгариб кетганлиги туфайли ҳароб бўлган деган назария бор. Аммо ёзувнинг ва юксак даражада равнақ топган санъатнинг йўқ бўлиб кетишини иқлим ўзгариши билан изоҳлаш амримаҳолдир.[1] Демак Авдиевнинг фикрича, Илк Ҳинд маданияти орийлар истилоси натижасида тушкунликка учраган, аниқроғи, йўқ қилинган. Ю.С.Крушколнинг талқини бошқачароқдир: у орийлар босқини ҳеч қандай манбалар билан исботланмаганлигини таъкидлайди, шунингдек бу маданиятнинг инқирози иқлимнинг ўзгариши ёки дарё ўзанининг ўзгариб кетиши туфайли содир бўлганлиги ҳақидаги назариялар ҳам тўла-тўкис ўз исботини топа олмаган.

Фан оламида ҳали ўз ечимини топа олмаган бу муаммони, ечиш бизнинг фикримизча, аслида унча қийин эмас. Илк Ҳинд маданияти шимоли-ғарбий Ҳиндистонда, Ҳинд дарёси бўйида вужудга келганлигини, бу жамият иқтисодида суғорма деҳқончилик асосий ўрин тутганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, масаланинг бирмунча ойдинлашган манзарасини тасаввур қилишимиз мумкин. Биз Мисрдаги Қадимги, Ўрта ва Янги Подшоликларнинг қандай қилиб инқирозга, парокандаликка юз тутганлиги билан танишиб чиққан эдик. Ушбу мисоллар иқтисодида суғорма деҳқончилик етакчи бўлган жамият ҳеч қандай ташқи омилларсиз ҳам инқирозга учраши мутлақо қонуний бир ҳол эканлигини кўрсатади. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, суғорма деҳқончилик шароитида жамиятда маълум иқтисодий юксалиш қоида тариқасида ўз ортидан инқироз-парокандаликни етаклаб келади. Шарқ мамлакатларида юз берган юксалиш-инқироз ва яна юксалиш циклларини ўрганиш бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Бу фикр биринчи қарашда нақадар ғайритабиий бўлиб туйилмасин, аслида бунда маълум мантиқ бор. Суғорма деҳқончилик шароитида иқтисоднинг юксалиши биринчидан, жамиятда тенгсизликнинг кучайишига – демакки, синфий курашнинг шиддатлашувига, қўзғолон ва ғалаёнларнинг авж олишига олиб келади. Аммо синфий курашнинг кучайиши ҳали парокандаликнинг асосий сабаби бўла олмайди. Чунки Ғарб давлатларида шиддатли синфий кураш ва ўзаро урушлар жамият

[1] Авдиев В. И. Қадимги Шарқ тарихи Т:. 1964. 672 бет



тараққиётида ҳақиқий маънода инқироз келтириб чиқармаганлиги бизга маълум. Суғорма деҳқончилик шароитида инқироз-парокандаликка олиб келувчи ҳақиқий омил йирик ер мулкдорлари, маҳаллий зодагонлар, маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши эди. Чунки маҳаллий ҳукмдорларнинг кучайиши марказдан қочувчи кучларнинг кучайишига ва марказий ҳокимиятнинг парчаланишига олиб келади. Агарда масалага ана шу нуқтаи назардан туриб қараладиган бўлса, Илк Ҳинд маданияти чет таъсирларисиз, иқтисоди суғорма деҳқончиликка асосланган жамият тараққиётининг ўзига хос хусусиятлари туфайли инқирозга учраган деб айтиш мумкин.

В. И. Авдиев ҳамда Ю. С. Крушколь каби муаллифлар Хитой, Ўрта Осиё, Эрон, Кичик Осиё каби минтақаларда «давр» юз берганлигини деярли тилга олмайдилар. Аммо совет тарихчиларидан айримлари Хитойда юз берган «давр» ҳақида маълум тадқиқодлар олиб борганлар. Масалан, М.И.Сладковский «Хитойда тарихий жараёнларнинг ўзиға хос хусусиятлари» номли мақоласида Хитойда «давр»нинг юз бериш сабабларини шундай изоҳлайди: «Айрим даврлар иқтисодиётини анализ қилиш шуни кўрсатадики, Хитойда ижтимоий меҳнат унумдорлигининг ўсиши ўзига хос шароитларда, айниқса Европа давлатларидан фарқ қилувчи шароитларда амалга ошади ва аҳоли сонининг ўсиши билан давлат суғориш тармоқлари аҳволига боғлиқ бўлади. Қоида тариқасида халқ хўжалигининг юксалишидан олдинги йилларда аҳоли сони ва экин майдонларининг кескин кисқариши юз беради. VIII асрнинг 50-йиллари Тань династиясининг ўрталарига келиб қишлоқ аҳолисининг сони 8-9 миллион оилага (45-50 миллион киши) етгани ҳолда ишлаб чиқариш техникасининг жуда паст ривожланганлиги товар ишлаб чиқаришнинг камайишига, деҳқонларнинг камбағаллашувига ҳамда бунинг натижасида эса янги ларзаларга сабаб бўлди»[1]. Худди шунга яқин нуқтаи назарни «циклизм» назаряси номояндалари ҳам илгари сурадилар[2].

Демак, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, «давр»нинг сўнгги босқичига келиб асосий халқ оммасининг қашшоқлашуви, ғалаёнлар юз бериши туфайли инқироз юз беради. Аммо юқорида

[1] Сладковский М. И. Некоторые особенности историчиского процесса Китая. В книге «Проблемы истории и теории мировой кўльтуры» Сборник статьей памяти академика Н. И. Конрада. Москва-1974 стр. 71-72.
[2] Қаранг: Кўльпин Э. Г. Циклы как основы мироздания. Ставрополь. 2001 стр. 65-66.

таъкидланганидек, ўзаро урушлар ва ғалаёнлар Ғарбда чин маънода инқирозни келтириб чиқармаган. Шарқда инқирознинг юз беришига асосий сабаб иқтисодиётнинг сунъий суғоришга асосланганлигидир. Бизнинг фикримизча, маҳаллий зодагонлар, ва ҳокимларнинг кучайиши, халқ асосий оммасининг қашшоқлашуви марказий ҳокимиятни заифлаштириб қўяди. Марказий ҳокимиятнинг заифлашуви сув хўжалигини издан чиқаради, бу эса иқтисодиётни тушкун аҳволга солиб қўяди. Демак, инқирознинг асосий сабаби бизнинг фикримизча, сув хўжалигининг издан чиқишидир.

Шарқнинг иккинчи қисми, яъни нисбатан кам сувли дарёлар ҳамда кичикроқ водийларда ана шу «давр»нинг юз беришида қандай ўзига хосликлар мавжуд? Афсуски, биз ҳозирча ушбу масалага бағишланган тадқиқотларни учратганимизча йўқ. Мазкур минтақаларда, хусусан Ўрта Осиёда «давр»нинг содир бўлишини кўрсатувчи белгилар борми? Юқорида айтиб ўтилганидек, мазкур минтақаларда «давр»нинг ўзига хос жиҳатлари шуки, у яъни «давр» анча юмшокроқ шаклда рўй беради, «давр»нинг босқичлари ҳамда чегараларини аниқ белгилаш имкони йўқ. Аммо шундай бўлсада, мазкур минтақа (Ўрта Осиё) тарихига биз илгари сураётган нуқтаи назардан қаралганда ҳар ҳолда бу ерда ҳам «давр»лар юз берганлигини кўриш мумкин.

Масалан, бугунги кунда темурийлар даври маданиятининг инқирозга юз тутиш сабаблари ҳақида тадқиқотчилар ўртасида баҳс-мунозаралар бормоқда. Агарда темурийлар даври маданиятининг инқирозга юз тутишини биз илгари сураётган нуқтаи назардан туриб текширилса, воқеа-ҳодисалар «давр»нинг юз бериш конунияти асосида кечишини кўриш мумкин. Амир Темур тахтга ўтиргандан бошлаб (1370 йил) орадан ўтган 80-130 йилни Ўрта Осиё ва Хуросонда «давр»нинг туғилиш ва юксалиш босқичлари деб ҳисоблашимиз мумкин. Улуғбек вафотидан кейин ўтган 50-60 йилни (1500 йилларгача) марказий ҳокимиятнинг аста-секинлик билан таназзулга юз тутиш даври деб ҳисоблаш мумкин. Ана шу жараён, яъни марказлашган давлатнинг заифлашувида иқтисодий омиллар (йирик ер эгалигининг кучайиши) қандай роль ўйнаганлигини кўрсатувчи тадқиқотлар қўлимизда йўқ. Аммо назарий жиҳатдан қарайдиган бўлсак, бу жараён худди Миср, Хитой жамиятларида юз бергани каби, яъни йирик заминдорларнинг пайдо бўлиши, маҳаллий ҳокимиятнинг



кучайиши туфайли юз берган деб айтиш мумкин. Чунки Амир Темур ҳамда Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда марказий ҳокимият кучайган, демак, иқтисодиётнинг ўсиши учун қулай шароит яратилган давр эди. Иқтисодиётнинг ана шундай ўсиши эса юқорида кўриб ўтганимиздек, марказий ҳокимиятни заифлаштиради ва охир-оқибатда сув хўжалигининг издан чиқиши инқирозни келтириб чиқаради.

Ўрта Осиё, хусусан Мовароуннаҳр XVII-XVIII асрларда ана шундай инқироз даврини бошидан кечирган. Маҳаллий ҳоким-амирларнинг ҳокимияти кучайиши эвазига марказий ҳокимият ниҳоятда заифлашди, бунинг натижасида эса суғориш тизими издан чиқа бошлади. «Самарқанд тарихи» асарида ана шу давр ҳақида қуйидагилар билдирилади: «Мағлубиятга учраган Ражабхон ўз ҳукмронлигини тан олишни ва биргаликда Абулфайзга қарши курашишни сўраб, кўпчилик амирларга мурожаат қилди. Айни вақтда у дам хайр-эҳсонлар ваъда қилди, дам ўч олиш билан қўрқитди. Аммо Абдураҳмон Толийнинг фикрича, «улар бунга ҳеч парво қилишмади». Ана шунда Ражабхон қозоқ феодалларидан мадад сўради, улар босиб оладиган вилоятлардан кўп ўлжа ваъда қилди. Бундан фойдаланган қозоқ феодаллари Самарқанд вилоятини таладилар ва хонавайрон қилдилар.

Ана шу даврда чигирткаларнинг ёпирилиши ва *Дарғом тўғонини сув ювиб кетиши* самарқанд ва унинг атрофидаги жойларнинг аҳволини янада оғирлаштирди. Самарқанднинг оғир аҳволда қолганлигини Муҳаммад Ёқуб Бухорий «Гулшан ал-мулк» китобида шундай баён қилади: «Мовароуннаҳрда очлик пайдо бўлди. Ҳамма жойда кишилар бошпаналарини ташлаб боши оққан томонга тарқаб кетишди. Самарқанд шаҳри бамисоли саҳрога ўхшаб қолди»[1]. Шу китобда яна қуйидагиларни ўқиймиз: «. . . бу тўғон (Дарғом тўғони М. А) баҳорги ва ёзги сув тошқинлари вақтида тез-тез бузилиб турарди. Зарафшон тошқинлари бу тўғонни бутунлай ювиб кетган вақтлар ҳам бўлган. Баъзан тошқин Дарғом тўғонини бир йилда бир неча марта бузиб кетар ва ҳар сафар уни тузатишар ёки янгидан тиклашарди. *Ана шундай даврларда экинлар ойлаб суғорилмай қоларди*»[2]

[1] Самарқанд тарихи Т:. 1971 266 бет.
[2] Ўша асар 289-290 бет.

Юқорида келтирилган кўчирмалар Шаркда, иқтисоди суғорма деҳқончиликка асосланлаган жамиятда инқирознинг юз бериш механизмини аниқ кўрсатиб турибди. Маҳаллий ҳокимларнинг кучайиши туфайли марказий ҳокимият заифлашади, натижада марказий ҳокимиятнинг суғориш тизими устидан назорати ҳам заифлашади, «*экинлар ойлаб суғорилмай қолади*», натижада вилоятлар ва шаҳарлар «*бамисоли саҳрога ўхшаб қолади*». Юқорида келтирилганларга суяниб айтиш мумкинки, темурийлар даври маданиятининг инқирозга юз тутиши ҳам худди бошқа Шарқ мамлакатларида бўлгани каби иқтисоди суғорма деҳқончиликка асосланган жамият тараққиётининг объектив қонуниятлари асосида юз берган.

«Даврийлик» назарияси намояндаларидан кўпчилиги «давр»ни бир-бирини айнан такрорлаб келувчи табиат ҳодисаси -»цикл» (кун билан туннинг, фаслларнинг алмашинуви каби) сифатида тушунтирадилар. Аммо бизнинг фикримизча «давр»ни табиатда юз берадиган «цикл» билан бирдек деб қараш мутлақо хатодир. Тўғри, «давр»лар юзаки қаралганда ўзаро ўхшаш, бири иккинчисини айнан такрорлаётгандек кўринади. Аммо бир нарса борки, у ҳеч қачон бир жойда қолиб кетмайди: бу ишлаб чиқариш кучларининг ўсишидир. Худди шунинг учун ҳам «давр»лар ҳеч қачон бири иккинчисини тўла такрорлай олмайди. Демак, Шарқ тараққиёт йўли ҳам ўзига хос бир шаклда «оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб» ривожланиб боради. Таниқли тарихчи олим, академик Н.И.Конрад ҳам «давр»нинг прогрессивлиги унинг механиқ тарзда такрорланмасдан, балки тараққиётнинг ўзгарувчан жараёни эканлигидадир»[1] деган эди.

Тўғри, суғорма деҳқончилик тараққиётни шундай бир кўринишга олиб келадики, ҳар бир юксалиш ортидан муқаррар суратда инқироз бошланади, кейинги юксалиш яна худди ўтган сафаргидек инқироз билан тугайди ва юзаки қараганда чексиз давом этаверадигандек. Аммо ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши бир кунмас бир кун етарли даражага кўтарилади ва ишлаб чиқаришнинг шундай соҳаларини вужудга келтирадики, (саноат, фан-техника ва ҳ. к) ана шунда қишлоқ хўжалиги ўзининг иқтисодда тутган етакчилик ўрнидан маҳрум бўлади. Бу эса ўз

[1] Сладковский М. И. Некоторые особенности исторического процесса Китая. В книге «Проблемы истории и теории мировой культуры» Сборник статей памяти академика Н. И. Конрада. Москва-1974 стр. 69.



навбатида жамиятни юксалиш ортидан келадиган инқироз хавфидан қутқаради. Модомики, «давр» суғорма деҳқончиликнинг иқтисодда тутган устун аҳамиятидан келиб чиқар экан, шундай савол ҳам ўринлидир: бугун Шарқ мамлакатларида, айниқса иқтисодида суғорма деҳқончилик устун бўлган мамлакатларда «давр» қандай кечяпти? Бугун Шарқ мамлакатларидан қай бирларига инқироз хавф солмоқда?.

Албатта бундай савол айримлар учун ўринсиз туюлиши ҳам мумкиндир. Чунки ҳозир XXI аср, дунёдаги ўзгаришлар жадаллашиб бормоқда, фан-техника, ахборот ривожланиши юқори суръатларга кўтарилган бир даврдир. Бир нарсани аниқ айтиш мумкин: иқтисодида саноат етакчи ўринга кўтарилаган мамлакатлар учун «давр» ҳеч қандай хавф сололмайди. Аммо қишлоқ хўжалиги устун бўлган мамлакатлар ҳақида хулоса чиқариш учун қўлимизда етарли далиллар йўқ. Фақатгина кенг қамровли ва чуқур тадқиқотларгина бу масалага ойдинлик кирита олади.

Шундай қилиб, биз Шарқ ва Ғарб мисолида тараққиётнинг икки йўлини кўриб чиқдик. Ғарб тараққиёт йўли тўғри чизиқли тараққиёт назариясига энг кўп даражада мос келади ҳамда бу тараққиёт йўлининг асоси лалмикор деҳқончиликдир. Шарқ тараққиёт йўли эса бири ортидан иккинчиси келувчи «давр»лар кўринишига эгадир. Бу тараққиёт йўли суғорма деҳқончиликнинг ўзига хос талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Биз ана шу икки тараққиёт йўлини умумлаштирган ҳолда тараққиёт ҳақидаги ўз фикримизни ифодалашга уриниб кўрамиз:

*Тараққиёт доимо оддийдан мураккабга, қуйидан юқорига қараб ривожланиб боради. Бу ривожланишнинг асоси ишлаб чиқариш кучларининг ўсишидир. Географик шарт-шароит (иқлим, дарёлар, тупроқ, рельеф ва ҳ. к) эса ишлаб чиқаришнинг ўзига хос усулини яратиш орқали тараққиётнинг ўзига хос йўлини вужудга келтиради.*

# ХУЛОСА

Миллий менталитетимизни ўзига хос хусусиятларини демократик ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида инобатга олиниш даражаси жамият тараққиётининг муҳим шарти бўлган ижтимоий тартибни барқарорлигини белгилаб берадиган муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий тартиб барқарорлигини таъминлаш дунёнинг бошқа ривожланган мамлакатлари сингари Ўзбекистон учун ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Дунёнинг бирор бир мамлакати, жумладан, Ўзбекистон ҳам ижтимоий тартибни барқарорлигига тўлиқ эриша олгани йўқ. Мамлакатимизда ижтимоий тартиб барқарорлиги «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида амалга оширилмоқда. Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатлари ижтимоий тартибни барқарорлигини таъминлаш борасида анча илгарилаб кетди. Шунинг учун мамлакатимизда қонунга риоя қилишни таъминлаш механизмини такомиллаштиришда ва ижтимоий тартибни барқарорлигини таъминлашда Ғарб мамлакатларини тарихий тажрибасини ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш орқали амалиётда қўллаш талаб қилинмоқда. Ушбу хусусда гапириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов «Қонун лойиҳаларини хорижий ҳуқуқий амалиёт билан ҳар томонлама чуқур қиёсий таҳлил қилиш асосида уларни муҳокама этиш, тайёрлаш ишларини сифат жиҳатидан янада юқори бочқичга кўтариш даркор. Тан олишимиз керак, биз бу масалага ҳам етарлича эътибор бермаяпмиз», деб таъкидлайди.[1]

Инсон зотининг азалий орзуси бўлган бахтли ҳаётга эришиш ва бугунги кунда халқимизга ваъда қилинаётган бош мақсадимиз бўлган одамлар бахтли яшайдиган озод ва обод жамият қуриш фуқароларнинг ҳаётга онгли муносабатда бўлишларига боғлиқ. Ҳаётга онгли муносабатда бўлиш эса замонамиз моҳияти нима эканлигини ва глобал миқёсда қандай жараёнлар устуворлик қилаётганлигини билиш ва шунга монанд ҳаракат қилишни англатади. Замонамиз моҳияти кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишдан иборат. Глобал миқёсда демократик тамойилларнинг устуворлиги ўрнатилмоқда ва ҳозирги кунда ер

[1] Каримов И. А. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи. 2015 йил 24 январ



юзидаги бирор бир давлат ўз тараққиётини демократиясиз тасаввур эта олмайди. Ана шу ҳар иккала саволни жавобини билиш ва шунга монанд ҳаракат қилиш ҳаётга онгли муносабатда бўлишни англатар экан, демак ҳар бир фуқаро фуқаролик жамиятини кучли қилиш ва демократлаштириш жараёнини янада такомиллаштиришда иштирок этиши лозим. Бу икки тушунча бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тақозо этади, яъни фуқаролик жамияти бўлиши учун демократия, демократия бўлиши учун эса фуқаролик жамияти бўлиши лозим. Чунки демократия бўлиши учун, демократия шароитида яшашга қодир бўлган сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ва фуқаролик позицияси шаклланган одамлар бўлиши керак. Фуқаролик жамияти бўлиши учун эса фуқароларга сиёсий ҳаётда эркин иштирок этишларини таъминлайдиган демократик сиёсий тартибот ўрнатилган бўлиши керак.

Фуқаролик жамиятини мазмун-моҳиятини тушуниш учун демократияни тушуниш лозим. Бугунги кунда глобал миқёсда демократик тамойилларни устуворлиги ўрнатилмоқда, чунки демократия инсоният жамияти трақкиётининг энг мақбул йўли сифатида тан олинмоқда. Машҳур сиёсатчилардан бири демократия хусусида гапириб: Аристотель демократияни бошқарувнинг ёмон шакли деб айтган бўлса ҳам ҳозирча инсоният ундан афзалроғини ўйлаб топа олган йўқ деган эди. Шунинг учун дунё ва худди шундай Ўзбекистон мамлакати ҳам демократик тараққиёт йўлини танлади. Демократик сиёсий тартиботни афзаллигини билиш учун уни бошқа тартиботлар билан таққослаш лозим. Маълумки, уч хил сиёсий тартибот мавжуд, яъни тоталитар, авторитар ва демократик тартибот. Хўш, нима учун демократик тартибот энг яхши тартибот сифатида тан олинган? Буни билиш учун иккита саволни, яъни биринчи савол **инсон ўзи нимани хоҳлайди** ва иккинчи савол **давлат жамиятга нимани ваъда қилиб келмоқда,** деган саволларни жавобини бериш лозим бўлади. Биламизки, инсон унда ижтимоий онг шаклланганидан бошлаб бахтли яшайдиган фаровон жамиятни орзу қилиб келмоқда. Давлат эса доимо халққа ана шундай бахтли яшайдиган фаровон жамиятни қурушни ваъда қилиб келмоқда. Масалан, собиқ тоталитар шўролар замонасида давлат халққа коммунизм номи билан аталадиган фаровон жамият қурушни ваъда қилган. Бугунги кунда барча мамлакатларда ва жумладан, Ўзбекистон мамлакатида давлат халққа кучли давлатдан, кучли фуқаролик жамиятига ўтиш орқали одамлар бахтли

яшайдиган озод ва обод фаровон жамиятни қуришни ваъда қилмоқда. Демак, инсоният бахтли яшайдиган фаровон жамиятни орзу қилиб келаётган экан ва бундай жамият қуришнинг энг мақбул йўли демократик сиёсий тартибот экан. Хўш, нима учун демократик тартибот энг мақбул йўл деган саволни жавобини бериш учун ўзи бахтли яшаш нима эканлигидан келиб чиқиб фикрлаш лозим. Биз бахтли яшаш деганда одамни моддий ва маънавий эҳтиёжларини тўлиқ қондирилганлик ҳолатини тушунишга одатланганмиз. Ваҳоланки, инсоннинг бахтлилигини унданда муҳимроқ шарти бор ва уни таъминланиши фақат демократия шароитида таъминланиши мумкин. Инсоннинг бахтлилигини энг муҳим шарти нафақат уни моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирилган ҳолати, балки унда **қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссининг мавжудлигидир.** Буни тушуниш учун физиолог олимларни уй ҳайвони – қўйлар билан ўтказган тажрибаларини эслаш лозим. Иккита хонада иккита қўй боқилади ва уларга бир вақтда сув ва овқат берилади, фақат хоналардан бирида қафасга бўри солиб қўйилади. Хуллас ана шу бўри бўлган хонадаги қўй қанчалик сув ичиб, овқат емасин борган сари озиб боради ва охир, оқибатда ўлади, иккинчи хонадаги қўй эса аксинча, семириб боради. Хулоса шуки қўрқув тирик организмга ҳалокатли салбий таъсир кўрсатади ва шунинг учун ҳам инсоннинг бахтлилигини энг муҳим шарти бу қўрқувсиз эркин яшаш ҳиссининг мавжудлигидир деб айтиш мумкин. Хўш, инсон қачон қўрқмасдан эркин яшаши мумкин? Инсон қўрқмасдан эркин яшаши учун адолатли ижтимоий тартиб ўрнатилган бўлиши лозим. **Бундай ижтимоий тартибни фақатгина демократик тартибот орқали таъминлаш мумкинлигини тарих яққол кўрсатиб бермоқда**.

Тоталитар ва авторитар сиёсий тартиботда давлат кучли ва жамият эса нисбатан кучсиз бўлади. Бундай ҳолатда, яъни давлат кучли бўлган ҳолатда адолатли ижтимоий тартибни ўрнатиш ҳал қилиб бўлмайдиган муаммо бўлиб қолади. Буни собиқ тоталитар тузум раҳбарлари ҳам англаб олишган эди ва 1979 йилда жамиятни кучли қилишга хизмат қиладиган «Халқ назорат тўғрисидаги, қонун қабул қилинган эди. Ушбу қонундан мақсад ижтимоий тартибни ўрнатишда давлат назорати билан жамият назоратини уйғунлаштириш эди. Лекин тоталитар тузум шароитида халқ назоратини ташкил қилиб бўлмас эди ва шунинг учун ўша қонун асосида ташкил қилинган Халқ назорати комитетлари уларга



юклатилган функцияни бажара олишмади. Бу комитетлар тезда юқоридан амалга ошириладиган назоратни шаклларидан бирига айланиб қолган эди. Халқ назоратини амалга оширишга қодир бўлган кучли жамият бўлмаганлиги учун ҳам ижтимоий тартибни ўрнатиш мумкин бўлмай қолди ва охир-оқибатда ўша тоталитар тузум барҳам топди. Бугунги кунда биз ижтимоий тартибни ўрнатиш учун юқоридан бўлган давлат назоратини кучайтиришга эмас, балки қуйидан амалга ошириладиган жамият назоратини кучайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Замонамиз моҳияти бўлган «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили айнан ана шу жамиятни кучли қилиш концепцияси бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан «Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари» тамойили асосида демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти шаклланиб бормоқда. Кучли давлатдан-кучли фуқаролик жамиятига ўтишда 2010 йил 12 ноябрда Парламентнинг қўшма мажлисида Ислом Каримов томонидан баён қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» муҳим қадам бўлди. Чунки мазкур концепция ўз мазмун-моҳиятига кўра жамиятни кучли қилиш концепцияси бўлиб ҳисобланади. Бугунги кунда концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар тизимли равишда амалга ошириб борилмоқда. Бунда дунёни ривожланган мамлакатлари тарихий тажрибасини миллий менталитетимизни инобатга олган ҳолда ижодий қўллаб келинмоқда. Ўтган қисқа тарихий давр тажрибаси Ўзбекистон танлаган тараққиёт йўли нақадар тўғри эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Танланган йўлдан оғишмай ҳаракат қилиш учун фуқаролик жамияти қурушнинг ўзига хослигини янада чуқурроқ англаб олиш керак бўлади. Бунинг учун Ғарб ва Шарқ тараққиёт йўлини ўзига хослигини келтириб чиқарган сабабларни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб ўрганиш ва фуқаролик жамияти қуруш жараёнида бу ўзига хосликлар инобатга олинишини таъминлаш муҳим долзарб муаммо бўлиб ҳисобланади.

Ғарб ва Шарқ траққиётининг ўзига хослиги моддий ишлаб чиқариш усулининг ўзига хослигидан келиб чиқади. Бу усулнинг ўзига хослиги эса деҳқончиликни қандай усулда амалга оширилиши билан, яъни сунъий ва табиий суғоришга асосланган

деҳқончилик билан фарқланади. Деҳқончиликни бундай фарқланишини сабаби эса табиий омиллар билан боғлиқ, яъни серсув бўлган Ғарб мамлакатларида табиий суғоришга ва сув тақчил бўлган Шарқ мамлакатларида сунъий суғоришга асосланилган. Ғарб ва Шарқнинг ана шу ўзига хослиги давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатида ҳам маълум бир ўзига хосликларни келтириб чиқаради. Бу ўзига хослик шундан иборатки, Ғарбда давлат ва жамият муносабатида кучлар нисбати тенгроқ бўлган, Шарқда эса давлат ва жамият муносабатида давлат кучли, жамият эса кучсизроқ бўлган. Бугунги кунда биз жамиятни кучли қилиш йўлидан бораётган эканмиз, бундай ўзига хосликни албатта эътибордан четда қолдирмаслигимиз лозим. Бизда бугунги кунда кучли давлат ва нисбатан кучсиз жамият мавжуд, чунки шўролар замонасида шаклланган тоталитар давлат жамият ҳаётини барча соҳаларини ўз таъсир остига олиб, жамиятни кучсизлигини келтириб чиқарган эди. Жамиятни кучсизлиги фақат шўролар замонаси билан эмас, балки юқорида таъкидлаганимиздек, Шарқ тараққиёт йўли билан белгилаб берилган эди.

Шарқ ва Ғарб тараққиёт йўлининг ўзига хослиги табиий омиллар билан боғлиқ экан ва бу табиий омиллар бугун ҳам ўз таъсирини сақлаб келмоқда экан, демак фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнида ҳам бу ўзига хослик ўзини албатта намоён этади. Бундай ўзига хосликни келтириб чиқарган сабаблар бартараф қилинмасдан жамиятни кучли қилиш масаласи ҳал бўлиши гумон. Фан фаолият турининг асосий принципларидан бўлган сабаб ва оқибат тушнчасига кўра, сабаб бор экан, оқибат мавжуд бўлиши ҳаммага аён бўлган ҳақиқатдир. Демак, **жамиятни кучли қилиш учун уни кучсизлигини келтириб чиқарган сабабни бартараф қилиш лозим**. Сабаб эса табиий омил билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш усулининг ўзига хослиги, яъни табиий ва сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликдир. Мамлакат иқтисодида сунъий суғорма деҳқончилик улуши қанчалик кучли бўлса, ўша мамлакатда жамият шунчалик кучсиз бўлган. Бугунги кунда мамлакатимизда жамиятни кучли қилишимиз қишлоқ хўжалигини модернизациялашни ва иқтисодиётимизда сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликни улушини қисқартириб боришни талаб қилади. Бунинг учун фуқаролик жамияти институтлари қишлоқ хўжалигида сунъий суғориш деҳқончилиги ўрнига бошқа соҳаларни ривожлантириш



чораларини кўришлари лозим. Масалан, тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати ЎзЛиДеП ва Экологик ҳаракат ҳамкорликда суғорма деҳқончилик берадиган даромадни туризм ҳисобидан қоплашга хизмат қиладиган дастур ишлаб чиқишлари лозим. Суғорма деҳқончиликдан фарқ қилиб, туризм соҳаси жамиятни кучсиз эмас, балки кучли қилишга хизмат қилади. Шу билан биргаликда экологик муаммо бўлган Орол муаммосини ҳал қилишга ҳам йўл очилади, чунки Орол муаммоси сунъий суғорма деҳқончилик билан бевосита боғлиқ бўлган муаммодир. Фуқаролик жамиятини кучли қилиш масаласи замонамиз моҳияти бўлганлиги ва экологик муаммо глобал характерда уларнинг нақадар долзарблигини яққол кўрсатиб турибди. Ушбу долзарб муаммони ҳал қилиш борасида нафақат сиёсий партия ва ижтимоий ҳаракатлар ўртасида, балки давлат ва жамият ўртасида ҳамкорлик ва шериклик ўрнатилиши талаб этилади.

Илмий нашр

А. Маманов

**Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар**

Самарқанд, "Zarafshon" нашриёти ДК, 2016. – 156 б.

Муҳаррир: Махмаризо Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ: Гулнора Холдорова.
Саҳифаловчи: Саматова Дилбар.

Нашриёт лицензияси AI №153, 14.08.2009
Теришга берилди: 29.12.2015й.
Босишга рухсат этилди: 12.01.2016й.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84 1/16.
«Таймс» гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т. 8.8. Шартли б.т. 9.75.
Адади: 100 нусха.
Буюртма. 45.
Баҳоси келишилган нархда.

"Zarafshon" нашриётида нашрга тайёрланди.
140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

Тел.: (+99876) 235-28-40
e-mail: zar-nashriyot @inbox.uz

"Zarafshon" нашриётида нашрга давлат корхонаси босмахонасида чоп этилган. 140100, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 12-уй.

ISBN 978-9943-4571-1-2